

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**Б. Алиев, А. Мухтаров,
Т. Норов, А. Толибов**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШ СТРАТЕГИЯСИ**

Дарслик

Алиев Б.А., Мухтаров А., Норов Т.О., Толибов А.Н. Ўзбекистоннинг коррупцияга қарши кураш стратегияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2022. – 372 б.

Мазкур дарсликда замонавий технологиялар асосида дарс ўтишнинг услублари ва барча мавзулар бўйича намунавий сценарийлар баён қилинган. Мавзулар бўйича тарқатма материаллар, мавзу мазмуни ва ҳар бир мавзунинг шаклан хилма-хиллиги дарсликнинг тавсифли хусусиятидир.

Дарслик талабанинг мустақил, ижодий фикрлаши, кенг, чуқур сиёсий дунёқарашга эга бўлиши учун муаммолар қўйиш асосида ёзилган.

Aliyev B.A., Mukhtarov A., Norov T.O., Tolibov A.N. Anti-corruption strategy of Uzbekistan. Tutorial. – Т.: TSUE, 2021. – 372 pages.

This textbook describes current training methods and sample scenarios for all topics. Handouts on topics, content of topics and variety of forms of each topics are descriptive features of it.

The textbook is written on the basis of setting tasks so that the student has independent, creative thinking, a wide, deep political outlook.

Алиев Б., Мухтаров А., Норов Т., Толибов А. Антикоррупционная стратегия Узбекистана. Руководство. – Т.: ТГЭУ, 2022. – 372 с.

В этом учебнике описаны современные методы обучения и примеры сценариев по всем темам. Раздаточные материалы по темам, содержание тем а разнообразие форм каждой темы являются его описательными характеристиками.

Учебник написан на основе постановки задач таким образом, чтобы у ученика было самостоятельное, творческое мышление, широкий, глубокий политический кругозор.

Масъул муҳаррир – ю.ф.д., профессор Б. Тошев

Такризчилар:

Б.Б. Қодиров – юридик фанлари доктори

Д. Эрназаров – сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

КИРИШ

Коррупцияга қарши кураш дунё миқёсида илгари ҳам бугунги кунда ҳам энг долзарб масалаларидан бир бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам коррупция иллоти шу мамлакатга хос тарзда шаклланган, ўзига хос кўринишлари, коррупция энг кўп илдиз отган соҳалар, унга ўта мойил бўлган тармоқлар ва ижтимоий қатламлар борки, бу ҳол унга қарши курашга ўзига хос ёндашувни ҳам тақозо қилади. Шу долзарб муаммони ҳал қилиш йўлида ҳозирги даврда республикамизда коррупцияга қарши кураш доирасида “Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди, бу қонунни қабул қилиниши туфайли бир қатор қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, бир қатор дастурлар қабул қилинди ва улар бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

2017 йил 2 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорида Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссияси тузилиши, мазкур Комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқланиши, мазкур низомда Комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилганлиги мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш ишларини тизимли равишда олиб борилишига шарт-шароитлар яратади ва коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ижросини самарали таъминланишга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан коррупция иллоти йиллар давомида томир отганлиги тўғрисида ўзининг чиқиш ва маърузаларида коррупцияга қарши курашиш жамият ва давлат олдида турган долзарб масала эканлигини такрор-такрор қайд этиб келинмоқда.

Шу боис ҳам, давлатимиз раҳбари ўзининг сайловолди маърузаларидан бирида ушбу муаммога алоҳида эътибор қаратиб, “бугунги кундаги яна бир устувор вазифамиз – мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликни олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат” деб таъкидлаган эди.

Бу долзарб мавзунини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш, айниқса, мамлакатимизнинг келажакдаги истиқболини белгиловчи ёш авлод, талаба ёшлар ўртасида мавзуга оид билим ва тажрибаларини

ошириш мақсадида туркум илмий, илмий-услубий, услубий қўлланмалар яратиш вазифалари, зарурати туғилди. Шундай манбалардан бири мазкур дарслик ҳисобланади.

Мазкур дарслик 2 бобдан иборат бўлиб, қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

Биринчи боб “Коррупция тушунчаси, Ўзбекистонда порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш сиёсати. Исломда коррупция – маънавий-ахлоқий иллат сифатида” деб номланган.

Боб 3 та мавзудан иборат бўлиб:

1-мавзу – коррупция тушунчаси, моҳияти, вужудга келиши тарихи, турлари ва босқичлари;

2-мавзу – Ўзбекистонда коррупция ва унга қарши курашнинг сиёсий-ҳуқуқий стратегияси;

3-мавзу – Исломда коррупция – маънавий-ахлоқий иллат сифатида деб номланган. Ҳар бир мавзу ўқувчини зериктирмаслик учун кичик параграфларга бўлинган.

Дарсликнинг иккинчи боби: Коррупцияга қарши кураш бўйича жаҳон тажрибаси, халқаро қонунчилик ва коррупциянинг иқтисодиёт соҳаларидаги таҳлили деб номланган бўлиб, ушбу боб ҳам 3 та катта мавзуга бўлинган ва мавзулар ичида кичик мавзучалар қилиб берилган.

1-мавзу – Коррупциянинг жаҳоннинг турли мамлакатларидаги тарихи, хусусиятлари ва унга қарши кураш бўйича жаҳон тажрибаси;

2-мавзу – Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро қонунчилик;

3-мавзу – Коррупциянинг молия-иқтисодиёт ва бошқа тармоқларда илдиз отиши ва таҳлили деб номланди.

Дарсликнинг ҳар бир мавзусига тарихий жараёнлар, назарий жиҳатларини ёритиш асносида муаммонинг ечимида бевосита хизмат қиладиган ҳуқуқий асос – қонунлар, қонуности ҳужжатлар ва халқаро ҳуқуқ асосларининг ёрқин кўриниши сифатида БМТнинг “Коррупцияга қарши кураш конвенцияси”нинг асосий моддаларидан иборат мисоллар илова қилиб борилди. Бу ҳол ўқувчининг мавзуга қизиқишини оширади ва уни қизиқтирган саволларга аниқ жавоб олади деган умиддамиз.

I боб. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ. ИСЛОМДА КОРРУПЦИЯ – МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ ИЛЛАТ СИФАТИДА

1-мавзу. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

1.1. Коррупция нима?

Бу ҳақда ҳамманинг ўзига хос тасавури, тушунчаси бор, албатта. Қонунда унга шундай таъриф берилган: «**коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш».

Қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби масалалар аниқ белгилаб қўйилган.

Мазкур қонун билан яқиндан танишиш, унинг ҳар бир моддасини чуқур ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этишга интилиш, содда қилиб айтганда, коррупция балосининг нақадар мудҳиш иллат эканини тушуниш, мустақил идрок этиш, энг муҳими, унга қарши курашиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Дунёда коррупциянинг тури ҳам, тавсифи ҳам жуда кўп. Унинг келиб чиқиш сабабларини очиш, унга қарши курашишнинг самарали йўллари топиш бўйича олимлар, турли институтлар ва халқаро ташкилотлар томонидан юзлаб, минглаб тадқиқотлар ўтказилган. Турли кўрсаткич ва рақамлар акс этган жадваллар яратилган, ўзига хос рейтинглар тузилган. Ҳатто коррупциянинг хилма-хил формулалари ҳам ишлаб чиқилган. Бу борадаги ишлар ва изланишлар изчил давом этмоқда.

Ижтимоий-тарихий вазият, фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқараши, давлат тузилиши, иқтисодий ривожланиш омилларидан келиб чиқиб,

ҳар бир давлат коррупцияга қарши ўзига хос усулларда курашмоқда. Бу борада энг самарали йўл ҳали топилган эмас. Чунки коррупция бир қарашда оддий жиноят бўлиб кўрингани билан аслида унинг келиб чиқиши ва яшовчанлик сабаблари жуда чигал ва мураккабдир.

Бир давлатда натижа берган усул бошқа давлатда у қадар самара кўрсатмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳар бир давлат ва жамият коррупцияга қарши курашиш йўлини ўзи танлайди, аниқроғи, қандай йўл тўғри эканини ҳаёт кўрсатади. Қонунда коррупцияга қарши курашни кенг қамровда олиб бориш чоралари кўзда тутилгани, бу борада ҳар бир масалага алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

Коррупция сўзи «сотиш», «сотилиш» деган маъноларни ҳам англатар экан. Раҳбар ёки масъул киши қандай қилиб коррупцияга қўл уради? Бунга қандай омиллар сабаб бўлади? Бу саволларга жавоб ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин шуниси аниқки, сотадиган, сотиладиган одам ҳеч бир вазифани кўнгилдан бажармайди.

Коррупцияга алоқадор одам қонунни бузишидан ташқари, ўзининг кимлигини, эътиқоди, маънавияти қай даражада эканини ошкор қилади. Бундай одам нафақат молиявий зиён-захмат еткази, балки давлатни, демократияни беҳурмат қилиб, обрўсини тўқади, унга нон-туз бериб катта қилган, илму ҳунар, обрў ва мансаб берган эл-юртнинг юзига оёқ қўяди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналиши ва принципларини белгилашда бундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш масаласи қатъий ҳисобга олинган.

Коррупцияга аралашган, бу жирканч иллатга қўл урган одам учун улуғ нарсалар, мўътабар туйғуларнинг кадри йўқолади. Бундай киши ҳаётда ҳамма нарсани сотиб олиш ва сотиш мумкин, деб ўйлайди. Улар ҳеч кимга, имон-эътиқодга ишонмайди, айти пайтда бундай кимсаларга ҳаёт учун азиз саналадиган ҳеч нарсани ишониб бўлмайди. Чунки улар ота-онаси, қариндош-уруғлари, ёру биродарлари, маҳалла-қўйнинг юзини ерга қаратишдан, бошини эгишдан уялмайди.

Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил

этилиши белгиланган. Ушбу комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланиши қайд этилган. Бу меъёр коррупцияга қарши курашнинг доимий ва изчил тус олишида муҳим аҳамиятга эга. Конституциямизга мувофиқ Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир.

Яхши биламиз, қонун ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни, амалга ошириладиган чоратадбирларни белгилаб беради. **Агар қонун ҳаётда ишламаса, уни бир парча оддий қоғоздан фарқи қолмайди. Шундай экан, «коррупция ҳақида қонун қабул қилинди, энди ҳаммаси изига тушиб кетади», деб ўйлаш, хотиржамликка берилиш катта хато бўлади. Коррупция балосидан қутулиш, ислохотларни унинг чангалидан озод этиш ҳақида ҳаммамиз ўйлашимиз, бунинг заруратини ҳар биримиз юрагимиздан ўтказишимиз, унга қарши қатъий курашишимиз керак.**

Бу кураш кундалик ҳаётимиздаги оддий ҳолатлардан бошланади. Шифокордан яхшироқ маслаҳат олиш, навбатни тезлаштириш, рейтинг дафтарчасига тузукроқ баҳо қўйдириш ва шунга ўхшаш вазиятларда ўзимизни муносиб тутишимиз лозим бўлади.

Тўғри, ҳаётда турли ҳолатлар ва ҳаракатларга дуч келамиз. Баъзида кўз ўнгимизда қонунлар бузилади, инсон ҳуқуқи, кадр-қиммати поймол этилади. Бундай вазиятда чорасизликдан одамнинг боши гангиб қолади. Лекин унутмайлик, йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб белгиланиши, шу муносабат билан жорий этилаётган ўзгариш ва янгиланишлар фуқаролар чорасиз қолганида ёрдамга келади. Олис қишлоқлардаги мурожаатларнинг ҳам овози эшитилади.

Кишиларнинг табиатига ўхшаб раҳбару масъуллар ҳам ҳар хил бўлади. «Жамоада ҳамма қулайлик ўзим учун, бу ташкилот менга бир пайтлардаги хизматларим, фароғатда яшамоғим учун берилган, марҳамат, қолганлар аравасини ўзи амаллаб тортаверсин» қабалида тор ва эскича ўйлайдиган, «олди-берди»ни фаолиятининг бир қисми деб тушунадиган, демократик қонун-қоидаларни етарлича идрок эта олмайдиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Шунинг учун қонунда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга

нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш, хусусан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш чоралари кўзда тутилган.

Қонунда белгиланганидек, таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбияни кучайтириш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этади. **Тўғри ишлаб, тўғри яшаш саодатини болалиқдан, ёшлиқдан ўрганган киши мард ва ҳалол бўлади. Адолатсизлик, қонунга ҳурматсизлик, касбу амалга, ишончга хиёнат қилиб бўлмаслигини ўқиб-уққан, порахўрлик ва коррупцияга, суиистеъмолчиликка қарши ўзида иммунитет ҳосил қилган ёшлар келажакда журъатли, виждонли инсон бўлиб етишади.** Қонунга, тартиб-қоидаларга ҳурмат сақлаб, эл-юртга садоқат билан хизмат қилади. Ҳалол меҳнат билан топилмаган бойлик тотли бўлмаслигини, ҳеч кимга буюрмаслигини, яхшилик эмас, ёмонлик ва кулфат келтиришини тушунади.

Бир ёш кадр масъулиятли вазифага келса, амалга эга бўлса, бундан ота-она, қариндош-уруғ қанчалик қувонади?.. Бу табиий ва эзгу туйғу, албатта. Лекин баъзи нотўғри, зарарли иллатлар, билиб-билмай, тушуниб-тушунмай йўл қўйиб бериладиган одатлар ҳам борки, уларни асло эсдан чиқармаслигимиз керак. Гоҳида шундай бўладики, яқинлар, оға-иниларнинг «ўғлим ёки оғайни, мана, ишляяпсанку, опангни узатилаётган қизига дурустроқ совға бергин, амакингни етмай турган машина пулига ёрдам қилиб юборгин, қийналиб юрибди...» қабалидаги истак ва хоҳишлар ёш кадрларни бузади, бошини айлантриб қўяди. Яқинларига ҳурмат юзасидан бечора ўзини ўққа-чўққа уришга, ноқонуний иш қилишга, осон пул топишга ҳаракат қилади. Истаб-истамай, боши берк кўчага кириб қолади, коррупция тузоғига илинади.

Қариндош-уруғчилик, таниш-билишчиликдан давлат ва жамият манфаатларига зиён етмаслиги, қонунларга, инсоннинг кадр-қимматига раҳна солинмаслиги керак. Қандайдир манфаат ортидан боғланган ришта, дўстлик, ака-укачилик узоққа чўзилмайди, ҳеч кимга ҳурмат олиб бермайди. Бунга ҳаётдан кўплаб мисоллар топиш мумкин.

Коррупцияга қарши курашишда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда, фуқароларга тезкор ва холис ахборот етказишда оммавий ахборот воситаларига

эркинлик бериш, демократик ислохотлар жараёнида уларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Шунинг учун коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилиш масалалари қонунда алоҳида белгилаб қўйилган.

Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва дадил фаолиятсиз жамият ҳаётини демократлаштириш, кишиларни мустақил фикрлаб яшашга ундаш, ҳозирги кунда сув ва ҳаводек зарур бўлган жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш мумкин эмас. Бутун дунёда давлатнинг демократияни ҳурмат қилишига, халқнинг салоҳияти ва маданиятига матбуот эркинлиги, одиллигига қараб ҳам баҳо берилади. Албатта, бугун бу ҳақиқатни кўпчилигимиз яхши тушунамиз ва тан оламиз.

Шу ўринда коррупцияга қарши курашиш масаласининг яна бир томонига эътибор қаратсак. Нобоп, «муомала қилиш», «келишиш» га мойил раҳбар ёки бошқа бир масъул нафақат ташкилотга, жамиятга, ишчи-ходимларга зиён етказди, балки бундай инсон билан ташкилотнинг, жамоанинг, айниқса, ёш кадрларнинг вақти, умри беҳуда ўтади. Раҳбар ҳаммага ўртак бўлиб, ҳалол ишлаб, фидойилик кўрсатиш ўрнига, йиғилишларда бир гапни гапириб, ўзи бутунлай тескарисини қилса, ундан ёш кадрлар нимани ўрганади? Қандай ўртак олади?.. Коррупцияга қарши курашиш яна шуниси билан муҳимки, мазкур жараёнларда ишчи-ходимлар, ёшлар ҳалол ишлаши, ишонч ва ваколатга муносиб хизмат билан жавоб қайтариши зарур, деган тушунчага таяниб фаолият юритишни ўрганади. **Ҳар қандай вазиятда мард киши, барибир, ҳалол бўлади, деган эътиқодда собит туради.**

Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларига «ягона дарча» тамойили орқали хизмат кўрсатиляпти, ягона портал орқали давлат хизматлари электрон шаклда тақдим этилмоқда. Қонун ҳужжатларига, давлат ташкилотларининг иш фаолиятига очиқлик, ошкораликни таъминлаш нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиляпти ва бошқа кўплаб янгиликлар жорий қилинмоқда. Буларнинг барчаси коррупция балосини бартараф этишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фуқаролар бундай ёндашувни жон-дили билан қўллаб-қувватламоқда.

Дунё кун сайин, соат сайин ривожланыпти. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликнинг тезкор, янгидан-янги уфқлари очилди, миллий иқтисодиётлар ўзаро чамбарчас боғланган ҳолда юксалмоқда, тараққий этмоқда. Бугун ҳар қандай давлат бошқа давлатлар билан изчил ҳамкорлик қилмасдан, оқилона инвестиция ва ресурсларга таянмасдан, жаҳонга чиқмасдан, айти пайтда дунёга эшикларини кенг очмасдан, инсонлар бемалол ишлайдиган ишончли маконга айланмасдан юқори натижаларга эриша олмайди.

Эркин фаолият юритишга кенг йўл очиб берилган, инсон ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари қатъий ҳимоя қилинадиган мамлакатнинг остонасидан инсон аримайди, бундай давлат дунёнинг турли нуқталаридан ишбилармонлар талпинадиган юртга айланади.

Сўнги вақтларда жамиятимиз ҳаёти, мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларини янада жадал ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президент қарор ва фармонлари ана шу эзгу мақсадга қаратилганини англаш қийин эмас. Туризмни ривожлантириш, дунёнинг кўплаб давлатларидан юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар учун виза режимини бекор қилиш ёки суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ёхуд тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, турли бюрократик тўсиқ ва ғовларни йўқ қилиш ҳақидаги ҳамда бошқа бир қанча қарор ва фармонлар инсонларнинг йўлини очишга, Ўзбекистонимизнинг жозибасини оширишга хизмат қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун бу борадаги ислохотлар янада изчил тус олишига шароит яратмоқда, халқимизда катта умид уйғотмоқда.

Коррупция (лот. Соррумпередан «Коррупцияга қадар», лот. Сорруптио «порахўрлик, Коррупция; Коррупция, Коррупция; Коррупция») - бу атама одатда мансабдор шахс томонидан ўз зиммасига юклатилган куч ва ҳуқуқлардан фойдаланишни англатувчи, шунингдек, ушбу расмий ваколат мақоми билан боғлиқ бўлган, қонунлар ва ахлоқий тамойилларга зид бўлган шахсий манфаатлар учун имкониятлар, алоқалар. Коррупция манфур давлатларга хос бўлган амалдорларнинг порахўрлиги деб ҳам аталади. Европа тилларидаги тегишли атама одатда лотин сўзининг асл маъносидан келиб чиқадиган кенгроқ семантикага эга.

Коррупциянинг характерли белгиси мансабдор шахснинг ҳаракатлари билан унинг иш берувчиси манфаатлари ўртасидаги зиддият ёки сайланган мансабдор шахснинг ҳаракатлари билан жамият манфаатлари ўртасидаги зиддиятдир. Коррупциянинг кўп турлари мансабдор шахс томонидан содир этилган фирибгарликка ўхшайди ва давлат органларига қарши жиноятлар тоифасига киради.

Ўзига тегишли бўлмаган ҳар қандай ресурсларни тақсимлашда ўз хоҳишига кўра ваколатига эга бўлган ҳар қандай мансабдор шахс (мансабдор шахс, депутат, судья, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими, маъмур ва бошқалар) коррупцияга дуч келиши мумкин. Коррупцияни рағбатлантирувчи асосий омил - ҳокимиятдан фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий фойда (рента) олиш имконияти, асосий тўсиқ эса таъсир қилиш ва жазолаш хавфи.

Данте ўзининг «Илоҳий Комедия» сида порахўрларни жаҳаннам гравининг еттинчи доирасига жойлаштирди ¹. Коррупциянинг тизимли хусусияти унинг қамраб олинган давлат ташкилотларида ишлайдиганлар учун мажбурлаш хусусиятида намоён бўлади: қуйи поғоналар пора йиғади ва ўз лавозимларини сақлаб қолиш учун юқори қисм билан бўлишади.

Макроиқтисодий ва сиёсий иқтисодий тадқиқотларга кўра, коррупция катта зарар етказди ва бутун жамият манфаатлари йўлида иқтисодий ўсиш ва ривожланишга тўсқинлик қилади.

Кўпгина мамлакатларда коррупция жиноий жавобгарликка тортилган.

Transparency International, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар коррупцияни ишониб топширилган ваколатларни шахсий манфаатлари учун суиистеъмол қилиш деб тушунадилар. Шунингдек, аниқлайдиган (ҳокимият ишончли манбаларни ўз ичига олиши, у давлат ва хусусий сектор билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги ва ҳ.к.) ёки қатъийроқ қонуний тилни ишлатадиган бошқа таърифлар мавжуд.

1.2. Коррупция тарихи

Коррупцияга қарши курашчи сифатида тилга олинган биринчи ҳукмдор милоддан аввалги 24-асрнинг иккинчи ярмида Лагаш шаҳар-давлатининг шумерлар қироли Уруинимгина эди. Коррупция учун индикатив ва кўпинча шафқатсиз жазоларга қарамай, унга қарши

¹ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/dante-aligeri-va-uning-ilohiy-komediya-si/>

кураш керакли натижаларга олиб келмади. Яхшиямки, энг хавфли жинойтларнинг олди олинди, аммо майда чиқиндилар ва пора даражасида коррупция кенг тарқалди. Милоддан аввалги IV асрда Бхарата (Ҳиндистон) вазирларидан бири томонидан Коррупция тўғрисидаги биринчи трактат Арта Шастра Каутиля тахаллуси билан нашр этилган эди. Унда у «қирол мулки, ҳеч бўлмаганда озгина бўлса ҳам, ушбу мулк учун масъул бўлганлар томонидан ўзлаштирилиши мумкин эмас» деган пессимистик хулоса қилди. Яна эътиборли жиҳати, бу қонун ва пандноманинг асосий мақсади қирол, яъни давлат мулки муҳофазасига қаратилган.

Қадимги Миср фиръавнлари худди шундай муаммоларга дуч келишди, бу ерда амалдорларнинг улкан бюрократик аппарати мавжуд бўлиб, улар эркин деҳқонлар, ҳунармандлар ва ҳатто ҳарбий зодагонларга нисбатан қонунсизлик ва ўзбошимчаликни яратишга имкон беришди. Маълум бир Итаҳотелнинг таълими сақланиб қолди, у қуйидагиларни тавсия қилади: «Ҳокимият олдида орқангизни эгиб олинг, шунда уйингиз тартибда бўлади, сизнинг маошингиз тартибда бўлади, чунки бу хўжайинга қарши бўлган одамга ёмон, лекин у ёқтирганда яшаш осон».

Судьяларнинг оғирлиги алоҳида ташвиш уйғотди, чунки бу мол-мулкни ноқонуний равишда тақсимлаш ва низоларни қонунчилик доирасидан ташқарида ҳал қилиш истагини келтириб чиқарди. Коррупциянинг барча турларини олиб борувчи етакчи динлар биринчи навбатда судьяларнинг порахўрлигини қоралашлари бежиз эмас: «... бошлиқ совғаларни талаб қилади, судья эса пора учун судьялар ва зодагонлар ўз қалбларининг ёмон истакларини ифода этадилар ва ишни бузадилар ...»;

«Совғаларни қабул қилманг, чунки кўр-кўрона совғалар қалб кўзини кўр қилади ва солиҳларнинг ишини ўзгартиради»;

«Бир-бирингизнинг мол-мулкингизни ноқонуний ишлатманг ва бошқаларнинг мол-мулкининг бир қисмини атайин эгаллаш учун қозиларга пора берманг, « (Қуръон 2: 188)² ва бошқалар.

Қадимги Рим қонунларининг XII жадвалида «тузатувчи» атамаси «судда кўрсатмаларни пулга алмаштириш» ва «судьяга пора бериш»

² <http://muslim.uz/index.php/rukn/irfon/item/23529-2-ba-ara-surasi-188-oyat>

маъноларида қўлланила бошланди: суд иши учун ва ушбу ишда пул пора олганликда айбдор деб топилдими?»³«

Коррупцияни тушунишга муҳим туртки, Никколо Макиавеллининг асарлари томонидан тақдим этилган. У коррупцияни истеъмол каби касаллик билан таққослади. Аввалига таниб олиш қийин, аммо даволаш осонроқ. Агар унга эътибор берилмаса, уни таниб олиш осон, аммо даволаш қийин.

XVIII аср охиридан бошлаб Ғарбда жамиятнинг коррупцияга бўлган муносабатида бурилиш даври келди. Либерал ислоҳотлар давлат ҳокимияти унга бўйсунадиган одамлар манфаати учун мавжуд, шунинг учун субъектлар амалдорлар томонидан қонунларга қатъий риоя қилиш эвазига ҳукуматни қўллаб-қувватлайдилар деган шиор остида амалга оширилди. Хусусан, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ Конституциясига биноан, пора олиш АҚШ президентиға нисбатан импичмент эълон қилиниши мумкин бўлган аниқ айтиб ўтилган иккита жиноятдан биридир⁴. Жамият давлат аппарати ишининг сифатиға тобора кўпроқ таъсир ўтказа бошлади. Сиёсий партиялар ва ҳукумат томонидан тартибға солиш кучайган сари, сиёсий элита ва йирик бизнеснинг тил бириктириши эпизодлари тобора кўпроқ ташвишға тушди. Шунга қарамай, 19-20 асрларда ривожланган мамлакатларда коррупция даражаси бутун дунёға нисбатан пасайган.

Ривожланган мамлакатларда коррупция эволюциясининг янги босқичи 19-20-асрларнинг бошлари эди. Бир томондан, давлат томонидан тартибға солинишни ва шунга мувофиқ амалдорларнинг ҳокимиятини яна бир кучайтириш бошланди. Бошқа томондан, рақобат курашида «давлатни сотиб олиш» га ўтишни бошлаган йирик хусусий бизнес пайдо бўлди – энди айрим кичик давлат хизматчиларининг эпизодик пора олишиға эмас, балки сиёсатчилар ва юқори лавозимли амалдорларнинг фаолиятини капитал манфаатларини ҳимоя қилишға йўналтириш. Ривожланган мамлакатларда (айниқса, Иккинчи Жаҳон Урушидан кейин Ғарбий Европада) сиёсий партияларнинг аҳамияти ошгани сайин, йирик фирмалар ва трансмиллий Корпорациялар сиёсатчиларға ўз

³ [https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20\(V.Topildiyev\)](https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/huquq/Rim%20huquqi%20(V.Topildiyev)).

⁴ <https://be.convdocs.org/docs/index-110965.html?page=23>.

манфаатларини *лоббичилик*⁵ қилгани учун эмас, балки партия ғазнасига шахсан тўлаб турганда, партиялардаги коррупция ривожланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида коррупция тобора халқаро муаммога айлана бошлади. Чет элда юқори лавозимли амалдорларнинг корпорациялари томонидан пора бериш кенг тарқалди. Глобаллашув бир мамлакатдаги Коррупция кўплаб давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатишни бошлаганига олиб келди. Шу билан бирга, энг юқори даражадаги коррупция даражаси бўлган мамлакатлар энди учинчи дунё билан чекланиб қолмайдилар: 1990-йилларда собиқ социалистик мамлакатларда либераллаштириш, мансабни кўпол равишда суистеъмол қилиш билан бирга, Финансиал Тимес 1995 йил 31 декабрдаги сонидан 1995 йилни «Коррупция йили» деб эълон қилди. Коррупция тўғрисидаги билимларни тарғиб қилиш учун **БМТ Халқаро Коррупцияга қарши кураш кунини (9 декабрь)** ташкил этди⁶.

1.3. Коррупция классификацияси

Коррупцияни кўплаб мезонларга кўра таснифлаш мумкин: ўзаро таъсир қилувчи субъектларнинг турлари бўйича (фуқаролар ва кичик ходимлар, фирмалар ва мансабдор шахслар, миллат ва сиёсий раҳбарият); фойда тури бўйича (фойда олиш ёки харажатларни камайтириш); йўналиш бўйича (ички ва ташқи); субъектларнинг ўзаро алоқаси йўли билан, марказлашув даражаси, башорат қилиниши мумкинлиги, изчиллиги ва бошқалар. Россияда тарихий жиҳатдан коррупция қонуний ҳаракатлар («пора олиш») ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар («очкўзлик») учун ноқонуний устунлик мавжудлигига қараб ҳам фарқ қилган⁷.

1.4. Коррупцияни ахлоқий баҳолаш

Коррупциянинг турли кўринишларига ҳар хил ахлоқий баҳо берилади: баъзи ҳаракатлар жиноий, бошқалари ахлоқсиз

⁵ <https://www.amerikaovozi.com/a/lobbying-influencing-policy-us-analysis-101677448/812887.html>

⁶ <http://pharmi.uz/9-dekabr-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-xalqaro-kuni-munosabati-bilan-ochiq-eshiklar-kuni-tadbiri-tashkil-etildi/>

⁷ <https://cyberleninka.ru/article/n/tipologiya-korrupsi-i-osnovnye-modeli-korrupsionnyh-strategiy-povedeniya>

ҳисобланади. Иккинчисига, қоида тариқасида, меритократия принципини бузадиган сиёсий йўналишга асосланган непотизм ва ҳомийлик киради⁸.

Бироқ коррупцияга нисбатан ижобий муносабат ҳам мавжуд:
«Коррупция ривожланмаган жойда қонун устуворлигининг фойдали ўрнини босиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, Коррупциянинг фойдаси - қўшимча сермахсул операциялар натижасида ҳосил бўлган қиймат - бу харажатлардан ошиб кетиши мумкин. Бундай ҳолат, эҳтимол, бизнес юритишининг қонуний имкониятлари кескин чекланганда юзага келади», - дейди Дуглас Хюстон, Канзас университети бизнес профессори, иқтисодчи.

Коррупцияни лоббичиликдан ажратиши керак. Лобби олиб бораётганда, мансабдор шахс ўз ваколатларини тайинлаш имкониятини ошириши ёки маълум бир гуруҳ номидан ҳаракат қилиши эвазига корпоратив нарвонни кўтариши учун ҳам ишлатади. Фарқи шундаки, лоббичилик учта шартга жавоб беради:

1. Мансабдор шахсга таъсир ўтказиши жараёни рақобатдош бўлиб, барча иштирокчиларга маълум бўлган қоидаларга амал қилади.
2. Яширин ёки ён тўловлар мавжуд эмас.
3. Мижозлар ва агентлар бир-биридан мустақил, чунки ҳеч бир гуруҳ бошқа гуруҳ ишлаб топган фойдадан улуш олмайди.

Бироқ баъзи тадқиқотчилар лоббиизмни коррупциянинг ажралмас қисми деб ҳисоблашади.

Коррупциянинг энг хавфли шакллари жиноий жавобгарлик деб таснифланади. Буларга, биринчи навбатда, исрофгарчилик (ўғирлик) ва пора киради. Ўзлаштириш – мансабдор шахсга ишониб топширилган ресурсларни шахсий мақсадлар учун сарфлаш. Унинг оддий ўғирликдан фарқи шундаки, дастлаб одам ресурсларни тасарруф этиш ҳуқуқини олади: хўжайиндан, мижоздан ва бошқалардан. Пора бу коррупциянинг бир тури бўлиб, мансабдор шахснинг ҳаракатлари тақдим этиш эвазига жисмоний ёки юридик шахсга ҳар қандай хизматни кўрсатишдан иборатдир. биринчисига маълум бир фойда охиргиси. Кўпгина ҳолларда, агар пора бериш товламачиликнинг натижаси бўлмаса, пора берувчи битимнинг асосий фойдаси ҳисобланади. Овозларни сотиб олиш ҳам жиноий

⁸ <https://uzanticorruption.com/непотизмга/қарши/чора/борми?/>

жавобгарликка сабаб бўлади (гарчи баъзилар буни коррупция эмас, балки виждонли сайлов кампаниясининг бир тури деб ҳисоблашади).

Кўпинча ҳукуматни зўравонлик билан алмаштиришга чақирувларнинг сабаби коррупция. Шу билан бирга, кўпинча маълум бир сиёсий элитага эмас, балки умуман сиёсий тизимга қарши айбловлар қўйилади. Оскар Ариас Санчес таъкидлаганидек, авторитар тузумлар ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг аксарият қисмини жамоатчиликдан яширишга қодир, шунинг учун уларнинг коррупцияси тўғрисида хулоса ўта муҳим далиллар ва бутун жамият учун зарарли оқибатларни таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Аксинча, демократиядаги Коррупция кўпинча катта зарар етказишдан олдин кенг реклама қилинади ва бостирилади. Бироқ даврий можаролар фуқароларда уларнинг сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир ўтказиш қобилиятига ва демократиядан кўнгли қолганига шубҳа уйғотмоқда⁹.

1.5. Коррупция турлари

Кундалик коррупция оддий фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Унда фуқароларнинг турли хил совғалари амалдорга ва унинг оила аъзоларига хизматлари киради. Ушбу тоифага непотизм (непотизм) ҳам киради¹⁰.

Бизнесдаги коррупция ҳукумат ва бизнес ўзаро алоқада бўлганда юзага келади. Масалан, бизнес можаросида томонлар ўз фойдасига қарор чиқариш учун судьянинг ёрдамига мурожаат қилишлари мумкин.

Суверен коррупция деганда демократик тизимдаги сиёсий раҳбарият ва олий судлар тушунилади. Бу ҳокимиятдаги гуруҳларга тегишли бўлиб, уларнинг виждонсиз хатти-ҳаракатлари ўз манфаатлари ва сайловчилар манфаатларига зарар етказадиган сиёсат олиб боришдир.

1.6. Коррупция хизматлари бозори

Энг кенг тарқалган нарса - марказлаштирилмаган (ташқи) коррупция, бу амаллар мансабдор шахс ва шахс ўртасида индивидуал

⁹ <http://www.youthforhumanrights.ru/voices-for-human-rights/champions/oscar-arias-sanchez.html>

¹⁰ <https://cyberleninka.ru/article/n/vidy-korruptsii>

равишда тузилганда. Шу билан бирга, ички коррупцияни қўшиш - бир ташкилот аъзолари ўртасида - унга уюшган жинойтчилик хусусиятларини беради.

Бихевиоризм доктринасига кўра, жамоага кириш, инсон ушбу жамоада қабул қилинган хулқ-атвор қоидаларини қабул қилади. Шунинг учун, агар идора ичидаги маданият пора билан боғлиқ ҳолда «қониқиш муҳити, баъзан расмий масалаларни ҳал қилишда масъулиятсизлик, ходимларнинг нотўғри хатти-ҳаракатларини муҳокама қилишда ошкораликнинг йўқлиги» мавжуд бўлса, унда янги келганлар бу хатти-ҳаракатни одатдагидек қабул қилишади ва келажакда унга риоя қилишади.

Бироқ бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инсон ҳар доим бундай муҳитдан чиқиб кетиш учун асосий имкониятга эга; шунингдек, микро-ҳамжамият томонидан бузилишларга қарши курашиш ва оммалаштириш ёки уларни эътиборсиз қолдириш, лекин шу билан бирга шахснинг ўзи томонидан бузилишларга йўл қўймаслик.

Амалдорлар орасида коррупциянинг тарқалиши унга бўйсунувчилар ҳам, раҳбарлар ҳам манфаатдор бўлишига олиб келади. Коррупциянинг мумкин бўлган фойдалари ва хатарларини баҳолаш қуйидаги модель бўйича соддалаштирилган шаклда тавсифланган:

Ушбу тизим анча барқарор ва шу билан барқарорликни таъминлайди.

Коррупция фаолияти. Масалан, сиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига виждонанлик презумпцияси принципига дуч келишингиз мумкин, бу уларнинг ходимларини ноқонуний хатти-ҳаракатларда айблаш эҳтимоли жуда камлигини англатади.

Амалиётда бўйсунувчилар пора билан нафақат юқори лавозим раҳбарлари, балки ўзлари ўртасида ҳам бўлишади. Якуний натижа коррупцияга хос ички бозорлар ва иқтисодий механизмларни шакллантиришдир. Хусусан, ноқонуний даромадлари юқори бўлган лавозимлар пайдо бўлади. Бундай лавозимлар учун мансабдор шахслар ўртасидаги кураш ички «меҳнат бозори»¹¹ ни шакллантиради. Коррупция ривожланиб бориши билан, расмийлар ҳар бир пора учун ички рақобатни камайитириш ва умумий даромадни

¹¹ <https://www.grandars.ru/student/ekonomicheskaya-teoriya/rynok-truda.html>

ошириш мақсадида аниқ қарорларни қабул қилиш учун тарифларни белгилашдан бошлаб, алоҳида бўлимлар даражасидан бошлаб, бозорнинг баъзи бир марказлашуви мавжуд. Ноқонуний молиявий оқимларнинг барқарорлигини таъминлаш учун коррупциядан олинадиган иқтисодий самарани оширишга ҳуқуқий ва ижтимоий хавфларни камайтиришга қаратилган маъмурий ва қонунчилик чоралари талаб етилади.

1.7. Шахсий манфаат

Товламачилик («ҳукумат рэкет») ўз хоҳишига кўра ваколатли шахслар томонидан лицензиялар, махсус рухсатномалар ёки мансабдор шахснинг ваколатига кирадиган бошқа хизматларни олишларига йўл қўймаслик учун амалга оширилади. Агар мансабдор шахс тўлаши керак бўлган тўловлар миқдорини (масалан, солиқлар ёки йиғимлар) тахмин қилиш ваколатига эга бўлса, бу ҳам товламачилик учун имкониятларни очиб беради.

Давлат хизматчисининг товламачилиги билан дуч келган шахс олдида пора бериш (таъсир қилиш хавфини келтириб чиқарадиган) ички ёки ташқи назорат органи орқали давлат хизматчисининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқи мавжуд. Қарор апелляция тартибининг қанчалик қимматга тушишига, шунингдек, фуқаро давлат хизматчисининг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билишига боғлиқ.

Ўзаро келишув товламачилик билан бир хил шароитда содир бўлади, лекин у иккала томон учун фойдали бўлиши ва давлатга зарар етказадиган битим тузишдан иборатлиги билан фарқ қилади. Масалан, божхона инспектори пора эвазига импорт миқдорини камайтириши ва шу билан импорт қилувчи фирманинг божлар учун тўлаши керак бўлган миқдорни камайтириши мумкин. Битим, шунингдек, мансабдор шахсни назорат қилиш учун масъул бўлган тузилмаларни ўз ичига олиши мумкин.

1.8. Коррупцион иллатни бойитиш жойлари

Бюрократия, айниқса юқори сиёсий элита учун коррупцияни бойитишнинг асосий усулларида бири бу давлат харажатлари.

Инвестиция лойиҳалари, асосан, юқори лавозимли шахсларнинг ўз ихтиёри билан қабул қилган қарорлари билан белгиланади. Йирик

инвестиция лойиҳалари (айниқса, хорижий корпорациялар иштирокида) кўпинча монопол ҳуқуқларни танлов ғолибига топширишни ўз ичига олади, бу эса расмийларга, айнақса, катта пора беришни ваъда қилади. Баъзи бир лойиҳалар маълум гуруҳлар лойиҳа ижрочилари сифатида тайинланганлардан ижара ҳақи («давлат ижараси») олишлари учун махсус яратилади.

Давлат харидлари, қоида тариқасида, бир неча кишидан тендер асосида объектив равишда энг яхши таклифни танлашни ўз ичига олади, лекин баъзида мансабдор шахс битимдан энг юқори «Комиссия» («тепки») ваъда қилган сотувчининг ғалабасини таъминлаши мумкин. Бунинг учун тендерда ¹² иштирок этиш чекланган, унинг қоидалари тўлиқ эълон қилинмаган ва ҳоказо. Натижада, нархлар ошиб кетган нархларда амалга оширилади.

Бюджетдан ташқари ҳисоб-китоблар кўпинча қонуний мақсадлар учун яратилади (пенсия, йўл фондлари ва бошқалар) Аммо баъзи бир фондларда, масалан, ногиронларга ёрдам бериш учун, даромадлар реал харажатлардан сезиларли даражада ошиб кетиши мумкин, бу эса баъзи мансабдор шахсларнинг «профицит»ни ўзлаштириш истагини рағбатлантиради. Аксинча, дефицит бўлган тақдирда, амалдорлар кўпинча пулни ким олишини ўз хоҳишига кўра ҳал қилишади. Баъзи мамлакатларда чет эл ёрдами орқали ёки табиий ресурсларни сотишдан олинган маблағлар бюджет маблағларига қараганда камроқ шаффоф ва кам назорат остида бўлган махсус фондларга йўналтирилади. Товар нархларининг бир неча дақиқали тебранишлари туфайли битимнинг ҳақиқий миқдорини ва бундай маблағларга ажратмалар миқдорини аниқлаш осон эмас, бу пулларнинг бир қисмини мансабдор шахсларнинг чўнтагига йўналтиришга имкон беради.

Коррупция нуқтаи назаридан энг даромадли бошқа соҳаларга қуйидагилар киради:

- *солиқ имтиёзлари;*
- *товарларни бозор нархларидан паст нархларда сотиш;*
- *ернинг қийматига таъсир кўрсатиши сабабли районлаштириш;*
- *табиий бойликларни қазиб олиш;*

¹²[https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B5%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D1%80_\(%D1%82%D0%BE%D1%80%D0%B3%D0%B8\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D0%B5%D0%BD%D0%B4%D0%B5%D1%80_(%D1%82%D0%BE%D1%80%D0%B3%D0%B8))

- давлат активларини сотиш, айниқса давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
- тижорат (хусусан, экспорт-импорт) фаолиятининг муайян турига монопол ҳокимият бериш;
- яширин иқтисодиёт ва ноқонуний бизнес устидан назорат (товламачилик, таъқиб қилишдан ҳимоя қилиш, рақибларини йўқ қилиш ва бошқалар;
- ҳукуматдаги масъул лавозимларга тайинлаш.

Проф. Т. Гилвасоннинг таъкидлашича, фуқаролар учун давлат бошқаруви маълумотларига бепул кириш имконияти йўқлиги (яъни унинг хиралашганлиги) коррупцияни кучайтиради ва муқаррар равишда иқтисодий инқирозга олиб келади.

1.9. Суд тизимидаги коррупция

Қуйида келтирилган коррупция шакллари, авваламбор, судьяларга тегишли, аммо маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида улар тегишли ишларни кўриб чиқишга ваколатли мансабдор шахсларга (ички ишлар органлари, ўт ўчирувчилар, солиқ, божхона органлари ва бошқалар) мурожаат қилишлари мумкин.

Қонунчиликдаги «вилкалар», кўпгина қоидалар судьяга айбнинг даражаси, ҳуқуқбузарликнинг оғирлиги ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олиш учун енгил ва оғир жазо турларидан бирини танлашга имкон беради. Бундай ҳолда судья ҳуқуқбузарликни содир этган фуқарога таъсир ўтказиш воситасига эга. Жазонинг юқори ва пастки чегаралари ўртасидаги фарқ қанчалик катта бўлса, фуқаро шунчалик кўп пора беришга тайёр бўлади.

Муқобил маъмурий жазо. Муқобил маъмурий жазо қўлланилиши билан қонун қоидалари мавжуд, масалан, жарима ёки ҳибсга олиш. Улар кўпгина «вилкалар» меъёрларидан нафақат кенг қамровли жазолар (ва, демак, ҳуқуқбузарга пора бериш учун кучли туртки) билан, балки адолатни суд ҳокимияти эмас, балки ижро этувчи ҳокимият вакиллари амалга ошириши билан ажралиб туради. Кўпгина адвокатлар ушбу турдаги санкцияларни қўллаш фақат жиноий суд мажлисида асосланади, деб ҳисоблашади, аммо маъмурий жараёнда унчалик катта асосга эга эмас: «Биринчидан, суд жараёни суд жараёнининг очиқлиги (ошкоралик), қарама-қаршилик, оғзаки ва тўғридан-тўғри принципларга асосланади. Маъмурий суд

ишларида фуқаро кўп ҳолларда ҳокимият вакили билан ёлғиз қолади. Иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик учун энг юқори жазо ҳам жиноятчи учун жиноят қонунчилигидаги каби оғир эмаски, уни фарқлаш мантиқан тўғри келади».

Ҳуқуқбузарликнинг қайта малакаси. «Вилкалар» нинг яна бир тури - бу ҳуқуқбузарликнинг турли кодларда такрорланиши. Бу содир этилган ҳуқуқбузарликни енгилроқ тоифага (масалан, жиноятчидан маъмурий ёки фуқаролик тоифасига), ёки аксинча, оғирроқ тоифага қайта саралаш имкониятларини очиб беради. Қонунчиликнинг ноаниқ тузилганлиги сабабли жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларни фарқлаш кўп ҳолларда қийинлашади ва бундай ҳолатларда судьялар (ёки мансабдор шахслар) ўз ихтиёри билан қарор қабул қилишади, бу эса пора олиш ва товламачилик учун имкониятларни очиб беради.

Фуқароларнинг пул бўлмаган зарари. Баъзи қонун нормалари, агар улар қонун нормаларига бўйсунishi билан боғлиқ бўлган шахсга зарар етказадиган бўлса, коррупцияни келтириб чиқариши мумкин. Ҳатто жарима миқдори ва жиноят учун пора номинал даражада тенг бўлган тақдирда ҳам, жарима тўлашда банкда тўловни амалга ошириш ва жаримани расмийлаштирган идорага тўлов (квитанция) ҳужжатларини тақдим этиш учун пул бўлмаган вақт сарфлари билан бирга олиб борилишини таъкидлаш керак. Қонун устуворлиги оқибатида етказилган зарарлар ҳар хил ва фуқаролар учун ёқимсиз. Шунини ҳам ёдда тутиш керакки, барча фуқаролар ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишга тайёр эмаслар.

1.10. Коррупциянинг зарари

Томас Хоббес ёзганидек, коррупция «ҳар доим ва барча васвасаларда барча қонунларга нисбатан нафратланиш келиб чиқадиган илдиздир»¹³. Юқори даражада коррупцияга учраган мутасаддиларда аксарият давлат ресурслари атайин энг осон талон-тарож қилинадиган ёки пора энг осон йиғиладиган каналларга йўналтирилади. Сиёсат коррупция устидан назорат механизмларини: матбуот эркинлиги, адлия тизимининг мустақиллиги, рақобатдош сиёсатчилар (муҳолифат) ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларини янада тўхтатишга қаратилган. Масалан, баъзи инсонлар инсоннинг

¹³ <https://moluch.ru/archive/59/8374/>

ўзини тутиши ва ташқи қиёфаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан пора талаб қилиш учун инсонни ҳибсга олиш тўғрисида сигнал бўлган ҳолатлар мавжудлигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, коррупцияга нисбатан бағрикенглик билан муносабатда бўлиш мумкин деган нуқтаи назар мавжуд. Далиллардан бирига кўра, кўплаб мамлакатларнинг ривожланиш тарихида (Индонезия, Таиланд, Корея) иқтисодий ўсиш коррупциянинг кўпайиши билан бирга бўлган даврлар бўлган, яъни Коррупциянинг кўпайиши ҳатто иқтисодий ўсишга тўсқинлик қилмаган¹⁴. Бошқа бир далилга кўра, пора бериш фақат давлат ва муниципал тузилмалар фаолиятида бозор тамойилларини амалга оширишдир. Шундай қилиб, коррупцияга нисбатан бағрикенглик муносабати иқтисодий ўсишда ёки умуман бозор самарадорлигига таъсир қилмаса қабул қилинади. Ушбу нуқтаи назарни танқид қилувчиларнинг таъкидлашича, юқоридаги сабабларга кўра коррупция даражаси юқори бўлган мамлакатлар ўсиш давридан кейин барқарорликни йўқотиб, пасайиш спиралига тушиб қолиш хавфини туғдиради.

1.11. Коррупциянинг мақбул даражаси

Давлат коррупцияни йўқ қилар экан, коррупцияга қарши курашиш харажатлари шунчалик кўпаядики, коррупцияни бутунлай йўқ қилиш учун чексиз ҳаракатлар талаб этилади. Коррупциядан келиб чиқадиган зарарлар ва унинг ҳар бир даражаси учун коррупцияни йўқ қилиш харажатларини таққослаш орқали энг кичик умумий йўқотишларни акс эттирган ҳолда коррупциянинг мақбул даражасини топиш мумкин. Кўриниб турибдики, коррупцияни охиригача йўқ қилмаслик шунчаки ушбу жараённинг қимматлиги сабабли жамият учун фойдалироқ. Бироқ коррупцияга қарши курашга сарфланган маблағларнинг янада самарадорлиги ҳақида унутмаслик керак.

Бундан ташқари коррупцияга қарши курашиш учун ҳаддан ташқари иштиёқ унинг сабабларини йўқ қилиш зарари билан маъмурий тизимни мослашувчанлик ва аҳолини фуқаролик эркинликларидан маҳрум қилиши мумкин. Ҳукмрон гуруҳ жамият

¹⁴ Коррупцияга қарши курашда хорижий мамлакатлар тажрибаси.

устидан назоратни кучайтириш ва сиёсий мухолифларни таъқиб қилиш учун жазо қонунчилигидан фойдаланиши мумкин.

1.12. Халқаро савдода коррупция

Коррупция халқаро савдода кўп миллиард долларлик зарарларни келтириб чиқаради. Сўнгги йилларда халқаро коррупция муаммосига қизиқиш кучайиб бориши сабабларидан бири. Масалан, Американинг экспорт қилувчи фирмаларининг таъкидлашича, улар кўпинча чет эл амалдорларига пора тўлашлари таъқиқланганлиги сабабли фойдали шартномаларни йўқотишади. Аксинча, аксарият ЕХҲТ мамлакатларида чет эллик шерикларга пора бериш нафақат таъқиқланмаган, балки солиқ тўлашда ҳатто даромаддан ушлаб қолиниши мумкин эди. Масалан, немис корпорацияларининг йилига 5,6 миллиард долларга тенг бундай харажатлари бўлган. Вазият фақат 1997 йил охирида, *ЕХҲТ мамлакатлари «Халқаро бизнес операцияларида хорижий давлат амалдорларининг пора олишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенция»¹⁵ ни имзолагандан* кейингина ўзгарди. Конвенцияни бажариш учун кейинги йилларда миллий компанияларнинг бировга пора беришини ман қилувчи қонунлар қабул қилинди. Бу ўринда БМТнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича конвенциясини ҳам алоҳида баҳолаш лозим¹⁶.

1.13. Коррупциянинг сабаблари. Асосий қарама-қаршилик

Ҳар қандай товарни ишлаб чиқариш маълум ресурсларни сарфлашни талаб қилади, бу эса ушбу товарларни истеъмолчиларидан олинган маблағлар билан қопланади. Ходимларнинг иш ҳақи - бу охир-оқибат истеъмолчи томонидан қопланадиган харажатлардан биридир, аммо уларнинг фаолияти хўжайин ва иш берувчининг иродаси билан белгиланади. Бу шундай ҳолатга олиб келадики, истеъмолчи ходимдан керакли хизмат ёки маҳсулотни олади, лекин бу ходимнинг фаолиятига бевосита таъсир эта олмайди. Муайян ҳолат солиқлар билан тўланадиган ва давлат

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. [HTTPS://LEX.UZ/DOCS/3604732](https://lex.uz/docs/3604732)

¹⁶ Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции. https://www.unodc.org/documents/corruption/Publications/2015/Resource_Guide_on_State_Measures_for_Strengthening_Corporate_Integrity_-_Russian.pdf

хизматчилари томонидан таъминланадиган жамоат молидир. Мансабдор шахсларнинг иши ҳақиқатан ҳам фуқаролар томонидан тўланишига қарамай, уларнинг иш берувчиси давлат бўлиб, уларга қонун билан турли шахсларнинг рақобатдош манфаатларига дахлдор қарорларни қабул қилиш ҳуқуқини беради.

Ҳеч қандай ихтиёрий куч бўлмаса, коррупция мумкин эмас. Бироқ юқори ҳокимиятга эга бўлган шахс ёки гуруҳ ўзи белгилаган сиёсатни мустақил равишда амалга ошира олмайди. Шу мақсадда маъмурларни тайинлайди, уларга керакли ваколатларни беради, уларнинг ихтиёрида зарур ресурсларни ўтказди, улар учун ўзини тутиш қоидаларини белгилайди ва устидан назорат олиб боради. Ва қуйидагича муаммо пайдо бўлади:

1. **Қонуннинг консерватизми.** Амалда кўрсатмалар ташқи шароитга қараганда анча секин ўзгаради. Шунинг учун, улар ўз хоҳишларига кўра ҳаракат қилиш учун жой қолдирадилар, чунки акс ҳолда бошқарув тизими мутлақо эгилувчан бўлиб қолади ва қатъий меъёрларнинг ҳақиқатларга мос келмаслиги ишни бутунлай тўхтатиши мумкин. Бироқ бу шуни англатадики, қонунда кўзда тутилмаган вазиятда маъмур энг қулай ижара ҳақи билан бошқаришни бошлаши мумкин.

2. **Ҳамма нарсани ўз ичига олган назорат қилишнинг мумкин эмаслиги.** Назорат жуда қимматга тушади, аммо назорат бошқариш сифатига ҳам зарар етказди ва ижодий истеъдодларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

Шундай қилиб, бошқарув тамойилининг ўзида коррупция эҳтимоли мавжуд. Ушбу имконият объектив шароитда ривожланиб, потенциал рента хавфдан устун туради.

Ушбу муаммо бюрократик аппаратда бир неча бор такрорланмоқда, чунки юқори даражадаги маъмурлар ўзларининг бўйсунувчиларини тайинлайдилар ва ҳоказо. Вакиллик демократиясига эга тизимларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, энг юқори лавозимларни халқдан ҳокимият олган сиёсий элита эгаллайди ва кейинги сайловларда ҳокимиятни йўқотиш хавфи мавжуд.

1.14. Юқори даражадаги коррупция сабаблари

Аксарият экспертлар коррупциянинг юқори сабаби ички ва ташқи кураш механизмларини таъминловчи сиёсий институтларнинг номукамаллигидадир (кейинги қисмга қаранг). Бундан ташқари

баъзи объектив ҳолатлар муҳим ҳисса қўшади деб ўйлаш учун асослар мавжуд:

- ноаниқ қонунлар;
- аҳолининг беҳабарлиги ёки қонунларни тушунмаслик, мансабдор шахсларга ўзбошимчалик билан бюрократик процедураларга тўсқинлик қилиш ёки тегишли тўловларни ошириб юбориш;
- мамлакатдаги беқарор сиёсий вазият;
- давлат идоралари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шаклланган механизмларининг етишмаслиги;
- бюрократик аппарат фаолияти асосидаги стандартлар ва принципларнинг ҳукмрон элита сиёсатига боғлиқлиги;
- бюрократиянинг касбий лаёқатсизлиги;
- коррупцияни назорат қилиш механизмларини сусайтирадиган махфий келишувлар тузилишига олиб келадиган непотизм ва сиёсий ҳомийлик;
- ижро этувчи ҳокимият тизимида бирликнинг йўқлиги, яъни бир хил фаолиятни турли ҳокимият органлари томонидан тартибга солиш;
- фуқароларнинг давлатни бошқаришдаги иштирокининг паст даражаси.

Юқори даражадаги коррупция сабаблари ҳақидаги фаразлар, юқори коррупцияга сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича бошқа тахминлар кўриб чиқилади:

- хусусий секторга нисбатан давлат секторида иш ҳақининг пастлиги;
- иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш;
- фуқароларнинг мансабдор шахсларга боғлиқлиги, айрим хизматларга давлат монополияси;
- бюрократик элитани халқдан ажратиб туриш;
- иқтисодий беқарорлик, инфляция;
- аҳолининг этник хилма-хиллиги;
- иқтисодий ривожланишнинг паст даражаси (жон бошига ЯИМ);
- диний анъаналар;
- умуман мамлакат маданияти¹⁷.

¹⁷ <https://paruz.uz/post/prichiny-vozniknoveniya-korrupcii-v-sovremennom-obschestve>

Бугунги кунга келиб ушбу гипотезаларни тасдиқлаш бўйича келишув мавжуд эмас.

Шундай қилиб, давлат секторида иш ҳақининг хусусий секторга нисбатан кўпайиши коррупциянинг дарҳол пасайишига олиб келмайди. Бошқа томондан, бу бюрократия малакаси даражасини босқичма-босқич оширишга ёрдам беради ва узоқ муддатли истиқболда ижобий таъсир кўрсатади. Коррупция даражаси энг паст бўлган мамлакатларда мансабдор шахсларнинг иш ҳақи ишлаб чиқариш соҳасидаги иш ҳақиға нисбатан 3-7 барабар юқори.

Энг мунозарали масалалардан бири бу бозорларни давлат томонидан тартибга солишнинг ва монополист сифатида давлатнинг ролидир. Эркин бозор ҳимоячилари таъкидлашларича, давлат учун ролнинг пасайиши ва рақобатнинг кучайиши, зарурий ихтиёрий куч миқдорини камайтириш ва ҳимоя тартибга солиш орқали бозор устунлигига эга бўлиш қобилиятини пасайтириш ва шу сабабли ижара ҳақини олиш қобилиятини камайтириш орқали коррупцияни камайтиришга ёрдам беради. Дарҳақиқат, коррупцияси паст бўлган барча мамлакатлар нисбатан эркин иқтисодиёт билан ажралиб туради. Аксинча, мансабдор шахсларнинг монопол ҳокимияти ва нархларни бозор даражасидан паст даражада ушлаб туриши билан ажралиб турадиган режали иқтисодиёт камёб товар ва хизматларни олиш воситаси сифатида порахўрликни рағбатлантиради.

Ушбу далилга бир қатор эътирозлар ҳам мавжуд. Биринчидан, хусусий сектор ҳар доим ҳам муаммоларга қониқарли ечимларни таклиф қила олмайди ва бундай ҳолларда кўпчилик одамлар ҳукумат аралашувини асосли деб билишади. Бу, ўз навбатида, ноҳақ назорат ва давлат ижара ҳақини ундириш учун олд шартларни яратади. Шундай қилиб, очик иқтисодиёт шароитида ҳам коррупцияни тўлиқ йўқ қилиш мумкин эмас. Иккинчидан, иқтисодиётни либераллаштириш жараёни ҳукумат томонидан амалга оширилади ва шу сабабли, моҳиятан, бу иқтисодиётга фаол аралашидир (бу кўшимча равишда хусусийлаштириш орқали коррупцияни бойитиш манбаларини яратиш билан бирга бўлиши мумкин). Шунинг учун амалда либераллаштиришнинг бошланғич даври аксарият ҳолларда тескари таъсир - коррупциянинг кучайиши билан тавсифланади. Учинчидан, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, либерал демократик сиёсий тизимдаги коррупция даражаси мамлакат раҳбариятининг

неолиберал ёки социал-демократик мафкурага риоя қилишига боғлиқ эмас. Бундан ташқари коррупцияси паст бўлган кўплаб мамлакатларда солиқлар ва давлат харажатлари нисбатан юқори (Канада, Нидерландия, Скандинавия).

1.15. Коррупцияга қарши кураш

Бугунги кунга қадар педагогика ва менежментда инсон идеал амалдор бўлишига кафолат берадиган маълум усуллар мавжуд эмас. Бироқ коррупция даражаси жуда паст бўлган кўплаб мамлакатлар мавжуд. Бундан ташқари коррупцияни камайтиришга қаратилган ҳаракатлар муҳим ютуқларга олиб келган тарихий мисоллар мавжуд: Сингапур, Гонконг, Португалия, Швейцария. Бу аниқ коррупцияга қарши кураш усуллари мавжудлигини қўллаб-қувватлайди.

Расмий нуқтаи назардан, агар давлат бўлмаса, коррупция бўлмайди. Давлатнинг кўплаб функциялари қатъий асосга эга ва уларни йўқ қилиш мумкин эмас: масалан, барча солиқларни бекор қилиш орқали солиқ органларида коррупцияга қарши курашиш мумкин эмас. Шунга қарамай, коррупция деярли ҳамма жойда кенг тарқалган шароитда, коррупциялашган давлат органларини тарқатиб юбориш, ундан қутулишнинг энг самарали радикал усулларидан бири бўлиб туюлади.

Давлат органларини тарқатиб юборишдан ташқари, коррупцияни камайтиришга учта ёндашув мавжуд.

Биринчидан, қонунлар ва ижро этилиши қатъийлаштирилиши мумкин, шу билан жазоланиш хавфини оширади.

Иккинчидан, амалдорларга қоида ва қонунларни бузмасдан даромадларини кўпайтиришга имкон берадиган иқтисодий механизмларни яратиш мумкин.

Учинчидан, бозорлар ва рақобатнинг ролини ошириш ва шу билан коррупциядан олинадиган даромадларни камайтириш мумкин. Иккинчисига, шунингдек, айрим давлат органлари бошқа органларнинг функцияларини такрорлаш шарти билан, давлат хизматларини кўрсатишда рақобат ҳам киради. Яхши тасдиқланган усулларнинг аксарияти ички ёки ташқи назорат механизмларига тегишли.

Ички назорат

Бунга бошқарув аппаратида мавжуд бўлган ички механизмлар ва рағбатлантиришлар киради: мансабдор шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун аниқ стандартлар ва ҳар бир ходим устидан қатъий назорат. Назоратни таъминлаш учун кўпинча автоном ишлайдиган махсус бўлимлар ажралиб туради. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари кўпинча бюрократик аппарат сингари ижро этувчи ҳокимият бошлиғига бўйсунди, аммо шу билан бирга улар сезиларли мустақилликни сақлаб қоладилар.

Ички назорат абсолютизм даври монархияларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий усули эди ва ҳанузгача юқори самарали бўлиб қолмоқда. Хусусан, Макиавелли монархияларда «хизматчилар ёрдамида бошқариш» коррупция унчалик хавфли эмас, чунки барча «хизматчилар» сувереннинг фойдасига қарздордир ва пора бериш қийинроқ.

1.16. Ташқи бошқарув

Бунга ижро этувчи ҳокимиятдан юқори даражада мустақилликка эга бўлган механизмлар киради. **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенсиясида**¹⁸ бундай механизмлар мавжуд. Қонунни бузган бюрократ осон ва самарали судланиши мумкин бўлган мустақил суд тизими коррупциянинг потенциал жозибадорлигини кескин пасайтиради. Сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлиги бюрократик коррупцияни назорат қилишнинг энг самарали воситаларидан биридир.

Ташқи назорат бозор иқтисодиёти ва либерал демократик давлатларга хосдир. Эҳтимол, бу бозорнинг нормал ишлашини амалга ошириш учун мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун аниқ қоидалар, механизмлар, шу жумладан соғлом рақобат муҳитини таъминлайдиган самарали ҳуқуқий тизим талаб этилиши билан боғлиқ. Либерал демократия, шунингдек, ўз мақсадларига эришиш учун сайлов тизими, қонун устуворлигига, мустақил адолатга, ҳокимиятни тақсимлашга ва мувозанат тизими таянади. Ушбу сиёсий институтларнинг барчаси бир вақтнинг ўзида коррупция устидан ташқи назорат механизмлари бўлиб хизмат қилади.

¹⁸ http://old.prokuratura.uz/uz/pages/corruption_regulations/konventsia_organizatsii_obedinennykh_natsiy_protiv_korruptsii/

Бироқ либерал демократиянинг барча қоидалари ҳам коррупцияга қарши курашиш учун ўзига хос ёрдам бермайди. Масалан, ҳокимиятни тақсимлаш принципи. Ваколатларнинг тақсимланиши уларнинг горизонтал равишда бир-бирларини назорат қилишларини рағбатлантиради. Масалан, парламент демократиясида вакиллик ҳокимияти ҳукуматни тарқатиб юбориш ваколатига эга. Бошқа томондан, президентлик демократиясида ҳокимият тармоқлари янада функционал равишда бўлинади. Шунга қарамай, президентлик республикаларида коррупция одатда парламентдаги каби юқори, бу айнан президентнинг импичмент процедурасининг машаққати билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундан ташқари ҳудудий даражадаги ваколатларнинг тақсимланиши ва шу билан ижро этувчи ҳокимият ваколатларининг катта қисмини маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш даражасига ўтказилиши давлат органлари сонининг самарали қисқаришига олиб келади. Бу ҳокимиятнинг ахборот шаффофлигини оширади ва коррупцияни камайтиради. Шунга қарамай, штатнинг федерал тузилиши максимал даражада марказсизлаштиришни таъминлаб, кўпинча бир хил фаолиятнинг турли жиҳатларини турли даражадаги мансабдор шахслар томонидан тартибга солинишига ва натижада унитар давлатларга нисбатан кўпроқ коррупцияга олиб келади.

1.17. Сайлов тизими

Демократик мамлакатларда сайланган вакилларни коррупция учун жазолашнинг асосий усули уларни кейинги сайловларда ҳокимиятдан четлаштиришдир. Бу шуни англатадики, сайловчининг ўзи сайлаган кишиларнинг ҳалоллиги ва жавобгарлиги даражаси учун жавобгардир. Коррупцияга қарши қурол сифатида сайловларнинг юқори самарадорлигига қарамай, уларнинг таъсири жуда секин намоён бўлади. Ҳар 30 йиллик барқарор демократик тизим коррупцияга ҳукуматнинг либерал демократик моделига ҳақиқий ўтиш каби таъсир кўрсатади.

Бир қатор муаллифларнинг таъкидлашича, сайлов жараёнидаги камчиликлар коррупция доирасига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Агар сайловлар қонунбузарликсиз ўтказилган бўлса ҳам, уларнинг ўзи тизим сайловчиларни у ёки бу номзодга мафкуравий сабабларга кўра овоз беришни рағбатлантириши мумкин, бунда

унинг шахсан ўзи, бўйсунувчилари ёки умуман ўз партияси коррупциясини эътиборсиз қолдиради. Ушбу гипотеза тасдиқланди. Мажоритар тизим бўйича ҳар бир округда бир нечта вакиллар сайланган мамлакатларда, мутаносиб сайловлар ва ёпиқ партия рўйхатлари бўлган мамлакатларга ёки кичик сайлов округлари бўлган мамлакатларда ва ҳар бир округда битта вакилга нисбатан коррупция сезиларли даражада кам. Бунинг сабаби шундаки, мажоритар тизим энг катта индивидуал жавобгарликни таъминлайди ва бир нечта вакилларни ёки очик партиялар рўйхати билан сайлаш сайловчиларнинг номзодларнинг бенуқсонлигига бўлган эътиборини сезиларли даражада оширади.

1.18. Умумий чоралар

Коррупциянинг юқорида айтиб ўтилган сабабларини йўқ қилиш ҳам коррупцияга қарши чора ҳисобланади.

Коррупция нормаларининг конституцияга хилофлиги. Фуқарога чекловлар қўядиган ҳар қандай нормалар, Конституциявий эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини тавсифловчи нормалар бундан мустасно, коррупцияга олиб келиши мумкин. Иккинчиси жисмоний шахсларга эмас, балки давлат ҳокимиятига нисбатан чекловларни жорий қилади, бу ҳам қонуннинг ҳаддан ташқари оширилган талабларидан, ҳам давлат ҳокимияти идораларига ўз хоҳишига кўра ваколат беришидан институционал кафолатдир. Коррупция нормалари муқаррар равишда конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузади. Коррупцияга қарши мустақил экспертиза доирасида коррупция нормаларини аниқлаш мумкин.

Фуқароларни ахборот билан таъминлаш. Ушбу услуб қонунларни таҳлил қилгандан сўнг, фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нимада, қандай ҳуқуқбузарликларга олиб келиши кераклиги, суд процедураси қандай ўтиши ва унда нималарни ҳисобга олишини аниқ ва тушунарли қилиб тушунтириш мақсадида қонунларни таҳлил қилишни ўз ичига олади. Буларнинг барчасини билган ҳолда, фуқаролар ўзларини янада ишончли тутишади, пора беришга ундаган мансабдор шахс билан юзма-юз топишади.

Идоравий тизимларнинг очиклиги. Идоралараро операцияларнинг очиклиги ва тегишли фуқаролик назорати

идоралараро ҳужжатларни оммавий интернетда нашр этиш ва очик муҳокама қилиш орқали амалга оширилиши мумкин, бу эса коррупциянинг пойдеворини жиддий равишда бузиши мумкин. Бироқ бундай механизмлар тижорат сирларини ҳимоя қилиш бўйича ҳаддан ташқари қатъий қоидалар билан чекланган ёки уларни айрим бўлимларда қўллаш фуқароларнинг шахсий маълумотларини ва мудофаа бўлимлари ва ташкилотларида махфий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қўшимча чора кўриш зарурати билан боғлиқ.

Очик ахборот тизимларини татбиқ этиш учун жиддий муаммо – бу нафақат бепул лицензияларнинг афзалликлари ҳақида биладиган, балки солиқ тўловчиларнинг пуллари билан ишлаб чиқилган дастурий таъминот маҳсулотларининг версияларини бошқариш тизимларига очик ўқиш ҳуқуқини тақдим этиш бўйича талабларни давлат шартномаларига кирита олмайдиган мансабдор шахсларнинг ваколатининг пастлиги.

Мансабдор шахсларнинг ижтимоий таъминоти. Биринчи даражали тиббий ёрдам, кўчмас мулк сотиб олиш учун фоизсиз кредитлар, катта миқдордаги пенсия - буларнинг барчаси давлат секторида иш ҳақининг ошиши билан баробардир ва шунинг учун коррупциявий ишларга тушиб қолса, мансабдор шахснинг йўқотилишини оширади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ушбу чора коррупцияга дарҳол таъсир қилмайди, аммо вақт ўтиши билан бюрократия сифатини яхшилайдди.

1.19. Объектив қийинчиликлар

Коррупцияга қарши курашдаги муаммонинг моҳиятини **Жеймс Медисон** шакллантирган: *«Агар одамларни фаришталар бошқарган бўлса, ҳукумат устидан ташқи ва ички назоратни амалга оширишга ҳожат қолмас эди. Аммо одамлар одамларни бошқарадиган ҳукуматни яратишда асосий қийинчилик шундаки, биринчи навбатда, ҳукми бошқариладиган шахсларни назорат қилиш имкониятини таъминлаш керак; аммо бундан кейин ҳукмрон ҳокимиятни ўзларини назорат қилишни мажбурлаш керак»*¹⁹.

Коррупцияни олдини олишнинг энг муҳим омилларидан бири бу жиноят қонуни. Амалда, аксарият мамлакатлардаги қонунлар фуқаролик эркинликлари ва қарама-қаршиликларини бостириш учун

¹⁹ https://ru.qaz.wiki/wiki/Federalist_No._51.

қонунчиликни танлаб татбиқ этиш хавфини йўқ қилиш учун жиноий жавобгарлик деб ҳисобланадиган коррупция турларини изоҳлаш учун етарлича тор доирани ташкил этади. Шунинг учун, масалан, расмий шахсга таъсир ўтказиш нияти бўлган тақдирда, совғани пора деб ҳисоблаш мумкин. Агар мансабдор шахсга принципиал равишда совғаларни қабул қилиш таъқиқланмаган бўлса, унда одатда пора фактини исботлаш қийин. Бундан фарқли ўлароқ, ходимнинг маблағларини ўғирлашни мақсад қилган-қилмаслигидан қатъи назар, зарар етказилганда, пулни ўғирлаш кўпинча исботланган ҳисобланади.


Яна бир қийинчилик, айниқса катта миқдордаги коррупция ҳолатида, аксарият шахслар пора берганда, психология ва ўйин назариясида «**махбуслар дилеммаси**»²⁰ сифатида танилган. Бир томондан, агар ҳамма пора беришни тўхтатса, унда бундан ҳамма фойда кўради. Аммо агар фақат битта хусусий шахс пора олишдан бош тортса, у ҳолда у ўзини ўта ноқулай шароитга солади.

Ва ниҳоят, юқорида айтиб ўтилган коррупция бозорларининг барқарорлиги жиддий муаммо ҳисобланади.



Назорат учун саволлар

1. Коррупция атамасига изоҳ беринг.
2. Коррупцияга қарши курашчи сифатида тилга олинган биринчи ҳукмдор ким ва у қандай давлатни бошқарган?
3. Коррупциянинг энг хавфли шакллари санаб беринг.
4. Непотизм нима?
5. Ўзбекистонда коррупцияга қарши кураш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?
6. Нима деб ўйлайсиз, коррупцияни йўқотиб бўладими?



Мустақил таълим учун

²⁰ <https://vc.ru/flood/66598-dilemma-zaklyuchennogo-v-zhizni>

Қадрли толиби илм, юқоридаги қисман берилган маълумотнинг давомини қуйидаги мақола орқали ўқишингизни ва изоҳда ушбу мавзудан ва мустақил таълим учун берилган маълумотдан олган фикрларингизни ёзиб қолдиришингизни сўраймиз.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатида дуч келиш мумкин. Коррупция сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзулардан биридир.

Таъкидлаш лозимки, коррупция келтирадиган зарар барча давлатлар учун тенг саналиб, мазкур иллат давлатнинг турли соҳаларига, хусусан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий жабҳаларида амалга оширилаётган ислохотларга ҳамда мамлакатнинг халқаро майдондаги имиджи ва инвестициявий жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “Жамиятимизда коррупция илллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди”²¹.

Коррупцияга қарши курашишнинг устувор ҳуқуқий асослари қатор халқаро ҳуқуқий нормаларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган БМТ нинг Коррупцияга қарши Конвенцияси;

2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган БМТ нинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси;

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси. <https://www.press.uz/>. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати расмий веб-сайти.

1999 йил 27 январдаги Европа Кенгашининг “Коррупция учун жиной жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенцияси;

1999 йил 4 ноябрдаги “Коррупция учун фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида” ги Конвенциялари ва бошқалар.

Ўзбекистон юқорида таъкидланган халқаро нормалардан 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, шунингдек, 2010 йилда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти доирасида қабул қилинган Коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул Ҳаракат режасини ратификация қилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жинойтларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги фармони қабул қилиниб, мазкур фармон асосида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш мақсадида Коррупцияга қарши кураш Агентлиги ташкил этилди.

Фармон билан, агентликка Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий

координатори вазифа ва ваколатлари, шунингдек фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи миллий индекс тузишни ташкиллаштириш юклатилди.

Шунингдек, мазкур фармон асосида қуйидаги чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш белгиланлиги аҳамиятлидир, хусусан:

2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи E-Anticor.uz электрон платформасини жорий этиш;

коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус мобил дастурий таъминотни жорий этиш²².

Хорижий амалиёт таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат (compliance control) тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши комплаенс назорати – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сонли “Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.06.2020-й., 06/20/6013/1002-сон.

Қайд этиш лозимки, олиб борилаётган ислохотларни амалий ҳаётга татбиқ этиш мақсадида 2020 йил 4 февралда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) томонидан Коррупцияга қарши кураш бўйича идоравий чоратадбирлар дастури тасдиқланган бўлиб, фуқаролар ва юридик шахслар вакиллари томонидан коррупция ҳақида хабар бериш механизмлари жорий этилганлиги аҳамиятлидир, хусусан бугунги кунда:

– Омбудсманнинг “10-96” ишонч телефони ва виртуал қабулхонаси фаолият юритмоқда;

– фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг коррупциявий ҳолатлар бўйича ҳамда ходимларнинг бошқа қонунга хилоф ишлари тўғрисидаги мурожаатлари таҳлил қилиниб борилади, уларнинг натижалари одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларида муҳокама қилинади.

– Омбудсман Котибиятига ишга биринчи марта қабул қилинаётган шахслар учун коррупцияга қарши курашиш мақсадида йўл-йўриқларни тушунтириш, хизмат вазифасига қўйиладиган асосий мажбуриятлар, таъқиқлар, чекловлар, талаблар ва идоравий одоб-ахлоқ қоидалари мазмун-моҳияти 3 иш кунидан кечиктирмай тушунтирилади.

– Вакилга коррупция билан боғлиқ бўлган мурожаатларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2020 йилнинг 6 ой давомида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига мувофиқ Омбудсман томонидан Бош прокуратурага 17 та мурожаат юборилган (2019 йил – 21 та). Ушбу мурожаатлардан 2 таси ўз тасдиғини топган.

Соҳада амалга оширилаётган ушбу мазмундаги ислохотларнинг натижаси сифатида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилоти томонидан ҳар йили эълон қилиб бориладиган “Коррупцияни қабул қилиш индекси” да Ўзбекистон 180 та давлат орасида 2017 йилда 157-ўрин, 2018 йилда эса 158-ўринни эгаллаган бўлса, 2019 йилда 25 балл билан 153-ўринни эгаллаб, 5 поғонага кўтарилди²³.

Бундан ташқари Жаҳон одил судлов лойиҳасининг Ҳуқуқ устуворлиги индексидаги “Коррупциядан ҳолилик” индикаторида

²³ <https://www.transparency.org/en/countries/uzbekistan>

Ўзбекистон 2019 йилда 0,38 балл билан 95-ўринни эгаллаган бўлса, 2020 йил бўйича 128 давлат орасида 0,40 балл билан 89-ўринни эгаллаб, 6 поғонага кўтарилганлиги²⁴ мамлакатимизда коррупцияга қарши тизимли олиб борилаётган ислохотларнинг самарасидир.

Мамлакатимизда коррупцияни олдини олишга қаратилган чоратадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида мансабдор шахсларнинг коррупция билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлик ҳолатлари ҳали ҳамон учрамоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2017–2019 йиллар давомида 6127 нафар мансабдор шахснинг пора олиши билан боғлиқ жиноий жавобгарлик масаласи ҳал қилинганлиги, 2019 йилнинг дастлабки олти ойида жами 661 нафар турли тоифадаги мансабдор шахсларга нисбатан коррупция билан боғлиқ 590 та жиноят ишлари кўзғатилганлиги, коррупцияга қўл урган ва жинояти фош қилинган мансабдор шахсларнинг 25 нафари республика, 36 нафари вилоят ва 476 нафари туман-шаҳар миқёсидаги вазирликлар, идоралар ҳамда корхона ва ташкилотларда ишлаб келганлиги, коррупция жиноятларининг асосан тиббиёт, таълим, давлат хизмати кўрсатиш, хусусан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига лицензия ва руҳсат бериш билан боғлиқ соҳаларда²⁵ ҳали ҳамон камаймаётганлиги ташвишлидир.

Хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, кўплаб давлатларда, хусусан Сингапур, Буюк Британия, Германия, АҚШ каби ривожланган мамлакатларда “Давлат хизмати тўғрисида” ги, “Давлат хизматида жамоатчилик назорати тўғрисида” ги қонунлар ҳамда давлат хизматчилари, мансабдор шахслар, шунингдек судьяларнинг хатти-ҳаракат меъёрларини тартибга солувчи Ахлоқ кодекслари мавжуд эканлигини кўришимиз мумкин.

Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур нормалар билан давлат хизматчиларининг олиши мумкин бўлган совға ёки ҳадяларнинг аниқ миқдори ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, АҚШда ушбу миқдор 20 АҚШ долларини, Францияда 35 евро, Буюк Британияда 140 фунт, Россияда 3000 рубл этиб белгиланган, Канадада эса мансабдор шахсларнинг пул кўринишидаги совғалар қабул қилиши қатъиян

²⁴ <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/Uzbekistan>

²⁵ Бош прокуратура коррупция етказган зарар миқдорини маълум қилди. <https://www.gazeta.uz/oz/2019/07/31/corruption/>

таъқиқланади, Сингапурда давлат бошқарувида фаолият кўрсатувчи мансабдор шахсларнинг гонорар, займ, қимматли қоғозлар каби тўловларни олиши таъқиқланган²⁶.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юқоридаги хориж тажрибаси вазирлик тизимида жорий қилинган бўлиб, унга кўра ходимларнинг фуқаролар, бошқа ташкилотлар ходимлари, жумладан турли жойлар ва хорижий мамлакатларга уюштириладиган хизмат сафарлари давомида совғалар олиши таъқиқланди. Хорижий сафарлар давомида олинган совғалар, вазирликка ўтказиладиган тартиб жорий қилинди.

Бундан ташқари бугунги кунда илғор хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши самарали кураш олиб бориш жараёнида қўллаётган усулларидан бири бу давлат хизматчиларининг мол-мулки, даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги харажатларини декларация қилишнинг мажбурий этиб белгиланганлигидир. Бундан кўзланган асосий мақсад мансабдор шахсларнинг ноқонуний даромад олишни олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф этишдан иборатдир. Давлат хизматида ушбу усул бугунги кунда 150 дан ортиқ мамлакатда қўлланилмоқда²⁷.

Таъкидлаш жоизки, давлат хизматчиларининг мулкӣ декларация тизими коррупциянинг олдини олиш, ноқонуний бойиш ва манфаатлар тўқнашувини аниқлашнинг қудратли воситасидир. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг аксариятида активларни декларациялашнинг кенг жамоатчилик учун ошқора тизими йўлга қўйилган. Коррупцияга қарши амалдаги халқаро стандартлар, жумладан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатларда давлат хизматчилари томонидан активларнинг эълон қилиниши коррупцияга қарши самарали восита экани эътироф этилган.

Бу борада Дания тажрибасига кўра, 2002 йилда қабул қилинган “Коррупция тўғрисида”ги Дания Қонуни коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирларининг устуворлигини белгиловчи, таъсирчан

²⁶ Б.Исмоилов., Ф.Йўлдашов. Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон мавқеини юксалтиришнинг муҳим жиҳатлари. <https://uza.uz/oz/posts/>.

²⁷ Б.Исмоилов., У.Абдурахмонов. Таъсирчан жамоатчилик назорати коррупцияга қарши курашишда қай даражада муҳим? <https://uza.uz/oz/posts/>.

огоҳлантирувчи хусусиятга эга бўлган асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Хусусан, ушбу қонуннинг қоидалари Дания ҳукумати вакиллари ҳар йили ўз мол-мулки ва шахсий даромадлари тўғрисидаги маълумотларни нашр этишга, хорижий компанияларда акцияларга эга бўлишни таъқиқлашга мажбур қилади, бу уларнинг бошқарув фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлигини, коррупцион ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради.

Коррупцияни олдини олишнинг муҳим омили шундаки, мамлакатда давлат хизматчилари юқори даражадаги ижтимоий муҳофазага эга: улар бепул тиббий хизмат ва таълим олиш ҳуқуқига ва ижтимоий кафолатларга таянишлари мумкин, бу эса коррупцион ҳаракатлар эҳтимолини сезиларли даражада камайтиради.

Бундан ташқари Финляндияда Молия вазирлиги давлат хизматчилари ахлоқининг асосий мувофиқлаштирувчи органи ҳисобланиши билан характерлидир. Молия вазирлиги ҳукумат амалдорлари учун имтиёзлар ва совғаларни бериш ва олиш тартибини белгилайди, шунингдек давлат хизматчилари даромадларини текшириш ваколатига ҳам эга. Финляндия миллий тафтиш бюроси (НАОФ) эса мамлакатда коррупцияни олдини олиш мақсадида йилда икки мартаба марказий ҳукумат молиясини текширади, солиқ сиёсатини назорат қилади ва сиёсий партиялар ва сайлов компаниясини молиялаштиришни назорат қилади.

Юқоридаги таҳлиллар, коррупцияга қарши курашиш ҳамда мазкур турдаги жиноятларни олдини олиш борасида мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатмоқда:

биринчидан, “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинаётган бўлса-да, ҳали ҳамон мазкур қонун қабул қилинганича йўқ. Шу сабабдан “Давлат хизмати тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, шунингдек давлат хизматчиларининг Ахлоқ кодексини қабул қилиш, мазкур нормаларда давлат хизматчиларининг ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида амал қилиши лозим бўлган ҳамда коррупцияни вужудга келишига имкон яратиб берувчи сабаб ва шарт-шароитларни олдини олишга қаратилган меъёрлар акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, халқаро ва илғор хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда давлат хизматчиларининг мол-мулки,

даромадлари ҳамда катта ҳажмдаги харажатларини декларация қилишни тартибга солувчи нормаларни миллий қонунчилик тизимида имплементация қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса ўз навбатида мансабдор шахсларнинг мол-мулкидаги ўзгаришларни мунтазам равишда кузатиш имкониятини беради, декларацияларнинг оммавийлиги, яъни жамоатчилик учун очиқлиги эса уларнинг коррупцияга қарши курашишдаги аҳамиятини янада ошириши шубҳасиздир²⁸.

Шоҳжаҳон Култураев
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)
Котибияти етакчи маслаҳатчиси

²⁸ <http://www.ombudsman.uz/uz/docs/ozbekistonda-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-sohasida-davlat-siyosatini-takomillashtirtish-masalalari>

2-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ СТРАТЕГИЯСИ

2.1. Порахўрлик ва коррупция тушунчаси ва эътироф қилиниши

Коррупция жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган дахшатли иллатдир. Коррупция фуқароларнинг ижтимоий адолатга, давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради, мамлакатнинг иқтисодий ўсишига салбий таъсир кўрсатади, қолаверса жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитининг бузилишига олиб келади.

Ушбу иллатга қарши курашиш борасида мамлакатимизда соҳага оид халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Коррупция жамият ва иқтисодиёт ривожини, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини учун энг асосий тўсиқлардан биридир. Маълумотларга кўра, бу иллат жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача 2,6 триллион доллар зарар келтиради.

Мамлакатимиз ҳам мазкур муаммодан халос бўлмаган. Дунёдаги коррупция даражасини ўрганувчи Transparency International халқаро ташкилоти индексида Ўзбекистон охириги уч йилда 12 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали бу иллат барҳам топмаган.

Юртдошларимизнинг фикрича, соғлиқни сақлаш, таълим, банк, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар, коммунал хизмат соҳаларида, шунингдек, фуқароларни ишга қабул қилишда коррупция кенг тарқалган.

Мисол учун, таҳлилларга кўра, соғлиқни сақлаш тизимидаги харажатларнинг 25-30 фоизи самарасиз сарфланмоқда. Кўплаб соҳаларда давлат харидларини амалга ошириш тизими очиқ-ошқора эмас.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномада коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан кўра барвақт олдини олишга ўтиш кераклигини таъкидлаб, унга қарши курашишга масъул бўладиган ҳамда парламент ва Президентга ҳисоб берадиган алоҳида орган тузишни таклиф қилган эди.

Шунингдек, ушбу мустақил органни ташкил этиш юзасидан 2020 йил 1 майга қадар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси

ишлаб чиқилиши ҳақида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури”да ҳам белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил органлар ташкил этилганлигини дунё тажрибасида ҳам кўришимиз мумкин.

Хусусан, Сингапур, Корея Республикаси, Ҳиндистон каби давлатлар коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият кўрсатувчи алоҳида ихтисослаштирилган органлар ташкил этишда катта тажрибага эгалар.

Сингапурда доимий фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган орган – сиёсий ва функционал мустақилликка эга бўлган Коррупция ҳолатларини қидириш бюроси (ингл. Corrupt Practices Investigation Bureau) 1952 йилда ташкил этилган бўлиб, коррупцияга қарши курашишда муҳим бўғин ҳисобланади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўради, бунда мансабдор шахсларга берилган ҳар қандай шаклдаги “мукофот ёки совға” коррупция сифатида қаралади.

Бюро мансабдор шахслар орасида суиистеъмолчилик ҳолатларини текширади ҳамда улар ҳақида тегишли органларга жавобгарлик чораларини кўриб чиқиш учун хабар беради.

Бюро бошқарув тизимидаги эҳтимолий камчиликларни аниқлаш мақсадида коррупция ҳолатларига йўл қўйиши мумкин бўлган давлат органларининг иш усулларини ўрганиб, таҳлил қилиб боради.

Ушбу давлат органлари фаолиятида аниқланган камчиликлар коррупция ҳолатлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилинган тақдирда, Бюро мазкур идоралар раҳбарларига тегишли чораларни кўриш ҳақида тавсиялар беради.

Корея Республикасида Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия (ингл. Anti-Corruption and Civil Rights Commission) фақат Президент олдида ҳисобдор ҳисобланади, ушбу комиссия мамлакатда антикоррупцион сиёсатни мувофиқлаштиради, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни

такомиллаштириш билан шуғулланади, коррупциявий хавф-хатарлардан хабардор этиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади, антикоррупцион дастурларнинг амалга оширилиши юзасидан даврий ҳисоботлар тақдим этади ҳамда бошқа бир қатор вазифаларни бажаради.

Ҳиндистонда 1964 йилдан буён Огоҳлик марказий қўмитаси (ингл. Central Vigilance Commission, CVC) сиёсий коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланиб келади. Мазкур орган ҳукумат муассасалари томонидан коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида давлат органлари Европа давлатларида ҳам мавжуд. Масалан, **Финляндияда** коррупцияга қарши курашиш билан президент томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда бошқа давлат органларидан мустақил бўлган Адлия омбудсмани (фин. Justice-Ombudsman) шуғулланади.

Шу каби, **Францияда** Коррупциянинг олдини олиш марказий хизмати (фр. Service central de prevention de la corruption, SCPC), **Руминияда** Миллий антикоррупцион директорат (ингл. National Anti-Corruption Directorate), **Латвияда** Коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бюроси, Литвада Махсус тергов хизмати, **Украинада** Миллий антикоррупцион бюро порахўрликка қарши фаол кураш олиб боришади.

Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши қатъий курашадиган мустақил органнинг ташкил этилиши коррупция иллатининг турли кўринишларига барҳам беришда муҳим аҳамият касб этади ҳамда бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз²⁹.

²⁹ Маҳкамов. Э. <http://hudud24.uz/korruptsiyaga-karshi-kurashish-buyicha-mustakil-organ-kerakmi-horij-tajribasi-nima-deydi/>

Ўзбекистондаги турли давлат ташкилотлари ҳам коррупцияга қарши ўзига хос тарзда курашиш йўллари ишлаб чиқаяпти.

Бундан бир неча кун аввал “Давергеодезкадастр” давлат қўмитаси коррупцияга қарши кураш бўйича ўзгача йўл тутгани ҳақида хабар берган эдик. Қўмита чиқарган буйруққа кўра пора таклиф қилинганда олмаган ва бу ҳақда тегишли органга хабар бериб, ташаббус кўрсатган ва пора бермоқчи бўлган шахсга нисбатан жиноят иши кўзғатилган ҳолатда ходимлар таклиф қилинган порадан кўпроқ моддий рағбатлантирилади.

Аmmo, иштибоҳ туғиладики, ходим ёнига келган одамда пора беришга кайфият туғдириши ҳам мумкин-ку?! Бу узоқ таҳлил қилинадиган ҳолат. “Finansist.uz” сайти жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича тажрибаси ҳақида маълумот эълон қилди.

“Buyuk Kelajak” Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти (ХННТ)³⁰ (қуйида матн бўйича – “Ташкилот”) ўз обрў-эътиборини қадрлайди ва ўз фаолиятини амалга оширишда одоб-ахлоқ меъёрлари юқори даражасини сақлашга интилади. Аъзолар, иштирокчилар, ходимлар, таъсисчилар, шунингдек Ташкилот номидан фаолият юритувчи бошқа шахслар (қуйида матн бўйича – “аъзолар”) хатти-ҳаракатлари ушбу стандартларни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Мазкур ҳужжатдан кўзланган мақсад порахўрлик ва коррупцияга қарши кураш, Ташкилот мулкларининг тегишлича бошқарилишига содиқлик, ҳалоллик ва виждонлилик, ошкоралик ва масъулиятлилик юзасидан Ташкилот сиёсатини белгилашдан иборат. Ушбу сиёсат барча аъзолар, ҳамкорлар, агентлар, маслаҳатчилар, пудратчилар ва “Buyuk Kelajak” билан боғлиқ бошқа шахслар ёки ташкилотларга қатъий қўлланилади.

Порахўрлик ёки коррупция ҳаракатлари шахсга унинг ўз вазифаларини бажаришида таъсир кўрсатиш ва уни юз берган вазиятларда юқори маънавий одам ноҳалол деб ҳисоблайдиган хатти-ҳаракатларга оғдириш мақсадини кўзлаб амалга оширилади.

Порахўрликнинг тавсифланиши

а) оммавий мансабдор шахсга ёки иштирокчига ўз лавозим вазифаларини бажаришларида бирор-бир ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни амалга оширишлари учун шахсан ёки воситачилар

³⁰ <https://buyukkelajak.uz/about-buyuk-kelajak/>

орқали бевосита мансабдор шахс ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахсга бирор-бир ноқонуний устунликни ваъда қилиш, таклиф қилиш ёки тақдим қилиш;

б) иштирокчи томонидан ўз лавозим вазифаларини бажаришида мансабдор шахс бирор-бир ҳаракатни ёки ҳаракатсизликни амалга ошириши учун шахсан ёки воситачилар орқали бевосита ўзига ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахсга бирор-бир ноқонуний устунлик тамагирлик қилиниши ёки қабул қилиниши.

Коррупция – шахс томонидан шахсий манфаатларда ёки бошқа шахслар манфаатларида моддий ёки номоддий фойда олиш, худди шундай бундай фойдани ноқонуний тақдим қилиш мақсадида ўз лавозим ёки хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланишдан иборат.

Пора – ҳар доим ҳам нақд пул маблағлари берилишини аңлатмайди. Агар қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш учун мўлжалланган бўлса, совғалар, меҳмондўстлик ҳаракатлари ва вақтичоғлик тақдим қилишлар ҳам пора бўлиши мумкин.

2.2. Жарималар

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни 2017 йил 4 январда кучга кирди. Ушбу қонун ва кодексдаги тааллуқли моддаларга мувофиқ жисмоний шахслар томонидан пора бериб ўз томонига оғдириш озодликдан маҳрум қилиш ва ёки жарималар солиш билан жазоланади.

Порахўрлик ёки коррупция билан боғлиқ жинойтда айбланиш “*Вууик Келажак*” учун жиддий обрў-эътибор ва молиявий оқибатларга олиб келади.

2.3. “Вууик Келажак” ҳар қандай шаклдаги порахўрлик ва коррупцияга йўл қўймайди

Ташкилот қуйидагилар томонидан хоҳ пул шаклида, хоҳ исталган бошқа шаклда ҳар қандай пора таклиф қилиниши, тақдим қилиниши, тамагирлик ёки қабул қилинишини ёки коррупцияга оғдирилишини таъқиқлайди:

- ҳар қандай шахс ёки компанияга нисбатан ёки улар томонидан қаерда жойлашганлиги, давлат амалдори ёки давлат органи ёхуд хусусий шахс ёки компания бўлишидан қатъи назар;

- ҳар қандай алоҳида аъзо, иштирокчи, ходим, ҳамкор, агент, маслаҳатчи, пудратчи ёки ташкилот номидан фаолият юритувчи бошқа шахс ёки орган томонидан;

- жисмоний шахс ёки жисмоний шахс билан боғлиқ ҳар қандай шахс учун одобдан ташқари ҳисобланган исталган усул билан фаолият юритиш ёки бирор-бир шахсий имтиёзлар, пул ёки бошқа фойдалар олиш учун бирор-бир тижорат, контракт ёки норматив имтиёзлар олиш мақсадида.

Ушбу сиёсат қуйидаги фаолият турларини таъқиқлаб қўйиш учун мўлжалланмаган (агар ушбу фаолият турлари талабга жавоб берса, мутаносиб бўлса ва тегишлича рўйхатдан ўтказилган бўлса):

- одатдаги меҳмондўстлик юзасидан ҳаракатлар (харажатлари бозор нархларидан юқори бўлмаган ва Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланган);

- жараён хизматларни бажариш муддатларини қисқартириш, агар ушбу хизматлар расмий рўйхатдан ўтказилган бўлса ва бож тўлашда барча томонидан фойдаланиш мумкин бўлса;

- шахс ёки давлат органига янада самарали қарор қабул қилишида кўмаклашиш учун қўшимча ресурсларни тақдим қилиш, бу фақат ушбу мақсад учун мўлжалланган бўлиши шарт.

Яхши тушунамиз, баъзан, эҳтимолий ҳаракатлар усулининг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мураккаб бўлади. Агар сизда эҳтимолий ҳаракат ушбу сиёсат ёки қонун қоидаларини бузиши мумкинлигига нисбатан бирор-бир шубҳа бўлса, ушбу масала Комплаенс ходимида юборилиши керак.

Ташкилот ушбу сиёсат қоидалари ёки моҳиятининг ҳар қандай амалий ёки эҳтимолий бузилишларини пухта текширади. Ушбу сиёсат қоидаларини бузган аъзоларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилади, охир-оқибатда, “Buyuk Kelajak” аъзолигидан чиқарилиши ёки ишдан бўшатилишига олиб келиши мумкин³¹.

2.4. Муҳим хавф соҳалари

Порахўрлик ташкилотнинг кўплаб соҳаларида юз бериши мумкин. қуйида сиз билишингиз керак бўлган муҳим соҳалар келтирилган, шу жумладан:

³¹ <https://buyukkelajak.uz/about-buyuk-kelajak/>

• ортиқча совғалар, вақтичоғлиқ ва меҳмондўстлик юзасидан ҳаракатлар қарор қабул қиладиган шахсларга таъсир кўрсатиш учун ишлатилиши мумкин. Совғалар, вақтичоғлиқ ва меҳмондўстлик юзасидан ҳаракатлар оқилона доирада бўлса ва Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланган ҳолатда мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

• 50 АҚШ доллари (ёки эквивалент сумма)дан юқори миқдорда тақдим қилинган ёки олинган ҳар қандай совға ёки меҳмондўстлик юзасидан ҳаракатлар тўғрисида Комплаенс ³² ходимиغا хабар берилиши керак;

• расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар компаниялар ёки хусусий шахслар томонидан кундалик ёки керакли ҳаракатлар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш учун ишлатилади. Ушбу хизматлар расмий ҳисобланмаган ҳолатда, бундай хизматлардан фойдаланиш таъқиқланади. “Buyuk Kelajak” бундай тўловларга йўл қўймайди ва уларни оқламайди;

• тегишли равишда ҳужжатлаштирилмаган ва Мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан тасдиқланмаган ўзаро келишувлар ёки “тенг қийматли алмашинув”нинг ҳар қандай бошқа шакли мақсадга мувофиқ эмас. Янги контрактлар олиш, мавжуд контрактларни сақлаш ёки ҳар қандай қонунга хилоф имтиёزلарни таъминлаш учун ноқонуний тўловлар ҳеч қачон қабул қилинмаслиги керак;

• “Buyuk Kelajak” биргаликда фаолият юритадиган учинчи томонлар ҳаракатлари бир қатор шахслар, масалан, “Buyuk Kelajak” номидан фаолият юритадиган агентлар, маслаҳатчилар ва пудратчилар ҳаракатларини ўз ичига олиши мумкин. Тегишлича эҳтиёткорликни намойиш қилиш ва барча контрагентларни текшириш керак. Учинчи томонлар тааллуқли шартнома билан тижорат жиҳатдан аниқ асосланган соҳадагина жалб қилиниши керак. Учинчи шахсларга ҳар қандай тўловлар тегишлича тасдиқланиши ва ҳужжатлаштирилиши керак;

• ҳужжатлар юритилиши пора ёки коррупцияни яшириш учун ишлатилиши мумкин. Ҳужжатлар ва уларнинг тегишлича юритилиши доимий назорат остида бўлиши керак. Бизнинг барча ёзувларимиз ва ҳужжатларимиз аниқ, жоиз ва ошқора бўлган. Комплаенс ходими ўз

³²<https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%BE%D0%BC%D0%BF%D0%BB%D0%B0%D0%B5%D0%BD%D1%81>

масъулият доирасига тегишли ҳужжатлар юритилиши учун жавобгар бўлади. “Buyuk Kelajak” баённома қисми билан боғлиқ ҳужжатлар тааллуқли ишчи гуруҳлари, шунингдек Ташкилот ходимлари томонидан юритилади³³.

2.5. Коррупция тўғрисидаги ахборот қандай топширилиши керак?

Порахўрлик ва коррупция ҳолатлари олдини олиш, уларни аниқлаш ва ҳисобот бериш учун “Buyuk Kelajak” барча аъзолари ва ходимлари жавобгар ҳисобланади. Агар Сиз муайян фаолият ёки хатти-ҳаракат порахўрлик ёки коррупция ҳолати эканлигидан хабар топсангиз ёки бунга шубҳа қилсангиз, бу тўғрисида Комплаенс ходимига ёки Ташкилотнинг Мувофиқлаштириш Кенгашига зудлик билан хабар беришингиз шарт.³⁴

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурҳонов «Kin.uz».га берган хабарига кўра, коррупцион жиноятларга кўл уриб, жавобгарликка тортилган шахсларни ҳар бир соҳа кесимида очиқлаш режалаштирилганини маълум қилди, дея хабар бермоқда. Агентлик раҳбарининг қайд этишича, айни пайтда «E-antikor» платформаси устида иш олиб борилмоқда.

«Шу платформада коррупцион жиноятларга кўл уриб, жавобгарликка тортилган шахсларни ҳар бир соҳа кесимида очиқлашни режалаштирганмиз. Ҳар олти ойда ёки муайян даврий ораликда бу маълумотларни интернетга жойлаб борамиз.

Бунинг вақти келди ва энг асосийси, вазирлик ва идораларнинг ўзлари ҳам бунга — соҳаларини тозалашга тайёр.

У ёки бу давлат идорасида битта коррупцион хатти-ҳаракат бўлса, бутун тизим нуфузига путур етишини раҳбарлар тушуниб етишди. Бугунги кунда коррупциявий хатар юқори бўлган соҳаларнинг раҳбарияти ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳам мана шундай жиноятга кўл урганларни очиқ-ойдин кўрсатишга тайёрлигини билдирапти», — деди Бурҳонов³⁵.

³³ <https://buyukkelajak.uz/uz/porax-rlik-va-korruptsiyaga-arshi-kurash-siyosati/>

³⁴ http://old.prokuratura.uz/uz/pages/corruption_regulations/konventsiya_organizatsii_obedinennyx_natsiy_protiv_korruptsii/

³⁵ <https://daryo.uz/k/2020/12/10/korruptsionerlar-shaxsi-haqidagi-malumotlar-elon-qilib-boriladigan-platforma-ishlab-chiqilmoqda-akmal-burhonov/>

2.6. Коррупцион жиноятлар, жиноий жавобгарлик

Қонунчилик таҳлили коррупция билан боғлиқ қилмишларга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асослари кўпроқ амалдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси”да ўз ифодасини топган. Буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг “Коррупция билан боғлиқ жиноятлар”ни назарда тутувчи қуйидаги моддалар:

1. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (167-модда);

2. Сохта тадбиркорлик (179-модда);

3. Сохта банкротлик (180-модда);

4. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (182-модда);

5. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (184-модда);

6. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда);

7. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-модда);

8. Мансаб сохтакорлиги (209-модда);

9. Пора олиш (210-модда);

10. Пора бериш (211-модда);

11. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш (212-модда);

12. Товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш (214-модда)

13. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-модда);

14. Контрабанда (246-модда) мавжуд бўлса-да, халқаро ҳуқуқда ва амалдаги қонунчилигимизда “Коррупция” тушунчасининг ўзига таъриф берилмаган. Ушбу моддалар коррупциянинг моҳиятини нафақат тўлалигича очиб бера олмайди, балки коррупцион ҳаракатларга етарли даражада баҳо беришга имкон яратмайди.

Амалдаги қонунчилигимизда “мансабдор шахс”, “давлат хизматчиси” ва “давлат бошқарув органлари” тушунчаларини ўзида мужассамлаштирган қонуннинг мавжуд эмаслиги, мазкур муаммони Ўзбекистондаги давлат бошқаруви билан боғлиқ муносабатларда, мансабдор шахсларнинг статусини белгилашда, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширишда, тезкор-

қидирув фаолияти, тергов ва суд жараёнларида улар томонидан содир этилган қилмишларни процессуал баҳолашда айрим тушунмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Афсуски, амалдаги жиноят қонунчилигида кўпгина бугун мавжуд бўлган коррупцион қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган. Масалан, маълум бир сиёсий мақсадни амалга ошириш учун яширин маблағлар йиғиш, бирор-бир юқори лавозимга ишга ўтиш учун маблағ ёки бошқа ҳақ тўлашни амалга ошириш, ташкилотларнинг акцияларини тақсимлашда ёки аукционлар ўтказишда “таниш-билишчилик” қилиш, маълум ҳақ эвазига солиқ ёки божхона тўловларида имтиёзлар яратиб бериш, манфаатдор мансабдор шахслар томонидан ўз таъсир доирасидаги турли хўжалик юритувчи субъектларни ҳимояси остига олиш шулар жумласига киради.

2017 йил 4 январдан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун кучга кирди

Ҳар бир қонун яхшиликни кўзлаб, эзгу мақсадда қабул қилинади. Айрим қонунлар ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият тақдири, халқ келажаги, ҳар биримизга дахлдор бўлади. Миллий парламентимиз томонидан қабул қилиниб, 3 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун ана шундай тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан биридир.

6 боб ва 34 моддадан иборат ушбу қонунда коррупцияга қарши курашиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ва меъёрлар белгиланган.

2.7. Ўзбекистонда коррупцион ҳолатлар, уларнинг хусусиятлари, унга қарши кураш стратегияси ва ҳуқуқий асослари

Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар

Ўзбекистонда коррупция динамикаси ва бунинг сабаблари ҳақида. Уни қандай ўлчаш ва у билан қандай курашиш мумкин? Ўзбекистон коррупцияга қарши курашда узоқ муддатли ижобий динамикани намоён этувчи 16 та давлат қаторига киради.

Коррупция контурлари ва оқибатлари: Коррупция деганда, умумий маънода, шахсий бойлик орттириш ва шахсий манфаати йўлида шахсга ишониб топширилган лавозимини қасддан ва ноқонуний суиистеъмол қилиш тушунилади.

Коррупция бошқарувнинг барча даражаларида учрайди: глобал, миллий ва маҳаллий. Барча турдаги агентлар (жисмоний шахслар, корхоналар, давлат хизматчилари ва сиёсатчилар) коррупцияга ихтиёрий ёки ноихтиёрий равишда жалб қилиниши мумкин.

Коррупция турли шаклларга эга: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик, мулкни ўзлаштириш, фитна, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, хушомадгўйлик, совға, қариндошлик, ҳомийлик ва бошқалар.

Коррупциянинг ҳолатига турли омиллар: ижтимоий ва маданий шароит, институционал ва ташкилий тузилмалар, сиёсий муҳит, шунингдек иқтисодий ва таркибий ўзгаришлар сиёсати ҳам таъсир қилади.

Йирик коррупция деганда, амалдаги давлат сиёсатини йўққа чиқарадиган, ҳукумат даражасида амалга ошириладиган сиёсий ва ҳукумат раҳбарларига халқ ҳисобидан манфаат кўришга имкон берадиган ҳаракатлар тушунилади.

Маида коррупция деганда, одатда касалхоналар, мактаблар, милиция бўлимлари ва бошқа жойларда асосий хизматлардан фойдаланишга уринган оддий фуқаролар билан алоқа қилишда ҳокимиятнинг қўйи ва ўрта бўғинлари мансабдор шахсларнинг кундалик ишончли ваколатларини суиистеъмол қилишлари тушунилади.

Сиёсий соҳада коррупция демократик тамойилларга ўтиш жараёнини тўхтатади, сиёсий мақсадларни умуммиллий ривожланиш мақсадларига эмас айрим гуруҳларнинг мақсадларига тобе қилади, қонун устуворлигини бузилишига, сиёсий ва суд институтлари фаолиятининг самараси тушишига, мамлакат обрўсининг тушишига ва ҳақиқий сиёсий рақобатнинг йўқолишига олиб келади, шу билан ҳокимиятга ишонч сусаяди, уни жамиятдан узоқлаштиради.

Иқтисодий соҳада коррупция давлат маблағлари ва ресурсларининг самарасиз тақсимланиши ва сарфланишига, бизнесни юритишда кўп вақт ва моддий харажатларга, молиявий ва тижорат хавфларининг ўсишига, нархларнинг ўсишига, рақобат муҳитининг ёмонлашишига, хуфиёна иқтисодиётнинг ўсишига, солиқ тушумларининг камайишига, инвестицион муҳитнинг ёмонлашишига, инвестицияларнинг камайиши ва умуман мамлакат иқтисодиёти самарадорлигининг пасайишига олиб келади.

Ижтимоий соҳада коррупция ижтимоий тенгсизлик ва қашшоқликнинг кучайиши, ҳокимиятнинг бюджет соҳасига зарар етказувчи “зарбалар” (“откат”) лар туфайли ижтимоий муаммоларни ечишга қодир бўлмайд қолиши, уюшган жиноятчиликнинг кучайиши ва жамоатчилик кўз ўнгида қонуннинг обрўсизланишига олиб келади. Бу ахлоқий меъёрлар моҳиятининг йўқолишига ва ижтимоий кескинликнинг ўсишига сабаб бўлади.

Коррупция қандай ўлчанади?

Коррупцияни ўлчаш расмий муомаладан ресурсларни чиқиб кетиши ва давлат бошқарувидаги муаммоли соҳаларни аниқлашга ёрдам беради. Давлат хазинасидан йўқотилган пул миқдорини ҳисоблаш билан бир қаторда, коррупция тўғрисидаги маълумотлар давлат ва жамоат институтларининг алоҳида эътиборини талаб қиладиган қонунчилик тизимининг сифати, қонунларга муайян соҳаларда амал қилиниши, давлат сиёсатининг самарадорлиги каби давлат бошқарувининг муаммоли соҳалари ҳақида хабар беради.

Коррупция тўғрисида нисбатан аниқ маълумотларга эга бўлиш туфайли ҳукумат давлат хизматларини тақдим этишдаги тенгсизлик, қашшоқлик ва изоляция, шунингдек, пул олиб чиқиш (отмывание), солиқ тўлашдан бўйин товлаш ва порахўрликка йўл очиб берадиган молиялаш тизимидаги бўшлиқлар (лазейкалар) каби қатор масалаларни ҳал қилиш учун самаралироқ сиёсат ва тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиши мумкин.

Бугунги кунда дунёда коррупция даражасини ўлчашнинг бешта асосий усули қўлланилади. Уларнинг барчасининг афзалликлари ҳам, камчиликлари ҳам мавжуд. Зеро, коррупция тўғрисида аниқ маълумот олиш жуда қийин, ушбу фаолият билан шуғулланувчи барча шахслар кўп ҳолларда кимлиги очикланишини хоҳламайдилар.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда “compliance control” тизими жорий этилади

Ўлчов усуллари орасида энг кенг тарқалгани коррупцияни идрок этишни баҳолашдир (масалан, Transparency International ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси, Жаҳон банкининг коррупцияни бошқариш индекси). Ушбу усул мамлакат экспертлари ва аҳоли ўртасида мамлакатда коррупция ҳолати тўғрисида сўров ўтказишни назарда тутди. Шу билан бирга, ушбу усулнинг

ноқулайлиги шундаки, жамоатчилик ва экспертларнинг фикрларига тақдим этаётган маълумотларининг очиқлиги ва сифати мамлакатлар ва вақт оралиғида турлича бўлган оммавий ахборот воситалари таъсир қилиши мумкин.

Ўлчашнинг яна бир кенг тарқалган усули – бу коррупцияни баҳолаш бўйича сўров усули (масалан, Transparency International ташкилотининг глобал коррупция барометри ва Жаҳон банкининг бизнес сўрови). У мамлакатда коррупция муаммолари билан боғлиқ тажрибаси тўғрисида фирмалар ва аҳоли орасида сўров ўтказишни ўз ичига олади. Юқоридаги усулнинг камчиликлари – баъзи респондентларнинг давлат органларида коррупция бўлишидан манфаатдорлигидадир, шунинг учун улар коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бермасликни лозим тутишлари мумкин.

Коррупцияни бевосита кузатиш ҳам коррупцияни баҳолаш усулларида бири сифатида қўлланилади. Масалан, Индонезияда тўққиз ой давомида тадқиқотчилар юк машиналари ҳайдовчиларини кийимини кийиб, одатий йўналишлар бўйлаб юк машиналари ҳайдовчиларини кузатиб боришган ва юк машиналари ҳайдовчилари полиция назорат пунктида тўхтаганларида қанча тўлашганини қайд этиб боришган. 300 тадан ортиқ саёҳатлар давомида улар 6000 дан ортиқ ноқонуний тўловларни кузатишган. Натижада, ноқонуний тўловлар умумий саёҳат харажатларининг 13 фоизини ташкил этганлиги маълум бўлган. Ушбу усулнинг ноқулайлиги тегишли тадқиқотларни ўтказиш учун кўп вақт ва молиявий харажатларни талаб қилишидадир.

Коррупцияни ажратиш бўйича баҳолаш ҳисобот назорати органлари томонидан амалга ошириладиган ҳисобот харажатлари ва амалда ишлатилган харажатларни таққослашни ўз ичига олади. Ушбу усулнинг камчиликлари шундаки, инспекция органлари ходимларининг ўзи пора олишга ва ўғирликни яширишга мойил бўлиши мумкин.

Коррупция ҳаракатларини аниқлашнинг турли хил билвосита усуллари ҳам мавжуд бўлиб, улар бўйича коррупция ҳолатлари коррупцияга бевосита алоқадор бўлмаган маълумотлардан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Коррупцияни ўлчаш усуллари хилма-хиллигига қарамай, мутахассислар коррупциянинг аниқ харажатлари ва

оқибатларини аниқлашда жиддий муаммоларга дуч келмоқдалар:

• коррупция хатти-ҳаракатлари одатда яширин бўлиб, бу уларни аниқлаш ва ёзишни қийинлаштиради; коррупция фаолияти тўғрисида кўпинча хабар берилмайди, чунки тўлаши керак бўлганлар қасос олинишидан ёки бирон-бир даражада жиноят учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари мумкинлигидан қўрқишади;

• коррупция турли шаклларни олади – ўзрилик, фирибгарлик, қариндошчилик, порахўрлик, товламачилик ва пул ювиш (отмывание), бу коррупция амалиётини ягона индикатор кўринишида қамраб олиш имконсиз эканини кўрсатади. Масалан, бирор-бир ишда мансабдан фойдаланиб ўз яқин кишига ёрдам бериш (бошқалар зарари ҳисобига) ва бунинг учун тўлов олмаслик, моҳиятан коррупция, лекин буни аниқлашнинг деярли иложи йўқ.

Ўзбекистонда коррупция динамикаси

Ўзбекистон коррупцияга қарши курашда узоқ муддатли ижобий динамикани намойиш этувчи 16 та давлат қаторига киради.

Transparency International халқаро ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индекси бўйича, 2010 йилдан бери Ўзбекистон ҳар йили ўз мавқеини яхшилаб келмоқда. 2019 йилда Ўзбекистон 25 балл билан 180 давлат ичида 153-ўринни эгаллаган, 2010 йилда эса у 16 балл билан 172-ўринда турган эди.

Transparency International халқаро коррупцияга қарши барометрининг 2016 йилдаги маълумотларига кўра, Ўзбекистондаги респондентларнинг атиги 18 фоизи пора бергани ҳақида хабар берган ва уларнинг атиги 23 фоизи коррупцияни мамлакатдаги учта энг жиддий муаммолардан бири сифатида қайд этган. Аҳоли сўровларига кўра, энг коррупциялашган соҳа вакиллари – йўл-патрул ходимлари (респондентларнинг 17 фоизи уларга пора берганлигини тан олган), таълим ва тиббиёт ходимлари (респондентларнинг 16 фоизи буни тан олган). Респондентларнинг коррупция тўғрисида хабар беришига нима тўсқинлик қилади деган саволга, 39% улар бу саволга жавобни билмасликларини айтишган ва иккинчи энг кенг тарқалган жавоб “Салбий оқибатлардан қўрқиш туфайли” бўлган (17%).

Жаҳон банки корхоналар ўртасида ўтказган сўровида фирмаларга олтига турли битимлар, жумладан солиқларни тўлаш, рухсатномалар ёки лицензиялар олиш ва давлат хизматларига уланиш бўйича пора

бериш таклиф қилинган вазиятни баҳолашга уринади. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистондаги вазият дунё ва Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги ўртача кўрсаткичларга қараганда яхшироқ. Масалан, Ўзбекистонда сўровда қатнашган барча фирмаларнинг атиги 6 фоизи ўз амалиётида пора талаб қилиниши билан дуч келганлигини таъкидлаган, дунёда бу кўрсаткич 17 фоизни, Европа ва Марказий Осиё минтақасида эса 11 фоизни ташкил этади.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижаларига кўра, “Ижтимоий фикр” маркази баъзи жойларда коррупция ва порахўрлик даражаси юқори даражада эканлигини аниқлаган. Масалан, фуқаролар фикрига кўра, 2018 йилда соғлиқни сақлаш ва тиббиёт соҳаси коррупция ва порахўрликка энг кўп мойил бўлган – буни респондентларнинг 43,7 фоизи қайд этган. Кейинги йўналишлар таълим (39,4%) ва солиқ соҳаси (12,2%).

Худди шу марказ томонидан ўтказилган “Жамоатчилик фикри кўзгусида коррупцияга қарши курашиш” сўров натижаларига кўра, 2018 йилда соғлиқни сақлаш тизими, ишга қабул қилиш жараёни, олий ва халқ таълими тизими Ўзбекистондаги энг коррупциялашган соҳалар қаторига киритилди. Сўнг қуйидаги соҳалар: судлар, прокуратура органлари, Ички ишлар вазирлиги, солиқ органлари ва санитария-эпидемиология назорати.

Ўзбекистонда аниқланган коррупцион ҳуқуқбузарликлар давлат корхоналари ва муассасалари, ички ишлар органлари ва банклар энг коррупциялашган соҳалар эканлигидан далолат беради. Ушбу жойларнинг аксарияти аҳоли томонидан сўров давомида аниқланган жойларга тўғри келади. Шу билан бирга, мансабдор шахслар томонидан 2013 йилдан 2017 йилгача содир этилган коррупцияга оид жиноятлар 43 фоизга камайган, айнан прокуратура органлари томонидан 2015 йилдан 2017 йилгача турли коррупцион жиноятлар учун 14 171 шахсга (2015 йил – 6853, 2016 йил – 4524, 2017 йил – 2794) қарши 8572 та жиноят иши қўзғатилган (2015 йил – 3778, 2016 йил – 2860, 2017 – 1934).

Ўзбекистондаги коррупция хавфи бўлган соҳалар

Давлат хизматларини кўрсатиш. Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам давлат ҳар доим ҳам аҳолига зарур хизматларни, шу жумладан тиббий ва таълим хизматларини етарли даражада сифатли тақдим эта олмайди. Шу

муносабат билан, шифохоналарда, мактабларда, институтларда ва ҳоказоларда чекланган жойлар учун одамлар ўртасида рақобат мавжуд бўлиб, бу муассасаларда коррупция пайдо бўлади.

Тиббий ва таълим хизматларидан ташқари, Ўзбекистонда давлат хизматларини тақдим этишнинг бошқа кўплаб соҳаларида уларнинг аҳолининг мавжуд эҳтиёжларига мос келмаслиги кузатилмоқда. Хусусан, бу сув, газ, иситиш, суғориш тизимлари, асфальт йўллар, кўприклар, парклар ва ўйин майдончалари қурилишига тегишли. Бу ушбу тузилмалардаги коррупция даражаси бошқаларга қараганда юқори эканлигини кўрсатиши мумкин, чунки давлат маблағлари бошқа мақсадларда ишлатилган бўлиши мумкин ёки бундай хизматларнинг чекланганлиги сабабли биринчи бўлиб пора берганларга хизмат кўрсатилиш ҳолатларини жадаллаштириши мумкин.

Иқтисодий фаолиятни тартибга солиш. Хўжалик фаолияти механизмларини лицензиялаш ва тартибга солиш корхоналарга мансабдор шахсларнинг “имтиёзли режим”дан ўз мақсадларида фойдаланиш имкониятини яратади. Натижада, “фойда”ни давлат амалдорлари билан бўлишиш мумкин, улар ўз навбатида лицензия бериш ёки савдо-сотикни ҳимоя қилишни ўз зиммаларига оладилар. Бугунги кунда Ўзбекистонда 355 турдаги фаолият турлари мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш учун тегишли лицензия талаб этилади. Бундан ташқари фаолиятнинг 140 тури турли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган рухсат берувчи ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Коррупция “ботқоғи” даги соҳалар “тозаланади” ҳамда давлат хизматчиларининг мол-мулки декларация қилинади

Шу билан бирга, Давлат хизматлари марказида ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида мурожаат этувчилар атиги 23 та лицензия ва рухсатнома олиш учун мурожаат қилишлари мумкин. Қолган 475 лицензия ва рухсатномаларни олиш учун улар тегишли давлат ташкилотларига мурожаат қилишлари керак, бу кўшимча харажатлар, маблағ ва вақтни талаб қилади. “Буюк келажак” экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 30 фоизи лицензия ва рухсатномаларни рўйхатдан ўтказиш улар дуч келган 10 та асосий муаммолардан бири эканлигини кўрсатган.

Давлат секторида ресурслардан фойдаланиш устидан назоратнинг сустиги. Бугунги кунда давлат улуши бўлган корхоналарнинг умумий сони 2819 тани ташкил этади, шундан 2000 тасида давлат 50% дан ортиқ улушга эга. Қоида тариқасида, давлат корхоналарида, хусусий секторда бўлгани каби, ходимларнинг корхона ресурсларидан фойдаланиши устидан қаттиқ назорат мавжуд эмас, бу эса коррупция ва ўғрилиқ учун асос яратади. Энг кўп давлат корхоналари коммунал хизмат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳалар, туризм, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида фаолият юритаётганини ҳисобга олиб бу соҳаларда коррупция хавфи юқори эканлигини тахмин қилиш мумкин.

Иқтисодиётнинг кўп тармоқлари ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан тартибга солинади. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида давлат инвестицияларининг юқори улуши сақланиб қолмоқда. Давлат 37 турдаги товар ва хизматлар нархларини тартибга солади. Бугунги кунда хусусий секторда 4 ишчи давлат секторидаги 1 ишчига тўғри келади. Бинобарин, ривожланаётган давлатлар шароитида давлатнинг назорат функцияларининг катта қисми сақланиб қолиниши коррупциянинг кучайиши билан бирга келади. Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар сонининг статистикаси шуни кўрсатадики, барча даъволарнинг 71 фоизи давлат муассасалари ва корхоналар ходимларига қарши қўзғатилган.

Коррупцияга қарши қандай курашиш керак?

Коррупцияни йўқ қилиш учун авваламбор давлатнинг иқтисодиётга кераксиз аралашувини камайтиришга, давлат муассасаларида ишчилар сонини оптималлаштиришга йўналтирилган босқичма-босқич чора-тадбирларни ўз ичига олган стратегияни ишлаб чиқиш керак, бу эса кейинчалик ушбу ташкилотларда иш ҳақининг ошишига олиб келади. Келгусида қуйидаги йўналишларда коррупцияга барҳам беришда комплекс ёндашув бўйича самарали чоралар кўриш мақсадга мувофиқдир.

• **Малакали ишчиларни танлаш.** Билим даражаси ва коррупция ўртасида яқин боғлиқлик мавжуд. Малакалироқ ишчиларнинг пора олиш эҳтимоли камроқ. Бундай шароитда ходимларни ўз билимлари асосида ёллашга ёндашув коррупцияга қарши курашда самарали восита бўлиши мумкин. Шунинг учун давлат хизматида киришга

даввогарларга нисбатан ягона талабларни ишлаб чиқиш ва очиқ танлов имтиҳонлари тизимини жорий этиш зарур. Масалан, Жанубий Кореяда ҳукумат вақти-вақти билан давлат хизматчиларини текширади. Давлат хизматчисининг 5-даражасини олиш учун имтиҳон уч босқичдан иборат. Биринчи қадам номзодларнинг умумий билимларини синаб кўришдир. Имтиҳоннинг ушбу босқичининг предметлари ҳуқуқ, тарих, чет тили ва бошқалар. Иккинчи босқич номзодларнинг касбий билимларини синаб кўришдир. Ҳар бир профессионал гуруҳ турли предметларни билишни талаб қилади, аммо иқтисодиёт ва ҳуқуқ умумий фанлардир. Учинчи босқичда номзоднинг шахсий хусусиятларини текшириш учун суҳбат ўтказилади.

• **Ходимларнинг мотивацияси (иш ҳақи).** Нафақат иқтисодий назария, балки амалиёт шуни кўрсатадики, иш ҳақи даражаси коррупция схемаларида иштирок этишнинг афзалликлари билан таққосланадиган, кўлга тушиш хавфини ҳисобга олмаганда, коррупциянинг олдини олувчи асосий омил ҳисобланади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматчиларига хусусий сектор билан рақобатдош иш ҳақи таклиф қилиниши керак. Шунингдек, давлат хизматчиларининг иш фаолиятини баҳолаш тизими ва юқори лавозимдаги ишчиларга уларнинг фаолияти самарадорлигига қараб маош тўлаш тизимини жорий этиш зарур.

• **Жазо (обрў, жарималар).** Коррупция схемаларида иштирок этиш харажатларининг камлиги сабабли, коррупция фаоллиги ўсмоқда. Коррупция учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар коррупцияни енгишда алоҳида роль ўйнаши мумкин, чунки кўп ҳолларда ходим учун коррупция харажатлари унинг асоратларидан каттароқдир.

• **Мониторинг (аудит ва аниқлаш имконияти).** Кўпгина давлатлар “пора бериш” орқали коррупцияга қарши курашда аудит ролини кучайтириш зарурлигини тан олишади. Бухгалтерлар ва аудиторларнинг глобал коррупцияга қарши стратегияга қўшадиган ҳиссасини муҳокама қилиш учун Халқаро бухгалтерлар федерацияси “Бухгалтерия иши ва коррупцияга қарши курашиш” маърузасини эълон қилди. Европа Кенгашининг Коррупцияга оид Жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси мамлакатлардан ҳар қандай давлатнинг мансабдор шахсларига ваъда бериш, таклиф қилиш ёки бирон-бир

асоссиз устунлик бериш учун жиноий жавобгарликка олиб келадиган миллий қонунларни қабул қилишга чақиради. Бундай жиноят, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тартибини қўллаган ҳолда давлат хизматчиларининг порахўрлиги билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар тўғрисида қасддан нотўғри тақдим этилган деб ҳисобланиши керак.

• **Технологиялар (электрон ҳукумат, жамоат назорати).** “Электрон ҳукумат”нинг тўлақонли ишлаши давлат харидларининг аксарият қисмини ва аҳоли, бизнес ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг бутун тизимини шаффоф қилиш имконини беради ва бу тармоқнинг ҳажмини сезиларли даражада камайтиради. Иккинчиси бизнесни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Сингапурда кўплаб зарур хизматларни, масалан, паспорт ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани уйда зарур шаклларни тўлдириб, тегишли органларга электрон почта орқали юбориш орқали олишингиз мумкин. Ҳукумат бундай хизматларни Интернет орқали тақдим этиши одатий тарз сифатида қабул қилинади. Шунини таъкидлаш керакки, агар фуқаро ушбу хизматларни олиш учун муассасага шахсан ташриф буюрса, у ҳолда ушбу муассасага алоҳида эҳтиёжсиз келганлик учун унга жарима солинади³⁶.

СУҲБАТЛАР-ИНТЕРВЬЮЛАР

«Коррупция даражаси – мамлакат тараққиёти ва демократиясининг кўрсаткичи ҳисобланади» – Акмал Бурханов

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов «Газета.uz»га берган интервьюсида олдин эггаллаган лавозимларида учраган коррупция ҳолатлари, Ўзбекистонда коррупцияни қўзғатувчи омиллар, қонунчиликда қандай бўшлиқлар борлиги ва агентлик давлат бюджетини талон-тарож қилиш ҳолатлари билан қандай курашиши ҳақида сўзлаб берди.

2017 йил 29 июнь куни Президент фармони билан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Давлат органининг вазифаларига коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

³⁶ Хамидов Б. Экономическое обозрение №4 (244) 2020. review.uz/oz/post/ozbekistonda-korruptsiya-dinamikasi

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов «Газета.uz»га берган интервьюсида аввалги лавозимларида коррупцияга қарши қандай курашганлиги, коррупцияни қўзғатувчи омиллар, қонунчиликдаги бўшлиқлар, ходимларни ишга қабул қилиш жараёнларининг қандай ўтаётганлиги ва агентликнинг коррупцияга қарши курашиш режалари ҳақида гапириб берди.

Бундан ташқари биз коррупция мавзусида ёки бошқа йўналишларда турли хил тадқиқотлар ўтказардик, жамоатчилик фикрини ўрганардик. Натижаларни кенг оммага эълон қилганимизда, баъзи бир давлат амалдорлари томонидан «насихат ўқиш» йўли билан менга хато қилаётганим ва бундай қилмаслигим кераклигини уқтиришга қаратилган таҳдидлар бўлган. Бу каби ҳолатлар амалиётда ҳам учраган.

– **Ўшанда коррупцияга қарши қандай чораларни қўллагандингиз? Улар ўз самарасини кўрсатдими?**

– Аввало, ўзим учун шундай хулоса чиқардим: мониторинг жараёни фақатгина менга боғлиқ бўлмаслиги керак. Жараёнда бир ёқламалик ва бошқа тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги учун, айниқса вилоятлар ва кичик ҳудудларда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан биргаликда мониторинг тадбирларини ташкил қилдик. Бошқа жамоат тузилмалари ва мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар туздик.

Қийин вазиятда қолмаслик учун **барча фаолиятнинг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш зарурлигини** тушундим. Шунда мен ҳаммага «Менинг бунга алоқам йўқ. Бу ерда ҳамма ишлади. Бирор нарсани яширишнинг иложини қилолмасдим», деб айтишим мумкин эди.

Фаолиятимиз («Тараққиёт стратегияси» маркази, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати» ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги) давомида ходимларни ишга қабул қилишдан тортиб, бошқарув ёки молиявий қарорларни қабул қилишгача биз имкон қадар очиқ бўлишга ҳаракат қилдик ва ҳаракат қилмоқдамиз. Биз ҳар доим жамоатчиликка таянамиз. Ҳар бир ишимиз тўғрисида ОАВни хабардор қилдик, барча ишларимизни намоён этдик.

Очиқлик – коррупциянинг олдини олишнинг асосий омилларидан биридир.

Яна бир мисол, Сардобадаги фалокатдан сўнг, Адлия вазирлиги билан биргаликда хайрия акциясини ташкил қилдик ва махсус ҳисоб рақамини очдик. Биз ҳар куни жамоатчиликка қаердан ва қанча пул келиб тушаётгани ҳамда нимага сарфланаётгани тўғрисида маълумот бериб турдик. Бу ишларнинг барчаси жамоавий ҳал қилинди ва воқеа жойига чиқилди. Мен ўзим икки марта бориб, йиғилган нарсалар ва маблағлар қаерга ва кимга берилганини назорат қилдим.

– Сиз «Тараққиёт стратегияси» марказига ва кейинчалик «Юксалиш» ҳаракатига улар ташкил қилинган даврларда раҳбарлик қилдингиз. Энди сиз Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг директори этиб тайинландингиз. Сиз бошқарган олдинги ташкилотларнинг ҳар бири бугун фаолиятини фаол давом эттирмоқда. Сизнингча, раҳбар қандай ишлаши керак, у ишдан кетганидан кейин ҳам тизим узилишларсиз ишлаши учун ташкилотда қандай «мерос» қолдириш керак?

– Афсуски, Ўзбекистонда ҳамма нарса шахсга боғлиқ. Агар биз кимнидир яхши билсак, у қаерда ишлашидан қатъий назар, демак ўша ерда иш яхши кетяпти деб ўйлаймиз. Бундан ташқари биз ҳар доим «қўл бошқаруви» деб номланган қарорларни ва охир-оқибат қоидага айланадиган истисно ҳолатларини оқлаш учун минглаб баҳоналарни топамиз. Бундай бўлмаслиги керак, биз, албатта, етарлича эгилувчан тизимни яратишга интилишимиз керак.

Масалан, Япония бош вазир Синдзо Абэ яқинда истеъфога чиқди. Япония жамиятида бу борада алоҳида ташвишланиш ҳолатлари ва ноаниқлик ҳисси йўқ. Чунки уларда тизим бор. У ерда ким бош вазир бўлиши муҳим эмас, чунки тизим – мувозанатларнинг самарали тизими ва қарорларни қабул қилиш механизми барча соҳаларда бирдек ишлайди. Масалан, мен Япониядаги университетда ишлаганимда, раҳбарият кўп марта ўзгарган. Раҳбарлар ҳар икки йилда алмаштирилади, аммо ходимлар таркиби ўзгармайди. Мамлакатимизда кимдир вазирлик ёки идорада ўзгарганда, ҳамма «менга нима бўлади», «қандай раҳбар келади» деган бесаранжом хаёллар билан юришни бошлайди. Афсуски, тизим мавжуд эмас.

Марказда ҳам, «Юксалиш»да ҳам мен тизимнинг ишлаши, жамоанинг ишлаши ва менга ҳеч нарса боғлиқ бўлмаслиги учун қўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Албатта, ташкилотнинг юзи сифатида мен жуда кўп чиқишлар қилардим, аммо орқамда жамоа

бор эди ва мен кетганимдан кейин ҳам ушбу тизим ишляпти. Ҳамма ерда, барча йўналишларда худди шундай бўлиши керак.

Қандай қилиб, тизим ҳали ҳам бирдек ишлашига эришилди? Чунки сизни ишонтириб айта оламанки, ҳеч қачон ёлғиз қарор қабул қилмасдим. **Қарор қабул қилишда ҳамма иштирок этади, барчада ташкилот тақдирига дахлдорлик ҳисси бор эди.** Барчада интилиш бор эди: агар раҳбарият ким бўлишидан қатъий назар ходим ўз қобилиятини намоён қилса ва ишини кўрсата билса, унда ўсиш имкони бор эди.

Афсуски, кўпинча биздаги давлат органларида баъзи масалаларни ҳал қилиш фақат қайсидир бир мансабдор ёки ходимга боғлиқ бўлиб қолади. Шундай ҳолатлар бўладики, қайсидир ташкилотларга маълум бир ҳужжатлар юзасидан кўнғироқ қилганимизда, бизга «бу масала билан фалон киши шуғулланади, лекин ҳозир у йўқ. Келганида сиз билан боғланади» деб жавоб беришади. Мана, ҳамма нарса шахсга боғлиқ.

Масалан, Японияда барча йўналишларда ким масъул эканлигини билмайсиз. Ҳатто қарорлар ва ҳужжатларда ҳам ким нима учун масъуллиги ёзилмайди. Яъни у ерда бутун жамоа ишлайди. Иш натижалари ва қабул қилинган қарорлар учун ҳамма бирдек жавобгар. Ва уларда қарорлар пастдан юқорига қараб қабул қилинади. Яъни энг қуйи даражадагилар қандай қарор қабул қилинишини билишади. Барча қарорлар пастдан чиқиши сабабли, ходимларнинг барчаси дахлдорликни ҳис қилади. Бу ҳолатда раҳбарият учун ҳам ижро осонроқ кечади, чунки қарорни ишлаб чиқишда ҳамма бирдек қатнашган.

Бизда, масалан, ҳокимликлар ходимлари кўпинча қайси қарор ёки фармойиш қарор қабул қилинишини билмайдилар, улар ҳужжат эълон қилинганидан кейингина ўзгаришлар ҳақида билиб оладилар.

– **Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунда коррупцияга таъриф берилган. Умуман коррупция нима ва коррупциянинг қандай турлари бўлиши мумкин?**

– Коррупциянинг жуда кўп турлари мавжуд. Биз шундай муаммоли вазият билан тўқнаш келдикки, ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ҳам коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд. Баъзи идоралар қайсидир ҳуқуқбузарликларни коррупция деб билишади, баъзилари эса йўқ.

Шунинг учун аввало қайси ҳуқуқбузарлик ёки қайси ҳаракат коррупциявий ҳолат эканлигини аниқлаш керак.

Бир воқеа бўлган эди: ҳоким муҳташам тадбир ўтказган. Бу коррупциями ёки йўқми? У тадбир учун ёки қайсидир бир санъаткорнинг хизматлари учун шахсий маблағларидан тўлаганини таъкидлаши мумкин. Агар қонунчиликка мурожаат қилсак, унинг ҳаракати коррупция ҳолатими ёки йўқми, аниқлай олмаймиз.

Масалан, бизда турли сабаблар билан совғалар бериш ҳолати кўпинча ҳукумат амалдорини ўз томонига оғдириш ёки пора сифатида қабул қилинмайди. Чет мамлакатларда эса агар давлат хизматчиси кимдирдан совға оладиган бўлса, бу ҳолда совға берувчи унга бўйсунувчи ёки унга боғлиқ бўлиши шарт эмас, бу ҳолат лавозим суиистеъмоли сифатида коррупция ҳолатига текшириш учун сабаб ҳисобланади.

Менимча, **давлат мулки ёки мақомини суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай кўриниши коррупция деб баҳоланиши керак.** Бошқача қилиб айтганда, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик тушунчаси мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва белгиланган тартиб ва таъқиқларни бузиш билан боғлиқ бўлган кўплаб жиноий, маъмурий ва интизомий ҳуқуқбузарликларни қамраб олади.

Афсуски, бизнинг қонунчилигимизда, масалан, Жиноят кодексида коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида бўлим йўқ. Унда ҳамма нарса иқтисодий призмадан ўтади. Асосий эътибор иқтисодий жиноятчиликка қаратилган. Агар етказилган зарар қопланган бўлса, деярли барча иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо тайинланмайди ва баъзи ҳолларда эса ҳатто жазодан озод қилиш кўзда тутилган. Бошқа мамлакатлар мисолида лавозим жиноятларига нисбатан жамоатчилик нафрати, давлат ишлари билан шуғулланишдан умрбод маҳрум бўлиш каби қатъийроқ санкциялар ва муросасиз муносабатни кўрамиз.

– **Халқимиз орасида «таниш-билиш» деган тушунча мавжуд. Ғарб мамлакатларида «networking» тушунчаси бор. «Таниш-билишчилик» ва «networking» ўртасида қандайдир чегара борми?**

– «Таниш-билишчилик» ва «нетворкинг» ўртасида аниқ фарқ бўлиши керак. Нетворкинг ҳар доим яхши, ривожланган мамлакатларда, агар одамда нетворк – шахсий алоқалар бўлса, унинг

ишлари яхши ривожланади. Аммо бу ҳеч қандай тарзда манфаатлар тўқнашувини юзага келтирмаслиги лозим.

Масалан, ривожланган мамлакатларда ҳар бир давлат идораси ва хусусий ташкилотда манфаатлар тўқнашувининг аниқ тушунчаси мавжуд. Бизда ҳамма нарса аралашиб кетган – «таниш билиш» ҳам, манфаатлар тўқнашуви ҳам, биз ўзимиз ҳали охиригача чегара қаерда ўтганлигини тўлиқ англаб етмаганмиз. Афсуски, барчамиз «таниш-билиш» бу менталитет деб айтаемиз. **Аммо маданиятимиз ва урф-одатларимизни давлат хизмати билан адаштирмаслигимиз керак.**

Масалан, биз агентлигимизга ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилганимизда, бизга жуда кўп кўнғироқлар бўлди, жумладан, юқори амалдорлардан ҳам. Улар: «Буни ишга ол, у қобилиятли, сенга шунақа одамлар керак, ишончли ва билган одамларни ишга олиш керак» дейишарди. Мен «Агар у қобилиятли бўлса, унда бизда жамоат комиссияси бор, синов жараёнлари мавжуд. Мен кимни ишга олиш ва олмаслик тўғрисида қарор қабул қила олмайман ёки буюра олмайман», деб жавоб берардим.

– **Сизнингча, Ўзбекистонда коррупцияни қўзғатувчи омилларга нималар киради? Коррупция элементларининг пайдо бўлишига нималар таъсир қилиши мумкин?**

– Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда коррупциянинг ривожланишига таъсир қилувчи учта асосий омил мавжуд.

Биринчидан, етарли бўлмаган очиқлик ва маълумотнинг йўқлиги. Давлат идораларининг ёпиқлиги сабабли оммавий ахборот воситалари ҳам ўз вазифаларини тўлиқ бажара олмайдилар. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ошкоралик коррупциянинг олдини олувчи биринчи омиллардан саналади. Агар давлат идораси ёки мансабдор шахс жамоат олдида ўз фаолияти тўғрисида — молиявий масалалардан тортиб ишга қабул қилинишгача ҳисобот берса, бу коррупцияни камайтиришга ёрдам берувчи очиқлик бўлади.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти иштирокининг етишмаслиги. Ҳукумат идораси, ҳаттоки бизнинг агентлигимиз ҳеч қачон фуқаролик жамияти иштирокисиз коррупцияга қарши самарали кураша олмайди. Бунинг учун эса кучли фуқаролик жамияти зарур. Аммо мен фуқаролик жамияти умуман ишламайди деб айта олмайман, ижобий ўзгаришларни барчамиз гувоҳи бўляпмиз. Бироқ

барибир давлат фуқаролик жамиятига кўпроқ суяниши, унга ёрдам бериши ва рағбатлантириши керак. Агар давлат коррупцияни илдизига болта уришни истаса, фуқаролик жамиятининг кўмаги давлатнинг ўзи учун муҳим ёрдамдир. Нафақат агентлик яратиш, балки бу ишга фуқаролик жамиятини жалб қилиш ҳам муҳимдир.

Учинчидан, жазосиз қолиш ҳисси. Албатта, қонунчилигимизда порахўрлик учун жазо чоралари кўзда тутилган. Аммо маълум вақт ўтгач, биз пора олганларни яна давлат органларида, қайсидир ташкилотларда кўрамиз. Одамлар бундай жиддий қонунбузарлик қораланмайди ва ҳатто қаердадир кечирилади деган фикрга бориши мумкин. Кимдир, демак, менга ҳам мумкин деб ўйлайди, агар қўлга тушсам ҳам, икки ёки уч йил ўтириб чиқаман ва давом этаман деган хаёлга боради. Бу ҳам муҳим омил.

Қаттиқ жазо ва оқибатлар бўлиши керак. Шахсан мен коррупционер амалдорларнинг амнистия қилиниши ва уларни иш учун қайта тикланишларига қаршиман. Лавозим жиноятлари, айниқса порахўрлик учун жазо бошқаларни бу йўлдан қайтарувчи намуна бўлиши керак.

Бошқа давлатларда коррупция қаттиқ жазоланаётганини кўряпмиз. Масалан, Японияда, ҳар доим ҳам жиноятга олиб келмайдиган кичик бир расмий қоидабузарлик учун амалдор истеъфога чиқади. У жарима тўлаши мумкин, аммо у давлат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум бўлади.

– Аввало, биз давлат идоралари вакиллари учун пора олиш имкониятини беряпмиз. **Қоғозбозлик жараёнлари жуда кўп** – лицензиялаш, рухсатнома бериш жараёнлари давлат идоралари вакиллари фойдаланиши мумкин бўлган бошқарув ваколатларидир. Уларни сезиларли даражада камайтиришимиз керак.

Яқинда лицензиялашни қисқартириш тўғрисида давлатимиз Президенти томонидан фармон имзоланди. Бу иш давом эттирилади. Лицензиялаш ва рухсатнома бериш жараёнлари айрим соҳаларда бўлиши мумкин, аммо бу давлат органлари орқали амалга оширилмаслиги керак, ҳеч бўлмаганда давлат-хусусий шерикчилик асосида иш юритиш лозим. Ҳамма нарса муомаласиз бўлиши учун инсон омилини барча даражаларда камайтириш керак. Рухсат беришдан хабар бериш жараёнига ўтиш керак.

Иккинчидан, **бизда давлат хизмати тўғрисида қонун йўқ**, бу соҳада ягона қонунчилик базаси мавжуд эмас. Ягона таъқиқ ва чекловлар, кафолатлар ва жараёнлар ўрнатилмаган, манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш тизими тартибга солилмаган. Бундай ҳуқуқий бўшлиқда ҳар қандай вазирлик ишга қабул қилиш бўйича ўз қоидаларини ишлаб чиқади, билганича танлов ўтказади ва баъзи ҳолларда ходимлар ҳеч қандай танловсиз ишга қабул қилинади. Менимча, қонунни қабул қилиш вақти келди, қонун лойиҳаси сезиларли даражада яхшиланди.

Учинчидан, **қонунда бўшлиқлар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий қарорлари учун жуда катта майдон мавжуд**. Бунинг ёрқин намунаси – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. Масалан баъзи маъмурий ҳуқуқбузарликлар базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 дан 10 бараваригача жарима тўлаш керак. Нега аниқ 10 баравар эмас? Натижада, давлат хизматчисида жарима миқдорини камайтириш учун пора талаб қилиш имконияти мавжуд.

Аниқ жазо чоралари кўрсатилиши лозим. Баъзи мамлакатларда фуқаролар аниқ билишади, агар улар қандайдир қонунбузарлик содир этсалар, улар маълум миқдорда жарима тўлайдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати билан биргаликда биз бундай коррупция бўшлиқлари мавжуд бўлган қонунларни инвентаризация қилиш бўйича ишларни бошладик. Биз уларни босқичма-босқич ёпамиз ва қонунчиликка ўзгартиришлар киритамиз. Бундан буён биз коррупцияга шароит яратадиган қоидалар ва меъёрларни аниқлаш бўйича коррупцияга қарши экспертиза самарадорлигини назорат қиламиз.

– **Қандай қилиб одамларни пора бермасликка ишонтириш мумкин? Коррупцияга қарши тура олиш онг ости даражасигача чиқиши учун қандай тизимли чоралар кўриш зарур?**

– Биз одамларни фақат амалий чоралар билан ишонтира оламиз. Яъни улар ўзларининг намуналарида, амалда, масалани пулсиз ҳам ҳал қилиш мумкинлигини кўришлари керак. Шундай экотизимни яратишимиз керак.

Бунинг учун, авваламбор, инсон омилини бутунлай чиқариб ташлаш керак. **Фуқаро ва давлат идораси ўртасида давлат хизматларини кўрсатишда заррача инсон омили бўлмаслиги керак.**

Шаффоф тизим ва очиқ маълумотлар бўлиши керак. Масалан, автомобилларга давлат рақамларини сотиш. Умуман олганда, мен барча рақамлар очиқ сотувда сотилиши тарафдориман. Айтайлик, менга «113» рақами ёқди. Ушбу рақам сотилмайди. Аммо агар ходим менга аниқ шу рақам кераклигини билса, у пора талаб қилиши мумкин. Шунинг учун ҳамма нарса шаффоф бўлиши керак. Агар кимдир бино ёки ер сотиб олмоқчи бўлса, ҳамма билиши учун барча маълумотлар интернетда бўлсин.

Барча давлат идоралари оддий фуқароларнинг пуллари, даромадлари ва солиқлари ҳисобига мавжудлигини билишлари керак.

Албатта, бунда фуқаролар ҳам фаол иштирок этишлари керак. Улар ҳар қандай коррупция содир этилган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилишлари шарт. Фуқаролар хабардор бўлиши, маълумотлар текширилиши ва ҳар бир мурожаатга жавоб бўлиши учун давлат идоралари махсус тизим яратиши керак.

– Сизнингча, бизнинг халқимизда солиқ тўловчилар ўз ҳуқуқларини тўлиқ тушуниб етишадими? Одамлар, давлат улар томонидан тўланадиган солиқлар туфайли мавжуд эканлигини билишадими?

– Афсуски, ҳар доим ҳам эмас. Албатта, шаҳарларда ва таълим олган фуқаролар буни тушунишади, улар мансабдорлардан ўзларининг бевосита вазифаларини бажаришни талаб қилишни билишади. Аммо ҳудудларда, афсуски, ҳамма нарса бошқача, кўпинча давлат хизматчилари фуқаролар олдидаги бурч туйғусини англамайдилар.

Ҳар бир инсон, фуқаролик жамиятининг ҳар бир вакили буни талаб қилиши керак ва давлат идоралари буни ҳис қилиши керак. Давлат хизматчиси ўз лавозими, маоши ва оиласининг келажаги бюджет маблағлари ҳисобидан шаклланадиган давлат хизматига боғлиқлигини, бюджет маблағлари эса асосан солиқлар ҳисобидан шаклланишини билиши керак. Буни ҳамма тушуниши керак.

– Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори этиб тайинланганингизга бир ойдан ошди. Интервьюларингиздан бирида сиз, бирламчи вазифангиз аввало мамлакатдаги коррупция ҳолатини баҳолашдан иборатлигини айтдингиз. Агентлик ушбу йўналишда биринчи қадамни ташлай олдими?

– Албатта, бизда ҳали ишчилар йўқ, аммо ҳамкор ташкилотларимиз – Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Президент ҳузуридаги давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Ҳисоб палатаси ва халқаро ташкилотлар ёрдамида таҳлилни бошладик.

Биз ҳамма йўналишларда таҳлил қилишни бошладик. Фаолиятимизнинг биринчи натижаси 27 июль куни Президент ҳузурида бўлиб ўтган йиғилиш бўлди. Унда коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида «яширин иқтисодиёт»ни қисқартиришга эътибор қаратилди. **«Яширин иқтисодиёт» коррупцияга асосланади, коррупция эса ўз навбатида яширин иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмидир.** Улар доимо бирга юришади. Биринчи марта давлат раҳбарияти даражасида бизнинг маҳаллий ва халқаро экспертларнинг таҳлиллари натижалари «яширин иқтисодиёт» улуши 48 фоизгача етиши эълон қилинганидан хурсанд бўлдим.

Биз ҳам «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича таклифлар билдирган эдик. Ушбу йўналишда биз йил охирига қадар барча вазирликлар, идоралар ва соҳаларда коррупцияга қарши механизмлар жорий этилишига эришдик.

Коррупциядан қайси соҳалар кўпроқ зарар кўраётганини билиш учун биз кўплаб соҳаларни ўрганиб чикдик. Афсуски, бугунги кунда коррупция ҳолатлари нафақат кундалик ҳаётда, балки давлат даражасида ҳам, кўпроқ давлат харидлари тизимида аниқланмоқда. Шунинг учун биз Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш олдига иккита масалани қўйдик: **давлат харидлари ва соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишни бошлаш.** Кенгаш қарори билан ишчи гуруҳлар тузилди.

Бундан ташқари биз Миллий Кенгашни коррупцияга қарши курашнинг беш йиллик миллий стратегиясини қабул қилиш кераклигига ишонтара олдик. Халқаро ташкилотлар иштирокида ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш бўйича ишлар аллақачон бошланган.

– Президент чет эл давлатлари, жумладан **Жанубий Корея, Сингапур ва Европа давлатлари тажрибасини ўрганишга эътибор қаратишингизни сўради.** Ушбу мамлакатлар стратегиясининг қайси элементларини **Ўзбекистонга мослаштириш мумкин?**

– Президент фаолиятимизнинг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этишнинг энг яхши йўлини топиш учун хорижий тажрибани ўрганишни буюрди. Халқаро ташкилотлар бизга Сингапур, Жанубий Корея ва Европа мамлакатларидан мутахассисларни жалб қилишда ёрдам беришди. Улар коррупцияга қарши курашиш бўйича катта тажрибага эга. Ҳозир биз ушбу мамлакатлар тажрибасини ўрганмоқдамиз.

Масалан, Сингапурда коррупцияга қарши ислохотлар бошланганда, аввало, қонунчилик базаси ислоҳ қилинган. Ҳеч қандай жазо чоралари кўрилмаган, аммо қонунчиликдаги барча бўшлиқларни ёпишга қаратилган қонунчилик инвентаризацияси бошланган. Агар биз қонунчиликни Сингапур тажрибасидан олсак, Малайзиядан жиноий жараёнлардан мисоллар оламиз. Жанубий Корея тажрибасидан биз давлат хизматини ўрганамиз, Европа мамлакатларидан эса давлат харидлари, декларациялаш жараёнлари амалиётларини ва бошқаларни оламиз.

Яъни бирор-бир мамлакат тизимини тўлиқ қабул қиламиз, деб айтолмайман. Биз фақат Ўзбекистонда жорий этилиши мумкин бўлган энг яхши тажрибани оламиз.

– Ягона давлат стратегиясини қабул қилишда у ёки бу вазирлик идоранинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинадими?

– Барча давлат органлари учун мажбурий бўлган ягона стратегия қабул қилинади ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар ўзларининг коррупцияга қарши механизмини ишлаб чиқадилар. Биз биринчи босқични бошлаб бўлдик. Барча давлат идоралари ўз бўлимларида коррупцияга қарши курашиш бўйича ўзларининг йўл хариталари ва дастурларини ишлаб чиқдилар. Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура билан ҳамкорликда ишчи гуруҳ туздик ва «йўл хариталари» лойиҳаларини такомиллаштирдик.

Биз йил охирига қадар татбиқ қилиниши керак бўлган 26 та «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқдик. «Йўл харитаси» танлов асосида ишга қабул қилиш, одоб-ахлоқ қоидалари, таъқиқлар ва чекловлар, шу жумладан совғалар, манфаатлар тўқнашувини декларациялаш ва ҳал қилиш механизмлари, давлат харидларининг шаффоф механизми ва очиқлигини таъминлашни ўз ичига олади. Ишончим комилки, бундай

ички назорат тизимларининг жорий этилиши коррупция хавфини сезиларли даражада камайтиради.

Шунингдек, 2 йилга мўлжалланган Давлат дастури ва 5 йилга мўлжалланган стратегия қабул қилингандан сўнг ҳар бир вазирлик ва идора ўз режаларини ишлаб чиқади ва бошқа вазирликлар билан мувофиқлаштиради. Ушбу дастур ҳужжатлари, албатта, қонунчиликдаги ўзгаришларни ҳам назарда тутади, улар комплекс характерга эга бўлади.

– **Агентликнинг вазифаларига давлат хизматчиларининг мол-мулки ва даромадларини декларациялаш киради. Сиз бир суҳбатда мазкур механизмни 2021 йил бошида ишга туширишни режалаштираётганингизни айтган эдингиз. Бу йўналишда олиб бораётган ишларингизни қандай баҳолайсиз? Механизм «Давлат хизматлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси талабларини ҳам инобатга оладими?**

– Қонун лойиҳаси бўйича ишчи гуруҳ таркибига кўплаб вазирликлар ва идоралар, Солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, бизнинг агентлигимиз, Республика Давлат хизматлари ривожлантириш агентлиги вакиллари киради. Шунингдек, чет эллик мутахассислар ҳам жалб қилинган.

Ушбу тизимни 2021 йил 1 январдан бошлаб ишга тушириш учун биз бир вақтнинг ўзида платформани ишлаб чиқишимиз керак. Ҳозир биз мазкур платформа қайси ташкилот негизида бўлиши устида бош қотиряпмиз. Давлат солиқ қўмитасининг мавжуд ахборот тизимлари асосида платформа яратиш имконияти тўғрисида фикр билдирилмоқда, қўмита умумий декларациялашда маълум тажрибага эга, бу масала муҳокама қилинмоқда. Бир ой ичида биз қонун лойиҳасини яқунлаб, Президент Администрациясига топширишимиз керак.

– **Агентлик барча давлат органларида коррупцияга қарши ички назорат «compliance control» (комплаенс-контроль) тизимини жорий қилиши керак. Ушбу тизим тўғрисида гапириб берсангиз.**

– Compliance-control – қандайдир муносабатлар юзага келганда ҳуқуқий ва молиявий хатарларни баҳолаш ва бошқариш учун ички тизимдир. Энг муҳими, шу йўл билан коррупцияга мойил бўлган фаолият йўналишларини аниқлаш ва таҳлил қилишнинг самарали

механизмларини яратиш мумкин. Шунингдек, бу тизим турли хил репутацион таҳдидлардан ҳар томонлама ҳимояни таъминлайди. Яъни бу давлат органининг ички қоидалари. Умумий қабул қилинган халқаро стандартлар асосида ҳар бир ташкилотда compliance control тизимлари бўлиши керак.

Оддий қилиб айтганда, бу ички хавфсизлик тизими. Афсуски, бизда бундай тизим асосан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида бўлган. Негадир коррупция ҳодисалари фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида мавжуд деб ўйланган.

2021 йилдан бошлаб барча давлат идораларида compliance control тизимини амалга оширилиши учун сиёсий ирода ва мамлакат раҳбариятининг кўрсатмаси мавжуд. Бунда нафақат ўзининг хавфсизлиги, балки коррупцияга қарши мувофиқлик тизими ҳам ҳисобга олинади. Чет давлатларда, айниқса бизнес тузилмаларида бу одатий ҳодиса.

Кўплаб давлат идоралари бу борада иш бошладилар, улар ўзлари compliance control тизими учун махсус бўлинмалар яратиш ташаббуси билан чиқдилар. Келгуси йилдан бошлаб биз барча вазирлик ва идоралар учун ушбу тизимни татбиқ этиш ва алоҳида compliance control бўлимини очишни мажбурий қилмоқчимиз. Токи, бирор ташкилотда ишлашни истаган киши қонундан ташқари қандай ўйин қоидалари борлигини, у ёки бу ташкилотда ишлаш учун қандай мутахассис бўлиши кераклигини билиши учун алоҳида тизимга эга бўлсин.

– Коррупцияга қарши кураш комплекс ёндашувга эга бўлиб, унда мустақил судлар муҳим роль ўйнайди. Мустақил судларнинг ролини ушбу вазифада қандай баҳолайсиз?

– Судлар жуда муҳим роль ўйнайди. Аввало, биз судлар ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашимиз керак. Сўнги тенденциялар ва ўзгаришлар шуни кўрсатадики, айнан коррупцияга қарши курашда суд тизимида муҳим ислохотлар амалга оширилмоқда.

Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан **судьянинг ваколат муддати муҳим роль ўйнайди.**

Уч йил муқаддам инқилобий ислохот бўлиб ўтди, судьяларга умрбод ишлашга руҳсат берилди: биринчи муддат беш йил, иккинчи муддат 10, бенуқсон хизмат қилган тақдирда эса учинчи муддатдан

бошлаб у умрбод тайинланиши мумкин. Бу ҳам катта силжиш. Аммо биз ҳали ҳам ишлашимиз керак. Масалан, ротация – ўрин алмашиш тизимини жорий қилиш керак. Японияда судьялар ҳар икки йилда бир марта ўзгариб туради.

Охириги пайтлар судьяларни танлаш жараёни ҳам очик ўтказилаётганини кўряпмиз. 5-6 йил олдин танлов жараёни ошкора бўлмаган ҳолатлар бўлган. Энди эса судьялар ҳамжамияти вакилларидан иборат махсус Суд кенгаши тузилди, улар судья ким бўлишини ўзлари ҳал қиладилар. Танлов жараёнида қатнашиш учун оммавий ахборот воситаларига ҳам рухсат берилади.

Судьялар фаолиятининг шаффофлиги, уларнинг мустақиллиги, томонларнинг процессуал тенглиги ва суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг аниқ процессуал механизми коррупцияга қарши самарали курашнинг асосий омилидир.

– Сиз CPI (Transparency Int.) рейтингда Ўзбекистоннинг мавқеини яхшилаш кераклиги тўғрисида бир неча бор таъкидлаган эдингиз. 2019 йил якунларига кўра, Ўзбекистон 180 та давлат орасида 153-ўринни эгаллаб турибди. Сизнингча, мамлакат қандай шароитларда бу рейтингда кўтарилади? Умуман, бу рейтинг нима учун муҳим?

– Коррупция нафақат давлатнинг ички сиёсатида, балки мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсига ҳам таъсир қилади. Коррупциянинг ҳолати халқаро алоқаларни яратиш, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-маданий соҳаларда салбий оқибатларга олиб келади. Шунинг учун халқаро рейтингдаги позицияларимиз яхши бўлиши учун ишлашимиз керак. Бу мамлакат тараққиёти ва демократиясининг барометри ҳисобланади.

Кўпчилик ҳозирда Ўзбекистон фақат халқаро рейтингдаги ўрнини яхшилашга интиломда, дейишади. Бу нотўғри фикр. Халқаро рейтингларда ўз мавқеимизни қачон яхшилаемиз? Фақат давлат ичидаги мавқеимизни яхшилаганимизда. Халқаро рейтинглар эса ушбу ишларимизнинг тан олинисидир.

Афсуски, биз коррупцияни қабул қилиш индексида 153-ўринни эгаллаб турибмиз. Обьектив равишда назар солсак, биз у ерда 120-ўринда бўлишимиз мумкин эди. Бу рейтинг қандай тузилади ва

маълумотлар қаердан олинади? Очиқ маълумотлардан. **Бизда эса очик маълумотлар умуман йўқ.**

Ҳозир биз маълумотлар нафақат агентликда ёки қайсидир бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларда, балки барчада бўлишини таъминлаш учун иш олиб бормоқдамиз. Маълумотлар оммага ва жамоатчиликка, шу жумладан халқаро жамоатчиликка ҳам тақдим этилиши керак. Шунда ҳар хил рейтинглар ҳам ишончли, ҳам объектив бўлади. **Ҳозирча биз бундай рейтинглардан хафа бўлолмаймиз ва уларни холис эмас деб айтолмаймиз, чунки айб бизда. Бизда ҳамма нарса етарли даражада очик эмас.** Бундан ташқари агар биз кенг миқёсдаги очиқликни таъминласак, балки 120-ўринда бўлармиз ёки 170-ўринда бўлармиз.

Рейтинглар жуда муҳим. Биз миллий индексни жорий этишни режалаштиряпмиз. Кейинги йилдан бошлаб маълум бир вазирликдаги коррупция даражасини аниқлаш ва уларнинг раҳбарларини баҳолаш учун алоҳида идораларнинг коррупция мавжудлиги рейтингини ва мансабдор шахсларнинг рейтингини жорий этиш режалаштирилган. Биз ушбу рейтингларни вақти-вақти билан эълон қилишни режалаштиряпмиз ва шу билан халқаро ташкилотларга мамлакатимиздаги коррупцияни қабул қилиш даражасини баҳолашда ёрдам берамиз.

– **Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бергани учун фуқароларни рағбатлантириш таклиф қилинган. Пул мукофоти миқдори пора миқдори ёки етказилган зарар ёки талон-тарош қилинган мол-мулкнинг қийматига боғлиқ бўлади – БҲМнинг 3 бараваридан маблағнинг 10-15 %гача. Бу коррупция даражасига қанчалик таъсир қилиши мумкин?**

– Албатта таъсир қилади. Оддий мисол, Тошкентда йўл ҳаракати қоидаларини бузиш фактлари тўғрисида маълумот бериш тизими жорий этилди, бунинг учун пул мукофоти тўланади. Бу, албатта, таъсир кўрсатди ва йўл ҳаракати иштирокчиларини интизомли қилди.

Бундай амалиёт ҳуқуқмат амалдори учун тўхтатувчи омил бўлади. Ўйлайманки, бу яхши самара беради, ҳеч бўлмаганда хорижий амалиётда бундай механизмлар ўзини оқлади.

– **Агентлик бюджет харажатлари тўғрисидаги маълумотларни сўраш ва ўрганиш ҳуқуқига эга бўлди. Ушбу йўналишдаги ишлар жараёни ҳақида гапириб берсангиз.**

– Аввало, бюджет харажатлари тўғрисидаги маълумотлар нафақат агентлик, балки барча фуқаролар учун ҳам очиқ бўлиши керак, биз бунга эришишимиз керак. Биз бошқа бюджет ташкилотлари билан биргаликда меъёрий-ҳуқуқий базани яратамиз, бу маълумотларни олишнинг аниқ механизми бўлади.

Яқинда пандемия оқибатларини юмшатиш учун мўлжалланган маблағлар талон-тарож қилинганлиги эълон қилинди. Ушбу пулларнинг сарфланиш жараёни устидан назорат ўрнатдик. Биз турли давлат идоралари билан боғландик, улар қаерга ва қанча маблағ сарфланганлиги тўғрисида маълумот беришга тайёр. Бундан буён бизда ўрнатилган тизим бўлади ва биз барча органларнинг харажатлари ва бюджет тушумларини кузатиб борамиз.

– **Айтиб ўтганингиздек, сўнгги пайтларда кўпинча «Меҳр шафқат ва саломатлик», «Маҳалла» жамғармаларидан, Санитар-эпидемиологик фаровонлик марказидан ёки ишсизлик нафақаси маблағларини талон-тарож қилиш ҳолатларига тез-тез кўзимиз туша бошлади. Баъзи ҳолларда, бу ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли қатлами учун давлат томонидан ажратилган пуллар эди. Мутахассислар ушбу жараёнда воситачилардан фойдаланмасдан, пулни тўғридан-тўғри муҳтожларга тарқатадиган механизмни ишлаб чиқишни таклиф қилишди. Нима учун бу жараёнда воситачиларнинг иштироки барибир қолди деб ўйлайсиз? Бундай вазиятларнинг олдини олиш учун нима қилиш мумкин?**

– Бу ҳолат олдиндан тахмин қилинган вазият эди. Мен бошида пул миқдори жуда катта бўлса, васваса бўлади деб айтган эдим. Агар бу пул фавқулодда вазиятда ажратилса, васваса икки баравар кўпаяди. Тизимнинг йўқлиги виждонсиз кишиларга бундан фойдаланиш имкониятини яратди.

Охирги талон-тарож қилиш фактлари бизнинг тайёр эмаслигимизни кўрсатди. Статистик идораларда ҳам, камбағал фуқаролар билан ишлайдиган бошқа ташкилотларда ҳам кимнинг қандай ҳолатда эканлигини ҳисобга олиш тизими мавжуд эмас эди. Шунинг учун давлат бу пулни қайсидир ташкилотлар орқали

ажратишга мажбур бўлди. Инсон омилини камайтириш учун бизда экотизим, платформа бўлиши керак.

– Сизнинг агентлигингиз коронавирусга қарши курашга ажратилган маблағларни ўғирлаш ҳолатлари бўйича текширувни бошлади. Бу иш қандай олиб борилади?

– Аввало, биз Ўзбекистондаги пандемияни юмшатиш бўйича барча тушумларни ўрганмоқчимиз. Бу инқирозга қарши фондга тушган ҳукумат маблағлари. Иккинчидан, бу халқаро ташкилотларнинг маблағлари, грант маблағлари, шу жумладан, халқаро молия ташкилотларининг кредитлари. Учинчидан, қайсидир фондлар ва хайрия ташкилотлари орқали ажратилган маблағлар. Биз буларнинг барчасини таҳлил қилмоқчимиз.

Агар талон-тарож қилиш фактлари аниқланса, улар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаймиз. Ҳозирнинг ўзида аниқланган фактлар бор, жиноий ишлар кўзғатилган, биз бу ишларнинг тергов жараёнини кузатиб борамиз. Охирида эса биз фуқароларга қанча маблағ ажратилганлиги ва қандай сарфланганлиги, кимни ва қандай қилиб жавобгарликка тортганимиз тўғрисида ҳисобот тайёрлаймиз. Энг муҳими, биз ушбу маблағларни давлат хазинасига қайтарилишини назорат қиламиз.

– Сиз илгари пропаганда жамоатчилик билан ишлашнинг энг самарали усули эмас деб айтган эдингиз. Бироқ агентликнинг олдида одамларнинг коррупция масаласида саводхонлигини ошириш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришвазифаси турибди. Пропаганда ва маърифат томонидан ёндашувнинг ўртасидаги фарқ нимада?

– Биз «коррупция – ёвузлик» деб айтсак ва уни барчага такрорласак, демак бу пропаганда бўлади. Инсонларга коррупциянинг оқибатларини кўрсатиш эса маърифат томонидан ёндашув бўлади. Инсонлар коррупция нафақат давлатга, балки оилаларга ва уларнинг келажагига зарар етказишини билишлари керак.

Инсонларда дахлдорлик ҳисси пайдо бўлиши учун биз уларни коррупцияга қарши курашиш жараёни тўғридан-тўғри жалб қилишимиз керак. Бунинг учун янги ёндашувлар ва энг яхши амалиётлардан фойдаланишимиз зарур. Яқинда коррупция тўғрисида

хабар берганларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш тўғрисидаги қарор шундай мисоллардан биридир.

– **Агентликка ходимларни ишга қабул қилиш қайси босқичда эканлиги, улар қайси мезонлар бўйича сараланганлиги тўғрисида гапириб берсангиз.**

– Биз биринчи ўринда низомни ишлаб чиқдик, Адлия вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Президент маъмурияти, фуқаролик жамияти вакиллари ва психологлар таркибида махсус танлов комиссиясини туздик. Кейинчалик барча босқич натижалари комиссия вакиллари томонидан ҳал қилинди.

Ҳар бир лавозим учун аниқ мезонларни эълон қилдик. Аввало, бу маълум бир соҳадаги тажриба ва раҳбар лавозимидаги тажриба. Ҳаммаси очиқ-ойдин эди. Ариза бериш жараёнида инсон омили йўқ эди, номзодлар ҳужжатларни интернет орқали онлайн топширишди.

13 мингдан ортиқ аризалар келиб тушди. Аввалига биз кўп инсонлар ишлашга қизиқиш билдирганлиги ва улар орасидан муносибларини танлаш имкониятига эга бўлишимиздан хурсанд эдик. Аммо танлов жараёнида биз кўплаб номзодларнинг, яъни 90 фоиздан ортиғи бошланғич мезонларга мос келмаслигини англадик: етарли тажрибага эмас ёки бу соҳада ишламаган.

Охир-оқибат, **13 минг номзоддан атиги 146 киши тест синовларига қўйилди.** Ижтимоий тармоқларда кимнидир йиқитганимиз, кейинги босқичга кам одам қабул қилингани юзасидан эътирозлар кўзга ташланди. Аммо бизда комиссия бор эди, мен ҳеч нарсани ҳал қилмадим. Баъзи ҳолларда биз номзодларнинг иш жойларидан тавсияномаларни сўрадик, биз барча маълумотларни ҳисобга олдик: у қандай мукофотларга эга, аввалги иш жойида нима хизматлар кўрсатган.

4 та йўналиш бўйича 50 саволни ўз ичига олган тест синовлари ўтказилди: коррупцияга қарши қонунчилик саводхонлиги (25 та савол), дунё ва Ўзбекистондаги сиёсат (10 та савол), мантиқий фикрлаш (10 та савол), қолган 5 та савол тарих ва фалсафа фанларидан эди.

Дастлаб, комиссия 65 баллдан юқори балл тўплаган номзодлар кейинги босқичга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Аммо тест натижалари шуни кўрсатдики, атиги 7 киши 65 баллдан юқори балл тўплаган. Шу сабабли комиссия ўтиш баллини 56 баллгача

камайтиришга қарор қилди. Натижада 55дан юқори балл тўплаган 23 киши кейинги босқичга ўтди.

Умуман олганда, биз 30 та бўш иш ўрнига ишга қабул қилишимизни эълон қилгандик, афсуски, фақатгина 23 киши синовдан ўтди. Улар ҳали яна 2 босқичдан ўтишлари керак: психофизиологик тест ва суҳбат. Умид қиламанки, сўнгги босқичда имкон қадар кўпроқ номзодлар қолади.

Синовдан ўтмаган 123 киши кадрлар захирасига киритилди. Агар суҳбатдан сўнг биз кам одамни ишга олсак, унда бизда иккита сценарий мавжуд, қайси бирини танлашни комиссия ҳал қилади. Биз биринчи навбатда захира кадрларимиз билан боғланишни хоҳлаймиз, шунда улар яна синовдан ўтиш ёки кейинги босқичга ўтиш имкониятига эга бўлишади. Шундан сўнг, биз вақти-вақти билан бўш лавозимларга қўшимча танловларни эълон қиламиз. Шунинг учун, мен синовлардан ўта олмаганларга уларда ҳали имкон борлигини, биз улар билан боғланишимиз мумкинлигини айтмоқчиман.

Мен натижалардан жуда мамнунман. Ариза берганлар орасида танишларим жуда кўп эди: ким биландир бирга ишлаганман ёки курсдошларим. Улардан баъзилари ҳатто синовлардан ҳам ўтмади, баъзилари эса тест синовлари пайтида муваффақиятсизликка учради. Ҳаммаси очик, ошкора ва ҳалол бўлганидан хурсандман.

– Барча коррупционерларга айтмоқчи бўлган гапингиз борми?

– Мен уларга қўлга тушган ва жазо муддатини ўтаб бўлган коррупционерларнинг тақдири ва уларнинг аҳволи қандай эканлигига эътибор беришлари, таҳлил қилишларини маслаҳат берардим. Агар улар белгиланган чегарадан ўтишса, уларни қандай тақдир кутаётганини тушунишлари керак. Бу нафақат унинг ўзи, балки бутун оиласи ва унинг келажак авлоди учун жазо ёки доғ бўлиб қолади.

Ҳозир шу ишни қилаётганлардан, тўхташини илтимос қиламан, шунчаки атрофга назар солишсин ва бу қалтис йўлдан юрган одамлар, қуйи ёки юқори лавозимда бўлишидан қатъий назар, ҳозир қандай аҳволда эканлигини ва уларни нима кутаётганини билиб олишсин. Ўйлаб олиш учун бу етарли бўлиши керак.

Биламан, балки улар мени ҳеч ким қўлга туширмайди деб ўйлашаётгандир. Аммо бизнинг агентлик айбдорлар ҳар бир

ҳуқуқбузарлик ва барча ноқонуний ҳаракатлар учун жазоланишини таъминлаш учун қўлидан келганича ҳаракат қилади³⁷.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, коррупция мурракаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унга қарши курашиш учун алоҳида чораларни қўллаш самарали ҳисобланмайди. Ушбу фаолият комплекс-мажмуавий тарзда амалга оширилиши лозим. Бундан ташқари коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг мақсади ва объекти сифатида алоҳида олинган коррупционер эмас, балки ушбу хатти-ҳаракатларни амалга оширишга шароит яратиб берувчи ҳолатларини бартараф қилиш ва профилактик олдини олиш чораларида намоён бўлади.

Коррупция хусусида аниқ тасаввур ва унга қарши курашишнинг энг асосли манбаи ҳуқуқий асоси ҳисобланган “Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисида” Қонунини бевосита матнда киритишни услубий жиҳатдан тўғри бўлади деб ҳисоблаймиз. Чунки коррупция тўғрисида умумий фикрлардан кўра аниқ қонун мисолида таҳлил қилинса, мақсад ва аниқ ечимлар бўлади.

2.8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 24 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2016 йил 13 декабрда маъқулланган.

1 боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

³⁷ <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/05/akmal-burkhanov/>

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

манфаатлар тўқнашуви — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

4-модда. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари

Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- тизимлилик;
- давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги;
- коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги;
- жавобгарликнинг муқаррарлиги.

5-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.

6-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати давлат дастурлари ва бошқа дастурлар асосида амалга оширилиши мумкин.

Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ушбу Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

2 боб. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар

7-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

8-модда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (бундан буён матнда

Идоралараро комиссия деб юритилади) ташкил этилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар (бундан буён матнда ҳудудий идоралараро комиссиялар деб юритилади) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади.

Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил қилишни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, шу жумладан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишда иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, миллий хавфсизлик учун таҳдидларни баҳолашни амалга оширади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширади;

коррупциянинг ҳолати ва коррупцияга қарши курашиш натижалари тўғрисидаги ахборотни йиғади ҳамда таҳлил қилади, тегишли давлат органларига зарур ахборотни тақдим этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўради;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятда иштирок этади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги статистика маълумотларининг ҳисоби юритилишини ва таҳлил қилинишини таъминлайди;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

аҳоли ўртасида жамиятда ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғиботга доир фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштиради;

таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва тарбияга доир чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ҳамда уларнинг лойиҳаларидаги коррупция учун шарт-шароитлар яратадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш мақсадида ушбу ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг таҳлилини амалга оширади;

коррупцияга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз ваколатлари доирасида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар, иқтисодий ва коррупция билан боғлиқ бошқа жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни ва суриштирувни амалга оширади;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг эҳтимол тутилган йўллари ва механизмларини аниқлаш учун пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларнинг мониторингини ташкил этади ҳамда ўтказиши;

жинойй таъқиб этишни ташкил қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини кўриш учун тегишли давлат органларини коррупцияга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олди олиншини, аниқланишини ва уларга чек қўйилишини таъминлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир тадбирларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиши;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришда иштирок этиши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиши;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ушбу моддада назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

15-модда. Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши

Оммавий ахборот воситалари:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

16-модда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар коррупцияга қарши курашиш мақсадида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўради, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир тушунтириш ишларини амалга ошириш, ҳуқуқий тарбия ва таълимни, илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш, ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш йўли билан зарур чора-тадбирлар кўради.

17-модда. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

18-модда. Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

4-боб. Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар 19-модда. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини ва уларнинг ҳисобдорлигини таъминлаш, давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ва бошқа ходимларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариши юзасидан масъулиятини кучайтириш;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органларининг фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг ва улар ходимларининг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгиловчи одоб-ахлоқ қоидаларини самарали амалга ошириш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга риоя этилиши юзасидан мониторинг ўтказилишини таъминлаш;

давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, хизматни ўташнинг шаффоф тартибини ўрнатиш, шахсий ва касбий сифатлар, очиқлик, беғаразлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида танлов бўйича саралаш ҳамда хизматда кўтарилиш тизимини жорий этиш;

давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши, мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний

манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрилиши устидан назоратни таъминлаш;

давлат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ушбу органлар томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаган ҳолда мунтазам равишда мониторинг ўтказиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олишини ва рағбатлантирилишини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат органларининг ва ўзга ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа ходимлари қонун ҳужжатларига риоя этиши, ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларини беғаразлик билан, холисона, виждонан, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этган ҳолда бажариши ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

20-модда. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш;

давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик;

давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шакллари кенг жорий этиш;

тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик;

давлат харидларининг самарали ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, давлат харидларини жойлаштиришда ошкоралик, шаффофликни таъминлаш ҳамда рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш;

таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш.

Қонун ҳужжатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

21-модда. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишга доир чора-тадбирлар

Давлат органларининг ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, давлат органларининг ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган раҳбар бу тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

Давлат органларининг махсус бўлинмалари ёки одоб комиссиялари манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Давлат органларининг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

22-модда. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

қонунийлик ва адолатлилик принципларини таъминлаш, маъмурий-бошқарув жараёнининг беғаразлиги кафолатларини яратиш, ушбу жараённинг шаффофлигини, ташқи ва ички назорат учун очиқлигини ошириш;

ўз ихтиёрича ҳаракат қилиш ваколатларини чеклаган ҳолда маъмурий тартиб-таомилларни батафсил тартибга солиш, бюрократик расмиятчиликка йўл қўймаслик;

соддалаштирилган маъмурий тартиб-таомилларни жорий этиш;

давлат органларининг қарорлари устидан шикоят қилишнинг ва етказилган зарар ўрнини қоплашнинг самарали механизмларини белгилаш.

Қонун ҳужжатларида маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

23-модда. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

давлат харидларини амалга ошириш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ахборотнинг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш;

адолатли рақобатни ва қарорлар қабул қилиш чоғида холисона мезонлардан фойдаланилишини таъминлаш;

ички назоратнинг самарали тизимини, шунингдек давлат харидларини ўтказиш натижалари юзасидан шикоят қилиш ва низолашишнинг самарали тартиб-таомилларини яратиш;

давлат электрон савдоларининг самарали ишлашини таъминлаш.

Қонун ҳужжатларида давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир бошқа чора-тадбирлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

24-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси:

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган лойиҳани қабул қилиш оқибатларини умумий баҳолашга;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга хавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогноз қилишга;

коррупцияга сабаб бўлган, аниқланган омилларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқишга ва чоралар кўришга йўналтирилган жараёндан иборат бўлади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фаолиятнинг тегишли йўналишлари бўйича ўтказилади.

**5-боб. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш,
уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги
25-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида
аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид
ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг
муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар**

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг коррупциянинг ҳолатини ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилишга асосланган самарали ишини ташкил этиш, уларнинг фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга қарши курашнинг замонавий шакллари ва усулларида фойдаланиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг ишига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини, улар фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари ўртасида мувофиқлаштиришни ва ҳамкорликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактларига доир мурожаатлари тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

коррупцияга қарши курашнинг самарали жинойт-ҳуқуқий ва жинойт-процессуал механизмларини яратиш.

26-модда. Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти

Давлат органларининг ходимлари уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган мажбуриятнинг давлат органларининг ходимлари томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

27-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар суднинг қарорига кўра муайян ҳуқуқлардан, шу жумладан муайян лавозимларни эгаллаш ҳуқуқидан қонунга мувофиқ маҳрум этилиши мумкин.

Юридик шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

28-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни ҳимоя қилиш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахсларни таъқиб этиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Ушбу модданинг қоидалари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида била туриб ёлғон ахборот берган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

29-модда. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг аризасига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан бекор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибида ҳақиқий эмас деб топиллиши мумкин.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги натижасида қабул қилинган қарор бекор қилинган, ўзгартирилган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, унинг қабул қилиниши натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Коррупция соҳасидаги тадқиқотлар

Коррупциянинг ҳолатини, хусусиятини, миқёсларини, ўзгаришларини ва тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиш самарадорлигини ўрганиш давлат органлари томонидан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, шунингдек фуқаролар билан ҳамкорликда социологик, махсус, илмий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ўтказиш йўли билан доимий асосда амалга оширилади.

Социологик тадқиқотлар коррупцияга энг кўп дучор бўлган тармоқлар ва соҳаларни, унинг юзага келиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, шунингдек мазкур фаолиятга жалб этилган ижтимоий гуруҳларни аниқлаш мақсадида социологик сўровлар ўтказиш ва бошқа усуллардан фойдаланиш йўли билан жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ўз ичига олади.

Махсус тадқиқотлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолияти натижаларини, коррупцияга оид жинойтчиликнинг ҳолатини, коррупция кўрсаткичларининг статистика ҳисобини мунтазам равишда тизимли таҳлил қилишни, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг хусусияти ва миқёсларини, ўзгаришлари ва тенденцияларини ўрганишни ўз ичига олади.

Илмий тадқиқотлар коррупцияга қарши курашиш муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар ўтказишни, илмий услубиётлар ва тавсиялар ишлаб чиқишни, уларни амалиётга оқилона жорий этишни, коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган шакллар ва усуллар самарадорлигини прогноз қилиш ҳамда илмий таҳлил этишни ўз ичига олади.

Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватлайди ва рағбатлантиради.

31-модда. Ахборот олиш

Ҳар ким давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисида, шу шахснинг ўзига ёки шахслар гуруҳига тааллуқли бўлган ҳужжатларнинг қабул қилиниш жараёнлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар коррупция билан боғлиқ бўлган, жамият учун аҳамиятга молик воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги хабарларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ чекланиши мумкин.

32-модда. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари чет давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориш ва уларнинг сўровларига жавоб бериш ҳуқуқига эга.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида олинган мол-мулкни Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ қайтариш чораларини кўради.

33-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

34-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
Ш. МИРЗИЁЕВ

*Тошкент ш.,
2017 йил 3 январь,
ЎРҚ-419-сон*

2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фармони

Сўнгги йилларда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида коррупциоген омилларга чек қўйишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва “яширин иқтисодиёт”ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда “Коррупциясиз соҳа” лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини тубдан ошириш бўйича белгиланган вазифалар коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини яратишни тақозо этмоқда. Ушбу ишларга фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакилларини ҳам кенг жалб этиш зарурати туғилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Агентлик:

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади;

ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланади.

2. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилишни таъминлаш, шунингдек, коррупцияга оид хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ҳамда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг тизимли сабаб ва шарт-шароитларини бартаараф этиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитишни ташкил этиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни

ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкани декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш, шунингдек, ушбу жараёнда аниқланган коррупция ҳолатларига ўз вақтида таъсир чоралари кўрилишини таъминлаш;

давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“**ҳалоллик вакцинаси**”) ва **манфаатлар тўқнашувини ҳал** этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва **давлат харидлари** соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг **халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш** бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги **юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни** ташкил этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторнинг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик:

ҳар йили оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиниши лозим бўлган **Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани** тайёрлайди ҳамда уни

кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган кўмиталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг тегишли кўмитаси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг коррупцияга қарши курашиш комиссиялари билан ҳамкорлик қилади;

коррупцияга оид, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи **жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади** ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради;

коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган **зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни** амалга оширади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тизими самарадорлигини таҳлил қилади ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади;

фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида коррупциянинг даражасини баҳоловчи **Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини** тузишни ташкиллаштиради;

давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси **ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини** қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади;

жойларда коррупциянинг олдини олишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

коррупция ҳолатларига доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига тақдим этади.

4. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг реализация қилиниши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари

бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

Ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **коррупция ҳолатини ўрганиш;**

коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материалларни **фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан, жиноят ишларини кўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;**

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий суриштирувлар ўтказиш;**

ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;**

давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантиришлар** ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритиш.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида **кўриб чиқилиши** ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши **шарт**.

5. Белгилансинки:

Агентлик ходимларининг таркиби юриспруденция, иктисодиёт, молия, солиқ, аудит, ахборот-коммуникация технологиялари ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар орасидан тўлдирилади;

Агентликнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли;

коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозим.

6. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** (кейинги ўринларда – Миллий кенгаш) ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Агентлик Миллий кенгаш фаолиятини самарали ташкилий-услубий қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, иш режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда Миллий кенгаш

томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини ташкил этишни таъминласин.

7. Агентлик уч ой муддатда:

Агентликни юқори малакали кадрлар билан, биринчи навбатда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга ва Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни профессионал даражада бажаришга қодир шахслар орасидан тўлдирилишини;

Агентлик фаолияти ташкил этилишини тартибга солувчи ҳужжатлар пакети, шу жумладан, Агентлик тузилмалари тўғрисида низомлар ва ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ишлаб чиқилишини таъминласин.

Белгилаб қўйилсинки:

Агентликни ходимлар билан тўлдириш конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ Агентлик томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади;

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг назарий ва амалий масалалари, хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ўрганишни қамраб олувчи махсус ўқув дастурлари бўйича таълим олади.

8. Агентлик:

а) Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шу жумладан, халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”)ни босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин;

б) давлат харидлари соҳасида масъулиятни ошириш ва коррупцияни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларини, шу жумладан, харид қилиш тартиб-таомиллари турларини белгилаш ва ижрочини танлаш шартларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

давлат харидлари доирасида тузилган шартномаларни мажбурий равишда эълон қилиш, шунингдек, давлат харидларини танлов ва тендер савдолари орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда фақат электрон шаклда амалга ошириш тартибини жорий этиш бўйича таклифларни киритсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банки ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан, уй-жой коммунал хўжалиги, сув хўжалиги, қурилиш ва энергетика соҳаларида давлат харидлари, давлат мулкани бошқариш ва ундан фойдаланишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати бўйича ўрганиш ўтказсин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда доимий асосда давлат харидларида аффилиланганлик, шу жумладан, харидлар иштирокчиларининг охириги бенефициар эгаларига тааллуқли манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш мақсадида масофавий мониторинг ўтказсин.

9. Агентлик зиммасига:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси миллий координатори** вазифа ва ваколатлари юклатилсин.

10. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси билан биргаликда уч ой муддатда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш

ҳамда баҳолаш имконини берувчи **“E-Anticor.uz”** электрон платформаси;

коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи **махсус мобил дастурий таъминот**;

Агентликка давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

11. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

икки ой муддатда – **Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”** ишлаб чиқилишини ҳамда Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашига киритилишини;

уч ой муддатда – **“Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида”**ги, **“Давлат хизматчиларининг даромадлари, мол-мулки ва манфаатлар тўқнашувини декларация қилиш тўғрисида”**ги, **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”**ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилишини;

уч ой муддатда – **Коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилишни давом эттириш бўйича “Йўл харитаси”** ишлаб чиқилишини ҳамда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Миллий кенгашга киритилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Агентлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, биноларни таъмирлаш, мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозлаш учун ўрнатилган тартибда маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида алоҳида модда билан Агентлик фаолиятини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши

курашиш чораларини молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Агентликни жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардияси Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда унга ҳар томонлама кўмаклашсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ушбу фармоннинг мақсад ва вазифаларини ёритиш бўйича мақолалар чоп этилишини ва тематик телекўрсатувлар бериб борилишини ташкил этсин.

16. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифларни киритсин.

17. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин³⁸.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2020 йил 29 июнь

³⁸ <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasida-korruptsiyaga-arshi-kurashish-tizim-29-06-2020>

2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида:

1. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлари барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши мажбурийлиги белгилаб қўйилсин.

4. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларни тузсин ва уларнинг фаолиятини ташкил этсин.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларга тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари бошчилик қилиши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Миллий ахборот агентлиги Давлат дастурининг амалга оширилиши юзасидан ахборотнинг оммавий ахборот воситаларида ҳар томонлама ва тизимли равишда ёритилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 2 февраль,
ПҚ-2752-сон



Назорат учун саволлар

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия (ингл. Anti-Corruption and Civil Rights Commission) фақат ким олдида ҳисобдор ҳисобланади?


2. 1964 йилдан буён қайси кўмита сиёсий коррупцияга қарши курашиш билан шуғулланиб келади?

3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қачондан кучга кирди?

4. Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунининг 35 моддасида нима тўғрисида сўз боради?

5. Коррупцияга қарши кураш учун қайси ҳукумат органлари ва шахсларни маъсул деб биласиз?

6. Бошқа иллатлар ҳам мавжуд бўлган даврда нега айнан коррупцияга қарши курашишга эътиборимизни кўпроқ қаратишимиз керак?



Мустақил таълим учун

«КОРРУПЦИЯ!.. КАТТА БАЛИҚЛАР ҚАЧОН ИЛИНАДИ?»³⁹

Ҳар қандай мамлакатни тараққиётдан тўсувчи, таназзулга етакловчи жиноят бу, шубҳасиз, коррупциядир! У – жирканч, ботқоққа ботирувчи иллат! Коррупция йўқолмас экан, халқнинг фаровон яшаши, «ислоҳотларнинг жадал ривожланиши» жуда қийин. Бу балога лоқайд қаралса, шунчалик томир отадик, қирқиб ташлаш

³⁹ <https://xabar.uz/tahlil/korruptsiya-katta-baliqlar>

оғир бўлади. Чунки бир иборада айтилганидек, коррупция ўз илдизини юқорига қарата чуқур отади.

Ўзбекистонда 2017 йил 4 январдан кучга кирган «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунга кўра, «коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш»дир.

Мамлакатимизда «коррупция» сўзи ишлатилган 207 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ишлаб турибди. Кейинги ойдан Коррупцияга қарши курашиш ва ахлоқ қўмитаси ҳам иш бошлаши кутилмоқда.

«Коррупция – давлат органлари ходимлари моддий ёки мулкӣ йўсинда, ғайриқонуний шахсий наф кўриш мақсадида, ўз хизмат мавқеидан фойдаланишида ифодаланадиган ижтимоӣ ҳодисадир», дейилади Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сайтыда.

Хўш, бугун мазкур «ижтимоӣ ҳодиса» Ўзбекистонда қай даражада бўй кўрсатяпти? Гап фақат қонун, қарор, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, агентлик ва қўмиталарда бўлганида қани эди! Қоғозда тахланиб ётадиган ҳужжатларнинг нима кераги бор? Ҳамма гап уларнинг механизмида, ҳаётга жорий этилишида. 207 та норматив ҳужжатни шунчаки санаб ўтиб, коррупцияни таг-томири билан суғуриб бўлмайди. Халқ, оддий одамлар нима демоқда? Бу мавзуда ижтимоӣ сўровномалар ўтказиляптими?

Тан олиш керак, бугун маълум маънода коррупциянинг йўли тўсилмоқда. Хўш, қайси жабҳаларни ундан холи дейиш мумкин?

Олий ўқув юртига ўқишга кириш. Жамиятдаги энг оғриқли нуқта эди. «Экс-вариант», «Паровоз», «Бункер» орқали билимли ёшларнинг ҳаётини поймол қилган, коррупцияни гуллатган йилларни эсан чиқариб бўлмайди. Шукрки, ҳозир бу ҳолатлар учрамаяпти.

Прописка. Бусиз ўз юртингда бегона эдинг. Кўча-кўйда милиция ходими паспортингни сўраши ва прописканг бўлмаса, бўлимга олиб кетиши, кейин отнинг калласидек жарима солиб, камига пойтахтдан «бадарға» қилиш муддатини ҳам кўярди. Бугун эса прописка деган муаммо йўқ.

Тегишли лицензия, справкалар олиш. Одамларнинг бир парча қоғозга эга бўлиш учун асабийлашиши, узоқ кутиши оддий ҳолат эди. Барҳам топди.

Саломатлик, нотариус хизмати, боғчага болаларни жойлаштириш. Пул, пул, пул эди. Бугун эса уйдан чиқмасдан ҳам ҳал қилиш мумкин.

Кадастр масалалари. Амалдорнинг димоғи осмонда эди. Бундан ташқари уларнинг «учар»лари яхшигина соққа ишларди.

Ва яна айрим соҳалар (солиқ тизими, ЙПХ ва ҳоказо)...

Ҳа, коррупциянинг пайи қирқилмоқда. Аммо бу жараён жуда секин кечмоқда. Коррупцияга қарши кескин чоралар кўрилмаяпти, дадил курашлар кўзга ташланмаяпти.

«Ҳамма жойда коррупция. Ҳамма жойда ўғрилик. Қўлимизда аниқ ҳужжатлар бор. Йўл қурилишида коррупция, сувда, светда коррупция. Мактаб, коллежлар қурилишида ҳам.

Ижтимоий тармоқларда, сайтлардаям ёзишяпти бу ҳақда ҳар куни».

Бу сўзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилда айтганлари ва мазкур масала ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Аҳолининг оддий қатлами коррупциясиз иш битишига ҳали ҳануз ишонмайди. Чунки бу иллат учраб турибдигина эмас, урчиб ҳам кетмоқда. Ҳар ҳафтада – криминал статистика! Эътибор беринг, 2022 йил апрель ойининг ўзида:

Термиз шаҳар иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари Ғ.Н. субсидия тўланадиган талабгорларни танлаб олиш бўйича комиссиянинг масъул котиблигидан фойдаланган. Бир фуқарога уй-жой олиш мақсадида субсидия ажратилиши учун якуний хабарнома бериши эвазига 3 миллион сўм пора талаб қилган. 1 миллион сўм пулни олган вақтда ушланган;

Тошкентда ҳакамлик суди судьяси М.К. ишни жавобгарнинг фойдасига ҳал қилиб беришини айтиб, 4000 АҚШ доллари сўраган. Бу пулнинг 2500 долларини олаётганида ашёвий далиллар билан ушланган.

Ўтган йилларда «снос» машмаси авж олган бўлса, бугун ерни ноқонуний сотиш «трендга чиқди». Ўз хизмат ваколатидан

фойдаланган валломатлар енг шимариб ишга киришган. Жорий апрель ойида:

Зангиота тумани ҳокими ёрдамчиси А.Ю. тадбиркор Р.га 8 сотих ер майдонида турар жой биносини куриш учун рухсатнома олиб бериш ва кадастр хужжатларини тайёрлаб бериш эвазига 15.500 АҚШ долларини талаб қилиб, қўлга киритган, яна 1000 долларни олаётганида ушланган;

Апрель ойида, шунингдек, Бўстонликда 5 гектар бўш ер майдонини 1 млн АҚШ долларига сотмоқчи бўлган уч нафар фуқаро 50 минг долларни аванс тариқасида қўлга киритаётганида ҳибсга олинган;

Бир шоввоз Самарқанд шаҳар Қорасув масканида ўзгага тегишли бўлган ер майдонидан бир гектарини 500.000 АҚШ долларига сотишни режалаштирган. 250 АҚШ долларини қўлга киритаётганида ушланган;

Андижон вилояти Избоскан тумани Пойтуғ темир йўл станцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Э.А. станция тасарруфидаги ер майдонини фермер хўжалиги раҳбари ва унинг акасига сотмоқчи бўлиб, 8 минг АҚШ долларини олаётганида ушланган.

Коррупция ва унинг кўринишлари бўлган порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик ҳолатларига ҳам деярли ҳар куни дуч келяпмиз.

Сурхондарё вилояти Узун тумани банк кассири пенсия ва нафақа пулларини қиморга тикиб юборган;

«Фарҳод деҳқон бозори» раҳбарияти катта миқдордаги пул билан ушланган;

Норин туманида яшовчи аёл авиакасса очиб, 82 нафар фуқаронинг ҳар биридан авиачипта ва «Ковид-19» маълумотномаси учун пул олган ва ушбу маблағнинг ҳаммасини шахсий манфаати йўлида ишлатган.

Булар – коррупцияга йўл қўйиб қўлга тушганлар! Туткич бермаётган, ҳаром жиғилдони учун пул олиб, тагига бостириб қўяётгани қанча экан? Улар ҳақида тегишли идораларга хабар берилмайди, тезкор тадбирлар ўтказилмайди. Чунки пора берувчи буни хоҳламайди, унинг учун тезроқ ишини битиргани фойда!

Минг афсуски, бугун амалдорлар қўлга тушиб қолишдан ҳам, жазодан ҳам, гуноҳдан ҳам қўрқмай қўйишди. Уларнинг ойлик

маоши кам эмас: 10, 20 миллион сўм ва ундан ҳам кўп олади. Балки коррупция шу қадар урчиб, назорат қилиб бўлмаётгандир? Шу сабабли ҳам кенг қулоқ ёзаётгандир?

«Катта-катта ҳокимларни жавобгарликка тортсангиз, сизни ҳурмат қилишни бошлайман» - Президент ер ажратишдаги коррупция ҳолатлари юзасидан бош прокурорга шундай деган эди.

Яқинда бир танишим билан суҳбатлашиб қолдим. Қилмишлари ошкор бўлган, соҳани расво қилса-да, силлиққина қутулиб қолган амалдор ҳақида ҳайрат билан гапирди у.

«Ҳайронман, бунча пулни нима қиларкин-а? Миллионлар эмас, миллиардлар! Давлат маблағини ўзининг жиғилдонига урган. Ёрилиб кетмасмикан, деб ажабланаман. Қизиқ, балоям урмайди».

Ҳинд олими ва давлат арбоби Абдул Калам шундай деган эди: «Коррупция каби иллатлар қаердан пайдо бўлади? Улар поёни йўқ очкўзлик туфайли келиб чиқади».

Энг ёмон томони шундаки, давлат маблағини пухталиқ билан ўзлаштирган амалдорнинг малакаси ошиб бораверади. Дастлаб миллионларга, сўнг миллиардларга ўтади. Бағоят моҳирона ўмаради. Қонунни бузмайди, балки уни айланиб ўтади (Остап Бендер ибораси). Бунга сари нафси ҳақалак отаверади. Катта-катта ея бошлайди. Шундай махинациялар қиладики, минг тафтиш ўтказилса-да, айбини топиш қийин бўлади. Ҳар эҳтимолга қарши ўзи учун юқоридан яхши «таяч-танка» топиб қўяди. Уни ҳам озиқлантириб туради. Хуллас, билганини қилади, керак бўлса, халқнинг устидан кулади. Бугун шундай «катта балиқлар»нинг тутқич бермаётгани сабаби тизимнинг заифлигидамикан? Улар қачон тумшуғидан илинади?

Бурайда ибн ал-Ҳусайб розияллоҳу анҳу ривоят қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Биз бирор ишга бошлиқ қилиб тайинлаган одам унга белгиланган маошдан ортиқ мол топса, у учун ҳаромдир» (Имом Абу Довуд ривояти).

Абдуллоҳ ибн Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилади: «Аллоҳ пора бергани ҳам, пора олгани ҳам лаънатлагандир» (Имом ибн Можа ривояти).

Дарвоқе, коррупционер амалдор ҳадисларни ўқирмиди? Ўқиганида коррупционер бўлармиди?

Хўш, коррупцияни батамом йўқ қилишнинг қандай ечимлари мавжуд? Кенг жамоатчиликнинг фикрича, бунинг учун жазони янада

3-мавзу. ИСЛОМДА КОРРУПЦИЯ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИЛЛАТ СИФАТИДА

3.1. Исломда коррупциянинг асосий кўриниши бўлган рибохўрлик, ришвахўрлик, судхўрлик каби иллатларга берилган таъриф ва тавсиф

Иқтисодий масала ҳар бир жамиятда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун Исломда бу масалага алоҳида эътибор берилади. Аввало, молу мулкка рағбат инсоннинг асл табиатида мавжудлиги таъкидланган.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида марҳамат қилади: «Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Аллоҳнинг хузурида эса гўзал қайтар жой бор» (14-оят)⁴⁰.

Ояти каримада зикр қилинган нарсаларнинг муҳаббати «зийнатланди» дейилмоқда. Демак, бу муҳаббат инсоннинг асл табиатида бор. Бундай ҳолатнинг бўлиши табиий бир ҳол. Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Аллоҳнинг Ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда, унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун Ислом дини мазкур нарсаларни ҳаром қилган эмас, балки, мубоҳ қилган. Бу нарсаларни манъ қилишни эмас, тартибга солишни йўлга қўйган.

Ислом кишиларни тарбия қилиб, шаҳват дарёсида, жумладан, молиявий шаҳват дарёсида ҳалок бўлмасликка чақиради. Инсон мазкур шаҳватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки, у уларнинг хожаси бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор. Аллоҳнинг охирги ва мукамал дини, қиёматгача боқий қолувчи дини, барча замонлар ва маконларда инсониятга икки дунё саодати йўлини кўрсатиб берувчи дини – Ислом инсон саодати учун зарур омил бўлган мол-мулкни муҳофаза қилиш учун барча керакли чораларни кўргандир.

1. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида одамларни меҳнатга чорлаш, ризқни териб ейиш, ер юзида ҳаракат қилишга, касби-корга ундаган.

⁴⁰ Мавзунинг тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиб, муқаддас манбалар шарҳига бағишланган матнларни ўзгаришсиз келтирдик. Чунки шу тарзда ижтимоий фойдали деб ҳисоблаймиз.

Аллоҳ таоло «Жумъа» сурасида шундай деб марҳамат қилади: «Бас, намоз тугагандан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ва Аллоҳни кўп эсланг, шоядки, ютуққа эришсангиз». (10-оят) Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни ер юзига тарқалиб ҳалол йўл билан ризқ топишларига тарғиб қилмоқда ва бу ишни «Аллоҳ таолонинг фазлидан талаб қилиш», деб номламоқда.

Аллоҳ таоло «Мулк» сурасида бундай дейди: «У сизларга ерни бўйсундириб қўйган Зотдир. Бас, анинг турли жойларида юринг ва Унинг ризқидан енг ва қабрдан чиқиб бориш ҳам Унинг ҳузурига бўладир» (15-оят).

Ушбу ояти карима Ислом дини бўйича, меҳнатга чорлаш, ризқни териб ейиш, ер юзининг турли жойларида ҳаракат қилиш зарурлигига далилдир. Бу оятдаги «юринг» деган хитоб мусулмонларни доимо касби-корга ундаган ва дангасалик, бекорчиликдан четлатган. Шу билан бирга, ризқ Аллоҳ таолодан бўлишини унутмаслик ҳам зарурлигини эслатган.

2. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида бировнинг молини ботил йўл билан ейишни ҳаром қилди.

Аллоҳ таоло «Нисо» сурасида шундай марҳамат қилади: «Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг» (29-оят).

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, қимор, порахўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғрилиқ, (қиморбозлик,) товламачилик ва бошқалар киради.

3. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида ўғрилиқни ҳаром қилди ва бу жиноятга қарши оғир жазо қўллади.

Аллоҳ таоло «Моида» сурасида марҳамат қилади: «Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу уларнинг қилмишига жазо ва Аллоҳдан иқобдир. Аллоҳ азиз ва ҳақиймдир» (38-оят). Ўғрилиқ луғатда «молни махфий равишда ҳийла йўли билан олиш» дир. Шаръий истилоҳда: «Ўғрилиқ – оқил, болиъ, ҳақи йўқ ва ҳақ шубҳаси йўқ киши томонидан махсус миқдордаги молни, маълум беркитилган жойдан, махфий равишда олишдир».

Ислом жамиятда яшаётган кишиларга, ким бўлишидан қатъи назар, яхши ҳаёт кечириш ҳаққини беради. Уларни тўғри йўлда тарбиялайди. Ижтимоий ҳаётда адолатни ўрнига қўяди. Шахсий

мулкнинг ҳалол йўл билан ривожланишига эшикни кенг очиб қўяди. Жамият аъзоларининг ижтимоий таъминотини ҳам йўлга қўяди. Хулоса қилиб айтганда, кишиларни ўғрилиққа бошлайдиган омилларнинг олдини олади. Ана шундан кейингина ўғрининг қўлини кесишга ҳукм чиқаради.

4. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида рибохўрликни ҳаром қилди.

Аллоҳ таоло «Оли Имрон» сурасида шундай деб марҳамат қилади: «Эй иймон келтирганлар! Рибони бир неча баробар қилиб еманг. Аллоҳга тақво қилинг, шоядки, нажот топсангиз» (130-оят).

«Рибо» луғатда «зиёдалиқ» ва «ўсиш» маъноларини англатади. Шариат истилоҳида эса молни молга алмаштиришда эвазсиз ортиқча мол олишни «рибо» деб айтилади.

Рибо – судхўрлик бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатдир. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдига ҳожатини айтиб борса, унга садақа ёки қарзи ҳасана беришнинг ўрнига, судхўрлик юзасидан муомала қилади. Яъни мен сенга маълум муддатга, маълум миқдор пул бераман, сен бу пулни бунча фоизга кўпайтириб берасан, дейди. Агар тайинланган муддатдан кеч қолса, яна устига фоиз қўшилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бир тоифа одамлар бошқаларнинг ночор ҳолидан меҳнатсиз бойлик орттириш учун фойдаланадилар. Рибохўрлик бор жамиятда ноҳақлик, иқтисодий зулм авжга чиқади. Оқибатда мол-мулк бир гуруҳ судхўрларнинг қўлига ўтиб қолиб, жамият уларнинг хоҳишига биноан яшашга мажбур бўлади.

5. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида алдамчиликни ҳаром қилди.

6. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида қиморни ҳаром қилди.

«Қимор» аслида арабча сўз, аммо оятда айнан «қимор» сўзи эмас, балки унинг маънодоши «майсир» сўзи келтирилган. Бу сўз осонлик билан мол топиш маъносини билдиради. Яъни қиморнинг ҳақиқий маъносига далолат қилади.

Аллоҳ таоло ушбу оятда хамр тановул қилиш ва қимор ўйнаш каби амалий гуноҳларни бутга чўқиниш ва фолбинга ишониш каби

куфр ва ширк саналган улкан маънавий жиноятларга тенглаштирмақда.

Аллоҳ таоло қиморни «ифлослик ва шайтоннинг иши», деб атамоқда. Аллоҳ Ўз бандаларига меҳрибон бўлгани учун уларни ифлослик ва шайтоннинг ишидан қайтаради. Нопок таомларни зарарли бўлгани учун ҳаром қилганидек, ифлос ишларни ҳам бандаларига зарарли бўлгани учун ҳаром қилади.

7. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида нархни сунъий равишда кўтаришни ҳаром қилди.

Луғатда ушлаб туришни «эҳтикор» деб айтилади. Шариатда эса сотиб олинган нарсани нархни ошириш учун қасддан сотмай ушлаб туришни «эҳтикор» дейилади.

Маъмар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким эҳтикор қилса, ўша хатокордир», – дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган. Эҳтикорчи-монополиячилар турли йўллар билан нархларни сунъий тарзда ошириш, бозорда фақат ўз молини қолдириб, у молни қандоқ бўлишидан қатъи назар энг юқори нархда сотиш йўлларини қидирадилар. Бунда кўпчиликка зарар борлиги учун бу иш ҳаром қилинган.

8. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида ғасбни ҳаром қилди.

Ғасб – зулм ва куч билан тортиб олишдир. Бир нарсани ғасб қилди, дегани тортиб олди деганидир. Шариат истилоҳида, мулк эгасини ўз молидан очик-ойдин, куч ишлатиб маҳрум қилишни «ғасб» деб айтилади. Ғасб бировнинг молини ноҳақдан тортиб олишдир.

Бировнинг молини зўрлик билан тортиб олиш энг катта гуноҳлардан биридир. Бу иш мўминликка ҳеч тўғри келмайдиган ишдир. Бировнинг мол-мулкини зўрлик билан, ноҳақдан тортиб олувчи киши ҳақидаги энг енгил ҳукм, ўша ишни қилаётган пайтда ундан иймон чиқиб туришидир. Шунинг учун ҳеч қачон ҳеч кимнинг заррача молини ҳам ноҳақдан олмаслик керак.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ноҳақлик ила ердан бир нарса олса, қиёмат куни етти қават ерга юттирилур», – дедилар».

9. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида ғарарни ҳаром қилди.

«Ғарар» луғатда “хатар” маъносини билдиради. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ғарар савдосидан қайтарганлар. Фикҳий истилоҳга кўра, «ғарар» эҳтимол, шак ва иккиланиш маъноларини англатади. Киши ғарарда қилаётган ишининг ҳосил бўлиш бўлмаслигини била олмай, иккиланиб қолади. Моликий уламоларининг баъзилари ғарарга таъриф бериб: «У мақсад ҳосил бўлиши ёки ҳосил бўлмаслиги каби икки ишнинг ўртасида тараддудланиб қолишдир», дейишади. Баъзи шофеъийлар:

«Ғарар икки иш ўртасида тараддудга тушишдир ёки икки ишнинг эҳтимолини билмаслик, гумоннинг кўпроғи ишнинг бўлмайдиган (хатарли) томонидир», дейдилар.

Ҳанафий уламоларнинг айримлари: «Ғарар ишнинг вужудга келиши ёки келмаслиги ўртасида туриб қолишдир. Бу шак мақомидир», деган таърифни берадилар. Сувдаги балиқ, учиб юрган қуш, чорва қорнидаги ҳомила, қочиб кетган ҳайвон кабиларнинг савдолари ғарар савдосига мисол бўлади. Бу ерда мулк қилиш мумкин бўлган балиқ ва қушни айтилмоқда. Агар мулк қилиб бўлмайдиган нарсалар бўлса, унинг савдоси мутлақ жоиз эмас.

10. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида пора олишни ва беришни ҳаром қилди.

«Пора» араб тилида «ришва» деб аталиб, шаръий истилоҳда, ҳақни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсага айтилади.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Пора берувчига ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин» – дедилар»

Бешовларидан фақат Насай ривоят қилмаган. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам икковларини ҳам ушбу ҳаром ишни қилганлари учун лаънатламоқдалар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари жуда оғир жазодир. Чунки лаънат бировнинг Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини сўрашдир. Аллоҳнинг маҳбуб Расули Аллоҳдан сўраган нарса бўлмай қолмаслиги ҳаммага маълум.

11. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида исрофни ҳаром қилди.

Исроф – тежамкорликдан ёки мўътадил чегарадан чиқиб кетишдир. Молни ўз ўрнига сарфламаслик ҳам исроф дейилади. Баъзилар: «Нафақада ҳаддан ошиш, кишининг ҳалол бўлмаган нарсани ейиши ёки ҳалол нарсани ҳам мўътадиллик ва эҳтиёждан ортиқ емоғи исрофдир», – дейишади. Зеро, исрофгарчилик, кўпинча осонлик билан орттирилган мол-мулк ёки пул топишдан келиб чиқадиган иллат. Унинг яна катта зарари шундаки, бундай иллат жамиятга кимўзарлик, манманлик туфайли кенг ёйилишидир. Ваҳоланки, тан олиш керак бизни миллатимизга хос иллатлардан бир айнан исрофгарчиликдир.

Аллоҳ таоло «Анъом» сурасида марҳамат қилади: «Ва исроф қилманглар. Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас». (141-оят) Исроф қилмаслик умумий маънода: йиғиб-териб олишда, сақлашда, бировга беришда ва ниҳоят, тановул қилишда ҳам бўлади. Ким исроф қилса, Аллоҳнинг ҳузурида гуноҳкор бўлади. Чунки: «Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас». Имом Бухорий қилган ривоятда: «Енглар, ичинглар ва кийинглар. Аммо исроф ва манманлик қилманглар», дейилган.

12. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида молиявий муомалаларни ёзиб боришни ва уларга гувоҳ келтиришни жорий қилди.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай деб марҳамат қилади: «Эй иймон келтирганлар! Маълум муддатга қарз олди-берди қилган вақтингизда, уни ёзиб қўйинг. Орангизда бир ёзувчи адолат билан ёзсин. Ҳеч бир ёзувчи Аллоҳ билдирганидек қилиб ёзишдан бош тортмасин. Бас, ёзсин ва ҳақ зиммасига тушган киши айтиб турсин, Роббига тақво қилсин ва ундан ҳеч нарсани камайтирмасин. Агар ҳақ зиммасига тушган киши эси паст, заиф ёки айтиб тура олмайдиган бўлса, унинг валийси адолат билан айтиб турсин. Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг. Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин. Иккови (аёл)дан бирорталари адашса, бирлари бошқаларининг эсига солади. Ва чақирилган вақтда гувоҳлар бош тортмасинлар. Кичик бўлса ҳам, катта бўлса ҳам, муддатигача ёзишингизни малол олманг. Шундоқ қилмоғингиз, Аллоҳнинг ҳузурида адолатлироқ, гувоҳликка кучлироқ ва шубҳаланмаслигингиз учун яқинроқдир. Магар ораларингизда юриб турган нақд савдо бўлса, ёзмасангиз ҳам, сизга

гуноҳ бўлмас. Олди-сотди қилганингизда, гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин. Агар (аксини) қилсангиз, албатта, бу фосиклигингиздир. Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм берадир. Аллоҳ ҳар бир нарсани билувчи зотдир». (282-оят)

«Ояти мудояна» - қарз олди-бердиси ояти номини олган ушбу ояти карима Қуръони Каримдаги энг узун оятдир. Ушбу ояти карима Қуръони Карим, Ислом дини инсон ҳаётининг барча томонларини қамраб олганига ёрқин мисолдир. Бу ояти каримани ўрганган одам, бошқа барча тузум ва жамиятлар ўзларининг асосий ҳужжатларидаги инсон турмушида тез-тез учраб турадиган молиявий муомала – қарз масаласига Қуръони Карим қанчалик аҳамият берганини англаб етади.

13. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида ҳалол касбга амр қилди ва ҳаромдан мол топишни манъ қилди.

Аллоҳ таоло «Наҳл» сурасида бундай деб марҳамат қилади: «Бас, Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан ҳалол-пок ҳолида енг. Ва агар унга ибодат қиладиган бўлсангиз, Аллоҳнинг неъматига шукр қилинг». (114-оят)

Ароқ, нажосат тушган сув каби ичимликлар, чўчка гўшти, Аллоҳнинг исми айтилмай сўйилган ҳайвонлар гўшти ва никоҳида бўлмаган шахс ила жинсий алоқада бўлиш кабилар ҳаромдир. Бинобарин, бундай нопок нарсалар воситасида пул топиш ва сарф қилиш ҳаромдир. Шу билан бирга, ўзи ҳалол бўлган нарсаларга шариатда манъ қилинган йўл билан эга бўлса, улар ҳам ҳаромга айланиб қолади. Мисол учун, зулм, ўғрилиқ, рибохўрлик, алдамчилик, порахўрлик йўли билан топилган ҳар бир нарса, ўзи қанча пок бўлса ҳам, топувчига ҳаромдир.

Шунинг учун ҳам уламоларимиз мутлақ ҳаромни, ўзида ҳаромлик сифати бор ёки манъ қилинган йўл билан топилган нарсадир, деб таъриф қиладилар. Мусулмон киши учун ҳаромдан ҳазар қилиш фарздир. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларни ҳаром йўл билан бировнинг молини ейишдан қатъий равишда қайтарган.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасида шундай дейди: «Ва бир-бирингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг». (188-оят) Ботил йўл билан ейишга ҳаромнинг барча турлари: қимор, алдамчилик, ҳаром нарсаларни сотиб ёки ҳаром касблар билан мол топиш ва бошқалар кирди.

14. Ислом шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида молиявий ибодатларни жорий қилди.

Ислом закот, фитр садақаси, назр каби фарз ва вожиб молиявий ибодатларни жорий қилиш билан бирга ихтиёрий садақа ва ҳадя каби суннат ва нафл молиявий ибодатларни ҳам жорий қилди. Закотни ўзининг беш рукнидан бири қилди. Мазкур молиявий ибодатлар ҳақида бошқа жойларда гап юритилгани учун бу ерда фақатгина ўлжа тақсимоти ҳақидаги оятнинг бир жумласининг озроқ тафсирини келтиришга ижозат бергайсиз.

Аллоҳ таоло «Ҳашр» сурасида марҳамат қилади: «Аллоҳ Ўз Расулига шаҳар-қишлоқ аҳлидан қайтариб берган нарса Аллоҳгадир ва Унинг Расулига ва яқин қариндошларига, етимларга ва мискинларга ва кўча ўғилларигадир. Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун. Расул сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан кўрқинглар.

Албатта, Аллоҳ азоби зўр Зотдир». (7-оят) Аллоҳ таоло ушбу оятда «Сизлардан бойларингиз орасида айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун», деган қавли ила улкан молиявий муомалалардаги муҳим қоидалардан бирини баён қилмоқда. Бу қоида Ислом иқтисодидаги улкан қоидалардан биридир. Аслида, жамиятнинг моли ҳамма аъзолари орасида айланиб туриши керак. Фақат бойларнинг орасида айланадиган бўлса, мол бир гуруҳ одамлар қўлига ўтиб, жамиятнинг қолган аъзолари уларга қарам бўлиб қолади. Ўшанда бойлар нимани хоҳласа, қилаверадиган, қолганлар эса уларнинг хоҳишларига бўйсунушга мажбур бўладиган ҳолат юзага келади. Ислом шахсий мулкчиликни ҳимоя қилиб, ҳурматлаш билан бир қаторда сармоянинг туғёнига ҳам чек қўяди. Ижтимоий адолат бўлишига даъват этади. Шунинг учун ҳам закот фарз қилинди, судхўрлик ҳаром қилинди ва бошқа қоидалар жорий этилди.

Мулоҳаза қилган бўлсангиз, Ислом шариатининг молнинг муҳофазаси учун жорий қилган ҳукмлари ҳақидаги гапимиз анча чўзилиб кетди. Чунки инсон саодатининг тўлиқ кафолатчиси бўлган бу динда ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Зеро мол жоннинг ҳамроҳи. Иқтисод – инсон ҳаётининг ажралмас қисми. Шунинг учун молга боғлиқ муаммоларнинг тўғри ҳал бўлиши инсон ҳаётига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Исломдаги

молиявий муомалаларни тартибга солишда инсон саодатига фойда келтирадиган барча нарсаларга рухсат берилган ва аксинча, инсонга зарар келтирадиган барча нарсалар манъ қилинган⁴¹.

Иштихон жоме масжиди имом-хатиби А. Яхшилиқов: иқтисодий масала ҳар бир жамиятда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун исломда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Аввало мол мулкка рағбат инсоннинг асл табиатида мавжудлиги Аллоҳ таолонинг каломи қуръони каримда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида кўп бора таъкидланган. Ислום шариати молни муҳофаза қилиш мақсадида бировнинг молини ботил йўл билан ейишни ҳаром қилди. Аллоҳ таоло Нисо сурасида шундай марҳамат қилади”-Эй иймон келтирганлар, бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг” (29-оят).

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга рибо, қимор, порахўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғирлик, товламачилик ва бошқалар киради. Биз бугун буларнинг орасидан эътиборимизни қаратадиган масала пора тўғрисидадир.

Пора араб тилида “ришва” деб аталади, шаръий истилоҳда эса “Пора-ҳақни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсадир”. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: «Пора берувчига ва пора олувчига Аллоҳнинг лаънати бўлсин», – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларини ҳам ушбу ҳаром ишни қилганлари учун лаънатламоқдалар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари жуда оғир жазодир. Чунки лаънат бировни Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини сўрашдир», – дедилар.

Аллоҳнинг маҳбуб Расули Аллоҳдан сўраган нарсаси бўлмай қолмаслиги ҳаммага маълум. Мазкур пора савдоси жаҳон мамлакатларини ўйлантриб турган катта муаммолардан биридир. Пора муомаласи барча динларда гуноҳ ҳисобланади. Икки олам саййиди Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам порадан қаттиқ қайтарганлар. “Пора берувчи ҳам, олувчи ҳам, ўртада турувчи ҳам жаҳаннамга ташланади”, – дедилар.

⁴¹ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. islamonline.uz/index.php/item/1813-msmy

Порахўрлик жамият барқарорлигининг муҳим асоси бўлган адолатнинг йўқолишига олиб боради. Пора воситасида ноҳақлик ҳақ мақомига чиқиши боис жамият пароканда бўлади.

Имом Заҳабий шундай деганлар: “Эй инсон сен ер юзига йиғлаб келдинг, ота-онанг сени хурсанд бўлиб кутиб олдилар. Эй инсон, энди сен бу дунёдан кетмасингдан олдин жамият, халқ, дин, давлат, ота-она ва фарзандлар олдидаги бурчларингни мукамал адо қилиб қўйгинки, кетар чоғингда қандай инсон эди-я деб орқангдан йиғлаб қолсинлар⁴².”

Машҳур ҳанафий олим Абу Бакр Жассос “Аҳкомул Қуръон” асарида таҳорат, намоз, рўза, ҳаж, закот, жиноят ва жазо, никоҳ, талоқ, боғийлик, динлараро муносабатлар, мерос ва бошқа бир қатор фикҳий масалаларни баён этган.

Олим ҳар бир фикҳий ҳукми уни ифодалаган сўзларнинг луғавий маънолари билан ва оятларда келган ўхшаш ҳукмлар, ҳадислар, саҳобалар ва тобеинларнинг сўзлари билан далиллаган.

Масалан, порахўрлик ҳукми ҳақида тўхталиб, ушбу ояти каримани далил қилган: “(Улар) ёлғон (тўқиш учун Сиз)га қулоқ соладиган ва ҳаромни ейдиганлардир...” (Моида сураси, 42-оят). Олим оятдаги “ҳаром” деб таржима қилинган “суҳт” калимаси илдизи билан суғуриб олмоқ, йўқотмоқ маъноларини англатишини таъкидлайди ва бундай ёзади: «“Суҳт” сўзи порани англатади. Зеро, пора баракани йўқотиб, гуноҳкорни ҳалок қилади».

Абу Бакр Жассос фикрини қувватлаб, саҳоба ва тобеинларнинг “суҳт” сўзи маъноси ҳақида айтган фикрларини келтиради:

Бир ривоятда Масруқ розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан суҳт ҳақида сўраганида, у зот: “Суҳт порадир”, деб жавоб берган. Али каррамаллоҳу важҳаҳу ҳам суҳтнинг пора эканини таъкидлаган. Тобеинлардан Иброҳим, Ҳасан, Мужоҳид, Қатода, Масруқ ва Заҳҳок раҳимаҳумуллоҳлар ҳам “суҳт”нинг маъноси пора эканини айтганлар. Савбон раҳимаҳуллоҳ Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан қилган ривоятда бундай дейилган: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасида восита бўлувчини лаънатладилар”.

⁴² Яхшиликков А. Пора берма ва пора олма! <http://islomobod.uz/pora-berma-va-pora-olma/>

Абу Бакр Жассос раҳимахуллоҳ юқоридаги ривоятлардан хулоса қилиб, бундай дейди: “Бу оятни таъвил қилган барча олимлар пора олиш ҳаром эканига иттифоқ қилишган”.

Абу Бакр Жассос поранинг ҳаромлиги ҳақида далилларни келтиргач, унинг турлари борасида тўхталади ва пора икки қисмга бўлинади дейди:

- ҳукм чиқаришда пора олиш ва бериш;
- ҳукм чиқаришдан бошқа ўринларда пора бериш ва олиш.

Муаллиф ушбу таклифини бундай изоҳлайди: “Ҳукм чиқаришда пора бериш берувчига ҳам, олувчига ҳам ҳаромдир”.

Ҳукм чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ўринларда пора бериш ва олиш масаласига келсак, бу ҳолат султоннинг ҳузурида обрўга эга кишига мол бериб, ёрдам сўрашга ўхшайди. Бу ҳам шариятда қайтарилган ишдир. Чунки мусулмон бировга қилинаётган зулмни бартараф этишга, яъни беғараз ёрдам беришга буюрилган. Аллоҳ бундай буюради: “...Эзгулик ва тақво (йўли)да ҳамкорлик қилингиз!..” (Моида сураси, 2-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: “Банда ўз биродарининг ёрдамида бўлар экан, Аллоҳ ҳам унинг ёрдамида бўлади”.

Жобир ибн Зайд ва Шаъбий раҳимахумаллоҳ бундай деганлар: “Киши зулмдан кўрқса, жони ва молини сақлаб қолиш учун пора беришининг зарари йўқ”⁴³.

3.2. Ислолда пора ва унинг турлари

Таниқли ҳанафий олими ва фақиҳи, машҳур «Баҳр ар-роик», «ал-Ашбоҳ ва-н-назоир» асарлари муаллифи Зайн ал-обидин (Зайниддин) ибн Нужайм ал-Мисрий ал-Ҳанафий (1519-1563) раҳимахуллоҳнинг мазкур «ПОРА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ» рисоласи унинг «ар-Расоил аз-зайнийя фий фикҳ ал-ҳанафийя» номли рисоалар тўпламида ўн биринчи асар сифатида келтирилган. Мазкур тўпламда олимнинг қирқ бир рисоласи ўрин олган. Тўплам нашр қилинган.

Ҳақни гарчи ўз муддатидан кейин бўлса ҳам ғалаба қозонтирадиган зотга ҳамдлар бўлсин! У ростни зоҳир қилиб, ёлғончиларни шарманда қилади. У халқ орасида адолатни ёяди, уни бекор қилувчиларнинг уруғини қуритади. Саловат ва саломлар

⁴³ Ахмедов Б. “Аҳкомул Қуръон” пора ва порахўрлик ҳақида. <https://hidoyat.uz/18577>

пайғамбарларнинг энг шарафлисига ҳамда унинг оила аъзолари ва барча саҳобаларига бўлсин!

Ушбу рисола поранинг баёни, унинг турлари ҳақидаги қисқача рисола бўлиб, унда қозига олиш жоиз бўладиган ёки умуман мумкин бўлмайдиган нарсалар, поранинг ҳалол ва ҳаром бўладиган ҳолатлари тўғрисида ҳам сўз юритилади. Шунингдек, пора билан ҳадянинг орасидаги фарқ ҳақида, пора олганда унинг эгаси ким бўлиши ҳақида, пора олувчиларнинг таъзирини бериб қўйилганда, ошкора ҳаммага маълум қилиниши борасида ҳам сўз юритилади.

Замонамизда пора борасида фатво чиқаришга тўғри келган вақтда дўстлардан айримлари бу борада тадқиқот олиб боришни менинг устимга юклаб қўйишди. Баъзи ҳанафийлар подшоҳнинг пора олишини қозининг пора олиши каби деб ўйлаб, нақл қилинган ҳақиқатнинг тескарисига жавоб берганлар. Мен карамли Аллоҳдан ушбу изланишларимни холис бўлишини сўраб қоламан.

Демак, поранинг икки хил маъноси борлигини айтишдан гапни бошлаймиз. Унинг луғавий ва истилоҳий маънолари бор. Луғатда поранинг маъноси ширинкома – ҳақ, мукофот.

«Ал-Қомус»да «ришват» («пора»)нинг мисоли ширинкома экани айтилган. «Рашааху» дейилса, унга бирор нарса берилганини айтилади. «Ирташаа» эса ўша нарсани олганни айтилади. «Истаршаа» эса бирор нарса талаб қилганни айтилади. Тамом.

«Ал-Мисбоҳ»да «ришват» «ро»нинг касраси билан бирор шахснинг унинг фойдасига ҳукм қилиши ёки унинг истаганини амалга ошириши учун ҳокимга ёки бошқа бировга бирор нарсани берганига айтилади, дейилган. Ушбу сўзнинг кўплиги «рушаа» ҳам дейилади, «қатала» бобидандир. Унга ришват бергандим, у олди, демоқчи бўлса, «ирташаа» феъли қўлланади. Ришват сўзининг асли «рашаа»дан бўлиб, жўжа онаси оғзига бирор нарса солиши учун бўйнини – бошини чўзганига айтилади.

«Ал-Муғриб»да «ришват» ва «рушват» деб ҳам айтилиши мумкинлиги, кўплиги «ар-рушаа» келиши зикр қилинган. «Рашааху» дейилса, пора берганни айтилади, «ирташаа минҳу» дейилса, уни олганни айтилади. Тамом.

Поранинг истилоҳдаги маъноси «ал-Мисбоҳ»да айтилганидекдир. Абу Наср ал-Бағдодий раҳимаҳуллоҳ «Шарҳ ал-Қудурий»да: «Пора билан совғанинг фарқи пора унга ёрдам

берилиши учун берилади, совғада эса бундай шарт бўлмайди», деб эслатиб ўтганлар. Тамом.

Пора олиш Қуръон ва суннат ҳамда ижмоъга кўра ҳаром. Қуръондаги оятга келсак, Аллоҳ таолонинг сўзи бор: «Ораларингиздаги молларингизни бекордан бекор еманглар!». Босқинчилик, судхўрлик, қимор каби ботил, бекор ва пуч нарсага шариат рухсат бермаган. Аллоҳ таоло бундай деган:

«Мол (ва бойлик)ларингизни ўрталарингизда ботил (йўллар) билан емангиз! Шунингдек, била туриб, одамларнинг ҳақларидан бир қисмини гуноҳ йўли билан ейиш (ўзлаштириш) мақсадида уни ҳокимларга ҳавола этмангиз!» (Бақара, 188).

Ал-Буқоъий раҳимаҳуллоҳ «ал-Муносабот» асарида «ва тудлу» сўзини: «Ҳокимларга махфий ҳолатда умумий пора билан ишларни ўзингизнинг фойдангиз тарафига буриш учун бера кўрманглар!» дея ифодалаганлар.

Ал-Ҳалвоний раҳимаҳуллоҳ: «Пора – челақни қудуққа сув тортиб олиш учун махфий тарзда тушириш маъносида», деганлар. Яъни пора берувчи ноҳақ равишда мол-дунё ейишга ҳукм чиқартириш мақсадида ўз порасини махфий равишда ҳокимга беради. Тамом.

Поранинг суннатда ҳаром қилинганига келсак, бу борадаги ҳадислар жуда кўп. Улардан бири Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мана бу қарғишларидир: «Пора берувчига ҳам, пора олувчига ҳам Аллоҳнинг лаънати бўлсин!». Яна ул зоти бобаракот: «Пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам, иккови орасида юриб порада воситалик қилувчини ҳам Аллоҳ лаънатласин!», деганлар. Бундай ҳадисларни «ал-Жомеъ ас-сағир»да «лом» ҳарфи бобидан топиш мумкин.

Ана энди, поранинг турлари, ҳалол бўладиган ва ҳаром бўладиган жиҳатларига етиб келдик. Имом Қозийхон раҳимаҳуллоҳ ўзининг фатволар тўпламида қозилик қилиш ҳақидаги бўлимида буларни зикр қилганлар:

Пора тўрт хил бўлади.

Икки тарафдан ҳам ҳаром бўладиган тури. Агар булардан бири пора бериб қози бўлса, қози бўлиб ҳисобланмайди. Бу ҳолатда пора олувчига ҳам, қози бўлувчига ҳам ҳаромдир.

Иккинчи тури, қозига унинг фойдасига ҳукм қилишини кўзлаган ҳолда пора беришдир. Бу пора икки томонга ҳам ҳаром. Қозининг ҳукми хоҳ ҳақ бўлсин, хоҳи ноҳақ бўлсин, бунинг фарқи йўқ.

Яна бир тури шуки, ўзининг жонидан ёки мол-мулкидан кўрқиб, бировга пора берган бўлса бундай пора олувчига ҳаром, берувчига ҳаром эмас. Агар биров унинг молидан тама қилса, молидан бир қисмини унга берса ҳам худди шундайдир.

Яна бир тури эса порани подшоҳ олдида ишини ўтказиб бериш учун берса, бериш ҳалол бўлади. Бу ҳолатда олувчига пора олиш ҳалол бўлмайди.

Агар порани олувчига ҳалол бўлишини исталадиган бўлса, олувчи бир кун кечгача қайтариш нияти билан ижарага олиб туради. Бундай ижара тўғри бўлади. Сўнг ижарагир ушбу ишни хоҳласа қилади, хоҳламаса бошқа ишни қилади. Бу подшоҳ олдида ишни тўғрилаб бериши мақсадида аввал бошданок пора берилган ҳолатдадир.

Бировдан ишни тўғрилаб беришини сўраса, пора ҳақида гап-сўз бўлмаса, сўнг ўша ишни тўғрилаб берганидан сўнг порани берса, олимлар бунинг ҳукми борасида турлича фикрлар билдирганлар. Айрим уламолар олишни ҳалол бўлмайди, деган бўлсалар, айрим уламолар ҳалол бўлади, деганлар. Мана шу саҳиҳдир! Чунки бу яхшилик ва яхшиликка берилган мукофот бўлиб, бу ҳалол бўлади. Худди бу имом-домлага ва муаззинга бирор нарса бергандекдир. Уни шарт қилмасдан берсалар, яхши иш ҳисобланади.

Қозига пора олиш ҳалол бўлмаганидек, қози бўлишидан олдин унга ҳадялар бериб турмайдиган бегонадан ҳадя-совға қабул қилиб олиш ҳам ҳалол бўлмайди. Шунингдек, қозига бегонадан қарз олиш, бирор нарсани орийатга (вақтинчалик омонатга) олиб туриш ҳам ҳалол эмас.

«Китоб ал-васоё»да келганки, уламолар ўзидан ва мол-мулкидан зулмни даф қилиш мақсадида мол сарфлаш унинг ҳаққида пора ҳисобланмайди, деганлар. Ўз сўзини бировнинг гапидан устун қилиши учун мол-мулк сарфлаш пора бўлади.

«Хулосат ал-фатово»да бундай деб зикр қилинган: «Агар қози пора олса, сўнг ҳукм қилса, ёки ҳукм қилиб бўлганидан кейин пора сўраса, ёхуд порани қозининг ўғли (қариндоши) олса, ёки гувоҳлиги қабул бўлмайдиган кимса олса, унинг чиқарган ҳукми инобатга

ўтмайди. Агар қози тавба қилса ва олган пораларини қайтариб берса, қозилик мансабида қолаверади».

«Ал-Ақзийа»да қайд қилинган: «Ҳадя – совға уч хил бўлади.

Биринчиси, ҳадя берувчи тарафга ҳам, олувчига ҳам ҳалол. Бу меҳр-муҳаббат сабабли совға олди-бердисидир.

Иккинчиси, икки тарафга ҳам – ҳадя берувчига ҳам, уни олувчига ҳам ҳаромдир. Бу зулмга ёрдам бериш учун ҳадя беришдир.

Учинчиси, ҳадя берувчи томонга ҳалол. Бу ўзига қаратилган зулмни тўсиш учун ҳадя беришдир. Бу олувчига ҳаром. Бунинг ҳийласи уни уч ёки бир неча кун ижарага олиб туришдир. Агар муддатни белгиламаса, жоиз бўлмайди. Буларнинг ҳаммаси шарт қўйилганда бўлади. Агар шарт қилмасдан ҳадя берса, лекин ҳадя берилса подшоҳ олдида ёрдам бўлишини аниқ билган бўлса, бунинг ҳукми нима бўлади? Машойихларимиз бунинг зарари йўқ, деганлар.

Агар ҳеч қандай шартсиз бировнинг ҳожатини битказса, тама ҳам қилмаса, шундан сўнг унга совға қилсалар, уни қабул қилишнинг зарари йўқ. Саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд разийаллоҳу анҳудан олиш макруҳ бўлиши ҳақидаги нақл парҳез – тақво учун айтилган гапдир. Тамом. «Фатовойи Баззозийа»да ҳам шу хилда келтирилган.

Сўнг бундай дейилган: агар қози қарор ёзса ёки мерос тақсимотиغا эгалик қилса, шу ишларига ажри мисл – одатдагидек ҳақ олса, бу унга ҳалол бўлади. Агар ёш болаларнинг никоҳини қилишга масъул бўлса, унда бирор нарса олиш ҳалол бўлмайди. Чунки бу ишни қилиш унга вожибдир. Ҳар бир ўзига вожиб бўлган иш учун ҳақ олса, жоиз бўлмайди. Ўзига вожиб бўлмаган иш учун ҳақ олса, дуруст бўлади.

Ал-Баққолий раҳимаҳуллоҳнинг асарларида қози ҳақида бундай деб зикр қилинган: «Агар бир домла «Бокирани никоҳ қилсам, бир динор, бевани никоҳ қилсам, ярим динор берасан», деса, никоҳ қилинувчининг валийси бўлмаса, ҳақ олиш ҳалол бўлмайди. Агар никоҳ қилинувчининг бошқа валийси бўлса, ҳалол бўлади. Уламолар буни зикр қилганлар. Агар етимнинг молини сотса, сотувчи ҳеч нарса олмайди. Агар ҳақ олса, сотишга етим изн берган бўлса ҳам савдо ҳақиқий деб тан олинмайди». Тамом.

«Фатҳ ал-қадир»да бундай дейилган: «Хуллас, пора тўрт тур бўлади. Улардан бири олувчига ва берувчига ҳам ҳаром бўлган тури.

У қозилик (ҳукм ўқув) ва амирлик (бошқарув) ишларидаги порадири. Бу ҳолатда қозилиги ўтмайди.

Иккинчи тури қозига ҳукм ўқиши учун пора беришдир. Бу ҳам икки томонга ҳам ҳаромдир. Пора олган иши бўйича чиқарган ҳукми инобатга олинмайди. Чиқарган ушбу ҳукми ҳақ ёки ноҳақ бўлишининг фарқи йўқ. Чунки агар ҳақ бўлса, унга бу ҳукмнинг чиқаришининг ўзи вожиб бўларди. Бунга мол олиш ҳалол бўлмайди. Ҳукми ботил бўладиган бўлса, нима бўлиши равшан. Пора олиб, сўнг ҳукм чиқариши ва ҳукм чиқариб туриб, сўнг пора олишининг фарқи йўқ.

Учинчиси, подшоҳ олдида зарарни даф қилиш ёки фойдани жалб қилиш мақсадида ишини тўғрилаб бериш мақсадида мол (пора) олишдир. Бу олувчига ҳаром бўлади, берувчига ҳаром бўлмайди. «Ал-Ақзия»да ҳадя ва совғанинг бир турини мана шу қисмда зикр қилинган. Тўртинчиси, ўзига ва мол-дунёсига етиши мумкин бўлган хавфни даф қилиш учун бериладиган нарса. Бу ҳам берувчига ҳалол, олувчига ҳаромдир. Чунки мусулмондан зарарни даф қилиш вожибдир. Вожибни қилиш учун мол олиш жоиз бўлмайди». Тамом.

«Ал-Қунйя»да «Китоб ал-Қароҳият»да: «Золимлар одамларни ишларини тараққий қилдиришдан тўсадилар, уларга бирор нарса беришсагина уларга индашмайди. Бу ҳолатда олувчига ҳам, берувчига ҳам ҳаром бўлиб, бу айни порадири», дейилган. Тамом. Бир-бирига ошиқ бўлган икки кимса бир-бирига эгалик қилиш учун пора берса ҳам худди шундайдир. Тамом.

Ушбу ишончли нақллардан маълум бўлдики, қози учун пора икки тарафлама ҳаром экан. Хоҳ ҳукм ўқилишидан олдин олган бўлсин, хоҳи ҳукм ўқиганидан кейин олган бўлсин. Хоҳи бу ҳукм ҳақ учун бўлсин, хоҳи ботил учун бўлсин.

Ҳадя – яъни совға ҳам қози учун пора кабидир. Ҳадя фойда олиш ниятида бўлса, икки тарафдан ҳам ҳаром бўлади. Бир кимса қозининг олдига келса, унга ҳукм ўқимасдан туриб ҳукм чиқариши учун ёки ҳукм ўқиганидан кейин бирор нарса берса, берувчи ҳаром ишни қилган бўлади. Агар қози буни қабул қилмаса ва унга таъзир бериб қўйишни хоҳласа, қозига шу ишни қилиши мумкин бўлади.

Уламоларнинг гапи бор: «Ҳар қандай қилинган гуноҳ ишга ўлчаб қўйилган ҳад – жазо таъйинланмаган бўлса, унга таъзир бериш вожиб бўлади».

«Ал-Бадойеъ»да шунга ўхшаш келган: «Таъзир вожиб бўлишининг сабаби шариатда белгиланган ҳад йўқ жиноятни амалга оширилгани учундир. Бу жиноят Аллоҳ таолонинг ҳаққини поймол қилиш бўлсин, хоҳ банданинг ҳаққига хиёнат бўлсин, фарқи йўқ. Таъзирнинг вожиб бўлишига фақат ақл шарт қилинган. Яъни ақли жойида бўлган ҳар қандай кимса белгиланган ҳад – жазоси йўқ жиноятни содир қилса, унга таъзир берилади». Тамом.

Агар қози ўзича таъзир берса, бу борада унинг гапи инобатга олинадими, деб сўрасанг, мен «Фусулайн» ва бошқа манбаларда келган маълумотга асосланиб, «Ҳа!» деб жавоб бераман. Қозига биров мен пора олдим, деса, унга таъзир бериши мумкин.

Оммага ошкора қилиш билан таъзирини беришга келсак, бу ҳам таъзир беришнинг бир тури бўлгани боис жоиздир. Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ ёлғон гувоҳлик берган кимсани бозорларда оломонга ошкора қилдириш ила таъзири берилади, деган. Бошқа нарса қилинмайди. Икки имом (Абу Юсуф ва Муҳаммад) эса оғритиб урилади ва ҳибсга солинади, деганлар.

«Фатҳ ал-қадир»да келтирилган: «Имом (Абу Ҳанифа)нинг гапининг маъноси «Мен унга бошқача таъзир бера олмайман, уни уриб ҳам ўтирмайман», дегани бўлса керак. Хуллас, иттифоқ гап шуки, қандай бўлмасин унга таъзир берилади. Унинг ҳолини бозорларда ошкора қилиш кифоя қилади. Чунки гоҳида махфий равишда ургандан кўра ошкора қилиш қаттиқроқ бўлади. Икки имом эса бунга уришни ҳам қўшимча қилганлар». «Ал-Иноя» ва бошқа манбаларда ҳам худди шундай келтирилган.

Демак, жиноятчининг айбини ошкора қилиш таъзир беришнинг бир туридир. Қози ёлғон гувоҳлик бергандан бошқа жиноятчиларга ҳам шу хилда таъзир беришни маслаҳат деб топса, шу хилда бузғунчиларга таъзир бериш қозига жоиз бўлади. Зотан, таъзир бериш дегани қозининг ўз фикрига топширилган ишдир.

Агар жиноятчининг юзини қорага бўяш, соқолидан бир томонини қирдириб олиб ташлаш каби «мусла» (ўзгартириш) бўладиган шариатда қайтарилган ишни қилиш қозига жоиз бўладими, деб сўрасанг, мен бу ишни қилдириш қозига жоиз, деб жавоб берган бўлардим. Бу иш «мусла» каби бўлмайди. Унинг жавоби Ҳазрати Умар разийаллоҳу анхунинг феълларидан олинган жавобга асослангандир. Ибн Абу Шайба раҳимахуллоҳ ўз санади ила ривоят

қилишларича, Ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳу Шомдаги амалдорларига ёлғон гувоҳлик берган кимса борасида мактуб йўллаганлар. Унда қирқ дарра уриш, юзини қорага бўяш, сочини қириб олиб ташлаш ва ҳибсда узоқ муддат ушлаб туриш жазоларини бирданига таъйинлаган. Абдурраззоқ раҳимаҳуллоҳ ўз «Мусаннаф»ида ривоят қилганларки, Ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳу ёлғон гувоҳлик берган кимсанинг юзини қорага бўяш, салласини бўйнига ўраб ташлаш ва уни овулларда айлантиришга буюрганлар.

«Фатҳ ал-қадир»да «мусла» бўлиши ҳақида жавоб бериб, бундай дейилган: «Мусла фақат аъзоларни ва шунга ўхшаш баданнинг доимо ишлатадиган турли жойларини кесиб ташлаш билангина бўлади. Ювиб кетказиш мумкин бўлган ишнинг «мусла» маъносидаги эътибори йўқ». Тамом.

Машойихлардан айримлари Ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳунинг ишларини сиёсат сифатида бўлганини эътироф қилганлар. Агар ҳоким маслаҳат деб кўрса, шу ишни қила олади. «Фатҳ ал-қадир»да мана шуни келтириб ўтилган: Ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳу шаҳарлардаги амалдорларига мактуб йўллаганлар.

Сиёсат деб олинадиган бўлса, қирқ даррага етказилади, таъзир беришда ҳад жазосигача олиб борилмаса, ҳеч нарса бўлмайди. Бу тўғрида ихтилоф қилинган, айримлар буни жоиз деб билса, амалга ошираверади. Чунки Ҳазрати Умар разийаллоҳу анҳунинг фикрлари мана шундай бўлган. Демак, шу хилда истифода қилишимиз мумкин: сиёсат бу – ҳоким омма учун маслаҳат қилган, шариатда аниқ кўрсатмаси бўлмаган амалга оширган иши ҳисобланади. Демак, қози пора берувчини оммага ошкора қилишни маслаҳат тариқасида маъқул деб билиши мумкин. Ушбу замонда пора кўпайиб кетгани боис уни озайтириш мақсадида шу ишни қилиши керак. Мана шунинг оқибатида пора берувчи ёки порахўр тавба қиладилар. Агар бундай ортиқча жазолар қўлланмаса, қандай бўларди?! Ёлғон гувоҳлик берганга таъйинланган жазо пора олди-берди жинойтида ҳам асос сифатида қўлланади⁴⁴.

Рибо ҳақида. Шу ўринда рибо ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтсак. «Рибо» луғатда «зиёда» деган маънони англатади. Шариатда

⁴⁴ Ҳамидуллоҳ Беруни. Пора ва унинг турлари. (Зайн ал-обидин Ибн Нужайм ал-Мисрий ал-Ҳанафийнинг шу номдаги асарига таржима ва шарҳ). <https://ahlisunna.uz/pora-va-uning-turlari/>

эса қарз берувчи қарздордан маълум вақт муқобилига асл мол устига оладиган қўшимча маблағдир.

Рибо, яъни судхўрлик бечораларнинг ночорлигидан фойдаланиб, уларнинг меҳнати эвазига бойлик орттиришдан иборатдир. Бир инсон ночор бўлиб, иш юритишга, оила тебратиб, бола-чақа боқишга сармояси қолмай, пулдор кишининг олдига ҳожатини айтиб борса, унга садақа ёки яхши қарз бериш ўрнига судхўрлик юзасидан муомала қилади. Яъни «Мен сенга маълум муддатга, маълум миқдор пул бераман. Сен бу пулни бунча фоизга кўпайтириб берасан», дейди. Агар тайинланган муддатдан кеч қолса, яна устига фоиз қўшилади ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бир тоифа одамлар бошқаларнинг ночор ҳолидан меҳнатсиз бойлик орттириш учун фойдаланадилар. Рибохўрлик бор жамиятда ноҳақлик, иқтисодий зулм авжига чиқади. Оқибатда мол-мулк бир гуруҳ судхўрларнинг қўлига ўтиб қолиб, жамият уларнинг хоҳишига биноан яшашга мажбур бўлади.

Ислом жоҳилиятдаги номаъқул ишлардан ҳеч бирига қарши рибога қарши ўт очгандек ўт очмаган. Қуръони Каримда бу ҳақда бир қанча оятлар келган. Жумладан, ҳозир ўрганиладиган оятларимиз ҳам.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида қуйидагиларни айтади:

«Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек турарлар. Бу уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшашда», деганлари учундир. Ҳолбуки, Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган. Бас, кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга ҳаволадир. Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар олов соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар» (275-оят).

Рибонинг нақадар ёмон нарса эканини кишилар онгига аввалдан яхшилаб сингдириш мақсадида ояти карима судхўрнинг қиёматдаги ҳолини баён қилиш билан бошланмоқда. Қиёматдаги ҳар бир одамнинг сиртки ҳолидан иши қандай экани билиб олинади.

Худди ўша куни одамлар қабрларидан тураётганларида судхўрлар албатта, ўзларига хос бир ҳолатда турар эканлар. Уларни ҳеч ким танитмаса ҳам, қабрдан туришларини кўрганлар яхши таниб, «Анавилар судхўрлар», дер экан. Уларнинг бу ҳолини ояти карима қуйидагича васф қилади:

«Рибони ейдиганлар (қабрларидан) фақат шайтон уриб, жинни бўлган кишидек турарлар». Яъни уларнинг ўзларини тутишлари соғ-саломат, ақлли кишилар каби бўлмайди.

Одатда жин уриб, ақлдан озган кишилар тартибсиз ва нотўғри ҳаракат қиладилар. Довдираб, ўзини ҳар тарафга уриб, уят ишларни ҳам қилаверадилар. Судхўрларда ҳам ана шу ҳолат бўлар экан.

Баъзи тафсирчиларимиз «Судхўрларнинг бу ҳолатлари фақат қиёмат кунига боғлиқ эмас, балки бу дунёда ҳам шундай бўлади», деганлар. Уларнинг бундай аянчли ҳолатга тушишларининг сабаби келгуси жумлада баён қилинади:

«Бу уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», деганлари учундир».

Судхўрлар рибони ҳалол деб эътиқод қиладилар ва уни тижоратга ўхшатадилар. Улар тижоратда молиявий муомала ортидан фойда келганидек, судхўрликда ҳам фойда келади, деб ўйлайдилар. Боз устига, уларнинг «Тижорат ҳам рибога ўхшаш-да», дейишларидан рибо аслида ҳалол қилинган нарса, тижорат ҳам унга ўхшаб ҳалол қилинган, деган маъно келиб чиқмоқда. Ваҳоланки, «Аллоҳ тижоратни ҳалол қилган, рибони эса ҳаром қилган».

Чунки тижоратда фойда кўришнинг ҳам, куйиб қолишнинг ҳам эҳтимоли бор. Тижоратда инсоннинг меҳнати, маҳорати, атрофдаги табиий ҳолатларнинг фойда ёки зарар кўришга таъсири бор. Савдогар фойда кўришга умид қилиш билан бир вақтда куйиб қолишни ҳам бўйнига олган ҳолда иш бошлайди. Меҳнат қилиб, одамларга керакли молларни олиб келади, сақлайди ва бошқа хизматларни қилади.

Судхўр-чи? У ҳеч нарса қилмай, жойида ўтиради. Нима бўлишидан қатъи назар, фойда олиши муқаррар. Куйиб қолиш хавфи йўқ.

Мазкур сабабларга ва яна зикр қилинмаган бошқа сабабларга кўра, инсон ҳаётида тижоратни қўллаш ҳалол, судхўрлик эса ҳаром қилинган.

Ушбу ояти карималар нозил бўлаётган пайтда кўпгина молиявий муомалалар рибо асосида юритилар эди. Шунинг учун ушбу ояти каримадан келиб чиққан ҳукм кучга киргач, бундан аввалги савдо ишлари ўз ҳолича қолдирилди. Акс ҳолда, аввалги иқтисодий алоқаларнинг ҳаммасини қайта кўриб чиқишга тўғри келарди.

«Бас, кимки Роббидан мавъиза келганда тўхтаса, аввал ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга ҳаволадир».

Яъни Аллоҳ рибонинг ҳукмини баён қилганидан кейин рибовий муомалалардан тўхтаса, эски ишлари ўзига, у муомалаларни қайта кўришга ҳожат йўқ. Ўтган даврдаги муомалалар Аллоҳга ҳавола: хоҳласа, кечиб юборади, хоҳласа, иқобига олади.

«Кимки яна (рибога) қайтса, ана ўшалар олов соҳибларидир. Улар унда мангу қолувчидирлар».

Кимки рибонинг ҳаромлиги ҳақида Аллоҳ томонидан оят келганига ҳам қарамай, яна рибога қайтса, ундай одам албатта дўзахи бўлади, дўзахи бўлганда ҳам, ундан ҳеч қачон қайтиб чиқа олмайдиган, ўша ерда абадий қоладиган дўзахи бўлади.

Келаси оятда судхўрликнинг касофати фақат охиратдагина эмас, балки бу дунёда ҳам уриши эслатилади:

«Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур ва садақаларни зиёда қилур. Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни хуш кўрмас» (276-оят).

Бандалар мол-дунёлари зиёда бўлиши учун рибохўрлик қиладилар ва ўзларига келган фойдани санаб юрадилар. Аслини олганда натижа бунинг тескариси бўлади.

«Аллоҳ рибони доимо нуқсонга учратур».

Судхўрнинг пули ҳисоб жиҳатидан кўп бўлса ҳам, Аллоҳ унинг баракасини кўтариб, егани ўзига юқмайдиган қилиб кўяди. Судхўрни турли касалликларга дучор қилади, тинчлигини, хотиржамлигини олади. Яна биз билмайдиган кўп бало-офатларга дучор қилади.

Шунингдек, сиртдан қараганда, садақа қилган кишиларнинг моли камайганга ўхшайди. Аслида эса иш бунинг тескариси бўлади. Аллоҳ таоло «...садақаларни зиёда қилур».

Агар ҳисобда садақа қилувчининг молининг ҳажми оз бўлса ҳам, Аллоҳ таоло унга барака ато этади, бало-офатлардан сақлайди, ўзини тинч, хотирини жам қилади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳ қилган ривоятда Пайғамбаримиз алайҳиссалом:

«Рибо гарчи кўпайса ҳам, оқибати албатта озайишга қайтади», деганлар.

«Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни хуш кўрмас».

Шундан кўриниб турибдики, рибохўрлар кофир ва гуноҳкор ҳисобланар эканлар.

Аллоҳ таоло Бақара сурасидаги бошқа бир оятда:

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам ташланг», деган (278-оят).

Ушбу оятдан кўришиб турибдики, Аллоҳ таоло рибодек нохуш, ҳаром нарсани йўқ қилишда бошқа ҳолатлардаги каби, аввало мусулмонларнинг руҳий-маънавий тарбиясига алоҳида эътибор берган.

Яна ушбу оят мусулмонлар учун маҳбуб бўлган

«Эй иймон келтирганлар!» деган хитоб билан бошланмоқда. Давомида эса:

«Агар мўмин бўлсангиз» деб, яна иймонни орага солмоқда ва ниҳоят:

«Аллоҳга тақво қилинг» деб, бандаларни тақводор бўлишга чақирмоқда. Охири келиб, рибонинг сарқитини ҳам тарк қилишга амр этмоқда.

Исломда ҳукм юритишнинг энг таъсирчан йўли ташқи кучларни ишга солиш эмас, балки ҳар бир одамнинг қалбини ўзига кузатувчи қилиб қўйишдир. Бу ҳолатда ҳар бир кишининг виждони ўзига қўриқчи бўлади.

Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада мусулмонларни рибонинг ўзи у ёқда турсин, сарқитидан, қолдиғидан ҳам қайтармоқда. Бу маънони алоҳида таъкидлаш учун кейинги оятда бўлажак жазоларни ошкора марҳамат қилади: «Агар ундай қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, сармойангиз ўзингизга. Зулм қилмассиз ва сизга ҳам зулм қилинмас» (279-оят).

Яъни агар иқтисодий муомалаларингизда ўртадан рибони кўтариб, унинг сарқитларини тарк этмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизга қарши қаттиқ уруш очади. Агар тавба қилиб, рибохўрликдан қайтсангиз, сармойангизни оласиз. Шунда сиз судхўрлик билан бировга зулм қилмаган бўласиз ва сизга ҳам зулм қилинмаган бўлади.

Ибн Ҳиббон ва бошқа ҳадис олимларининг Зайд ибн Асламдан ривоят қилишларича, жоҳилият даврида Бану Сақиф ва Бану Муғийра қабилалари ўртасида рибо асосида муомала бўлган экан. Исломга кирганларидан сўнг Бану Сақиф қабиласи Бану Муғийрадан рибо олмасликларини илтимос қилибди. Бану Муғийра ўзаро

маслаҳатлашиб, «Исломда бўлганимиздаги муомалалардан рибо олмаймиз, ундан аввалгисидан оламиз», дейишибди. Ўша пайтда Маккаи Мукаррамада бошлиқ бўлиб турган Итоб ибн Усайд розияллоху анху бу ҳақда Пайғамбаримиз алайҳиссалату вассаломга хат ёзганларида:

«Эй иймон келтирганлар! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга тақво қилинг ва рибонинг сарқитини ҳам ташланг. Агар ундай қилмасангиз, Аллоҳ ва Унинг Расули томонидан бўладиган урушга ишонаверинг...» оятлари нозил бўлди.

Пайғамбар алайҳиссалату вассалом бу ҳақда Итоб ибн Усайдга хабар бердилар ва у кишини агар Бану Муғийра рибохўрликни тарк қилмасалар, уларга қарши уруш қилишга буюрдилар. Хабар етганда Бану Муғийра:

«Тавба қиламиз, рибонинг сарқитини ҳам тарк этамиз», дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалату вассалом Маккаи Мукаррамани фатҳ қилган кунларидаги хутбаларида жоҳилиятдаги барча риболарни бекор қилганликларини, биринчи бўлиб амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анхунинг риболарини қарздорлар бўйнидан туширганларини эълон қилдилар.

Демак, Исломда рибо асосида молиявий алоқа олиб бориш мутлақо ҳаром қилинган. Ночор ҳолга тушиб, рўзғор тебратиш ёки иш юритиш учун сармоёга муҳтож бўлиб қолган киши билан хайр-эҳсон ёки яхши қарз бериш билан молиявий алоқа олиб бориш лозим.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам рибохўрни, унинг едирувчисини, котибини ҳамда икки шоҳидини лаънатладилар ва «Улар баробардирлар», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Шарҳ: Ушбу ҳадисдан рибонинг қанчалар ёмон нарса эканини яна ҳам аниқроқ тушуниб оламиз. Унга аралашган ҳар бир киши Аллоҳнинг лаънатиغا қолиши турган гап. Улар:

1. «Рибохўр»:

Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани еган одам албатта, У Зотнинг лаънатиغا қолиши табиий бир ҳол.

2. «Унинг едирувчиси»:

Рибо берувчи ҳам Аллоҳнинг лаънатиға қолади. Чунки у молиявий муомалани ҳаром қилинган йўл билан амалға оширди. Ҳолбуки, ҳалол йўл билан тасарруф қилиши керак эди.

3. «Котиби»:

Яъни рибо муомаласини ёзиб, ҳужжатлаштирган киши. Чунки у Аллоҳ ҳаром қилган ишға хизмат қилди ва ҳаром ишнинг юришиға ҳисса қўшди.

4. «Икки шоҳидни»:

Рибо муомаласиға шоҳид бўлиб турган одам ҳам гуноҳкордир. Чунки у ҳам ҳаром иш учун хизмат қилди, унинг ривожига ҳисса қўшди. Бу ишға гувоҳ бўлишға рози бўлгани ана шу ҳаром ишни тан олганининг аломатидир⁴⁵.

Порахўрлик – оғир гуноҳ, порахўр лаънатлангандир.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январь куни Олий мажлисға Мурожаатномасида коррупция “ёвуз бало” эканлигини таъкидлаб, жамиятимиз аъзоларини “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланишға ундади. Хўш, порахўрлик аслида нима?

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “порахўр” ҳақида шундай дейилади: “Порахўрлик – (пора еювчи, олувчи). 1. Пора оладиган, пораға ўрганган. 2. Пора олиш билан шуғулланувчи киши”. “Порахўрлик” атамаси аслида ўзбек тилиға форс тилидан кирган. Унинг араб тилидаги маънодоши эса “ришва”дир. Ўзбек тилида ҳам “порахўр” билан бирға “ришва” ҳам ишлатилади. Бу ҳақда Ўзбек тилининг изоҳли луғатида: “Ришва(т)хўр – ришва еювчи, порахўр” дейилади.

Маълумки, иллат бор экан, унга нисбатан ҳар қачон ҳукмлар ҳам бўлади. Ислом шариатида порахўрлик гуноҳи кабиралардан ҳисобланади. Имом Шамсиддин Заҳабий “Гуноҳи кабиралар” китобларида олтмиш олтинчи гуноҳи кабира мавзусида порахўрликни келтирган. Порахўрлик бировнинг молини ноҳақ ейишдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай дейди:

“Бир – бирларингизнинг молларингизни ноҳақ еманглар. Билатуриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейиш мақсадида гуноҳ йўл билан уни ҳокимларға узатманглар” (Бақара сураси, 188-оят).

⁴⁵ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Қарз ва унга боғлиқ масалалар китобидан). <https://islom.uz/maqola/1697>

Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари “Тафсири Ирфон” китобида ушбу оят тафсирида: “Молларни ноҳақ ейиш”нинг маъноси ўғирлик қилиш, омонатга хиёнат қилиш, фириб-алдов билан ўзлаштириш, фоиз олиш, қарзга нарса олиб, ундан тониш, пора бериш ва олиш, зўрлик билан тортиб олиш, қиморда ютиб кетиш, ўлчов ва тарозидан уриш, одам савдоси, сеҳр ва фолбинлик билан пул топиш, ножоиз тижорат билан молни қўлга киритишдир. Юқоридаги усулларнинг ҳар бири орқали мол топиш шариатда ҳаром қилинган”, деб ёзади.

Порани олган ҳам, берган ҳам, ўртада воситачилик қилган киши ҳам гуноҳкордир. Бу ҳақда ҳам “Тафсири Ирфон”да: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ пора берувчини ҳам, олувчини ҳам, ўрталарида турганни ҳам лаънатлади”, деганлар. Уламолар “лаънатлади” сўзининг маъносини “ҳаром қилди”, деб шарҳлашган. Айрим уламолар: “Пора берувчининг мақсади мусулмонга озор етказиш ёки ҳаққи бўлмаган нарсани қўлга киритиш бўлса, у лаънатлангандир. Ҳокимнинг эса биронбир ҳақни бекор қиладими, зулмни даф қиладими – фарқи йўқ, пора олиши ҳаром.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом барчамизни пора беришдан, пора олишдан ва ўртада воситачилик қилишдан қайтариб бундай деганлар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пора берувчи, пора олувчи ва уларнинг ўртасидаги воситачини лаънатладилар” (Имом Аҳмад ривояти).

Аллоҳ таоло барчамизни нопок ва гуноҳ амаллардан қайтиб, ҳалол ишлар билан икки дунё саодатига муваффақ қилсин.

Пора ҳақдорга ўз ҳақининг берилишига тўсқинлик қилгани учун ҳам динимизда қаттиқ қораланади⁴⁶.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ пора хусусида шундай деган: - Пора араб тилида «ришва» деб аталиб, шаръий истилоҳда, адолатни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсага айтилади. Шунинг учун ҳам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пора берувчини ҳам, пора олувчини ҳам лаънатламоқдалар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари жуда оғир жазодир. Чунки лаънат бировнинг Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини сўрашдир.

⁴⁶ Акбаров Р. Қарши туманидаги “Акбар Халифа ибн Мухтор” жоме масжиди имом-хатиби “Ислом нури” газетасининг 2020 йил 4-сони. <https://hidoyat.uz/35614>

Аллоҳнинг маҳбуб Расули Аллоҳ таолодан сўраган нарса бўлмай қолмаслиги ҳаммага маълум.

Содруш Шаҳийдоннинг «Адабул қозий» номли китобида бу ҳақда қуйидагилар айтилган: «Пора тўрт хил бўлади:

1. Қози бўлиш учун пора бериш. Олганга ҳам, берганга ҳам ҳаром. Бу ҳолда у қози бўлмайди.

2. Қозилик қилгани учун пора олиш. Олганга ҳам, берганга ҳам ҳаром ва агар ҳақ бўлса ҳам, ҳукми ўтмайди.

3. Ўзига ёки молига бўлган хавфни қайтариш учун берилган пора. Бу олганга ҳаром, берганга эмас.

4. Султоннинг ҳузурида ҳоли яхшиланиши учун берилган пора. Олганга ҳаром». Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳукмда пора берувчини ва пора олувчини лаънатладилар». Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий саҳиҳ санад ила ривоят қилган. Пора араб тилида ришва деб аталиб, шаръий истилоҳда, ҳақни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсага айтилади. Мисол учун, бировнинг бир нарсада ҳақи бор, ўша ҳақни олиш учун ҳокимнинг ҳукмига қараб турибди. Иккинчи бир одам келиб ўзи ҳақдор бўлмаса ҳам ҳокимга пул бериб, ўз фойдасига ўша нарсани беришни сўрайди. Ҳоким ўша ишни қилса, ҳақдорнинг ҳақи поймол қилиб, ноҳақдан биров фойдасига ҳукм қилган бўлади. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда пора берувчи ҳам, пора олувчи ҳам ноҳақ иш қилмоқда, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиб ўз фойдасини кўзламоқда. Ушбу ҳаром ишни қилганлари учун Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам икковларини ҳам лаънатламоқдалар. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг лаънатлари жуда оғир жазодир. Чунки лаънат бировнинг Аллоҳнинг раҳматидан узоқ бўлишини сўрашдир. Аллоҳнинг маҳбуб Расули Аллоҳдан сўраган нарса бўлмай қолмаслиги ҳаммага маълум. Одатда пора олувчини қоралаш маъносида кўп гапирамизу, пора берувчи тўғрисида гапирмаймиз. Ҳолбуки, ушбу ҳадиси шарифди пора берувчи олдин зикр қилинмоқда. Чунки пора деб номланган иқтисодий, ахлоқий, ижтимоий жиноятни бошловчи пора берувчидир. Бошқа ҳолларда кўпроқ тамаъ қилгани учун пора берувчи мажбур бўлиб берганини эътиборга олганга ўхшаб кўринамиз. Аммо ўша «мажбур» бўлиш ҳам икки хил бўлади. Бу ҳолда пора берувчини қандоқ қилиб узрли дея олишимиз мумкин?

Ҳеч мумкин эмас. Ундоқ пора берувчи пора олувчига қўшилиб лаънатга дучор бўлишида ҳеч шубҳа йўқ. Иккинчи ҳолатда пора берувчи порахўрнинг таҳнаси туфайли ўз ҳаққига эришиш учун пора беришга мажбур бўлади. Баъзи тобеинлар ва уламолар ушбу ҳолатда пора берувчи узрли ҳисобланади, лаънатга учрамоқлиги умид қилинади, деганлар. Лекин бошқа баъзи уламоларимиз бу ҳолатда ҳам пора берувчи узрли ҳисобланмайди, деганлар. Ушбу масалада келган бошқа ҳадиси шарифда учунчи бир шахс-пора берувчи билан пора олувчи ўртасида турган воситачи ҳам лаънатланган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган ҳадиси шарифда: «Аллоҳ пора берувчини, пора берувчини ва икковлари ўртасида юрувчи порасини лаънатласин», дейилган. Порахўрлик қанчалик ёмон иллат эканини ҳамма яхши билади. Ҳаммадан ҳам кўра бу ишнинг ёмонлигини мусулмонлар яхши биладилар. Чунки бу иш улар учун нафақат бу днёга, балки, охиратга ҳам тегишли масаладир. Аммо, минг афсуслар бўлсинким, кўпгина жамиятларда инсонлар порахўрлик балосидан жафо чекмоқдалар. Порахўрлик туфайли ботил ҳақнинг устидан, нопоклик поклик устидан, зулум адолат устидан, хиёнат омонат устидан, ҳаромхўрлар покиза инсонлар устидан ғолиб келмоқдалар. Инсонлар бу балодан қутилишлари учун Аллоҳнинг бекаму кўст, мукамал дини Исломга юзланишлари лозим. Илоҳий, мутлақ адолатли, омонатли, пок тузум бўлмиш Исломи тузумда яшамоқлари лозим. Ана шундагина бошқа кўплаб муаммолар қатори порахўрлик муаммоси ҳам тугаб битади, иншааллоҳ. - Кифоя китобида бор⁴⁷.

3.3. Судхўрлик

Аллоҳ таоло ўз китобида судхўрлардан бошқа ҳеч кимга уруш эълон қилгани ҳақида хабар бермаган. Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўъминлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва агар чиндан мўъмин бўлсангиз судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз. Энди агар бу буйруққа итоат қилмасангиз у ҳолда Аллоҳ ва Пайғамбари томонидан бўладиган урушга ишонаверинг» («Бақара» сураси, 278-279-оят).

Бу жинойт Аллоҳнинг ҳузурида нақадар оғир эканлигига мазкур оят кифоядир. Судхўрликда иштирок этган икки томон, воситачилик

⁴⁷ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Пора ҳақида батафсил маълумот. <https://savollar.islom.uz/s/16432>

қилганлар, ёрдам берганларнинг ҳаммаси Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан лаънатланганлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Рибо еювчини ҳам, едирувчини ҳам, уни қайд қилувчини ва унга гувоҳ бўлганларнинг барини лаънатладилар ва улар гуноҳда тенгдир”, дедилар.

Шунга биноан судхўрликни қайд этишда, олишда, беришда, сақлашда, умуман қандай тарзда бўлса ҳам кўмаклашиш ҳаромдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оғир гуноҳнинг нечоғли қабихлигини баён қилиб шундай деганлар: “Рибо етмиш уч даражадир, шунинг энг энгили киши ўз онаси билан зино қилгани кабидир, рибонинг энг каттаси мўъминнинг обрўсидир”, яъни унга тил теккизишдир.

Яна Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Кишининг судхўрликдан билиб туриб бир дирҳам емоғи, ўттиз олти марта зинодан оғирроқдир”, деганлар.

Судхўрлик ҳаммага баробар ҳаром қилинган. Бунда бой билан камбағал ўртаси ажратилмаган, балки унинг ҳукми барча ҳолат ва барча шахсларга тенгдир. Қанча-қанча бой-бадавлат кишилар, катта савдогарлар, судхўрлик сабабидан касодга учраганларига тарих гувоҳдир. Касодга учрамаган тақдирда, мол-дунё беҳисоб бўлса-да, баракаси бўлмайди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Рибода мол кўпайса ҳам оқибати кам бўлади”, деганлар. Шунингдек, рибо фоизнинг кўп ёки оз бўлиши билан белгиланмайди. Унинг ози ҳам кўпи ҳам ҳаромдир. Судхўр қиёмат куни жин урган кишидек қабридан шайтонлаб туради.

Судхўрлик оғир жиноят бўлса-да, лекин ундан тавба қилиш мумкинлигини ва бунинг қандай бўлишини Аллоҳ таоло кўрсатиб қўйган: “Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга, зулм ҳам қилмассиз, зулм ҳам кўрмайсиз” («Бақара» сураси, 279-оят)⁴⁸.



Назорат учун саволлар

1. Майсир сўзи қандай маънони англатади?
2. Ислом динида судхўрликка қандай муносабат билдирилган?


⁴⁸ Судхўрлик. <https://aniq.uz/yangiliklar/sudxurlik>

3. «Баҳр ар-роиқ», «ал-Ашбоҳ ва-н-назоир» асарлари муаллифи ким?

4. «Фатҳ ал-қадир»да пора неча турга бўлинган ва уларнинг номларини айтинг?

5. Ислом динида нимани олишда, беришда, сақлашда, умуман қандай тарзда бўлса ҳам кўмаклашиш ҳаромдир?

6. “Рибода мол кўпайса ҳам оқибати кам бўлади” деган жумланинг мазмунини таърифланг.



Мустақил таълим учун

ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН, КОРРУПЦИЯГА- ЧИ?⁴⁹

Шов-шув тўлқинга ўхшайди-а? Қанчалар тез кўтарилса, шунчалар тез пастлайди. Бир неча лаҳзали шу кўтарилиш ё қирғоқни ювади, ёки кемаларни ғарқ қилади. Шов-шув ҳам шундай: биттаси тезда ўрнини бошқасига бўшатиб берса-да, аввалгисининг қуввати ҳадеганда кетмайди барибир...

Охирги ойда прокуратура органлари шов-шувлар гирдобиди қолиб кетгани бор гап. Аввалига Андижонда, сўнг Жиззахда тизим ходими пора билан қўлга тушди. Ҳар икки ҳолат шов-шуви ҳали совумай туриб, марказий маҳкама масъул ходими ушланди...

Эътиборлиси, бундай оғриқли ҳолатлар ҳақида оммавий ахборот воситалари ўз манбаларига таяниб бонг урмади. Аксинча, Бош прокуратура матбуот хизматининг ўзи оммага ошкор қилдики, бу билан турли башоратлар урчиши олди олинди. Шунингдек, қўлга тушган бахти қароларни гўёки «тизимга адашиб кириб қолгани», «бундайларга сафимизда ўрин!» қабилида баландпарвоз гаплар айтилмади, маҳкаманинг рўй-рост ва таассуф оҳангидаги баёнотларидан «қонун барчага баробар» деган маънони илғаш мумкин, холос.

Айни манзара тизимда очиқлик ва шаффофлик дўппи тор келгандагина намоён бўлишини англатмайди. Инсоф юзасидан айтиш керак: прокуратура органларидаги очиқлик нечоғли эканига кенг

⁴⁹ <https://xabar.uz/huquq/jaholatga-qarshi-marifat-bilan-10.12.2021>

жамоатчилик гувоҳ. Иккинчидан, шов-шувлар урчиган пайдан кутилмаган «юриш» қилиндики, бу тизимда очикликни яна бир қарра кўрсатиши баробарида (шов-шувларнинг) навбатдаги тўлқинни келтириб чиқарди: Бош прокуратура кенг жамоатчиликка мурожаат билан чиқди!

Мурожаатки, унда вазият хаспўшлангани йўқ, журналист ва блогерлар «ҳолатларни бўрттириш»да айбланиб, бу билан жамоатчилик чалғитилаётгани иддао этилмади. Аксинча, айтилдики, коррупция – бало экани аниқ, минг таассуф, бизнинг тизим ҳам бундан мустасно эмас, жамият ривожига ўз хиссасини қўшмоқчи бўлганки бор – келинг, бирлашайлик, бирон-бир прокуратура ходимининг коррупция билан боғлиқ хатти-ҳаракати (ёки ҳаракатсизлиги)ни кузатсангиз, сезсангиз, хабар беринг, мана, Бош прокуратура нақ Шахсий хавфсизлик бошқармасининг «Ишонч телефони» (71) 202-08-28, бир оғиз айтсангиз – у ёғини ўзимиз эплаб ташлаймиз...

Бугун «Ишонч телефон»ларидан кўпи йўқ. «Ишонч» нисбати берилган айрим телефонларга ишонч сўниб, хавфсалар пир бўлаётгани ҳам сир эмас. Шу маънода, Бош прокуратура мурожаати, унга илова қилинган «Ишонч телефони»га кўплар ишончсизлик билан қараган бўлиши мумкин. Аммо шубҳалар икки куннинг ўзида тарқалди. Бугун, ҳали аввалги шов-шувларнинг тарқаб улгурмай, Бош прокуратуранинг яна бир масъул ходими ҳибс этилганига оид хабар тарқалди. Мазкур хабарни ҳам марказий маҳкама матбуот хизмати ўзи жамоатчиликка маълум қилди. Эътиборлиси, хабарда масъул ходим, унга қўшиб яқин қариндошининг коррупцион жинояти айтилган «Ишонч телефони»га қилинган мурожаат натижасида фош этилгани таъкид этилади.

Ҳеч нимани жамоатчиликдан яшириб бўлмаганидек, ҳар қандай иллатга кенг жамоатчилик иштирокисиз самарали курашиб бўлмайди. Шу оддийгина ҳақиқатни Бош прокуратура бир зарб билан исботлади-қўйди.

Тўғрисиам шу: ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашилади. Коррупция ҳам жаҳолат аслида. Бироқ унга қарши «амри-маъруф» билангина курашиб бўлмаслигини ҳаёт неча қарра исботлади? Етар?!

(Маълумот хабар.uz интернет сайтидан олинди)

II боб. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ, ХАЛҚАРО ҚОНУНЛАР ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ

1-мавзу. КОРРУПЦИЯНИНГ ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАРИХИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ

1.1. Сингапурнинг коррупцияга қарши стратегияси

Коррупция муаммоси сўнгги йилларда халқаро миқёсда трансмиллий жиноят сифатида халқаро ташкилотлар томонидан кенг муҳокама қилинаётган мавзу ҳисобланади. Ҳатто, айрим сиёсатчилар томонидан коррупцияга глобал инқирозни келтириб чиқарувчи омил сифатида ҳам таъриф берилади. Коррупциянинг халқаро муносабатларга таъсирини ўрганган тадқиқотчилар эса ривожланган “биринчи дунё” мамлакатлари коррупция ёрдамида ўзларига маъқул келмаган ҳукуматларни афдариб ташлаши, ўзларига хайрихоҳ режим ўрнатиши, амалдаги ҳокимиятга оппозицияни моддий таъминлаш имкониятига эга бўлади деган хулосани билдиришган.

Барча хорижий мамлакатлар амалиётида коррупциянинг олдини олишда самарали криминологик тадқиқотлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Хусусан, Скандинавия давлатлари – Дания, Финляндия, Исландия, Норвегия ва Швейцария адлия вазирлари томонидан 1962 йилда ташкил этилган Криминология бўйича Скандинавия кенгаши бу мамлакатларда жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини шакллантиришда иштирок этишади. Кенгашнинг асосий мақсадлари – иштирокчи мамлакатларда криминология тадқиқотларни мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳукуматларга тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу мамлакатлардаги жиноят-ҳуқуқий доктринада ахлоқий категориялар ва ижтимоий қадриятлар тизими алоҳида ўрин тутди.

Криминология бўйича Скандинавия кенгаши 15 та аъзодан – ҳар бир давлатдан учтадан вакил, иккитаси таниқли криминолог ва битта адлия вазирлиги вакилидан иборат. Скандинавия мамлакатлари аҳолиси ҳуқуқий онгига ижтимоий тенглик ғояси, жамоатчилик ва юридик институтларга ишонч, шахс даражасида ҳар хил ҳодисаларга бағрикенглик, шунингдек, “жиноят”, “жиноятчи”, “жазо” ва

“жавобгарлик” сингари ҳуқуқий категорияларга нисбатан намоён бўлувчи умумий адолат ҳисси хос ҳисобланади.

Умуман, Скандинавия мамлакатлари учун жиноятчиликнинг ижтимоий илдизлари асосий криминоген доминант деган қараш устунлик қилади. Скандинавия давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши самарали курашни ташкил қилиш учун криминологик тадқиқотларни янада ривожлантириш, бунда ҳуқуқ йўналишидаги олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар криминология соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шуни айтиш лозимки, Трансперенси Интернейшнл (Transparency International) ташкилоти томонидан 2009 йилда эълон қилинган жаҳон мамлакатларининг коррупциялашганлиги даражасини акс эттирувчи рейтингда Скандинавия мамлакатларида бу кўрсаткич энг паст даражада эканлиги қайд этилган. Унга кўра, Янги Зеландия, Дания, Сингапур, Швеция, Швейцария, Финляндия мамлакатлари бу борада энг паст кўрсаткичга эга бўлган давлатлар ҳисобланади.

Коррупция, энг аввало, ҳар қандай мамлакатда давлат аппаратининг халқ олдидаги минимал мажбуриятларини бажаришда ожизлигини англатади. Бу Африка, Лотин Америкаси ва Осиёнинг кўпгина ривожланаётган давлатларини ҳам камраб олган ва мазкур мамлакатлар учун жиддий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу мамлакатларнинг барчасида коррупция халқнинг қашшоқлиги, мамлакатнинг қолюқлигига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Гонконгда ташкил этилган Коррупцияга қарши курашувчи мустақил комиссия мазкур фаолиятда муваффақиятли ва кескин чораларни амалга ошира олувчи институтларга намуна бўлиши мумкин. Ҳокимият идоралари фаолиятини синчковлик билан – расмий институтлар, алоҳида фуқаролар томонидан мониторинг қилиб бориш, шунингдек, айбдорларни суд таъқибига Гонконгдаги коррупцияга қарши курашнинг асоси сифатида хизмат қилади.

АҚШда коррупцияга қарши курашга қаратилган махсус қонун ҳужжати қабул қилинган. “Foreign Corrupt Practices Act” деб номланган мазкур қонун ҳужжати Америка компанияларини шартномалар тузишда имтиёзлар ва кафолатлар олишда хорижий

мансабдор шахсларга пора берганлик учун жавобгарлигини белгилайди⁵⁰.

Сингапурнинг собиқ бош вазирларидан Ли Куан Ю (1959-1990) “Қачонки ҳокимият халқ ишончини оқлаш учун эмас, шахсий бойлик орттириш мақсадида фаолият юрита бошласа, бу ахлоқ муаммоси ҳисобланади. Узоқ вақт мавжуд бўлишини истаган жамият ҳалоллик принципига амал қилиши лозим, акс ҳолда жамият яшай олмайди. «Коррупцияни тўхтатиб қолишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда»⁵¹ деган эди. Таъкидлаш жоизки, Сингапурнинг коррупцияга қарши сиёсати бу миллий кадриятларга амал қилишдан кўра кўпроқ зарурат туфайли амалга оширилди. Сингапур хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилиш учун уларни нотўғри мақсадларда фойдаланиш имкониятини йўққа чиқарди.

Трансперенси Интернейшнл (Transparency International) ташкилоти эълон қилган 2009 йил мамлакатларнинг коррупциялашганлиги даражасини акс эттирувчи рейтингда Сингапур коррупция даражаси паст бўлган учинчи, Осиё мамлакатлари ичида эса биринчи ўринда туриши қайд этилди. Мамлакатда содир этилган айрим коррупция ҳодисалари рўй берганда унинг иштирокчилари тергов қилиниб, айбдорлар судланиб жазога тортилган. Қайд этиш керакки, коррупцияга қарши кураш узлуксиз давом этмоқда. Сингапурда коррупцияга қарши курашга раҳбарлик бевосита сиёсий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади ва бу жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланади. Коррупцияга қарши курашга ихтисослашган орган Коррупция ҳодисаларини тергов қилиш Бюроси ҳисобланади.

Бу мустақил орган коррупция билан боғлиқ ишларни тергов қилади ва Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторида унинг олдини олиш чора-тадбирларини кўради. Бюро 1952 йилда ташкил этилган, унинг ваколатлари “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Актда белгилаб қўйилган. Унинг раҳбари директор ҳисобланади ва бевосита Бош вазир олдида ҳисобдор саналади. Бу бирор-бир вазирнинг унинг фаолиятига аралашшига, терговни

⁵⁰ <https://regnum.ru/news/economy/2698915.html>

⁵¹ <https://elgezit.kg/2020/05/26/kak-singapur-poborol-korrupsiyu-primenim-li-ego-opyt-v-borbe-s-korrupsiy-v-kyrgyzstane-chast-i/>

тўхтатиш ва бошқача таъсир қилиш мумкин эмаслигига хизмат қилади. Бюрога давлат хизматида ҳалоллик ва сотилмаслик принципи амал қилиши, хусусий секторда коррупция аралашмаган битимлар тузилиши учун жавобгарлик юклатилган.

Шунингдек, унинг вазифалари қаторига давлат мансабдор шахсларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилиш ҳолатларини текшириш ва шундай ҳолатлар аниқланганда тегишли органларга интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида маълумотлар бериш вазифалари ҳам киради. Бюро давлат органларининг коррупциялашиши сабабларини, коррупцияга олиб келиши мумкин бўлган давлат хизматининг заиф томонларини ҳам ўрганади. Сингапурда (Молия вазирлиги) 1973 йил июль ойидан бошлаб махсус коррупцияга қарши кураш Дастури амалга оширила бошланган. Дастурда қисман қуйидагилар назарда тутилган эди: фуқаролар ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни турли хил сансалорликлар ва судрашларга йўл қўймаслик мақсадида такомиллаштириш; юқори турувчи мансабдор шахсларнинг қўйи турувчи мансабдор шахслар устидан назоратни амалга оширишда ошкораликни таъминлаш; барқарор коррупциявий боғланишларнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ротациясини киритиш; тўсатдан текширишлар ўтказиш; коррупцияга қарши курашда муҳим ҳисобланган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш; коррупцияга қарши кураш чоралари мажмуини ҳар 3-5 йилда қайта кўриб чиқиш⁵².

Дунёдаги мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўзига хос тартиблар мавжуд.

Нидерландия коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига киради. Нидерландияда коррупцияга қарши кураш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

коррупция ҳолати аниқлангач, коррупцион ҳаракатнинг оқибатлари муҳокама қилинади ва уларга қўлланган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Ички ишлар вазири ҳар йили коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради;

⁵² <https://elgezit.kg/2020/05/26/kak-singapur-poborol-korrupsiyu-primenim-li-ego-opyt-v-borbe-s-korrupsiyev-kyrgyzstane-chast-i/>

коррупцион амалиётлар юзага келиши мумкин бўлган “нуқта”ларни кузатиб бориш ва бу жойларда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган;

расмий ахлоқ қоидаларининг бузилиши учун жавобгар мансабдорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими яратилган;

коррупцион ҳаракатлар учун асосий жазо давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёزلардан маҳрум бўлишдир. Шунингдек, жарима ва ўз вазифасидан вақтинча четлатиш жазоси ҳам қўлланади;

Энг муҳим ташкилотларда, хусусан, вазирликларда ички хавфсизлик хизмати мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси амалдорларнинг хатосини аниқлаш, уларнинг қоидаларни қасддан ёки тасодифан бузишини аниқлаш ҳисобланади;

коррупция содир этиши мумкин бўлган лавозимларга шахсларни танлаш тизими яратилган;

миллий хавфсизлик тизимига тегишли бўлмаган, коррупцияга оид барча материаллар оммага эълон қилинади;

коррупциянинг зарарини тушунадиган мансабдорларни тайёрлашнинг махсус тизими яратилган;

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат хавфсизлиги тизими яратилган ва у коррупцияни аниқлаш учун катта ваколатларга эга;

барча даражадаги мансабдорлар ўзларига маълум бўлган коррупцияни рўйхатга олишлари шарт, бу маълумотлар ички ишлар ва адлия вазирликларига юборилади;

коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Чунки улар коррупция ҳолатларини фош этади ва улар ҳақида суриштирув олиб боради.

Сингапурда коррупцияга қарши кураш асосий йўналиши бўлган махсус орган мавжуд. У Коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюроси деб аталади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторида коррупциянинг олди олинишини ўрганиб чиқади.

Бюро ҳукумат амалдорлари мансабини суиистеъмол қилган ҳолатларни текширади ва тегишли органларга зарур чораларни кўриш учун улар ҳақида хабар қилади. Бюро бошқарув тизимидаги камчиликларни аниқлаш учун давлат органлари иш услубларини ўрганади. Агар бундай бўшлиқлар коррупцияга ва

суистеъмолчиликка олиб келиши мумкин бўлса, бюро ушбу бўлинмалар раҳбарларига чора кўришни тавсия қилади.

Сингапурнинг коррупцияга қарши сиёсатининг асосий ғояси «инсонни коррупцияга ундайдиган ҳолатларни йўқ қилиш»дан иборат. Бунга бир қатор принциплар орқали эришилади:

1) давлат хизматчиларининг иш ҳақини хусусий секторда муваффақиятли ишлаётган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан тенглаштириш;

2) давлат органлари мансабдорларининг мулки, активлари ва қарзлари бўйича йиллик ҳисоботларини назорат қилиш (хусусан, прокурор коррупцияга қарши қонунчиликни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳар қандай банк ҳисоб рақамларини, акцияларини текширишга ҳақли);

3) юқори лавозимдаги мансабдорларнинг маънавий юксаклигини таъминлаш;

4) иқтисодий ривожланишда дуч келинадиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш.

Германияда муайян функциялардан қатъи назар, давлат хизматчилари ўз вазифаларини бутун жамият манфаати учун холис ва адолатли бажаришлари шарт.

Германияда коррупцияга қарши курашнинг биринчи вазифаси расмий сирларни сақлашдан иборат. Давлат хизматчиси, шунингдек, ўз фаолияти давомида унга маълум бўлган маълумот ва ҳақиқатларни яшириши керак. Давлат хизматчиси рухсат олмасдан туриб гувоҳлик беришга, ҳатто судда ҳам баёнот беришга ҳақли эмас.

Давлат хизматчиси хизмат кўрсатишдан бошқа ҳар қандай иш учун олдиндан юқори даражадаги раҳбарининг розилигини олиши талаб қилинади. Давлат хизматчиси учун рухсатномалар фақат илмий муассасаларда ва ўқитиш ҳамда тадқиқотлар билан боғлиқ фаолият учун талаб қилинмайди.

Давлат хизматчилари бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки ваколатли вакиллари орқали шугулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Федерал ҳукумат қонун кучига эга қарор чиқариш йўли билан давлат хизматчиларининг ўриндошлик асосида ишлаш тартибини белгилайди. Унда қайси фаолият давлат хизмати деб ҳисобланади

ёки унга тенглаштирилади; давлат хизматчиси қўшимча иши учун ҳақ оладими; давлат хизматчиларининг қайси тоифалари рухсатнома олишга мажбур каби масалалар аниқлаштирилади. Ишчиларнинг турли тоифалари бир йилда оладиган энг кўп ҳақ миқдори ва уни ҳисоблаш тартиби белгиланади.

Агар хизматга оид муносабатлар тугатилгандан сўнг давлат хизматчиси ўзининг охирги беш йиллик хизмат фаолияти билан боғлиқ ишда ишласа, охирги хизмат жойида буни эълон қилиши керак. Унинг фаолияти, агар хизмат манфаатлари учун зарар етказиши мумкин бўлса, таъқиқланади. Бу таъқиқ давлат хизматининг энг юқори инстанцияси томонидан жорий этилади ва хизмат муносабатлари тугаганидан кейин 5 йил ўтгач тугайди.

Давлат хизматчиларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатлари батафсил тартибга солинади. Давлат хизматчиси (Федерал интизомий ҳуқуқ ҳақидаги низомга мувофиқ)⁵³ ўз вазифаларини бажариш тартибини бузган деб топилса, жиноят содир этган деб ҳисобланади. Давлат хизматига боғлиқ бўлган юқори талаб ва чекловларга яраша Германияда юқори маош ва бошқа тўловлар, иш жойининг барқарорлиги ва юқори турмуш даражасини таъминлаш кафолатланади⁵⁴.

Ўтган асрнинг 90-йилларида япон тадқиқотчилари коррупциявий жиноятчиликни камайтиришда: ҳокимият тузилмалари фаолияти тўғрисида маълумотларни ошкоралаштириш, мансабдор шахсларни назорат қилиш учун марказий ва маҳаллий миқёсда мустақил омбудсман институтини жорий этиш, шу турдаги жиноятларга қаттиқ жазо тайинлаш (депутатликка сайланишдан маҳрум қилиш, умрбод юқори лавозимга кўтарилишдан маҳрум қилиш, сайлов гуруҳидаги шунга алоқадор кишиларни жазолаш), сайлов компанияларини молиялашни тўла давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширишни таъқиқ этган эдилар. Японияда коррупцияга қарши курашиш билан бирга нотўғри (туҳматдан) пора олиш ҳақида хабар бериш ҳам, пора олувчиларга нисбатан белгиланган жазога – уч йил муддатга каторга жазоси ёки жарима жазосига тортилиши мумкин. Жиноят

⁵³ <http://advokatnews.uz/xabar/535.html>

⁵⁴ Алимардонов Ф. <https://zamin.uz/jamiyat/45328-korruptsiyaga-qarshi-kurash-rivojlangan-mamlakatlar-tajribasi.html>

қонунчилигида амалга оширилган ислоҳотлар орқали бир қатор мансабдорлик жиноятларига бериладиган жазолар оғирлаштирилди. Масалан, давлат ва жамоат арбобларининг мансабдорлик ваколатлари билан ҳокимиятни суиистеъмол қилишига 2 йилгача қаторга ёки турма қамоғи жазоси белгиланди. Илгари бундай жиноят учун шахс 6 ойгача шундай жазога тортиларди⁵⁵.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш ҳар бир давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Коррупцияга қарши муваффақиятли кураш тизимини барпо этиш бу борада кенг кўламли халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ҳамда унга танқидий ёндашган ҳолда миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этишни тақозо қилади.

Сингапурнинг коррупцияга қарши стратегияси қатъий ва изчил бўлиб, «**Коррупцияни назорат қилиш мантиғига**» асосланган: «Коррупцияни йўқ қилиш бўйича ҳаракатлар, ҳам рағбатлантирувчи шароитларни, ҳам шахсни коррупция ҳаракатларига ундаш имкониятини яратадиган шароитларни минималлаштириш ёки йўқ қилиш истагига асосланган бўлиши керак»⁵⁶.

1965 йилда мустақиллик даврида Сингапур коррупция даражаси юқори бўлган мамлакат эди. Уни қисқартириш тактикаси қатор вертикал тадбирларга асосланган эди: мансабдор шахсларнинг ҳаракатларини тартибга солиш, бюрократик процедураларни соддалаштириш, юқори ахлоқий меъёрларга риоя қилиш устидан қатъий назорат. Марказий алоқа автоном коррупцияни тергов бюроси бўлиб, у ерда фуқаролар давлат хизматчиларига қарши шикоят юборишлари ва етказилган зарарни қоплашлари мумкин. Шу билан бирга, қонунчилк кучайтирилди, суд ҳокимиятининг мустақиллиги оширилди (юқори иш ҳақи ва судьяларнинг имтиёзли мақоми билан), пора бергани ёки коррупцияга қарши терговда қатнашишдан бош тортганлиги учун иқтисодий санкциялар жорий этилди, божхона ходимлари ва бошқа давлат хизматларини тўлиқ ишдан бўшатишгача қаттиқ чоралар кўрилди. Бу иқтисодиётни тартибга солиш, мансабдор шахсларнинг иш ҳақини ошириш ва малакали маъмурий кадрларни тайёрлаш билан бирлаштирилди.

⁵⁵ Мелиев Х. http://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupciya/?ELEMENT_ID=31252

⁵⁶ <https://uza.uz/uz/posts/singapur-korruptsiyaga-arasshi-kurash-tazhribasi-08-01-2019>

Сингапур мустақилликка эришгунига қадар қашшоқ бўлиб, ҳатто чучук сув ва қурилиш учун мўлжалланган қумни ҳам хориждан келтирган. Қўшни мамлакатлар нодўстона кайфиятда бўлса, аҳоли орасида социалистик ғоялар оммалашиб кетганди. Мамлакат Британия колонизаторларидан нобоп ҳукуматни, коррупциялашган жамиятни мерос қилиб олганди. Коррупцияга қарши кураш бошлаган биринчи ҳукумат қатор муаммоларга дучор бўлди. Унга қарши курашни тартибга солувчи қонун очикчасига заиф эди. Кўплаб коррупцион жиноятлар қонун доирасидан четда қолар, тегишли курашувчи органлар эса ўз вазифасини самарали адо этиш учун зарур ваколатга эга эмас эди. Амалдорларнинг кўпчилиги порахўр бўлгани, қонунчилик самарасиз бўлганлиги сабабли жиноятга далил топиш ўта мураккаб эди.

Давлат амалдорлари тижорий сектор ходимларидан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши, аҳоли саводхонлигининг пастлиги, ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги курашни қийинлаштирди. Натижада пора мақсадга эришишнинг ягона усулига айланди.

Масаланинг яна бир мураккаб томони шунда эдики, инглизлар даврида ташкил этилган коррупция ҳолатларини тергов қилувчи Бюро хизматчилари маҳаллий полициядан иборат бўлиб, улар руҳий жиҳатдан ушбу иллатга қарши курашга тайёр эмасди.

“Божхона амалдорлари контрабанда ва таъқиқланган маҳсулотларни ташийдиган транспорт воситаларини текширишни “тезлаштириш” учун пора олардилар. Марказий таъминот хизмати ходимлари муайян чақа эвазига манфаатдор шахсларга тендерга келиб тушган аризалар ҳақида маълумот берарди. Импорт-экспорт департаменти амалдорлари рухсатномани тезлаштириб берганлари учун пора олишарди. Клерклар камчиликларга кўз юмишлари учун пудратчилар пора таклиф қилишарди. Дўкандорлар ва уй эгалари ахлатни олиб кетгани учун жамоат соғлиқни сақлаш департаментига ҳақ тўлашарди. Мактаб директори ва ўқитувчилари канцелярия маҳсулотлари келтирувчиларидан фоиз олишарди. Ҳокимият тизгинидан шахсий манфаат йўлида фойдаланишга ўтишганида инсон ихтирочилик қобилятининг чегараси йўқолади” (Ли Куан Ю)⁵⁷.

⁵⁷ <https://elgezit.kg/2020/05/26/kak-singapur-poborol-korrupsiyu-primenim-li-ego-opyt-v-borbe-s-korrupsiyev-kyrgyzstane-chast-i/>

Мамлакат жуда оғир аҳволга келиб қолганини тушунган ҳукумат жамиятда очиклик ва тозалик муҳитини яратишга, коррупцияни ижтимоий номақбул ҳодиса деб талқин этилишига эришиш учун қатъий қарор қилди. Ўз ишининг асосига “тоза ва сотилмас бўлиб қолиш” принципини устувор қўйди. Стратегия муаллифлари коррупция устидан назорат миллий тараққиёт учун муҳимлигига ишонишарди.

Ли Куан Ю ҳукумати ўз олдига Сингапурни Жануби-шарқий Осиёнинг молиявий ва савдо марказига айлантириш, шунингдек, мамлакатга хорижий сармоядорларни жалб этиш мақсадини қўйганди. Раҳбарларнинг сиёсий иродаси ва кучли антикоррупция қонунчилиги ҳисобига Сингапур порахўрликни енгишга ва жаҳоннинг иқтисодий етакчилари қаторидан жой олишга эришди. Биринчи навбатда, коррупцион ҳаракатлар содир этиш имконияти қисқартирилди. 1960 йилда коррупцияга қарши кураш стратегияси коррупция олдини олиш ва коррупция тергови бўйича Бюрони алоҳида ваколатлар билан таъминлаш тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб қўйилди.

Энг муҳими, қонундаги икки хил маъно билдирувчи англашилмовчиликлар бартараф этилди, Мустақил Бюро ҳокимиятнинг энг олий эшелонларида порахўрликка қарши кураш олиб борди. Тергов Бош вазир Ли Куан Юнинг ҳатто энг яқин қариндошларига нисбатан ҳам олиб борилди. Коррупцияга алоқадор қатор вазирлар турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди ёки ўз ҳаётларига суиқасд қилишди ёки мамлакатдан қочиб кетишди. Улар орасида Ли Куан Юнинг қадрдон дўстлари ҳам бор эди⁵⁸.

“Ви Тун Бун 1975 йилда Индонезияга оиласи билан бирга саёҳатга борганида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазири лавозимида ишларди. Саёҳат пулини эса уй-жой қураётган пудратчи ташкилот тўлаб берган. У мазкур пудратчидан қиймати 500 минг сингапур доллари турадиган кошонани пора сифатида олади, шунингдек, 300 минг долларлик иккита кредитни отаси номига пудратчи кафолати асосида расмийлаштиради. Мақсад ушбу пулдан фонд бозорида чайқовчилик мақсадида фойдаланиш эди. Ви Тун Бун 1950-йиллардан бошлаб садоқатли нокоммунист етакчи бўлган, шунинг учун уни ҳимоя қилиш ва ўзини айбсиз эканлиги хусусида ишончсиз

⁵⁸ <https://elgezit.kg/2020/05/26/kak-singapur-poborol-korrupsiyu-primenim-li-ego-opyt-v-borbe-s-korrupsiy-v-kyrgyzstane-chast-i/>

уринишларини эшитиш менга оғир бўлди. У айбдор деб топилиб, 4 йили 6 ойлик қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм устидан шикоят қилишига қарамай, у кучда қолдирилди, гарчи қамоқ муддати 18 ойга камайтирилган бўлса ҳам”, – деб ҳикоя қилади Бош вазир Ли Куан Ю ўз эсдаликларида⁵⁹.

Демак, ҳамма нарсадан кўра қонун устуворлигини афзал кўриш, жамиятда ҳамманинг қонун олдида тенглиги принципини тарғиб қилиш ва унга амал қилиш, бу йўлда юқори мартабали амалдорлар ва қариндошларини ҳам аямаслик Сингапурда коррупцияни бартараф этишга хизмат қилди.

Ли Куан Юнинг қайд этишича, сиёсий етакчилар тартибли ва виждонли ҳукуматнинг вакиллари бўлгани учун энг катта маошлар тайинланган. Агар уларга яхши пул тўланмаса, нотўғри йўлга кириб қолиши ва коррупцион ҳаракатларга аралашиб қолиши ҳеч гап эмас. Шунга мувофиқ, “ақллилар”нинг хусусий секторга ўтиб кетишини камайтириш мақсадида Сингапур давлат хизматчиларининг иш ҳақи муттасил ошириб борилди⁶⁰.

1989 ва 1994 йилларда давлат олий хизматчиларининг иш ҳақини қайта кўриб чиқиш жараёнида маошлар шу қадар оширилдики, дунёнинг бошқа ҳар қандай давлат хизматчиси бунга орзу қиларди холос. Бироқ мазкур формула иш ҳақининг ҳар йили автоматик тарзда оширилишини аниқлатмайди, чунки хусусий секторнинг даромадлари гоҳ тушар, гоҳ кўтариларди. 1995 йилда хусусий секторнинг даромади пасайган бўлса, 1997 йилда бунга мувофиқ равишда барча вазирлар ва мансабдорларнинг маоши камайтирилади.

Сингапур раҳбарияти сайловолди кампаниясига катта харажатларни сарфлаш кўплаб Осиё мамлакатлари учун беҳуда эканига ишонарди. Сайловга катта пул тиккан ғолиблар нафақат сарфланган маблағни қайтариши, балки келгуси сайлов учун маблағ тўплаши зарур эди. Бу ҳолат коррупцион операцияларни амалга оширишга йўл очарди. Шунинг учун Сингапур халқ ҳаракати партияси етакчилари сайловолди кампанияга сарфланадиган харажатларни қисқартиришга уринди. Партиянинг сайловдан кейин хазинасини тўлдириш ва сайловлар оралиғида сайловчиларга совға тарқатишга ҳожат қолмаганди. “Биз шунга эришдикки, одамлар иш

⁵⁹ <https://meduza.io/feature/2015/03/23/samyy-uspeshnyy-diktator>

⁶⁰ <https://meduza.io/feature/2015/03/23/samyy-uspeshnyy-diktator>

ўринлари яратишимиз, мактаблар, касалхоналар, ижтимоий марказлар қуришимиз учун қайта-қайта овоз бераверарди. Мазкур ижтимоий қулайликлар инсонлар ҳаётини ўзгартирди, фарзандларининг келажаги Халқ ҳаракати партияси билан эканлигига халқни ишонтира бошлади (Ли Куан Ю)⁶¹.

Айни пайтда Сингапур коррупция, иқтисодий эркинлик ва ривожланишнинг йўқлиги бўйича дунёда етакчи ҳисобланади.

1.2. Финляндиянинг коррупцияга қарши стратегияси

Финляндиянинг коррупцияга қарши стратегиясининг ўзига хос хусусияти бу коррупция ва махсус қонуннинг виртуал йўқлиги эди. Коррупция жинойий ҳуқуқбузарликнинг бир қисми сифатида кўрилган ва қонун, тартибга солиш ва бошқа назорат тизимларининг барча даражаларида тартибга солинган. Финляндиянинг ўзига хос хусусияти мансабдорлар томонидан пора олганлик учун нисбатан енгил жазо – жаримадан то тўрт йил қамоққача бўлган⁶². Урушдан кейинги даврда пора олишнинг илгари юқори даражасида кескин пасайиш кузатилди – 1945-1954 йилларда 549 киши пора олганлиги учун судланган, 1980-1989 йилларда бундай жазолар 81 та, 1990 йилларда эса атиги 38 та чиқарилган. 1990-йиллардан бошлаб Финляндия халқаро ҳужжатлардан фойдаланишни бошлади – 1997 йилда Европа Иттифоқининг Коррупцияга қарши Конвенцияси, 1998 йил ОЕСДнинг порахўрликка қарши Конвенцияси, 1999 йил Европа Кенгашининг Коррупцияга оид жиноят ва фуқаролик-ҳуқуқий Конвенциялари, 2003 йил декабрда Мехико шаҳрида қабул қилинган БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва ҳоказо⁶³.

1.3. Швейцариянинг коррупцияга қарши стратегияси

19-асрнинг ўрталарига қадар Швейцарияда коррупция ривожланди. Мамлакатни модернизация қилишнинг оқибатларидан бири бу **меркантилизмни**⁶⁴ йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар эди.

⁶¹ Абдували Сайбназаров. <https://uza.uz/uz/posts/singapur-korruptsiyaga-arasshi-kurash-tazhribasi-08-01-2019>

⁶² <https://finlandabroad.fi/documents/4248263/0/Book-uzbek-cyr.pdf/31d2fd29-5b37-4101-a2f3-7c4ce8db4989?t=1574776214174>

⁶³ <https://moluch.ru/archive/234/54210/>

⁶⁴ <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9C%D0%B5%D1%80%D0%BA%D0%B0%D0%BD%D1%82%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D0%B7%D0%BC>

Ўшандан бери давлат томонидан тартибга солиш фирмаларга қараганда кўпроқ уй хўжалиқларига таъсир кўрсатди, таъқиқ ва рухсатномаларга эмас, балки имтиёзларга (солиқлар, имтиёзлар ва субсидиялар орқали) асосланган. Ички давлат ҳужжатларидан фойдаланиш имконияти очилди ва мустақил ва самарали адолат тизими яратилди. Шу билан бирга, Швейция парламенти ва ҳукумати маъмурлар учун юқори ахлоқий меъёрларни ўрнатди ва амалга оширди. Бир неча йил ўтгач, ҳалоллик бюрократия ўртасида ижтимоий нормага айланди. Юқори мартабали амалдорларнинг иш ҳақи дастлаб ишчиларнинг иш ҳақидан 12-15 баравар ошиб кетди, аммо вақт ўтиши билан бу фарқ икки бараварга камайди. Бугунги кунда Швейция дунёдаги энг паст коррупция даражасига эга⁶⁵.

1.4. Россиядаги коррупция

1999 йил бошида Россия Бош прокурорининг ўринбосари Ю.Я.Чайка Россия дунёдаги энг коррупциялашган давлатларнинг ўнталигига киришини ва коррупция Россия давлатидаги энг зарарли кучлардан бири эканлигини таъкидлади. 1999 йилда РАС академиги Д.С.Львов ва иқтисод фанлари доктори Ю.В.Овсиенко Россиядаги коррупцияни «тотал» деб баҳоладилар.

2006 йилда Россия Федерацияси Бош прокурорининг биринчи ўринбосари Александр Буксман баъзи экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Россиядаги коррупция бозори ҳажми 240 миллиард доллардан ошган деб айтди. ИНДЕМ жамғармасининг маълумотларига кўра, бу кўрсаткич янада юқори: фақат Россиянинг бизнес соҳасида коррупция ҳажми 2001-2005 йилларда ошган. Йилига тахминан 33 миллиарддан 316 миллиард долларгача (федерал сиёсатчилар ва бизнес элита даражасидаги коррупцияни ҳисобга олмаганда). Худди шу жамғарманинг маълумотларига кўра, россиялик ишбилармонларнинг амалдорларга берадиган ўртача пора даражаси ўша даврда 10 000 доллардан 136 000 долларгача кўтарилган⁶⁶.

2000 йилда Transparency International коррупцияни қабул қилиш индекси 2,6 (10 дан), 2009 йилда - 2,2 (кўрсаткич қанча юқори бўлса, Коррупция даражаси шунчалик паст бўлади). Нью-Йорк Таймс

⁶⁵ <https://ru.sweden.se/ljudi/provesti-chertu-kak-v-shvecii-boryutsya-s-korrupciej/>

⁶⁶ <https://indem.ru/russian.asp>

газетасининг таъкидлашича, катта миқдордаги пулни муомаладан чиқариш ва инвестиция имкониятлари ёки Россиядан капитал экспорт қилиш билан боғлиқ асосий муаммолар коррупциядир.

2007 йилда Россиянинг коррупцияга қарши кураш миллий қўмитаси раиси Кирилл Кабанов Россияда коррупцияга қарши кураш олиб борилмаганлигини айтди: ўрта даражадаги амалдорларнинг ҳибсга олиниши пора бериш тизимини бузмаган ва коррупцияга қарши сиёсат ишлаб чиқилмаган.

2009 йилда Transparency International Россиядаги коррупция бозорини 300 миллиард долларга баҳолаган⁶⁷.

2010 йилда Transparency International томонидан тузилган дунё мамлакатларидаги коррупция индексининг йиллик рейтингда Россия 2,1 балл кўрсаткичи билан 180 тадан 154-ўринни эгаллади (индекс 0 коррупциянинг максимал даражасини англатади, 10 та коррупция йўқ). Елена Панфилова, «Transparency International»нинг Россия бош директори: «Ўтган йили Россия ушбу рейтингда 146-ўринни эгаллаган эди. Хулоса - йил давомида мамлакатимизда ҳеч нарса ўзгармади, фақат рейтингдаги кўшниларимиз - Папуа-Янги Гвинея, Кения, Лаос ва Тожикистондан ташқари»⁶⁸.

Шуни таъкидлаш керакки, кўплаб мақолалар ва мунозараларда ушбу индекс номини эслатиб ўтишда одатда «идрок» сўзи чиқариб ташланади, натижада индекс коррупция соҳасидаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиради деган нотўғри таассурот пайдо бўлади, аслида эса, аслида, коррупциядан жамоатчиликнинг ташвишланиш даражаси тўғрисида.

Россияда коррупцияга кўпроқ мойил бўлган фаолият йўналишлари (бойитиш соҳалари бўлимида кўрсатилганлардан ташқари) қуйидагиларни ўз ичига олади:

- божхона хизматлари: ташиш таъқиқланган товарлар чегарасидан ўтиш; мусодара қилинган товарлар ва валютани қайтариш; божхона тўловларининг камлиги;

товарларнинг божхона қийматини паст баҳолаш; божхона тўловларини асосиз кечиктириш;

⁶⁷ <https://www.bbc.com/russian/news-51213391>

⁶⁸ <https://www.bbc.com/russian/news-51213391>

- тиббиёт ташкилотлари: ускуналар ва дори-дармонларни оширилган нархларда сотиб олиш; ҳақиқатга мос келмайдиган тиббий хулосалар бериш;
- баъзи фуқароларнинг бошқалар ҳисобига устувор хизмати;
- автоуловларни текшириш: лицензияларни асоссиз тақдим этиш (ҳайдовчилик гувоҳномаси, техник кўриқдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома);
- йўллардан фойдаланиш қоидаларини бузганларга қонуний жазонинг йўқлиги; манфаатдор томонлар фойдасига йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисида маълумот ва хулосаларни сохталаштириш;
- суд органлари: ишнинг ҳолатларини холисона кўриб чиқиш; адолатсиз қарорлар қабул қилиш; процессуал нормаларни бузиш; бир иш бўйича турли судларнинг қарама-қарши қарорлари; рейд қилиш воситаси сифатида кемалардан фойдаланиш;
- солиқ органлари: солиқларнинг тўлиқ ҳажмда олинмаслиги; ҚҚСни қайтариш; рақобатчилар томонидан текширишлар ва ишлаб чиқаришни тўхтатиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари: жиноят ишларини қўзғатиш ва тугатиш, шунингдек, уларни қўшимча терговга юбориш; ҳар хил оғирликдаги ҳуқуқбузарликлар учун қонуний жазонинг йўқлиги;
- тадбиркорлик фаолиятини лицензиялаш ва рўйхатдан ўтказиш;
- бюджет маблағлари ҳисобидан банк операцияларини жойлаштириш ва ўтказиш учун рухсатномалар бериш;
- кредит олиш;
- экспорт квоталарини олиш;
- бюджет маблағлари ҳисобига товарлар хизматларни сотиб олиш бўйича тендерлар;
- бюджет маблағлари ҳисобига қурилиш ва таъмирлаш;
- битимларни нотариал тасдиқлаш;
- лицензиялаш шартларига риоя этилишини назорат қилиш;
- ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиш;
- қуролли кучларга чақирилгандан озод қилиш;
- давлат олий ўқув юртларига қабул қилиш (асосан юридик ва иқтисодий ихтисосликлар);

- нодавлат олий ўқув юртларини давлат рўйхатидан ўтказиш, аттестация ва аккредитация қилиш;
- ихтисослаштирилган ўрта мактабларга ва мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш;
- давлат ва муниципал муассасалардаги лавозимлардан катта миқдордаги ноқонуний даромад олишга имкон берадиган хизматга ёллаш;
- партияларнинг сайлов рўйхатларини шакллантириш.

Коррупцияга қарши кураш Россия иқтисодиётининг ривожланиш омилларидан биридир. Россияда коррупцияга қарши курашиш мақсадида 2008 йил июль ойида Россия Федерацияси Президенти коррупцияга қарши кураш миллий режасини тасдиқлади.

«Деловая Россия» жамоат ташкилотининг маълумотларига кўра, Россиядаги энг коррупциялашган минтақалар Москва, Омск, Волгоград ва Олтой вилоятлари⁶⁹.

Британиянинг «Ernst & Young» аудиторлик компаниясининг 2012 йил баҳорида ўтказган тадқиқотига кўра, Россияда коррупция хатарлари 2011 йилда сезиларли даражада камайди ва кўп жиҳатдан ўртача дунё даражасидан паст бўлди. Ernst & Young тадқиқотида дунёнинг 43 мамлакатидан 1500 дан ортиқ энг йирик компанияларнинг топ-менежерлари қатнашдилар⁷⁰. Шундай қилиб, агар 2011 йилда Россияда сўроқ қилинган менежерларнинг 39 фоизи бизнеси ҳимоя қилиш ёки корпоратив имтиёзларга эришиш учун нақд пора бериш зарурлигини Эълон қилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 16 фоизни ташкил этди⁷¹.

Россия қонунчилигига биноан коррупция пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки бошқа нарсалар шаклида имтиёзлар олиш мақсадида шахснинг ўз лавозимидан жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига хилоф равишда мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, пора бериш, пора олиш, ваколатларини суиистеъмол қилиш, тижорат пора олиш ёки бошқа қонуний фойдаланиш. мулкий характердаги хизматлар, ўзи учун ёки учинчи шахслар учун бошқа мулкий ҳуқуқлар ёки бошқа шахслар томонидан ушбу шахсга ушбу имтиёзларни ноқонуний тақдим этиш; шунингдек,

⁶⁹ <https://deloros.ru/o-nas.html>

⁷⁰ [https://ru.wikipedia.org/wiki/Ernst %26 Young](https://ru.wikipedia.org/wiki/Ernst_%26_Young)

⁷¹ Коррупция в России <https://ru.wikipedia.org/wiki>

ушбу ҳаракатларни юридик шахс номидан ёки унинг манфаатлари учун амалга ошириш. Қонунда учрайдиган «Коррупция жинояти» тушунчаси алоҳида таърифга эга эмас.

Суиистеъмол қилиш коррупциянинг шаклларида бири бўлиши мумкин (мансабдор шахс ёки бир гуруҳ шахсларнинг жиноий ҳаракатларидан бири), аммо коррупция таърифнинг тўлиқлигини тугатмайди.

Россия томонидан ратификация қилинган коррупцияга қарши Европа жиноят қонуни Конвенциясида коррупция жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги сифатида таснифланади. 2010 йилдан бошлаб Россияда битта коррупция ҳуқуқбузарлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексда ҳам, Жиноят Кодексидан ҳам жазоланиши мумкин.

1.5. Япония тажрибаси

Таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу зарарли ҳодиса мавқеи, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва бошқарув тизимидан қатъи назар барча мамлакатларда учрайди.

Биз бу борада Япония давлатида коррупцияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган айрим ишлар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Барчамизга маълум, Япония иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлган мамлакат бўлиб, унинг коррупцияга қарши сиёсати давлат бошқаруви тизимида ушбу салбий иллатга қарши механизмларни такомиллаштириш йўллари топишга асосланган.

“Transparency International” халқаро коррупцияга қарши кураш ташкилотининг 2018 йил яқунлари бўйича эълон қилган рейтингга кўра, Япония 180 та мамлакат орасида энг юқори 20 таликка кирганлиги ушбу давлатда коррупцияга қарши сиёсатнинг самарали амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Коррупцияга қарши курашишда Японияда таълим-тарбия жараёни муҳим роль ўйнайди, япон тилида коррупция сўзи “ифлос иш” деб таржима қилинади. Агар японлар коррупцияда айбланадиган бўлса, нафақат айбдор шахс, балки унинг бутун оиласига тушадиган энг катта шармандалик ҳисобланади.

Қадим замонлардан бери Японияда шахсий манфаатларни қурбон қилиш қобилиятини умумий манфаатларга қурбонлик сифатида қадрланган. Кунчиқар юрт Конституцияси талабларига кўра,

ҳокимият органларининг барча мансабдор шахслари бутун жамиятнинг хизматчилари ҳисобланади ҳамда шахсий манфаатлардан юз ўгириш – бу амалдорларнинг йўлидир.

Бугунги кунда Япониянинг ҳуқуқий сиёсати, жиноий қонунчилиги ва жиноятчиликка қарши кураш тизимининг самараси ўлароқ ушбу мамлакат узоқ вақтдан бери дунёдаги энг хавфсиз давлатлардан бири ҳисобланади.

Япония Жиноят кодексига мувофиқ пора олиш, талаб қилиш ёки олдиндан олиш учун хавфлилик даражасига қараб турли муддатларга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилинган ҳолда озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Кодексда нафақат мансабдор шахс томонидан пора олиш, балки учинчи томонга бериш, воситачилик учун пора олганлик учун ҳам жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Японияда сиёсатчилар ва ходимларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришда уларнинг ахлоқий хатти-ҳаракатларига катта эътибор берилади. Жумладан, “Парламент тўғрисида”ги қонунда “касбий этика” бобининг мавжудлигини ёки “Давлат хизматчиларининг этикаси тўғрисида”ги қонун амал қилаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Унда ходимларнинг ахлоқ қоидалари, касбий фаолияти билан боғлиқ ҳолда совғалар олишга ва кўрсатилган хизматлар натижаларини қабул қилишга таъқиқ ва чекловлар мавжуд бўлиб, ушбу қоидалар ва меъёрларга риоя этилиши устидан назорат қилишнинг қатъий тартиби белгиланган.

Японияда коррупция билан боғлиқ барча материаллар, агар улар миллий хавфсизлик тизимига таъсир қилмаса, кенг жамоатчилик учун очик ҳисобланади. Бундан ташқари ушбу давлатда давлат ҳокимияти органларининг аҳолига ҳисобот бериш амалиёти самарали йўлга қўйилган. Шунингдек, коррупция билан боғлиқ ишларни кенг оммага етказиб бориш мақсадида 2001 йилда Японияда ахборотни ошкор қилиш тартибини назарда тутувчи қонун қабул қилинган. Ушбу ҳужжат фуқароларга давлат органлари томонидан сақланадиган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини, шу билан бирга агар ҳукумат муайян маълумотларни ошкор қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилган бўлса, у ҳолда маълумотларнинг ошкор этилишини назорат қилиш кенгашига мурожаат қилиш имкониятини кафолатлайди.

Бундан ташқари агар мансабдор шахслар коррупция нуқтаи назаридан бирон нарсани яширишса ва фуқаро амалдорни

обрўсизлантирадиган нарсани билса, у ҳукуматдан обрўсизлантирувчи фактларни ошкор қилишни талаб қилишга ҳақли. Шундай қилиб, давлат хизматчилари ўртасида коррупцион ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган кенг кўламли чоралар кенг жамоатчиликнинг босими ҳамда самарали жамоат назоратининг амал қилаётганлиги боис ҳам ушбу салбий иллатга ўзининг натижасини бермоқда.

Кадрлар сиёсати Японияда коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирларнинг асосий йўналишларидан биридир.

Катта табиий ресурсларга эга бўлмаган ушбу Осиё мамлакати кўп жиҳатдан самарали кадрлар сиёсатининг амалга оширилаётганлиги туфайли инновацион технологик тараққиётга эришмоқда. Кадрлар сиёсатини адолатли олиб бориш ва ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси парламент палаталари розилиги билан Ҳукумат раҳбари томонидан ташкил этиладиган кадрлар масалалари бўйича кенгаш зиммасига юклатилган. Мазкур кенгаш ҳар йили парламентга ва ҳукуматга маошнинг миллий тенденциялари тўғрисида ҳисобот беради. Хусусий секторда иш ҳақининг сезиларли даражада ошиши аниқланганда, Кенгаш давлат хизматчиларининг иш ҳақи миқдорига ҳам тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақида тавсияларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун парламентга тақдим этади.

Японияда ёш авлодни маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Тўрт ёшли болаларга яхшиликни ёмондан ажратишга, оптимист бўлишга ўргатилади. Анъанага кўра, япон мактабларида кўпроқ тарбияга эътибор қаратилади. Жумладан, бошланғич ва қуйи ўрта мактабларининг ўқув дастурларида “дотоку кеику” – ахлоқий тарбия каби махсус фанлар ҳам мавжуддир. Шубҳасиз, кунчиқар юрт ноёб ва замонавий демократик, иқтисодиёти ривожланган мамлакатдир⁷².

Хулоса қилиб айтганда, Японияда коррупцияга қарши курашишнинг устувор йўналишлари сифатида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, давлат хизматини ислоҳ қилиш (муносиб иш ҳақи, рағбатлантириш тизими, меритократия принципи), фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамияти

⁷² Жуманов.З. <https://uza.uz/oz/society/korruptsiyaga-arshi-kurash-borasida-yaponiya-tazhribasi-09-12-2019>

институтлари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий назорат ва сиёсатчиларга маънавий таъсир кўрсатиш тизимининг амал қилаётганлигини ҳамда бу борада ижобий тажрибалар мавжудлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Халқаро тажрибадан маълумки, давлат хизматчилари учун стандарт таъқиқлашлар, чеклашлар ва низомлар барча ривожланган мамлакатлар қонунларида мавжуд. Биз куйида бир неча давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора ва услублари ҳақида тўхталамиз.

1.6. Австралияда коррупцияга қарши махсус курслар курашади

Австралияда федерал тузилма ёки коррупцияга қарши кураш органларининг марказлаштирилган тизими йўқ. Ҳукумат тузилмалари фаолиятини назорат қилиш Австралия миллий жамоат ташкилотлари, парламент ва оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Ҳар қандай фуқаро бундай комиссияга шикоят қилиш ёки давлат мансабдор шахси томонидан содир этилган коррупция ҳаракати ҳақида хабар бериш ҳуқуқига эга.

Бу ерда коррупцияга қарши асосий таълим дастури Австралия Миллий университети (Канберра) давлат сиёсати факультетида бўлиб ўтадиган “коррупция ва унга қарши кураш усуллари” мавзуидаги махсус курсдир. Тренинг давомида тингловчилар коррупция ҳодисасига турли ёндашувлар ва унинг намоён бўлишига қарши кураш усуллари билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва мактабларнинг юқори синф ўқитувчилари учун махсус курслар ҳам мавжуд. Ушбу таълим дастури глобал таълим маркази томонидан таклиф этилган.

Австрияда ўқитувчи сифатида адлия ва ички ишлар вазирлари таклиф этилади

Австрияда ҳам коррупцияга қарши кураш соҳасида уч ҳафталик малака ошириш курси мавжуд. Ўқитувчилар сифатида, қоида тариқасида, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, олимлар, психологлар, иқтисодий жинойтларга қарши курашиш соҳасидаги мутахассислар таклиф этилади.

Австрия федерал коррупцияга қарши кураш бюроси ходимлари 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар учун “коррупцияга қарши

тренинг” лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Бошланғич лойиҳа шакли талабалар ва эксперт-психологлар, социологлар, адвокатлар, криминологлар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан тўлдирилди. Лойиҳа талабаларни коррупцияга қарши курашиш ва иқтисодий жиноятлар тушунчалари ва коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари билан таништириш учун мўлжалланган. Шунингдек, талабаларга коррупция билан тўқнашувда ва фуқаронинг ушбу ҳодисага қарши курашишдаги роли тўғрисида хатти-ҳаракатлар намойиш этилади.

Тренингнинг бошқа қисмида мактаб ўқувчиларига ўйинлар таклиф этилади: ҳар бир ўйин ўқувчи томонидан картани танлаш асосида амалга оширилади, унга роли тушунтирилади. Асосий мавзулардан бири сифатида мактабдаги совғалар мавзусига тўхталиб ўтилади. Тренинг сўнггида талабалар тренингнинг назарий қисмида ўрганилган маълумотларни ўз ичига олган сўровномаларни оладилар. Иштирокчилар коррупцияни аниқлаб олишлари, унинг сабаб ва оқибатларини, шу жумладан, ҳуқуқий масалаларни тушунтиришлари ва коррупцияга қарши кураш бюросининг фаолияти ҳақида маълумот беришлари керак бўлади.

Ушбу тренингнинг мақсади юқори синфдаги мактаб ўқувчиларининг фуқаролик жавобгарлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва жамоат бурчларини тушунтиришдан иборат. Ўтказилган тренинг ёш томошабинлар, яъни 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун кенгайтирилиши режалаштирилган.

Буюк Британияда коррупция фактларини аниқлаш бўйича махсус дарслик

Ҳар йили Буюк Британия Ташқи ишлар вазирлиги элчихоналарида коррупцияга қарши кураш бўйича семинарлар ташкил этади (шу каби тадбирлар сўнгги йилларда Буюк Британия, Хитой, Россия, Аргентина, Таиланд, Сингапур, Мексика, Испания ва Бирлашган Араб Амирликларининг дипломатик миссияларида ўтказилди). Дипломатик лавозимларга тайинланган дипломатлар учун икки кунлик интенсив курслар ташкил этилади, улар доирасида коррупцияга қарши кураш соҳасидаги мутахассислар ТИВ ходимлари билан шахсий интервьюлар ўтказадилар ва коррупцияга қарши кураш бўйича ёзма ишларни текширадилар.

Халқаро тараққиёт вазирлиги, Буюк Британия савдо ва инвестициялар агентлигининг қўшма лойиҳаси доирасида коррупция фактларини аниқлаш бўйича махсус дарслик чоп этилди, бу мажбурий равишда хорижий мамлакатлардаги савдо ваколатхоналари ва элчихоналарга юборилади.

Буюк Британияда коррупцияга қарши курашнинг бош органи — катта миқдордаги фирибгарлик бўйича кураш бошқармаси (СФО, Serious Fraud Office) ҳисобланади.

Буюк Британия коррупцияга қарши кураш сиёсатида давлат таълимининг яна бир хусусияти аҳолининг эътиборини ички коррупция муаммосидан қасддан чалғитишдир. Давлат коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим дастурларининг ташқи йўналишини сўзсиз қўллаб-қувватлайди.

“Британия коррупцияга қарши кураш форуми”, “Transparency international”, “Қашшоқликка қарши муҳандислар”, “Бош инфраструктура коррупцияга қарши кураш маркази” ва бошқалар каби нодавлат ташкилотлари Лондоннинг коррупцияни глобал бартараф этиш ғоясининг энг фаол намояндалари ҳисобланади. Кўпинча Британия нодавлат ташкилотлари давлат органлари, бизнес ва хорижий давлатларнинг фуқаролик жамияти институтлари учун коррупцияга қарши таълим дастурларини беғаразлик асосида амалга оширмоқдалар.

Ҳиндистонда коррупцияга қарши таълим дастури йўқ

Ҳиндистонда коррупция муаммоси узоқ вақт давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мутахассисларнинг фикрича, коррупцияга қарши курашнинг кам самарадорлиги сабабларидан бири аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги етарли эмас. Ҳиндистон мактабларида коррупцияга қарши таълим дастурлари мавжуд эмас. Юридик коллеж ва университетларда коррупцияга қарши қонунлар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти асосан ижтимоий-иқтисодий жиноятлар бўйича ўқув курслари доирасида ёки “оқ ёқа” жиноятлари ёки жиноят-процессуал кодекси доирасида, яъни алоҳида курслар сифатида ўқитилмайди.

Муаммони ҳал этишнинг таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида Марказий комиссия томонидан миллий коррупцияга қарши кураш стратегияси лойиҳаси тайёрланди. Ушбу ҳужжатда

коррупциянинг олдини олиш ва аҳоли ўртасида порахўрликка нисбатан муросасизлик муносабатларини шакллантириш учун тегишли таълимнинг ўрни муҳимлиги таъкидланади.

Марказий тергов бюроси Академиясида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун коррупцияга қарши кураш бўйича махсус курслар ўқитилади.

1.7. Индонезия: коррупцияга қарши 9 та қадрият

Индонезияда коррупцияга қарши кураш 2002 йилда ташкил этилган коррупцияга қарши кураш комиссияси (Komisi Pemberantasan Korupsi) ёрдамида давлат даражасида амалга оширилмоқда. “Коррупцияга қарши кураш комиссияси тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ушбу орган фаолиятининг асосий йўналишларидан бири аҳоли ўртасида маърифий тушунтиришларни олиб бориш ва фуқароларнинг коррупцияга қарши хатти-ҳаракатларини шакллантиришга қаратилган таълим дастурларини амалга оширишдир.

Мамлакат таълим муассасаларида коррупцияга қарши дастурлар коррупцияга қарши кураш комиссиясининг Индонезия Миллий таълим вазирлиги билан ҳамкорлигида амалга оширилади. Тегишли курслар ихтиёрий равишда мактаблар ва университетларнинг ўқув дастурларига киритилади ва факультатив равишда олиб борилади. Уларнинг етакчи ўқитувчилари ва ўргатувчилари (инструкторлари) Жакарта ва бошқа бир қатор шаҳарлардаги коррупцияга қарши кураш комиссиясида олдиндан ўқитилмоқда. Ҳозирги вақтда коррупцияга қарши таълим дастурлари мамлакатнинг 33 та вилоятларидан 11 тасида амалга оширилмоқда.

Ушбу дастурлар болалар боғчасидан бошлаб таълимнинг барча босқичларини қамраб олади. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар “коррупцияга қарши тўққиз қадриятлар” (ҳалоллик, меҳнатсеварлик, жасорат, масъулият, мустақиллик, адолат, интизом, камтарлик, эътибор) шаклланишини рағбатлантирадиган тематик китоблар (эртак ва чизиқ романлари), стол ва роль ўйинлари орқали коррупцияга қарши кураш руҳида тарбияланади. Ўрта мактаб ўқувчилари ва талабалар учун дарслар анъанавий тарзда маърузалар, семинарлар, мунозаралар шаклида ўтказилади.

1.8. АҚШда беҳосдан хатога йўл қўйган ходим жазоланмайди

Американинг бошланғич ва ўрта мактабларида ижтимоий этика бўйича машғулотлар олиб борилмоқда.

АҚШ расмий ахлоқий идораси ўз веб-сайтида ижро этувчи органларда ходимлар учун зарур ахлоқий фазилатларга эга бўлиш ҳақида маълумот беради. Деярли барча АҚШ федерал органларида мунтазам равишда (одатда йилига бир марта) коррупцияга қарши кураш бўйича тренинглари ўтказилади.



Назорат учун саволлар

1. АҚШда коррупцияга қарши курашга қаратилган махсус қонун ҳужжати қабул қилинган бўлиб, у қандай номланади ва нималарни ўзида акс эттирган?


2. “Коррупцияни тўхтатиб қолишнинг энг осон усули мансабдор шахсларнинг ўз билганларича ҳаракат қилишлари имкониятларини камайтиришда.” Ушбу жумла муаллифини топинг ва унинг фикрларини изоҳланг.

3. Қайси ташкилот эълон қилган 2009 йил мамлакатларнинг коррупциялашганлиги даражасини акс эттирувчи рейтингда Сингапур коррупция даражаси паст бўлган учинчи, Осиё мамлакатлари ичида эса биринчи ўринда туриши қайд этилган?

4. Кимлар 1999 йилда Россиядаги коррупцияни «тотал» деб баҳолайдилар?

5. Халқаро коррупцияга қарши кураш ташкилотининг 2018 йил якунлари бўйича эълон қилган рейтингига кўра, Япония 180 та мамлакат орасида нечинчи ўринни банд қилган?

6. Коррупцияга қарши кураш учун ташкил этиладиган тренинглари кутилган натижаларни беради деб ўйлайсизми? Агар “Ҳа” десангиз нима учун, “Йўқ” десангиз нима учун?



Мустақил таълим учун

«СИЗ ҲОЗИРГИНА КОРРУПЦИОНЕР-АМАЛДОРЛАРНИНГ ҚАТЛИНИ ТОМОША ҚИЛДИНГИЗ⁷³»

Шоир Абдулла Орипов порахўрлик каби иллатларни одамнинг тирноқларига ўхшатган эди, яъни у тугамайди, ўсиб чиқаверади, фақат вақт-вақти билан мунтазам қирқиб туриш керак. Коррупцияни батамом енга олган мамлакат йўқ. Халқаро рейтингда биринчи ўринда турадиган Янги Зеландия 100 баллдан 89 балл олган, холос. Аммо коррупцияни самарали жиловлай олган мамлакатлар бор. Уларнинг тажрибаси бизга фойдалидир. Шундай қилиб...

ОЛМОНИЯ

Немис амалдорларини пора эвазига оғдириб олиш деярли имконсиз, чунки улар бир лаҳзада барча нарсдан – мансабидан, имтиёзлардан, жумладан, кафолатланган пенсиядан қуруқ қолишдан қўрқади.

1998 йилда Олмонияга борганимизда Бош прокуратура, Олий Суд, Бундестаг (парламент) каби турли идораларда бўлдик. Ўзбекчилик – чопон, дўппи, Чуст пичоғи каби совғалар олиб олганмиз. Қайси идорага кириб раҳбариятига совға қилсак, аввал рад этади, жуда қўймасак, ходимини чақириб, қанча туришини сўраб, кириб қилиб, ҳужжатлаштириб қўяди. Чунки 5-7 доллардан қиммат нарса совғага олиш мумкин эмас экан.

Биз ўзбек мусаввири Исфандиёрнинг «Олтин куз» асари Лувр музейида сақланадиган ягона осиелик замонавий рассомнинг асари эканидан фахрланамиз. У қандай қилиб Луврга бориб қолган? Бу Ўзбекистон раҳбарининг Франция президенти Миттеранга совға қилган асардир. У ўзига олиши мумкин бўлмаганидан, музейга топширган.

ЭСТОНИЯ

1990 йилларда Эстонияда коррупция ва уюшган жиноятчилик чуқур илдиз отган эди. Ушбу мамлакат коррупцияни ахборот технологиялари хизматларининг бошқарув ва давлат хизматларига фаол жалб қилиш орқали жиловлади. Бугунги кунда Эстония Европа иттифоқида IT-технология соҳасидаги илғор мамлакат ҳисобланади. Мамлакат тўлиқ бепул Wi-Fi билан, 98 фоиз ҳудуди эса симсиз интернет билан қамраб олинган.

⁷³ <https://xabar.uz/tahlil/siz-hozirgina-korrupcioner>

Мен айнан «электрон ҳукумат» тизимини ўрганиш учун 2015 йилда Эстонияда бўлганман ва турли даражаларда ўрганганман. Кўрганманки, ҳатто қувуридан сув оққан киши ҳам сантехникка интернет орқали буюртма беради, тиши оғриган киши стоматолог қабулига уйдан туриб ёзилади, фирма очмоқчи бўлган киши уйдан туриб, тегишли шаклни тўлдирган ҳолда ҳужжат топширади ва тез муддатда олади...

Амалдорлар ва фуқаролар қарийб мулоқот қилмайди ёки бир-бирини жуда камдан-кам ҳолларда кўради.

Эстонияликлар солиқ декларациясини электрон тарзда топширади. Масалан, 2010 йилдаёқ 97 фоиз декларация интернет орқали юборилганди. Юридик шахсни рўйхатга олиш 15 минутда ҳал бўлади, бунда тадбиркор кабинетма-кабинет сарсон бўлмайди. Эстония 2007 йилда дунёда биринчи бўлиб ўз фуқароларининг сайловда электрон тарзда овоз бериш имкониятини яратди. Ана шу тартибда е-мактаб, е-полиция, е-тиббиёт тизимлари ишлайди.

СИНГАПУР

Мустақилликка эришган вақтда Сингапурда коррупция ниҳоятда авж олган эди. Ли Куан Ю бу даврни шундай ифодалайди: «Коррупцияни йўқотишда ишни ўз дўстларингиздан учтасини панжара ортига ўтқизишдан бошланг. Нима учунлигини улар ҳам, сиз ҳам яхши биласизлар... Иккинчи омил – бозор даражасига мос келувчи маошдир».

Сингапурда коррупцияга қарши ишончли, институционал ва комплекс тизим яратилди. Бу тизим мустаҳкам қонунлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, давлат хизмати ҳамда жамоатчилик назоратини қамраб олди...

Бугун бирор бир сингапурлик муаммони пора эвазига ҳал қилмайди, порага дуч келса, давлат идорасини хабардор қилади.

ХИТОЙ

Буни Шарқ дейдилар. Хитойда бошқарув тизими асрлар давомида коррупциянинг турли кўринишларини одатга айлантирган, пора қарийб қонунийлашган бўлган. Масалан, Цин династияси даврида давлат амалдори совға билан келмаган мурожаатчини қабул қилмаслик ҳуқуқига эга бўлган. Майдароқ амалдорга ғоз, каттароқ лавозимли амалдорга эса бутун бошли тўнғизни совға қилиш керак бўлган.

Бу ерда коррупцияга қарши дунёдаги энг қаттиқ қонунлар ҳаётга татбиқ этилган, катта миқдорда коррупция жиноятини содир этганлар умрбод озодликдан маҳрум этилиши ёки ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

...Офицер каскада ва қора кўзойнакда турибди. Чўккалаб олган айбдорларнинг кўзлари боғланган. Жаллод тўппончасини чиқаради ва айбдорларни гарданига ўқ узади. Худдики оддий ишини қилгандек. Сюжет тахминан беш сония давом этади. Сўнг диктор ним табассум ва расмий овозда шундай дейди: «Ҳурматли ўртоқлар, сиз ҳозиргина коррупционер-амалдорларнинг қатлини томоша қилдингиз. Энди эса эртанги об-ҳаво маълумотлари билан танишинг».

Хитойлик экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, ХХРнинг коррупция туфайли иқтисодий йўқотишлари мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 13 – 17 фоизини ташкил қилади. Давлат маблағларининг 20 фоизга яқини ноҳалол амалдорларнинг чўнтагига бориб тушган.

Хитойда коррупционерларнинг миллиардлик мол-мулки мусодара қилиниб, уларнинг оиласига қатл пайтида ишлатилган икки дона ўқ учун 8 юан миқдорда ҳисоб ҳам юборилади.

Сўнгги 30 йил давомида Хитойдан 4 мингдан ортиқ партия амалдорлари қочиб кетган. Улар ўзлари билан 7,1 миллиард доллардан ортиқ маблағни олиб кетишган.

ГОНГКОНГ

Коррупцияга қарши учта таъсирчан чора қўлланди:

Биринчи чора. Амалдорлар учун айбсизлик презумпцияси бекор қилинди.

Иккинчи чора. 1974 йили Коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақил комиссия тузилган. На ички ишлар вазирлиги, на хавфсизлик идоралари комиссия ишига аралаша олмайди.

Учинчи чора. Оддий одамлар ва журналистларга порахўрлар ҳақида маълумот бериш имконияти берилган.

Бундан ташқари Гонгконгда пора берувчиларни жазолаш бекор қилинган. Амалдор ҳар доим айбдор.

ГУРЖИСТОН

Гуржистон 2003 йилда коррупцияни қабул қилиш индексида 1,8 балл билан Афғонистон, Ироқ ёнида эди... Аммо 2006 йилга келиб, Гуржистоннинг юқорида қайд этилган индекси 2,8 га, 2012 йилда эса

2-мавзу. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК

2.1. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ва минтақавий ташкilotлар ва шартномалар

Глобаллашув даврида ёки жараёнида коррупция муаммоси жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатада мавжудлигини кўриш мумкин. Аммо бу барча давлатларда ҳам коррупция бир хил деган маънони англатмайди. Экспертларнинг хулосасига кўра, коррупциянинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турли хил бўлиб, тарихий ривожланиш босқичи ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда тараққиёт даражаси билан белгиланади.

Бир қатор ривожланган мамлакатларда давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришга қаратилган маъмурий нормалар мажмуи ишлаб чиқилган.

XX асрнинг 90-йилларидан халқаро ва минтақавий доираларда коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ халқаро шартномалар қабул қилина бошланди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама халқаро ҳужжатлар қабул қилинган:

- Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америка конвенцияси” (4);

- Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 21 ноябрда Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро Иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси (5);

- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси (6);

- Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган “Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси (7);

• Европа Кенгаши Вазирлар кўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисида”ги Конвенцияси;

• 2003 йил 12 июлдаги Африка Иттифоқининг “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисида”ги Конвенцияси;

• БМТнинг “Трансмиллий уюшган жинойтчиликка ҳамда коррупцияга қарши кураш” Конвенцияси;

• МДХ доирасида эса унга аъзо давлатлар томонидан 2003 йил 15 ноябрдаги қарорга мувофиқ, “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ҳам коррупцияни жамият ривожланишига қарши қаратилган иллат сифатида унинг қанчалик хатарли эканлигини кўрсатади.

Давлат ҳокимияти органларининг коррупциянинг зарарли таъсиридан сақлаш зарурати АҚШ ҳукуматини коррупцияга қарши курашни XIX асрдаёқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилашга олиб келган.

1978 йилда АҚШ Конгресси “Ҳукуматдаги ахлоқ тўғрисида”ги қонунни қабул қилган. Ушбу Қонуннинг вазифаси давлат амалдорлари ва муассасалари ҳалоллигини сақлаш ҳамда бунга имконият яратишдан иборат.

Канаданинг жинойт қонунчилигида “мансабдор шахсларни пора эвазига оғдириш”, “Ҳукуматни алдаш”, “мансабдор шахс томонидан содир этилган ишончли суиистеъмол қилиш” мансабдорлик жинойтлари ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

1985 йил Канадада давлат хизматчиларининг хизмат вазифалари ва шахсий манфаатлари ўртасидаги зиддият юзага келган ҳолда улар амал қилиши шарт бўлган хулқ-атвор қоидаларини ўзида мужассам қилган Кодекс қабул қилинган.

Канадалик қонун ижодкорларининг фикрига кўра, ушбу қонунлардан кўзланган мақсад – давлат аппарати ва давлат хизматчиларининг ҳалоллигига жамиятнинг ишончини оширишга қаратилганлигини қайд этишади.

Давлат хизмати тизимида коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш ва барҳам бериш мақсадида Францияда XX асрнинг 90-йилларида сайланган барча давлат хизматчилари ва коррупция таъсирига берилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида тегишли давлат идораларига

маълумот бериш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Шунингдек, давлат аппарати юқори мартабали ходимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошқор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар қонун ижодкорлиги асосида яратилган⁷⁴.

2.2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Коррупцияга қарши конвенция»си

БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 31 октябрдаги 58/4-сонли қарори. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси⁷⁵

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси қисқача тарихи қуйидагича:

Бош Ассамблея, коррупцияга қарши самарали халқаро ҳужжатни ишлаб чиқиш учун махсус қўмитани таъсис этиш мақсадида қабул қилган ва унда Бош котибдан бундай ҳужжатни ишлаб чиқиш учун мандат лойиҳасини кўриб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида очик таркибдаги ҳукуматлараро экспертлар гуруҳини чақиришни илтимос қилган ўзининг 2000 йил 4 декабрдаги 55/61-сонли қарорига, шунингдек, 55/61-сонли қарорига мувофиқ чақирилган очик таркибдаги халқаро экспертлар гуруҳига ноқонуний равишда маблағлар ўтказилиши ва бу маблағлар келиб чиққан мамлакатга репатриация қилиниши⁷⁶ масаласини ўрганиб чиқиш учун таклифи ифодаланган 2000 йил 20 декабрдаги 55/188-сонли қарорига асосланиб, шунингдек, коррупциянинг ва ноқонуний йўллар билан орттирилган маблағлар ўтказилишининг олдини олиш, ушбу иллатга қарши курашиш ва бундай маблағлар муомалага чиқарилган малакатларга қайтаришга қаратилган 2001 йил 56/186-сонли ҳамда 2002 йил 20 декабрдаги 57/244-сонли қарорларига таяниб, коррупцияга қарши Конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус

⁷⁴ http://old.prokuratura.uz/uz/pages/corruption_regulations/konventsiya_organizatsii_obedinen_nkh_natsiy_protiv_korruptsii/

⁷⁵ http://old.prokuratura.uz/uz/pages/corruption_regulations/konventsiya_organizatsii_obedinen_nykh_natsiy_protiv_korruptsii/

⁷⁶ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_45458/898bd5aa0592f9c50e1712a92fb21339ef2b188a/

Қўмитадан ўз ишини 2003 йилнинг охиригача якунлашни илтимос қилгани ифодаланган 2002 йил 31 январдаги 56/260-сонли қарорига асосланиб, конвенцияни имзолаш учун юқори даражадаги Сиёсий конференцияни Мексикада ўтказиш бўйича ушбу мамлакат ҳукуматининг таклифини миннатдорчилик билан қабул этган ва унда Бош котибдан бундай конференция уч кун давом этадиган этиб белгиланиши ва 2003 йилнинг охирига қадар ўтказилишини илтимос қилганлиги ифодаланган ўзининг 2002 йил 18 декабрдаги 57/169-сонли қарорига асосланиб, шу билан бирга, “Келиб чиқиши ноқонуний бўлиб, коррупция йўли билан орттирилган маблағларни ўтказиш, шу жумладан легаллаштиришнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш ҳамда бундай маблағларни қайтариш мақсадида ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” деб номланган Иқтисодий ва ижтимоий Кенгашнинг 2001 йил 24 июлдаги 2001/13-сонли қарорига таяниб, 2001 йил 4-7 декабрь кунлари Буэнос-Айресда коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича Махсус қўмитанинг норасмий тайёрлов кенгашини қабул қилувчи томон бўлиш таклифи билан чиққан Аргентина ҳукуматига ўз миннатдорчилигини билдириб, Мексиканинг Монтеррей шаҳрида 2002 йил 18 мартдан 22 мартгача бўлиб ўтган ривожланишни молиялаштириш бўйича Халқаро конференцияда⁷⁷ қабул қилинган ва унда коррупцияга қарши барча даражаларда курашиш устувор вазифалардан бири эканлиги таъкидланган Монтеррей консенсусига, шунингдек, Жанубий Африканинг Йоханнесбург шаҳрида 2002 йил 26 августдан 4 сентябргача бўлиб ўтган барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги Жаҳон учрашувида⁷⁸ қабул қилинган, хусусан, унинг 19 бандида коррупция халқлар барқарор ривожланишига таҳдид солиши эълон қилинган барқарор ривожланиш бўйича Йоханнесбург декларациясига таяниб, коррупция демократик институтлар ва кадриятлар, этник кадриятлар ва адолатга путур етказиб ҳамда барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ-тартиботга зарар келтириб, жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги учун вужудга

⁷⁷ Ривожланишни молиялаштириш бўйича Халқаро конференциянинг маърузаси, Монтеррей шаҳри, Мексика, 2002 йил 18-22 март (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нашри, сотувда R.02.П.А.7-сони остида), I боб, I қарор, илова.

⁷⁸ Барқарор ривожланиш бўйича юқори даражадаги Жаҳон учрашувидаги маъруза, Йоханнесбург, Жанубий Африка, 2002 йил 26 август – 4 сентябрь (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг нашри, сотувда R.03.П.А.1-сони остида), I боб, I қарор, илова.

келтирадиган муаммо ва таҳдидларнинг жиддийлиги юзасидан ташвишга тушган ҳолда:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармасининг Венадаги қароргоҳида ўз ишини олиб борган ва унда Махсус қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенция лойиҳасининг якуний матнини кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш учун Бош Ассамблеяга тақдим этган ва коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича Махсус қўмитанинг маърузасини маълумот учун қабул қилади ва ушбу қўмита бажарган ишини юқори баҳолайди;

– мазкур қарорга илова қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясини қабул қилади ва Конвенцияни имзолаш мақсадида 57/169-сонли қарорга мувофиқ 2003 йил 9-11 декабрь кунлари Мексиканинг Мериде шаҳрида ўтказиладиган юқори даражадаги Сиёсий конференцияда имзолаш учун Конвенцияни очади⁷⁹;

– ушбу ҳужжат тезроқ кучга киришини таъминлаш учун барча давлатларни ва иқтисодий интеграция бўйича ваколатли минтақавий ташкилотларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясини имзолаш ва ратификация қилишга қатъий даъват этади;

– Конвенцияга аъзо давлатлар Конференцияси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясига мувофиқ таъсис этилаётган Конвенцияни қабул қилишдан олдин бошқа қарор қабул қилинишига қадар Конвенциянинг 62 бандида кўзда тутилган ҳисоб рақами Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жинойий одил судлов Фондининг доирасида юритилиши юзасидан қарор қабул қилади, ҳамда аъзо давлатларга мурожаат этиб, Конвенцияни ратификация қилиш ва амалга оширишга тайёрланиш учун ривожланаётган мамлакатларга ва иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган мамлакатларга керак бўлиши мумкин бўлган техник ёрдамни тақдим этиш мақсадида юқорида айтиб ўтилган ҳисоб рақамга мувофиқ ихтиёрий бадаллар ўтказишни бошлашга чақиради;

– шунингдек, Конвенциянинг биринчи сессиясида кўриб чиқиш учун Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясига тақдим

⁷⁹ A/58/422 ва Add.1.

этиладиган Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясининг таомиллари қоидалари ва Конвенциянинг 63 бандида кўрсатилган бошқа қоидалар матнларининг лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясининг биринчи сессиясини чақиришдан аввал кенгаш ўтказиш йўли билан коррупцияга қарши конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича Махсус қўмита Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган ўз вазифаларини яқунлаши юзасидан қарор қабул қилади;

– имтиёзлар ва иммунитетлар масаласи, шунингдек турдош масалалар ҳамда халқаро ташкилотлар юрисдикцияси ва роли масаласини инобатга олган ҳолда, Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясидан оммавий халқаро ташкилотлар, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мансабдор шахсларига пора бериш ҳолатини криминаллаштириш масаласини, бошқа чоралар қатори, бу борада тегишли қарор қабул қилиш юзасидан тавсия бериш йўли билан, кўриб чиқишни илтимос қилади;

– коррупция муаммосини ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда Конвенция роли англанишини чуқурлаштириш мақсадида 9 декабрь Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни деб номланиши лозимлиги юзасидан қарор қабул қилади;

– Бош котибдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармасига Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясининг котибияти вазифасини ижро этиш ва унинг топшириқларини бажариш юзасидан топшириқ беришни илтимос қилади;

– шунингдек, Бош котибдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича Бошқармасига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси тезроқ кучга киришига самарали ёрдам бера олиши ҳамда Конвенцияга аъзо давлатлар Конференциясининг котибияти вазифасини ижро этиши ва 5 бандга мувофиқ, Махсус қўмитанинг ишини қўллаб-қувватлай олиши учун зарур ресурсларни тақдим этишни илтимос қилади;

– ва шу билан бирга, Бош котибдан БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессиясига тақдим этиш учун, 57/169 қарорига мувофиқ

Мексиканинг Мериде шаҳрида Конвенцияни имзолаш мақсадида ўтказиладиган юқори даражадаги Сиёсий конференциянинг фаолияти ҳақида кенг қамровли маърузани тайёрлашни илтимос қилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси

Преамбула:

✓ коррупция демократик институтлар ва кадриятлар, этник кадриятлар ва адолатга путур етказиб ҳамда барқарор ривожланиш ва ҳуқуқ-тартиботга зарар келтириб, жамиятнинг барқарорлиги ва хавфсизлиги учун вужудга келтирадиган муаммо ва таҳдидларнинг жиддийлиги юзасидан ташвишга тушиб, шунингдек, коррупция ва жиноятчиликнинг бошқа шакллари, хусусан, уюшган ва иқтисодий жиноятчилик ўртасидаги алоқалар, шу жумладан ноқонуний пул маблағларини легаллаштириш каби кўринишлардан хавотирланиб, ҳамда давлатлар ресурсларининг катта улушини ташкил этиши мумкин бўлган ва ушбу давлатларнинг сиёсий барқарорлиги ва изчил ривожланишини таҳдид остида соладиган катта ҳажмдаги активлар билан боғлиқ бўлган коррупция ҳолатлари кузатилиши сабабли ҳаяжонга тушиб, эндиликда коррупция локал муаммодан бутун жамият ва барча мамлакатлар иқтисодиётига дахл қиладиган ва бу билан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг жуда муҳим аҳамиятини белгилайдиган трансмилий ҳодисага айланганлигига амин бўлиб, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш учун кенг қамровли ва кўп тарафлама интизомий ёндашув зарур эканлигига ишонч билдириб, ҳамда самарали равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида салоҳиятни кучайтириш ва институтларни яратиш йўли билан давлатлар имкониятларини кенгайтиришда техник ёрдам кўрсатилиши муҳим роль ўйнаши мумкинлигини тан олиб ва айни пайтда, ноқонуний йўл билан шахсий мол-мулк орттириш демократик институтлар, миллий иқтисодиёт ва ҳуқуқ-тартиботга жиддий путур етказиши мумкинлигига амин бўлиб, ноқонуний орттирилган активлар халқаро тартибда ўтказилишини янада самарали олдини олиш, аниқлаш ва бунга барҳам бериш ҳамда активларни қайтаришга қаратилган чораларни кўришда халқаро

ҳамкорликни мустаҳкамлашга дадиллик билан киришишга шай бўлиб, мулкӣ ҳуқуқларни аниқлаш учун жинойӣ, фуқаролик ёки маъмурий иш юритиш жараёнида қонунчиликда белгиланган ҳуқуқӣ чораларни қўллаш борасидаги энг асосӣ тамойилларни эътироф этиб;

✓ коррупциянинг олдини олиш ва буткул барҳам бериш – бу барча давлатларнинг вазифаси ва бу соҳадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш учун фуқаролик жамияти, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоалар негизида фаолият юритаётган ташкилотлар каби оммавий сектор доирасидан ташқарида алоҳида шахслар ва гуруҳлар кўмаги ва иштирокида бир-бири билан ҳамкорлик қилишлари лозимлигини ҳисобга олиб;

✓ ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни тегишли даражада бошқариш, шунингдек адолат, масъулият ва қонун олдидаги тенглик, шунингдек, коррупцияни рад этадиган маданиятни шакллантиришга кўмаклашиш тамойилларини инобатга олиб;

✓ жинойятчиликнинг олдини олиш ва жинойӣ одил судлов Комиссиясининг ҳамда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг гиёҳванд моддалар ва жинойятчилик бўйича Бошқармасининг ишига юқори баҳо бериб;

✓ ушбу соҳада иш олиб бораётган бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан Африка иттифоқи, Европа иттифоқи, Араб давлатлари лигаси, Америка давлатлари ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ҳамда Божхона ҳамкорлиги бўйича Кенгаш (шунингдек Жаҳон божхона ташкилоти деб юритилади) томонидан олиб борилаётган ишларни далил сифатида келтириб;

✓ коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича кўп томонлама ҳужжатларни, ва хусусан, Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 март куни қабул қилинган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Америкааро конвенцияси⁸⁰, Европа иттифоқи Кенгаши томонидан 1997 йил 26 майда қабул қилинган Европа ҳамжамиятининг мансабдор шахсларига ёки Евро иттифоқига аъзо давлатларнинг мансабдор шахсларига дахл қилган

⁸⁰ E/1996/99 ҳужжатини кўринг.

коррупцияга қарши курашиш бўйича Конвенцияси⁸¹, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан 1997 йил 21 ноябрда қабул қилинган Халқаро тижорат амалиётларида хорижий мансабдор шахсларга пора беришга қарши курашиш бўйича Конвенцияси⁸², Европа Кенгаши вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 27 январда қабул қилинган Коррупция учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенцияси⁸³, Европа Кенгаши вазирлар Қўмитаси томонидан 1999 йил 4 ноябрда қабул қилинган коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги тўғрисидаги Конвенцияси⁸⁴ ва Африка Иттифоқига аъзо давлат ва ҳукуматлар раҳбарлари томонидан 2003 йил 12 июлда қабул қилинган Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир Африка Иттифоқи Конвенциясини миннатдорчилик билан инобатга олиб;

✓ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси⁸⁵ 2003 йил 29 сентябрдан бошлаб кучга кирганлигини маъқуллаган ҳолда, қуйидагилар юзасидан келишиб олдилар:

✓ Бу бобда **“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси”**ни илова тарзида келтирдик. Мақсад, ватандошларимизни, коррупцияга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асосидан батафсил воқиф қилиш бўлиб, мамлакатимиздан чет элларга турли йўллар(асосан ноқонуний) билан чиқиб кетган моддий ва номоддий бойликларни мамлакатимиз ва халқимиз манфаатига хизмат қилинишига эришиш муаммосида замин яратишдир. Ўзбекистон Республикаси БМТ га аъзо суверент давлат сифатида, миллий қонунчилиги ва халқаро қонунчилик доирасида фақат мажбуриятларини бажариб қолмасдан, ана шу халқаро қонунчилик асосида ўз ҳуқуқларини ҳам тиклашга ҳақли ва унга эришиши лозим. Ваҳоланки, барча соҳаларда бўлгани каби, умумий гаплардан кўра аниқ ҳуқуқий асосларга таянилса кўпроқ натижаларга эришилади. Афсуски, халқимизни ўзига хос камчилликлари – ўта андишалилик ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмаслигидир. Зеро,

⁸¹ Official Journal of the European Communities, C 195, 25 June 1997.

⁸² Corruption and Integrity Improvement Initiatives in Developing Countries (United Nations publication, Sales No. E.98.III.B.18) ни кўринг

⁸³ Council of Europe, European Treaty Series, No. 173.

⁸⁴ Ibid., No. 174.

⁸⁵ БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25 қарори, 1-иловани кўринг.

демократия ва адолатнинг асосий талаби айнан қонунийликдир. Биз ўз ҳуқуқларимизни тўла таъминлашимиз учун миллий қонунчилик асослари етарли бўлса-да, халқаро қонунлардан воқиф бўлиш ҳам зиён қилмайди. Бу бизни ҳуқуқий билимларимизни бойитади ва мукаммаллаштиради.

І боб. Умумий қоидалар

1-модда. Мақсадлар. Мазкур Конвенциянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

а) нада самарали ва таъсирчан равишда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни қабул қилиш ҳамда мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

б) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда, шу жумладан активларни қайтариш борасида халқаро ҳамкорлик ҳамда техник ёрдам кўрсатилишини рағбатлантириш, осонлаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

с) ҳалоллик ва содиқлик, масъулиятлилиқ ҳамда оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни талаб даражасида бошқаришни рағбатлантириш.

2-модда. Атамалар. Ушбу Конвенциянинг мақсадлари учун:

а) “оммавий мансабдор шахс” дегани қуйидагиларни англатади: 1) шахснинг мансаб даражасидан қатъи назар, доимий ёки муваққат асосда, иш ҳақи учун ёки иш ҳақини олмасдан иштирокчи Давлатнинг қонунчилиқ, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинладиган ёки сайладиган шахс; 2) шунингдек, оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажараётган ёки иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигида белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг тегишли соҳасида қўлланиладиган тартибда бирон оммавий хизматни тақдим этаётган ҳар қандай бошқа шахс; 3) иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигида “оммавий мансабдор шахс” сифатида белгиланладиган ҳар қандай бошқа шахс. Шундай бўлса-да, мазкур Конвенциянинг II бобида кўзда тутилган айрим муайян чораларни кўриш мақсадида “оммавий мансабдор шахс” сифатида, иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигида белгиланган тартибда ва ушбу иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий тартибга солишнинг тегишли соҳасида қўлланиладиган

тартибда бирон оммавий вазифани бажараётган ёки бирон оммавий хизматни кўрсатаётган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин;

б) “хорижий оммавий мансабдор шахс” деганда хорижий давлатнинг қонунчилик, ижроия, маъмурий ёки суд органида бирон лавозимни эгаллаб турган ҳар қандай тайинланадиган ёки сайланадиган шахс ва хорижий давлат учун, шу жумладан оммавий муассаса ёки оммавий корхона учун бирон оммавий вазифани бажарадиган шахс кўзда тутилади;

с) “оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахси” деганда халқаро фуқаро хизматчиси ёки бундай ташкилот томонидан унинг номидан иш юритиш ваколати берилган ҳар қандай шахс назарда тутилади;

д) “мол-мулк” деганда ҳар қандай моддий ёки номоддий, кўчмас ва кўчар активлар, буюмлар ёки ҳуқуқлар орқали ифодаланган активлар ҳамда бундай активларга мулкий ҳуқуқни ёхуд уларга бўлган қизиқишни исботлайдиган юридик ҳужжатлар ёинки далолатномалар каби ҳар қандай активлар тушунилади;

е) “жиноий даромадлар” деганда бирон жиноятни содир этиш натижасида бевосита ёки билвосита, харид қилинган ёки қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулк назарда тутилади;

ф) “операцияларини тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш)” ёки “хатлаш” дегани мол-мулкни топшириш, шаклини ўзгартириш, бегоналаштириш ёки кўчиришни таъқиқлаш, ёки бундай мулкка вақтинча эгалик қилишга киришиш, ёки суд қарори ёхуд бошқа ваколатли органнинг қарорига мувофиқ вақтинча уни назорат қилиш назарда тутилади;

г) “мусодара” суд ёки бошқа ваколатли органнинг қарорига мувофиқ мол-мулкдан бутунлай маҳрум этишни англатади;

ҳ) “асосий ҳуқуқбузарлик” деганда жиноят таркибини ташкил этадиган ва бундай ҳаракатлар натижасида олинган даромадларга нисбатан мазкур Конвенциянинг 23 моддасида келтирилган жазо чоралари қўлланиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик кўзда тутилади;

и) “назорат остида етказиб бериш” деганда бирон жиноятни тергов қилиш ёки унда иштирок этган шахсларни аниқлаш мақсадида ваколатли органларнинг рухсати билан ва назорати остида ноқонуний ёки шубҳа уйғотадиган юклар туркумларини бир ёки бир неча

давлатлар ҳудудларидан олиб чиқиш, ушбу ҳудудларга олиб ўтиш ёки олиб киришга йўл қўйиладиган услуб назарда тутилади.

3-модда. Фойдаланиш доиралари

1. Мазкур Конвенция, унинг қоидаларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш, тергов қилиш ва коррупция учун жиноий таъқиб қилиш ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят йўли билан орттирилган, деб эътироф этилган даромадлар билан амалиётларни тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш), хатлаш, мусодара қилиш ва қайтариш учун қўлланилади.

2. Мазкур Конвенцияни амалга ошириш мақсадида, агар унда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, айтиб ўтилган жиноятлар содир этилиши натижасида давлат мулкига зарар ёки талафот етказилиши мажбурий эмас.

4-модда. Суверенитетни ҳимоя қилиш

1. Иштирокчи давлатлар ўз мажбуриятларини мазкур Конвенцияга мувофиқ, суверен тенглик тамойиллари ва давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига асосланиб амалга оширадилар.

2. Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса иштирокчи Давлатларни бошқа давлатлар ҳудудида ушбу давлатларнинг ички қонунчилигига мувофиқ фақат шу давлатлар органларининг ваколатига кирадиган юрисдикция ва функцияларни амалга ошириш ҳуқуқини бермайди.

II боб. Коррупциянинг олдини олиш чоралари

5-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш сиёсати ва амалиёти

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупцияга қарши ҳаракат қилиш борасида, жамият иштирокига ёрдам берадиган ҳамда ҳуқуқ-тартибот, оммавий ишлар ва оммавий мол-мулкни керакли даражада бошқариш, ҳалоллик ва содиқлик, ошкоралик ва масъулиятлилик тамойилларини акс эттирадиган самарали ва мувофиқлаштирилган сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади ёки олиб боради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали амалиёт турларини белгилаш ва рағбатлантиришга ҳаракат қилади.

3. Ҳар бир иштирокчи давлат коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш нуқтаи назаридан тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг мувофиқлигини аниқлаш мақсадида уларни вақти-вақти билан баҳолашга ҳаракат қилади.

4. Иштирокчи давлатлар тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ ушбу моддада келтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашишда бир-бири билан ҳамда тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик қиладилар. Ушбу ҳамкорлик коррупциянинг олдини олишга қаратилган халқаро дастур ва лойиҳаларда иштирок этишни қамраб олиши мумкин.

6-модда. Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши ҳаракат қилиш органи ёки органлари

1. Ҳар бир иштирокчи давлат ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, қуйида кўрсатилган чоралар ёрдамида, коррупциянинг олдини олиш ишларини амалга оширадиган орган ёки, тегишли ҳолатларда, органлар мавжуд бўлишини таъминлайди:

а) мазкур Конвенциянинг 5 моддасида тилга олинган сиёсатни олиб бориш ва, тегишли ҳолларда, бундай сиёсат олиб борилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

б) коррупциянинг олдини олиш масалалари бўйича билимларни кенгайтириш ва тарқатиш;

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1 бандида баён этилган орган ёки органларга, улар ҳар қандай номақбул таъсирдан холи шароитларда ўз вазифаларини самарали бажаришлари мумкин бўлиши учун, ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, зарурий мустақилликни таъминлайди. Уларга юклатилган функцияларни бажариш учун талаб этилиши мумкин бўлган керакли моддий ресурслар ва мутахассис ходимларни таъминлаш лозим.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқа иштирокчи Давлатларга ёрдам бериши мумкин бўлган орган ёки органларнинг номи ва манзилини хабар қилади.

7-модда. Оммавий сектор

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимларининг асосий тамойилларига мувофиқ, фуқаро хизматчиларни ва, тегишли вазиятларда, бошқа сайланмайдиган оммавий мансабдор шахсларни ишга қабул қилиш, ёллаш, хизматни ўташ, хизмат давомида мансабга эришиш ва истеъфога чиқишнинг қуйидагиларга асосланадиган тизимларини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилади:

а) самарадорлик ва ошқоралик тамойилларига ҳамда бенуқсон фаолият, адолат ва қобилият каби ҳолисона мезонларга асосланади;

б) тегишли ҳолатларда коррупция ва, маълум ҳолатларда бундай лавозимлардаги тегишли кадрлар ротацияси нуқтаи назаридан, айниқса заиф ҳисобланган оммавий лавозимларни эгаллаш учун кадрлар танлаш ва тайёрлашнинг тегишли таомилларини ўзига киритади;

с) иштирокчи Давлатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ҳисобга олган ҳолда, тегишли мукофот тўлаш ва адолатли маошларни белгилашга хизмат қилади;

д) бундай шахслар оммавий вазифаларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш талабларига жавоб беришлари мумкин бўлиши учун маърифий ва ўқув дастурларни амалга оширишга кўмаклашадилар ҳамда коррупция билан ва ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган хатарларни чуқурроқ англашлари мақсадида улар ихтисослашган ҳамда мувофиқ тайёргарликдан ўтишларини таъминлайдилар. Бу каби дастурларда кодексларга асосланишлар ёки амалий соҳалардаги ахлоқ стандартлари мавжуд бўлиши мумкин.

2. Шунингдек, оммавий лавозимларга номзодлар ва сайловларга татбиқан мезонларни белгилаш учун ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур Конвенциянинг мақсадларига қараб ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, тегишли қонунчилик ва маъмурий чоралар кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

3. Шу билан бирга, сайланадиган оммавий лавозимларга номзодларни ва, мумкин бўлган вазиятларда, сиёсий партияларни молиялаштиришда ошқораликни кучайтириш учун ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур Конвенциянинг мақсадларига қараб ва ўз

ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, тегишли қонунчилик ва маъмурий чоралар кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, ошкораликни таъминлашга хизмат қиладиган ҳамда манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини оладиган тизимларни яратиш, қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилади.

8-модда. Оммавий мансабдор шахсларнинг ўзини тутиш кодекслари

1. Коррупцияга қарши курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, бошқа фазилатлар қатори, **ўзининг оммавий мансабдор шахсларининг поклиги, ҳалоллиги ва масъулиятлилигини рағбатлантиради.**

2. Хусусан, оммавий функцияларни тўғри, виждонан ва тегишли даражада бажариш учун ҳар бир иштирокчи Давлат ўз институционал ва ҳуқуқий тизимлари доираларида ўзини тутиш кодекслари ёки стандартларни қўллашга интилади.

3. Мазкур модданинг қоидаларини амалга ошириш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, минтақавий, минтақалараро ва кўп тармоқли ташкилотларнинг тегишли ташаббусларини эътиборга олади, масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 1996 йил 12 декабрдаги 51/59-сонли қарорига иловада баён этилган давлат мансабдор шахслари ўзини тутишининг Халқаро кодекси.

4. Шунингдек, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, оммавий мансабдор шахслар ўз функцияларини бажариш вақтида уларга маълум бўлиб қолган коррупцион ҳаракатлар тўғрисида тегишли органларга хабар беришларига хизмат қиладиган чора ва тизимларни белгилаш имкониятларини кўриб чиқади.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолларда ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, оммавий мансабдор шахсларни тегишли органларига, бошқа маълумотлар қатори, оммавий мансабдор шахслар сифатидаги функцияларида

манфаатлар тўқнашувини юзага келтириши мумкин бўлган хизматдан ташқари фаолият, машғулотлар, инвестициялар, активлар ҳамда муҳим тухфа ёки нафлар тўғрисида декларацияларни тақдим этишга мажбур қиладиган чора ва тизимларни белгилашга ҳаракат қилади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига асосан, мазкур моддага мувофиқ белгиланган кодекс ёки стандартларни бузадиган оммавий мансабдор шахсларга нисбатан интизомий ёки бошқа чораларни кўриш имкониятларини кўриб чиқади.

9-модда. Оммавий харидлар ва оммавий маблағларни бошқариш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, бошқа хусусиятлар қатори коррупциянинг олдини олиш нуктаи назаридан, ошкоралик, рақобат ва қарорларни қабул қилишнинг ҳолисона мезонларига асосланадиган тегишли харид тизимларини яратиш учун зарурий чораларни кўради. Улардан фойдаланиш бўйича тегишли охириги кўрсаткичларни кўзда тутиши мумкин бўлган бундай тизимлар, бошқа жиҳатлар қатори, қуйидагиларга дахлдор:

а) савдоларнинг салоҳиятли иштирокчиларига уларнинг тендер талабномаларини тайёрлаш ва тақдим этиш учун етарли вақт бериш мақсадида, харид қилиш таомиллари ва сотиб олиш контрактларига тегишли бўлган ахборотни, шу жумладан савдоларда иштирок этишга таклифлар ҳақидаги ахборотни ва контрактларни тузиш тўғрисидаги тегишли ёки ўринли ахборотни оммавий тарқатиш;

б) контрактларни тузиш тўғрисидаги танлаш ва қарорларни қабул қилиш мезонларини ҳамда савдоларни ўтказиш ва элон қилиш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, иштирок этиш шартларини олдиндан белгилаш;

с) қоидалар ва таомиллар тўғри қўлланилаётганлигини келгусида текширишга кўмаклашиш мақсадида оммавий харидлар тўғрисида қабул қилинган қарорлар юзасидан олдиндан белгиланган ва ҳолисона мезонлардан фойдаланиш;

д) мазкур бандга мувофиқ белгиланган қоидалар ёки таомилларга риоя қилмаган вазиятда ҳуқуқ учун курашиш ва ҳуқуқий ҳимоя бўйича юридик воситаларни таъминлаш учун самарали ички назорат

тизими, шу жумладан норозилик шикоятини тақдим этишнинг самарали тизими;

е) тегишли ҳолатларда харидлар учун жавобгар бўлган ходимларга оид масалаларни тартибга солиш, масалан, муайян оммавий харидларга бўлган манфаатдорликни декларация қилиш тўғрисида талабнома, текшириш таомиллари ва профессионал тайёргарликка қўйиладиган талаблар.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ, оммавий маблағларни бошқаришда ошкоралик ва ҳисобдорликка кўмаклашиш бўйича тегишли чораларни кўради. Бундай чоралар, бошқа йўналишлар қатори, қуйидагиларни қамраб олади:

а) миллий бюджетни тасдиқлаш таомиллари;

б) тушумлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш;

с) бухгалтерия ҳисоботи ва аудит стандартлари тизими ва бу билан боғлиқ бўлган назорат;

д) хатарларни бошқариш ва ички назоратнинг самарали ва таъсирчан тизимлари; ва

е) тегишли ҳолларда, мазкур бандда белгиланган талабларга амал қилинмаганда мувофиқлаштириш.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат, оммавий харажат ва даромадларга тегишли бўлган бухгалтерия китоблари, ёзмалар, молиявий ҳужжатлар ёки бошқа ҳужжатлар бут сақланишини таъминлаш учун, унинг ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ талаб этилиши мумкин бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий чораларни кўради.

10-модда. Оммавий ҳисобдорлик

Коррупцияга қарши курашиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, унинг оммавий маъмуриятининг, шу жумладан уни ташкил этилиши, фаолияти ва, тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилиш жараёнларига татбиқан, ошкоралигини кучайтириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Бундай чораларга, бошқа амаллар қатори, қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) аҳолига, тегишли ҳолларда, оммавий маъмуриятни ташкил қилиш, унинг фаолият юритиши ва қарор қабул қилиши жараёнлари тўғрисидаги, ҳамда хусусий ҳаёт ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш заруратини англаган ҳолда, аҳоли манфаатларига дахлдор қарорлар ва юридик амаллар юзасидан ахборотга эга бўлишга имкон берадиган таомил ёки қоидаларни қабул қилиш;

б) тегишли ҳолларда, қарорларни қабул қилувчи ваколатли органлар ҳузурига киришда оммавий имконга эга бўлишни осонлаштириш учун маъмурий таомилларни соддалаштириш;

с) оммавий маъмуриятда коррупция хатари ҳақидаги даврий ҳисоботларни киритиши мумкин бўлган ахборотни эълон қилиш.

11-модда. Суд органлари ва прокуратура органларига доир чоралар

1. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва у коррупцияга қарши курашишда ҳал қилувчи роль ўйнашини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ва суд органлари мустақиллигига путур етказмаган равишда, судьялар ва суд органлари ходимлари ҳалоллиги ва поклигини кучайтириш ҳамда улар орасида коррупция илдиз отишига ҳеч қандай имкон бермаслик чораларини кўради.

2. Мазкур модданинг 1 бандида баён этилганга ўхшаш чоралар прокуратура органлари суд ҳокимияти таркибига кирмайдиган, лекин суд органларида бўлгани каби мустақилликка эга бўлган иштирокчи Давлатларнинг прокуратура органларида қўлланилиши мумкин.

12-модда. Хусусий сектор

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, хусусий секторда коррупциянинг олдини олиш, бухгалтерия ҳисоботи ва аудити стандартларини кучайтириш ва, тегишли ҳолларда, бундай чораларга риоя қилинмаслиги учун самарали, мутаносиб ва тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий ёки жиноий жазоларни белгилаш чораларини кўради.

2. Бундай мақсадларга эришишга қаратилган чоралар, бошқалар қатори, қуйидагиларни қамраб олиши мумкин:

а) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва тегишли хусусий ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш;

б) тегишли хусусий ташкилотлар фаолиятида ҳалолликни таъминлаш учун мўлжалланган стандарт ва таомилларни, шу жумладан тадбиркорлар ва барча тегишли касб-ҳунарлар соҳиблари ўз фаолиятларини тўғри, виждонан ва тегишли даражада амалга оширишлари учун ва манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ҳамда тижорат корхоналари ўртасидаги муносабатларда ва бундай корхоналар ва давлат ўртасидаги муносабатларда ҳалол тижорат амалиёти қўлланилишини рағбатлантириш учун мўлжалланган стандарт ва таомилларни ишлаб чиқишда кўмаклашиш;

с) хусусий ташкилотлар фаолиятида ошкораликни таъминлашга кўмаклашиш, шу жумладан, тегишли ҳолларда, корпоратив ташкилотларни яратиш ва уларни бошқаришга дахлдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларни солиштириш чораларини кўриш;

д) хусусий ташкилотлар фаолиятини тартибга солувчи, шу жумладан, оммавий органлар томонидан тижорат фаолиятини юритиш учун тақдим этиладиган субсидия ва лицензияларга оид таомиллар суиистеъмол қилинишининг олдини олиш;

е) собиқ оммавий мансабдор шахсларнинг профессионал фаолиятига нисбатан ёки бундай оммавий мансабдор шахслар хусусий сектордан истеъфога ёки пенсияга чиққанларидан кейин уларнинг ишига нисбатан (қачонки бу каби фаолият ёки иш шундай оммавий мансабдор шахслар ўз лавозимларини эгаллаб турганда ёки бундай ишлар устидан назорат олиб борганларида уларнинг функциялари билан бевосита боғлиқ бўлганда), тегишли вазиятларда ва оқилона муддатга чекловлар белгилаш йўли билан манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш;

ф) коррупцион ҳаракатларнинг олдини олиш ва аниқлашда ёрдам бериш ҳамда бундай хусусий ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва керакли молиявий ҳужжатларини тегишли аудит ва сертификатлаштириш таомилларидан ўтказиш мумкин бўлиши учун хусусий ташкилотлар, уларнинг тузилиши ва катта-кичиклигини ҳисобга олган ҳолда, ички аудит назоратини юритиш учун етарли механизмларга эга бўлишларини таъминлаш.

3. Коррупциянинг олдини олиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз ички қонунчилиги ва бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ҳисоботлар ҳамда бухгалтерия ҳисоблари ва

стандартларини тақдим этишни тартибга солувчи қоидаларга мувофиқ, қуйида кўрсатилган ва мазкур Конвенция билан эътироф этилган ҳар қандай жиноятни содир этиш учун қўлланиладиган ҳаракатларни таъқиқлаш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

- a) норасмий ҳисобдорликни ташкил этиш;
- b) ҳисобга олинмаган ёки нотўғри рўйхатга олинган амалиётларни ўтказиш;
- c) мавжуд бўлмаган харажатлар ҳисобини юритиш;
- d) объекти нотўғри идентификация қилинган мажбуриятларни акс эттириш;
- e) сохта ҳужжатлардан фойдаланиш; ва
- f) бухгалтерия ҳужжатларини қонунчиликда белгиланган муддатлардан аввал атайлаб йўқ қилиш;

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 15 ва 16 моддаларига мувофиқ жиноят таркибининг элементларидан бири бўлиб, порани ифодаладиган харажатлар ва, тегишли ҳолларда, коррупцион ҳаракатларга кўмаклашиш мақсадида амалга оширилган бошқа харажатлар солиқ солинишидан озод этилишини рад этади.

13-модда. Жамият иштироки

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз имкониятлари доирасида ва ўз ички қонунчилигининг асосий тамойилларига мувофиқ, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда жамият коррупция мавжудлиги, унинг сабаблари, хавfli хусусиятлари ва юзага келтирувчи таҳдидларини янада чуқурроқ англаши учун фуқаролик жамият, ноҳукумат ташкилотлар ва жамоатлар негизида фаолият юритувчи ташкилотлар каби оммавий секторнинг ташқарисида алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг фаол иштирокига кўмаклашиш учун тегишли чораларни кўради. Бу каби иштирокни қуйидаги чоралар ёрдамида мустаҳкамлаш лозим:

- a) аҳолини қарорларни қабул қилиш жараёнларига жалб қилишга кўмаклашиш ва унинг ошқоралигини ошириш;
- b) аҳоли учун ахборотга эга бўлишнинг самарали имкониятларини таъминлаш;
- c) аҳолига коррупцияга нисбатан чидаб бўлмайдиган муҳит яратишга хизмат қилувчи ахборотни етказишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳамда оммавий таълим дастурлари, шу

жумладан мактаб ва университетларда ўқув дастурларини амалга ошириш;

д) коррупция тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш, эълон қилиш ва тарқатиш эркинлигини ҳурмат қилиш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш. Бундай эркинликнинг маълум чекловлари белгиланиши мумкин, лекин улар қонунчиликда назарда тутилган бўлади ва қуйидагилар учун зарур:

1) бошқа одамлар ҳуқуқлари ва обрўсини ҳурмат қилиш учун;

2) аҳолининг миллий хавфсизлигини ёки оммавий тартибини, ёки соғлигини сақлаш, ёхуд ахлоқини ҳимоя қилиш учун.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат ушбу Конвенцияда тилга олинган коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли органлар аҳолига маълум бўлишларини таъминлаш учун маълум чораларни кўради ҳамда мазкур Конвенцияга мувофиқ шундай деб эътироф этилган биронта жиноятчилик сифатида қабул қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ҳоллар тўғрисида хабарларни, шу жумладан аноним тарзда, тақдим этиш учун бундай органлар ҳузурига кириш имкони билан таъминлайди.

14-модда. Пул маблағларини легаллаштиришнинг олдини олиш бўйича тадбирлар

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат:

а) банклар ва банкдан ташқари молия муассасаларига нисбатан, шу жумладан пул маблағлари ёки қимматликларни ўтказиш билан боғлиқ расмий ёки норасмий хизматларни тақдим этувчи жисмоний ёки юридик шахсларга нисбатан ҳамда, тегишли ҳолларда, пул маблағларини легаллаштириш нуқтаи назаридан, ўз ваколати доираларида, бундай маблағларни легаллаштиришнинг барча шакллари аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик мақсадида кенг қамровли ички тартибга солиш ва назорат қилиш режимини белгилайди, ва шу билан бирга бундай режим, биринчи навбатда, миждоз шахсини аниқлашга оид талабларга ва, тегишли ҳолларда, мулкдор-бенифициарни идентификация қилиш, ҳисоботни юритиш ва шубҳали операциялар тўғрисида хабарларни тақдим этишга асосланади;

б) мазкур Конвенциянинг 46 моддасига зарар етказмаган ҳолда, пул маблағларини легаллаштиришга қарши кураш олиб бораётган маъмурий, тартибга солувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа

органлар (шу жумладан, бундай амал ички қонунчиликка мос келган ҳолатда, суд органлари ҳам) унинг ички қонунчилиги билан белгиланадиган шартларда, миллий ва халқаро даражаларда ҳамкорлик қилиш ва ахборот алмашишга қодир бўлишларини таъминлайди, ва шу мақсадларда кузатилиши мумкин бўлган пул маблағларини легаллаштириш ҳолатларига доир ахборотни йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш бўйича миллий марказ сифатида фаолият юритадиган молиявий тезкор ахборот бўлинмасини таъсис этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқади.

2. Иштирокчи Давлатлар, ахборотдан тегишли даражада фойдаланишни таъминлашга қаратилган кафолатларга амал қилиш ҳамда қонуний капиталлар ҳаракатланишига ҳеч қандай тўсқинлик қилмаслик шарти билан, нақд пул маблағлари ва тегишли айланма маблағлар уларнинг чегараларидан ҳаракатланишини аниқлаш ва бундай ҳаракатланиш кетидан назорат олиб бориш бўйича амалда қўлланилиши мумкин бўлган чораларни кўриш масаласини кўриб чиқадилар. Бундай чоралар жисмоний шахслар ва тижорат корхоналар катта ҳажмдаги нақд пулларнинг трансчегаравий ўтказилиши ва тегишли миқдордаги айланма маблағлар топширилиши тўғрисида хабар беришлари лозимлиги бўйича талабни ўзига киритиши мумкин.

3. Иштирокчи Давлатлар молия муассасалари, шу жумладан пул маблағларини ўтказиш муассасалари қўйида кўрсатиб ўтилганларни амалга оширишлари юзасидан талаб белгилаш учун тегишли ва амалиётда қўллаш мумкин бўлган чоралардан фойдаланиш ҳақидаги масалани кўриб чиқадилар:

а) маблағларни электрон шаклда ўтказиш формулярларига ва улар билан боғлиқ хабарларга жўнатувчи тўғрисида аниқ ва мазмунли маълумот киритиш;

б) бундай ахборотни тўловни амалга оширишнинг бутун занжири бўйлаб сақлаб туриш;

с) жўнатувчи тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд бўлмаган вазиятда ўтказилган маблағларнинг чуқурлашган текширувини амалга ошириш.

4. Мазкур модданинг қоидаларига мувофиқ ва ушбу Ковенциянинг ҳар қандай бошқа моддасига зарар етказмаган ҳолда, тартибга солиш ва назорат қилишнинг ички режимини белгилашда

иштирокчи Давлатларга минтақавий, минтақалараро ва кўп томонлама ташкилотларнинг пул маблағларини легаллаштиришга қарши курашишга қаратилган тегишли тавсияларига амал қилиш тавсия этилади.

5. Пул маблағларини легаллаштиришга қарши курашиш мақсадида иштирокчи Давлатлар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ҳамда молиявий тартибга солиш органлари ўртасида глобал, минтақавий, субминтақавий ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва рағбатлантиришга интиладилар.

III боб. Жиноятчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти 15-модда. Миллий оммавий мансабдор шахсларга пора бериш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради:

а) оммавий мансабдор шахсга шахсан ёки воситачилар орқали ушбу мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида, бирон ноқонуний афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) бирон мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон-бир ҳаракат ёки ҳаракатсизлик мақсадида мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун бирон ноқонуний афзалликни шахсан оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

16-модда. Хорижий оммавий мансабдор шахсларга ва оммавий халқаро ташкилотларнинг мансабдор шахсларига пора бериш.

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс халқаро ишларни юритиш юзасидан тижорат ёки бошқа ноқонуний афзалликка эга бўлиш учун ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги

мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки такдим этиш, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат хорижий оммавий мансабдор шахсга ёки оммавий халқаро ташкилотнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахснинг ўзи учун ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс учун, ушбу мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги мақсадида бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки такдим этиш, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

17-модда. Оммавий мансабдор шахс томонидан мол-мулк талон-торож қилиниши, ноқонуний ўзлаштирилиши ёки кўзда тутилмаган мақсадларда ишлатилиши

Ҳар бир иштирокчи Давлат мансабдор шахснинг ўзи ёхуд бошқа жисмоний ёки юридик шахс фойда олиши мақсадида хизмат мавқеига кўра ушбу оммавий мансабдор шахснинг қарамоғида бўлган бирон-бир мол-мулк, оммавий ёки хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметни мансабдор шахс томонидан ўғирланишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

18-модда. Ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш

Ҳар бир иштирокчи Давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

а) оммавий мансабдор шахсга ёки исталган бошқа шахсга шахсан ёки воситачилар орқали иштирокчи Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан ушбу ҳаракатларнинг биринчи ташаббускори ёки исталган бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс

ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши эвазига бирон ноқонуний афзалликларни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки такдим этиш;

б) оммавий мансабдор шахс томонидан ёки воситачилар орқали оммавий мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс иштирокчи Давлатнинг маъмурияти ёки оммавий органидан шахсан ўзи ёки бошқа шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиб бериш мақсадида ушбу мансабдор шахс ёки бошқа шундай шахс ўзининг ҳақиқий ёки тахмин қилинган нуфузини суиистеъмол қилиши учун бирон ноқонуний афзалликларни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

19-модда. Хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниши

Ҳар бир иштирокчи Давлат хизмат ваколатларидан фойдаланишни ёки хизмат лавозимини суиистеъмол қилишни, яъни оммавий мансабдор шахс ўз лавозим вазифаларини бажариш вақтида қонунга хилоф равишда шахсан ўзи ёки бошқа юридик ёхуд жисмоний шахс учун бирон ноқонуний афзалликларни олиш мақсадида бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслигини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

20-модда. Ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўз конституцияси ва ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида, ноқонуний тарзда бойлик орттирилиши, яъни оммавий мансабдор шахс активлари унинг қонуний даромадларидан оқилона асосланиб берилма олмайдиган даражада ошиб кетишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

21-модда. Хусусий секторда пора бериш

Ҳар бир иштирокчи Давлат иқтисодий, молиявий ёки тижорат фаолиятида давомида қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади:

а) хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки ёки воситачилар орқали бирон афзалликни ваъда қилиш, таклиф этиш ёки тақдим этиш;

б) хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахснинг ўзига ёки бошқа шахсга, ушбу шахс ўз хизмат вазифаларига хилоф бўлган бирон ҳаракатни амалга ошириши ёки ҳаракат қилмаслиги эвазига шахсан ёки ёки воситачилар орқали бирон ноқонуний афзалликни талаб қилиб ёки қабул қилиб олиш.

22-модда. Хусусий секторда мулкнинг ўғирланиши

Ҳар бир иштирокчи Давлат иқтисодий, молиявий ва ёки тижорат фаолияти давомида хусусий сектор ишини ташкил қилишга раҳбарлик қилаётган ёки ушбу ташкилотда исталган лавозимда ишлаётган шахс томонидан хизмат лавозимига кўра ушбу шахснинг қарамоғида бўлган бирон-бир мол-мулк, хусусий маблағларни ёхуд қимматли қоғозлар ёки исталган бошқа қимматли предметнинг ўғирланишини, ноқонуний ўзлаштирилишини ёки кўзда тутилмаган бошқа мақсадларда ишлатилишини, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриш имкониятини кўриб чиқади.

23-модда. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни қабул қилади:

а) 1) агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ва уни жиноий манбасини яшириш ва сир тутиш мақсадида ёки асосий ҳуқуқбузарликни содир этишда иштирок этадиган исталган бошқа шахсга, у ўзининг жиноий ҳатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан бўйин товлашига ёрдам бериш мақсадида мол-мулкни конверсиялаш (ўзгартириш) ёки ўтказиш;

2) агар мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса мол-мулкнинг ҳақиқий тавсифини, манбасини, тасарруф этиш усулини ёки унинг кимга тегишли эканини, жойини ўзгартиришни, мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни яшириш ва сир тутиш;

б) ўзининг ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига риоя қилиш шартида:

1) агар мол-мулкни олаётганда ушбу мол-мулк жиноий йўл билан топилгани аввалдан маълум бўлса ушбу мол-мулкни сотиб олиш, унга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш;

2) мазкур моддага мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган ҳаракатларнинг бирида иштирок этиш, дахлдор бўлиш ёки ушбу жиноятни содир этиш мақсадида тил бириктириш, уни содир этишга уриниш, шунингдек уни содир этилишида шериклик қилиш, фитна уюштириш ва кўмак бериш.

2. Мазкур модданининг 1-бандини амалга ошириш ёки қўллаш мақсадида:

а) ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1-бандини асосий ҳуқуқбузарликларнинг энг кенг доираси учун қўллашга интилади;

б) ҳар бир иштирокчи Давлат асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига камида мазкур Ковенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатларнинг кенг қамровли доирасини киритади;

с) юқорида келтирилган (б) кичик банднинг мақсадлари учун асосий ҳуқуқбузарликлар сирасига тегишли иштирокчи Давлат юрисдикцияси доирасида ҳам, доирасидан ташқарида ҳам содир этилган жиноятлар киради. Лекин бирон иштирокчи Давлатнинг юрисдикцияси доирасидан ташқарида содир этилган жиноятлар фақат мазкур жиноий ҳаракат содир этилган давлатнинг ички қонунчилигига кўра жиноий жазога лойиқ деб топилса ва ушбу модда амалга оширилаётган ёки қўлланилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига кўра, агар бу жиноят айнан шу давлатда содир этилиб, жиноий жазога лойиқ деб тан олинсагина асосий ҳуқуқбузарликлар деб тан олинади.

д) ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи ўз қонунларининг матнини, шунингдек

ушбу қонунларга кейинчалик киритилган барча ўзгартишлар ёки уларнинг таърифланишларини тақдим этади:

е) агар иштирокчи Давлатдаги ички қонунчиликнинг энг муҳим принциплари буни талаб қилса, у ҳолда мазкур модданинг 1-моддасида кўрсатилган жиноятлар асосий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга тегишли бўлмаслигини кўзда тутиш мумкин бўлади.

24-модда. Жиноятни яшириш

Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 23-моддасида келтирилган ҳолатлар учун зарар етказмаган ҳолда мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин ушбу жиноятлар содир этилишида иштирок этмаган бўлса-да, тегишли шахсга бу мол-мулк мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳаракатлар содир этилиши натижасида орттирилган мол-мулкни яшириш ёки доимий равишда ушлаб туриш каби ҳаракатларни, қачонки улар атайин содир этилганда, буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўриш имкониятини кўриб чиқади.

25-модда. Одил судловнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш

Ҳар бир иштирокчи Давлат қуйида кўрсатилган ҳаракатлар атайлаб содир этилганда буни жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат сифатида эътироф этиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўради:

а) мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида сохта маълумотлар беришга мажбур қилиш ёки маълумотларни бериш ёхуд маълумотларни тақдим этиш жараёнига аралашини мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки кўрқитиш ёхуд ваъда бериш ёки ноқонуний афзалликни таклиф қилиш ёки тақдим этиш;

б) мазкур Конвенцияга мувофиқ жиноят деб тан олинган ҳаракатлар содир этилганлиги муносабати амалга оширилаётган жараён давомида суд ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахси томонидан ўзининг хизмат вазифаларини бажаришига аралашини мақсадида жисмоний куч ишлатиш, дўқ-пўписа қилиш ёки кўрқитиш. Мазкур кичик банддаги ҳеч нарса

иштирокчи Давлатларнинг оммавий мансабдор шахсларнинг бошқа тоифалари ҳимоя қилинишини таъминловчи қонунчиликка эга бўлиш ҳуқуқига зарар етказмайди.

26-модда. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ҳуқуқий принципларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳаракатларда иштироки учун юридик шахсларнинг жавобгарлигини аниқлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги, иштирокчи Давлатнинг ҳуқуқий принципларига риоя қилиш шартида, жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий бўлиши керак.

3. Бундай жавобгарликнинг юклатилиши жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлигига зарар етказмайди.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, хусусан, ушбу моддага мувофиқ жавобгарликка тортиладиган юридик шахсларга нисбатан самарали, мутаносиб ва тўхтатувчи таъсирга эга бўлган жиноий ёки жиноий бўлмаган чоралар, шу жумладан пуллик жарималар қўлланилишини таъминлайди.

27-модда. Иштирок ва суиқасд

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишда исталган сифатда, масалан, шерик, ёрдамчи ёки далолатчи сифатида қатнашишни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олинишини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишга суиқасд ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олинишини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатни содир этишга тайёргарликни ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат деб тан олинишини талаб қилиши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

28-модда. Англаш, мақсад ва қасд жиноятнинг элементлари сифатида

Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатнинг элементлари сифатида талаб этиладиган англаш, мақсад ва қасд ишнинг объектив асл ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши мумкин.

29-модда. Даъво муддати

Ҳар бир иштирокчи Давлат, тегишли ҳолатларда, ўзининг ички қонунчилигига мос равишда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган исталган жиноий ҳаракатларга нисбатан иш кўзгатилиши учун узоқ даъво муддатини белгилайди ва жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс одил судловдан бўйин товлайётган ҳолларда даъво учун янада узоқ муддатни ёки даъво муддатини давом этишини тўхтатиш имкониятини белгилайди.

30-модда. Жиноий таъқиб, суд қарорларини чиқариш ва санкция

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон-бир жиноий ҳаракатлар содир этилиши учун ушбу жиноятнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олувчи жиноий жазолар қўлланилишини кўзда тутди.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ҳуқуқий тизими ва конституцион принципларига мувофиқ равишда оммавий мансабдор шахсларга ўзларининг вазифаларини бажаришлари муносабати билан тақдим этилган исталган иммунитетлар ёки юрисдикцион имтиёзлар ўртасидаги тегишли мувозанатлаштиришни белгилаши ёки таъминлаши ва зарурат туғилганида, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар юзасидан самарали тергов ишларини олиб бориш ҳамда жиноий иш кўзгатиш ва суд қарорини чиқариш имкониятини талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилиш чоралар максимал даражада самарали бўлиши мақсадида ушбу жиноятларни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш кўзгатишга тааллуқли ўзининг ички қонунчилигида кўзда тутилган исталган дискрецион ва юридик ваколатлардан фойдаланишни таъминлашга

интилади ва заруратнинг лозим бўлган даражасида бу каби жиноятлар содир этилишига монелик кўрсатади.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ва ҳимоя ҳуқуқларини лозим даражада ҳисобга олган ҳолда, судгача озод қилиш тўғрисидаги қарор ёки кассация (шикоят) аризаси ёки қатъий норозилик (протест) билдирилгунига қадар қабул қилинадиган қарор билан боғлиқ бўлган шартларни белгилашда кейинчалик юритиладиган жиноий иш жараёнида айбланувчи албатта бўлишини таъминлаш заруратини ҳисобга олишни таъминлаш мақсадида тегишли чоралар кўради.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат жиноят содир этган шахсларни муддатидан олдин ёки шартли равишда озод қилиш масаласини кўриб чиқишда тегишли жиноятларнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ бўлган даражада мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишда айбланаётган оммавий мансабдор шахс, айбсизлик презумпцияси принципини ҳурмат қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, тегишли ҳолатларда тегишли орган томонидан ўз хизмат вазифаларини бажаришдан вақтинча четлатилиши ёки бошқа лавозимга ўтказилишини белгилаб берувчи тартиботни ўрнатиш имкониятларини кўриб чиқади.

7. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз ҳуқуқий тизимининг энг муҳим принципларига мувофиқ бўлган даражада, агар жиноятнинг хавфлилик даражасини ҳисобга олганда ушбу ҳолат асосланган бўлса, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишда айбланаётган шахсни суд қарори ёки бошқа тегишли чоралар ёрдамида ўзининг ички қонунчилигида белгиланган муайян муддатга қуйидаги ҳуқуқлардан маҳрум қилиш учун тартибот белгиланиши имкониятларини кўриб чиқади:

а) оммавий лавозимни эгаллаш; ва

б) тўлиқ ёки қисман давлат тасарруфида бўлган бирон корхонада лавозим эгаллаш.

8. Мазкур модданинг 1-банди ваколатли органлар томонидан фуқаро хизматчиларга нисбатан интизомий ваколатлар амалга оширилишига тўсқинлик қилмайди.

9. Мазкур Конвенциядаги ҳеч бир ҳолат ҳар бир иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилиги доирасидаги мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни белгиловчи ва қўлланиладиган юридик эътирозлар ёки ҳатти-ҳаракатларнинг қонунийлигини аниқлаб берувчи бошқа ҳуқуқий асосларга таянган принципларга таъсир қилмайди, бу каби жиноятларга нисбатан жиноий ишнинг кўзғатилиши ва белгиланиладиган жазо ушбу ички қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

10. Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этгани учун жазоланган шахсларни жамиятга реинтеграция қилинишига кўмак беришга интиладилар.

31-модда. Амалиётларни тўхтатиб қўйиш (ишга солмай туриш), хатлаш ва мусодара

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида мумкин бўлган максимал даражада қуйидагиларни мусодара қилиш имкониятини таъминлашни талаб қилиши мумкин бўлган чораларни кўради:

а) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар йўли билан орттирилган даромадлар ёки қиймати ушбу даромадлар қийматига тенг бўлган мол-мулк;

б) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланишга мўлжалланган мол-мулк, ускуналар;

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат кейинчалик мусодара қилиш мақсадида мазкур модданинг 1-бандида санаб ўтилганларнинг исталганини аниқлаш, кузатиш, вақтинча ишга солмай туриш ёки хатлаш имкониятини таъминлаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида кўрсатилган вақтинчалик ишга солмай турилган, хатланган ёки мусодара қилинган мол-мулкни ваколатли органлар томонидан бошқарилишини тартибга

солиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чораларни кўради.

4. Агар бу каби жиноий даромадлар қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа мол-мулкка айлантирилган ёки ўзгартирилган бўлса, у ҳолда мазкур моддада кўрсатилган чоралар ушбу мол-мулкка нисбатан қўлланади.

5. Агар бу каби жиноий даромадлар қонуний манбалардан олинган мол-мулкка қўшиб олинган бўлса, у ҳолда мол-мулкнинг қўшиб олинган даромадларнинг баҳоланган қийматига мувофиқ бўлган қисми вақтинчалик ишга солмаслик ёки хатлашга тааллуқли исталган ваколатлар учун зарар етказилмаган ҳолда мусодара қилинади.

6. Бу каби жиноий даромадлар туфайли, жиноий даромадларнинг бошқа мол-мулкка айлантирилгани ёки ўзгартирилгани туфайли ёхуд бу каби жиноий даромадларнинг мол-мулкка қўшиб олинганлиги туфайли олинган фойда ёки бошқа афзалликларга ҳам мазкур моддада кўрсатилган чоралар худди жиноий йўл билан орттирилган даромадларга бўлганидек ва худди шундай даражада кўрилади.

7. Мазкур модда ва мазкур Конвенциянинг 55-моддасининг мақсадлари учун ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг судлари ёки бошқа ваколатли органларига банк, молиявий ёки тижоратга оид ҳужжатларни тақдим этиш ёки ҳибсга олиш тўғрисидаги қарорларни чиқариш ваколатларини беради. Иштирокчи Давлат, банк сирини сақлаш заруратига ҳавола қилиб туриб, мазкур моддада келтирилган ҳолатларга мувофиқ чораларни кўришдан бош тортмайди.

8. Иштирокчи Давлатлар жиноят содир этган шахс мусодара қилиниши лозим бўлган бу каби жиноий йўл билан олинганлиги тахмин қилинаётган даромадлар ёки бошқа мол-мулкнинг қонуний эканлигини исбот қилишини ички қонунчиликларининг энг муҳим принципларига ҳамда судда ва бошқа маҳкамаларда муҳокама қилиниши хусусиятларига мувофиқ бўлган даражада талаб қилишни белгилаш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

9. Мазкур модданинг ҳолатлари ҳалол учинчи шахсларнинг ҳуқуқларига зарар етказадиган ҳолда талқин этилмайди.

10. Мазкур моддаги ҳеч қандай ҳолат унда баён этилаётган чоралар иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигидаги ҳолатларга

мувофиқ, уларга риоя қилиниши шартида белгиланиши ва амалга оширилиши тўғрисидаги принципга дахл қилмайди.

32-модда. Гувоҳлар, экспертлар ва жабрланувчиларнинг ҳимоя қилиниши

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўз қонунчилигининг ички тизимида мувофиқ ва ўз имкониятлари чегарасида мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар муносабати билан кўрсатмалар бераётган гувоҳлар ва экспертларга нисбатан, тегишли ҳолатларда уларнинг қариндошлари ва уларга яқин бўлган бошқа одамларга нисбатан бўлиши эҳтимол тутилган ўч ёки дўк-пўписалардан самарали ҳимоя қилишни таъминловчи тегишли чораларни кўради.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган чоралар, айбланувчининг ҳуқуқлари, шу жумладан тегишли муҳокама ва ишни кўриш ҳуқуқига зарар етказмаган ҳолда, ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин:

а) ушбу шахсларни жисмоний ҳимоя қилиш тартиботини белгилаш, масалан – зарур бўлган ва амалий жиҳатдан амалга оширилиши мумкин бўлган даражада – уларни бошқа жойга кўчириш учун ва тегишли вазиятларда мумкин бўлган шундай ҳолатларни қабул қилиш, ушбу шахсларга шахсан тааллуқли ва уларнинг жойлашган манзили билан боғлиқ маълумотларни ошкор этмаслик ёки маълумотларнинг бундай ошкор этилишига чеклов ўрнатиш;

б) гувоҳлар ва экспертларга, уларни хавфсизлигини таъминловчи тарзда кўрсатмалар беришларига имкон берувчи, масалан видеоалоқа каби алоқа воситалари ёки бошқа мувофиқ алоқа воситалари ёрдамида кўрсатмалар беришга рухсат беришдек исботлаш қоидаларини қабул қилиш.

3. Иштирокчи Давлатлар мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахсларни бошқа жойга кўчирилиши хусусида бошқа давлатлар билан келишув ёки битим тузиш имкониятини кўриб чиқади.

4. Мазкур модданинг ҳолатлари жабрланувчиларга нисбатан ҳам, уларнинг гувоҳ деб саналувчидаражасида қўлланилади.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига риоя қилиш шартида, жиноий иш кўриб чиқилишининг тегишли

босқичларида жабрланувчиларнинг жиноят содир этган шахсларга нисбатан фикрлари ва хавфсирашларининг баён этилиши учун ҳимоя ҳуқуқларига зарар етказмайдиган тарзда имконият яратади.

33-модда. Маълумот берувчи шахсларни ҳимоя қилиш

Ҳар бир иштирокчи Давлат ваколатли органларга мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар хусусида исталган далиллар тўғрисида ҳалол ва оқилона асосларга таянган ҳолда хабар бераётган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган тегишли чораларни ўзининг ички ҳуқуқий тизимига киритиш имкониятларини кўриб чиқади.

34-модда. Коррупцион ҳаракатларнинг оқибатлари

Ҳар бир иштирокчи Давлат, учинчи томонларнинг ҳалоллик билан қўлга киритган ҳуқуқларини тегишли тарзда ҳисобга олиб туриб, ўзининг ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ тарзда коррупция оқибатлари хусусидаги масалани мувофиқлаштириш бўйича чоралар кўради. Иштирокчи Давлатлар бу контекстда коррупцияни, контрактларни бекор қилиш ёки кучдан қолдириш, концессияларни ёки шунга ўхшаш амалиётларни қайтариш ёки юзага келган ҳолатларни тўғрилашнинг бошқа чораларини амалга оширишда аҳамият касб этувчи омил сифатида кўришлари мумкин.

35-модда. Зарарни қоплаш (компенсация)

Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигининг принципларига мувофиқ тарзда бирон коррупцион ҳаракат оқибатида зарар кўрган юридик ёки жисмоний шахслар кўрилган зарарни қоплаш (компенсация олиш) мақсадида ушбу зарар учун жавобгар бўлган шахсларга нисбатан иш қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

36-модда. Ихтисослашган органлар

Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига мувофиқ тарзда коррупция билан ҳуқуқбузарликларга қарши чора-тадбирлар ёрдамида курашишга ихтисослашган орган ёки органлар ёхуд шахслар бўлишини таъминлайди. Бундай орган ёки органлар ёхуд шахслар, иштирокчи Давлатнинг ички ҳуқуқий тизимининг асосий принципларига

мувофиқ, ўз вазифаларини самарали ва бирон-бир ёки тегишли бўлмаган таъсирсиз бажаришлари учун зарур бўлган мустақиллик билан таъминланадилар. Бундай шахслар ёки бу каби органнинг ходимлари ўз вазифаларини бажаришлари учун тегишли малака ва ресурсларга эга бўлишлари лозим.

37-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий ҳатти-ҳаракатларда иштирок этаётган ёки иштирок этган шахсларни ваколатли органлар учун тергов ишларини олиб бориш ва исботлаш мақсадида фойдали бўлган маълумотларни тақдим этишга ва жиноятчиларни жиноий даромадлардан маҳрум қилишга ва бу каби даромадларни қайтариш бўйича чоралар кўрилишига кўмаклашувчи амалий ва аниқ ёрдам беришга рағбатлантиришни кўзда тутувчи тегишли чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш давомида салмоқли даражада ҳамкорлик қилган айбланувчи шахсга нисбатан қўлланиладиган жазони юмшатиш имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ тергов ишлари ёки жиноятни фош этиш давомида сезиларли ва аҳамиятли даражада ҳамкорлик қилган шахсга нисбатан жиноий иш кўзғатилмаслиги имкониятини кўзда тутилиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

4. Бундай шахсларнинг ҳимояси, *mutatis mutandis*, мазкур Конвенциянинг 32-моддасида кўзда тутилган тартибда амалга оширилади.

5. Мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган шахс бир иштирокчи Давлат ҳудудида бўла туриб, иккинчи иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари билан аҳамиятли даражада

ҳамкорлик қила олса, у ҳолда манфаатдор иштирокчи Давлатлар ўзларининг ички қонунчиликларига мувофиқ бундай шахс учун мазкур модданинг 2- ва 3- бандларида кўрсатилган режим тақдим этилиши мумкин эканлиги хусусида келишув ва битимлар тузиш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

38-модда. Миллий органлар ўртасидаги ҳамкорлик

Ҳар бир иштирокчи Давлат ички қонунчилигига мувофиқ бир томондан ўзининг оммавий органлари, шунингдек оммавий мансабдор шахслари ва иккинчи томондан, содир этилган жиноятлар бўйича тергов ишларини олиб боришга ва жиноятни фош этиш учун масъул бўлган органлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради. Бу каби ҳамкорлик қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) агар мазкур Конвенциянинг 15-, 21- ва 23-моддаларига мувофиқ жиноят деб тан олинган исталган ҳатти-ҳаракатлар содир этилганини эътироф этиш учун оқилона асослар мавжуд бўлса, бундай масъул органларга ўзининг шахсий ташаббуси билан маълумотлар тақдим этилиши; ёки

б) тегишли илтимосга кўра, бундай органларга барча зарур маълумотларнинг тақдим этилиши.

39-модда. Миллий органлар ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ миллий тергов органлари ва прокуратура органлари ҳамда хусусий сектор ташкилотлари, хусусан молиявий муассасалар билан мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилиши билан боғлиқ масалалар бўйича ҳамкорликни рағбатлантириш учун талаб этилиши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат одатда ўзининг ҳудудида истиқомат қилувчи ўз фуқаролари ва бошқа шахслар миллий тергов органлари ва прокуратура органларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларнинг содир этилгани тўғрисида хабар беришларини рағбатлантириш масаласини кўриб чиқади.

40-модда. Банк сир

Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатлар содир этилиши билан боғлиқ ички жиноий тергов ишлари олиб борилаётган ҳолатларда, банк сири тўғрисидаги қонунчилик ҳолатлари қўлланилиши натижасида юзага келувчи тўсиқларни енгиш учун, ўзининг ички ҳуқуқий тизими доирасида зарур тегишли механизмлар бўлишини таъминлайди.

41-модда. Судланганлик тўғрисидаги маълумотлар

Ҳар бир иштирокчи Давлат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан бошқа давлатда илгари чиқарилган исталган айблов ҳукмини, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатлар билан боғлиқ жиноий тергов ишлар олиб борилишида ушбу маълумотдан фойдаланиш учун ўзи лозим деб топган шартлар ва мақсадларда ҳисобга олиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўриши мумкин.

42-модда. Судловга таълуқлилик (Юрисдикция)

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради, қачонки:

а) жиноят ушбу иштирокчи Давлатнинг ҳудудида содир этилса, ёки

б) жиноят содир этилиши ушбу иштирокчи Давлатнинг байроғи остидаги кемада ёки жиноят содир этилиши вақтида ушбу иштирокчи Давлат қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган ҳаво кемаси бортида рўй берса.

2. Иштирокчи Давлат, шунингдек, мазкур Конвенциянинг 4-моддасига риоя қилиш шартида, исталган жиноятга нисбатан суд қилиш ҳуқуқини белгилаши мумкин, қачонки:

а) жиноят ушбу иштирокчи Давлат фуқаросига нисбатан содир этилган бўлса, ёки

б) жиноят ушбу иштирокчи Давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган, одатда, унинг ҳудудида истиқомат қилувчи шахс томонидан содир этилган бўлса, ёки

с) жиноят мазкур Конвенциянинг 23-моддаси, 1(b)(ii) бандига мувофиқ тан олинган жиноятларнинг бири ҳисобланса ва ушбу

иштирокчи Давлат ҳудудининг ташқарисида мазкур Конвенциянинг 23-моддаси, 1(a)(i) ёки (ii) ёки (b)(i) бандига мувофиқ жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларни содир этиш мақсадида унинг ҳудудида амалга оширилган бўлса, ёки

d) жиноят ушбу иштирокчи Давлатга қарши содир этилган бўлса.

3. Мазкур Конвенциянинг 44-моддасининг мақсадлари учун ҳар бир иштирокчи Давлат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудуди чегараларида бўлса-да, лекин фақатгина ўзининг фуқароларидан бири бўлганлиги сабабли ушбу шахсни ушлаб бермаётган бўлса, у ҳолда мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

4. Ҳар бир иштирокчи Давлат, шунингдек, жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахс унинг ҳудуди чегараларида бўлиб, у ушбу шахсни ушлаб бермаса, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан ўзининг суд қилиш ҳуқуқини белгилаш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни ҳам кўриши мумкин.

5. Агар ўзининг суд қилиш ҳуқуқини мазкур модданинг 1- ёки 2-моддасига кўра амалга оширувчи иштирокчи Давлат бошқа иштирокчи Давлатлар худди ўша ҳаракатлар хусусида текширув, жиноий иш ёки суд иши олиб бораётганлари ҳақида билдириш хати олса ёки бошқача тарзда бу ҳақда хабар топса, у ҳолда ушбу иштирокчи Давлатларнинг ваколатли органлари, тегишли ҳолатларда, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида бир-бирлари билан ўзаро маслаҳатлашадилар.

6. Мазкур Конвенция, умумий халқаро ҳуқуқ меъёрларига зарар етказмаган ҳолда, иштирокчи Давлат томонидан ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ белгиланган исталган жиноий суд ҳуқуқини амалга оширилишини истисно этмайди.

VI боб. Халқаро ҳамкорлик

43-модда. Халқаро ҳамкорлик

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенциянинг 44-50-моддаларига мувофиқ жиноий-ҳуқуқий масалалар бўйича ҳамкорлик қиладилар. Иштирокчи Давлатлар, агар бу мақсадга мувофиқ бўлса ва ўзларининг ички қонунчилик тизимларига тўғри келса, коррупция

билан боғлиқ бўлган фуқаролик-ҳуқуқий ва маъмурий ишларни текшириш ва амалга ошириш бўйича бир-бирларига кўмаклашиш имкониятини кўриб чиқадилар.

2. Агар халқаро ҳамкорлик масалалари билан боғлиқ ҳолатларда тегишли ҳаракатни жиноят деб икки томонлама тан олиш принципига риоя қилиниши талаб этилса, сўралаётган иштирокчи Давлатнинг қонунчилиги тегишли ҳаракатни жиноятлар тоифасига киритиш ёки киритмаслиги ёки сўров бераётган иштирокчи Давлат уни таърифлашда сўралаётган иштирокчи Давлат қўллайдиган атамалар каби атамалар билан таърифлаши ёки таърифламаслигидан қатъий назар, агар жиноят таркибини ташкил қилувчи ҳаракат иккала иштирокчи Давлатнинг қонунчилигига мувофиқ жиноий жазога лойиқ деб тан олинган бўлса, ушбу принципга амал қилинган ҳисобланади.

44-модда. Ушлаб бериш

1. Ушбу модда мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган жиноий ҳатти-ҳаракатларга нисбатан, агар ушлаб берилиши лозим бўлган шахс сўров берилган иштирокчи Давлат ҳудудида бўлса ва содир этилган ҳатти-ҳаракат сўров берилган иштирокчи Давлатда ҳам, сўров бераётган иштирокчи Давлатда ҳам жиноий жазога лойиқ деб топилиши шартида қўлланилади.

2. Иштирокчи Давлат, мазкур модданинг 1-бандида келтирилган ҳолатлардан қатъий назар, ўзининг ички қонунчилигида жиноий жазога лойиқ деб топилмаган, лекин мазкур Конвенцияда кўзда тутилган бирон жиноят билан боғлиқ шахсни, агар унинг қонунчилиги бунга йўл қўйса, ушлаб беришга рухсат бериши мумкин.

3. Агар ушлаб бериш тўғрисидаги илтимос бир нечта алоҳида жиноятлар хусусида бўлса ва уларнинг ҳеч бўлмаганда биттаси мазкур моддага кўра ушлаб берилишга олиб келса, бошқалари эса жазо берилиши муддатлари бўйича ушлаб беришни истисно қилсаю, лекин мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар сирасига кирса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат ушбу жиноятларга нисбатан ҳам мазкур моддани қўллаши мумкин.

4. Мазкур модда қўлланиладиган ва ушлаб берилишига олиб келадиган жиноятларнинг ҳар бири ушлаб бериш тўғрисида иштирокчи Давлатлар ўртасида тузилган исталган шартномага

жиноят сифатида киритилган деб ҳисобланади. Иштирокчи Давлатлар, бу каби жиноятларни, ушлаб берилишига олиб келадиган жиноятлар сифатида ушлаб бериш тўғрисидаги ўзаро тузиладиган шартномаларга киритиш мажбуриятини оладилар. Иштирокчи Давлат, агар ушлаб бериш учун асос сифатида мазкур Конвенциядан фойдаланса, мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган исталган жиноий ҳатти-ҳаракатларни, агар унинг қонунчилиги бунга йўл қўйса, сиёсий жиноят деб тан олмайди.

5. Агар иштирокчи Давлат ушлаб беришни шартнома мавжудлиги билан шартлаб берадиган бўлса, ушлаб бериш тўғрисида у билан шартнома тузмаган бошқа иштирокчи Давлатдан ушлаб бериш ҳақида илтимоснома олганида, у мазкур модда қўлланиладиган исталган жиноят билан боғлиқ ушлаб бериш учун мазкур Конвенцияни асос сифатида қўллаши мумкин.

6. Ушлаб беришни шартноманинг мавжудлиги билан шартлаб берувчи иштирокчи Давлат:

а) ўзининг ратификацион ёрлиғини ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки тасдиқлаши ёхуд унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатни сақлаш учун топшираётганида ушлаб бериш масалалари бўйича бошқа Давлатлар - мазкур Конвенциянинг бошқа иштирокчилари билан ҳамкорлик қилиш учун мазкур Конвенциядан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланиши тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига маълумот беради.

б) агар у ушлаб бериш масалалари бўйича мазкур Конвенциядан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланмаса, у ҳолда мазкур моддани қўллаш мақсадида мазкур Конвенциянинг бошқа иштирокчи Давлатлари билан, тегишли ҳолатларда, ушлаб бериш тўғрисидаги шартномаларни тузишга интилади.

7. Ушлаб беришни шартноманинг мавжудлиги билан шартламайдиган иштирокчи Давлатлар бир-бирларининг ўртасидаги ўзаро муносабатларда мазкур модда қўлланиладиган жиноятларни ушлаб беришга олиб келадиган жиноий ҳатти-ҳаракатлар деб тан оладилар.

8. Ушлаб бериш сўралаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигида кўзда тутилган шартларга, шу жумладан, бошқа ҳолатлар билан бир қаторда, ушлаб беришга нисбатан минимал жазо белгиланиши талаблари билан боғлиқ шартларга ва сўралаётган

иштирокчи Давлат ушлаб беришни рад этиши мумкин бўлган асосларга мувофиқ амалга оширилади.

9. Иштирокчи Давлатлар, мазкур модда қўлланиладиган исталган жиноятга нисбатан, ўзларининг ички қонунчиликлариغا риоя қилиш шартида, ушлаб бериш тартиботини тезлаштириш ва у билан боғлиқ бўлган исбот-далилларни тақдим этишни соддалаштириш учун барча имкониятларини ишга соладилар.

10. Иштирокчи Давлат юзага келган вазият шуни талаб қилишини ва кечиктириб бўлмайдиган эканлигига амин бўлиб ҳамда сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра, ўзининг ички қонунчилигидаги ҳолатларга ва ушлаб бериш тўғрисидаги ўзи имзолаган шартномаларга риоя қилган ҳолда, ўзининг ҳудудида бўлган ва ушлаб берилиши сўралаётган шахсни ҳибсга олиши ёки ушлаб бериш тартиботи жараёнида унинг бўлиши учун бошқа тегишли чоралар кўриши мумкин.

11. Иштирокчи Давлат, ўзининг ҳудудида бўлган ва мазкур модда қўлланилаётган жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни фақатгина ушбу шахс ўзининг фуқароси бўлгани сабабли ушлаб бермаётган бўлса, ушлаб беришни сўраётган иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра, тергов олиб бориш мақсадида, асосланмаган кечиктиришларсиз ишни ўзининг ваколатли органларига топшириши керак. Ушбу органлар ўз қарорларини қабул қиладилар ва мазкур иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига асосланган ҳолда хавфли тавсифга эга исталган бошқа жиноятларга нисбатан бўлгани каби тергов ишларини амалга оширадилар. Манфаатдор иштирокчи Давлатлар бу каби жиноий ишлар юзасидан олиб бориладиган тергов ишлари самарали кечишини таъминлаш мақсадида бир-бирлари билан, хусусан, процессуал масалалар ва исбот қилиш масалалари бўйича ҳамкорлик қиладилар.

12. Иштирокчи Давлатга, унинг ички қонунчилигига кўра, ўз фуқароларининг бирини ушлаб беришга ёки бошқа йўл билан топширишга фақатгина, ушбу шахснинг ушлаб берилишини ёки топширилишини сўраш билан боғлиқ бўлган суд муҳокамаси ёки тергов ишлари натижасида чиқарилган жазони ўташ учун мазкур иштирокчи Давлатга қайтариб берилиши шартида рухсат берилган ва бу иштирокчи Давлат ҳамда ушбу шахсни ушлаб берилишини сўраётган иштирокчи Давлат бу каби тартибга ва улар мақбул деб

ҳисоблаган бошқа шартларга рози бўлган барча ҳолатларда, ушбу шахснинг бундай шартли равишда ушлаб берилиши ёки топширилиши мазкур модданинг 11-бандида белиланган мажбурият бажарилиши учун етарли ҳисобланади.

13. Чиқарилган ҳукмни ижро этиш мақсадида сўралган ушлаб беришга қидирилаётган шахс сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг фуқароси бўлганлиги боис рад жавоби берилса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат, агар унинг ички қонунчилиги бунга йўл қўйса ва бу ҳолат бундай қонунчиликнинг талабларига жавоб берса, сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг мурожаатига биноан сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ чиқарилган ҳукмни ёки ҳукмнинг қолган қисмини ижро этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади.

14. Мазкур модда қўлланиладиган исталган жиноятни содир этганлиги билан боғлиқ бўлган тергов ишлари борилаётган шахсга нисбатан тергов ишларининг барча босқичларида адолатли муносабатда бўлиниши, шу жумладан ушбу шахс жойлашган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигида кўзда тутилган барча ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалга оширилиши кафолатланади.

15. Агар сўров берилаётган иштирокчи Давлатда ушлаб бериш тўғрисидаги илтимос бирон шахснинг жинси, ирқи, диний эътиқоди, этник келиб чиқиши ёки сиёсий қарашлари сабабли таъқиб қилиш ёки жазолаш мақсадида қилинаётгани ёки ушбу илтимоснинг қондирилиши юқорида санаб ўтилган сабаблар бўйича ушбу шахснинг ҳолатига зарар етказиши мумкинлиги ҳақида салмоқли ва етарли асослар бўлса, у ҳолда мазкур Конвенциянинг ҳеч бир ҳолати ушлаб бериш мажбуриятини белгилайдиган тарзда талқин қилинмайди.

16. Иштирокчи Давлатлар ушлаб бериш тўғрисидаги илтимосга фақат жиноят солиқ масалалари билан боғлиқ деб топилган ҳолатлардагина рад эта олмайдилар.

17. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат, ушлаб беришга рад жавобини беришдан аввал, ўз фикрини баён этиши учун етарли имконият ва ушлаб бериш тўғрисидаги илтимосда баён этилган далиллар билан боғлиқ маълумотлар тақдим этилиши учун, тегишли ҳолатларда, сўров бераётган Давлат билан маслаҳатлар ўтказиши.

18. Иштирокчи Давлатлар ушлаб беришни амалга ошириш ёки самарадорлигини ошириш мақсадида икки томонлама ва кўп томонлама битимлар ёки келишувлар тузишга интиладилар.

45-модда. Ҳукм этилган шахсларни топшириш

Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлари учун қамоқ жазосига ёки озодликдан маҳрум этишнинг бошқа турларига ҳукм қилинган шахсларни, улар жазо муддатини ўзларининг ҳудудида ўташларини таъминлаш мақсадида, топшириш тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқишлари мумкин.

46-модда. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенция билан қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган тергов ишлари, жиноий қидирув ишлари ва суд муҳокамаларида бир-бирларига энг кенг миқёсдаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар.

2. Сўров бераётган иштирокчи Давлатда, мазкур Конвенциянинг 26-моддасига кўра, юридик шахс жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган жиноят билан боғлиқ тергов ишлари, жиноий қидирув ишлари ва суд муҳокамаси учун зарур бўлган ва тегишли қонунларга, халқаро шартномаларга ҳамда сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг келишув ва битимларига мувофиқ кўрсатилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам имкон қадар максимал ҳажмда тақдим этилади.

3. Мазкур моддага мувофиқ тақдим этилаётган ўзаро ҳуқуқий ёрдам қуйидаги мақсадларнинг исталгани учун сўралиши мумкин:

а) айрим шахслардан гувоҳлик кўрсатмалари ёки аризаларни олиш;

б) суд ҳужжатларини топшириш;

с) тинтув ўтказиш ва хатлаш, шунингдек операцияларни тўхтатиб туриш (ишга солмай туриш);

д) объектлар ва ҳудуд участкаларини текширувдан ўтказиш;

е) маълумотларни, ашёвий далиллар ва экспертларнинг чиқарган хулосаларини тақдим этиш;

ф) тегишли ҳужжат ва материаллар, шу жумладан ҳукумат, банк, молиявий, корпоратив ёки тижорат ҳужжатларининг асл нусхалари ва тасдиқланган нусхаларини тақдим этиш;

g) исботлаш мақсадларида жиноий даромадлар, мол-мулк, жиноят содир этиш воситалари ёки бошқа предметларни аниқлаш ёки кузатиш;

h) тегишли шахсларнинг сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг органларига ихтиёрий равишда келишига кўмаклашиш;

i) сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига зид бўлмаган исталган бошқа турдаги ёрдамни кўрсатиш;

j) мазкур Конвенциянинг V бобида келтирилган ҳолатларга мувофиқ жиноий даромадларни аниқлаш, ишга солмай туриш ва кузатиш;

k) мазкур Конвенциянинг V бобида келтирилган ҳолатларга мувофиқ активларни мусодара қилиш (муомаладан чиқариш).

4. Иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари, ички қонунчиликка зарар етказмаган ва зид бўлмаган ҳолда, жиноий-ҳуқуқий масалаларга тааллуқли маълумотларни бошқа иштирокчи Давлатнинг ваколатли органига, бундай маълумотлар ушбу органга тергов ишларини ва жиноий қидирув ишларини амалга оширишга ёки муваффақиятли яқунлашга ёки ушбу иштирокчи Давлат томонидан мурожаатнома тузилишига олиб келишига ёрдам бериши мумкин деб ҳисобласалар, дастлабки мурожаатсиз топширишлари мумкин.

5. Мазкур модданинг 4-бандига мувофиқ маълумотнинг берилиши маълумотни тақдим этаётган давлатнинг ваколатли органлари тергов ишлари ва жиноий иш олиб борилишига зарар етказмаган ҳолда амалга оширилади. Маълумот олаётган ваколатли органлар ушбу маълумотнинг махфий хусусиятга эга жиҳатларини, ҳаттоки, вақтинчалик асосда сақлаш тўғрисидаги илтимосни бажарадилар ёки ундан фойдаланишга қўйилган чекловларга риоя қиладилар. Бироқ бу ҳолат, маълумотни олган иштирокчи Давлатга ўзида олиб борилаётган иш давомида айбланувчини оқлайдиган маълумотларни аниқлашга тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолларда, маълумот олган иштирокчи Давлат, маълумотни ошкор қилишдан аввал, маълумотни тақдим этган иштирокчи Давлатга хабар беради ва, агар бу ҳақда мурожаат олинса, маълумот тақдим этган иштирокчи Давлат билан маслаҳатлашади. Агар, камдан-кам учрайдиган ҳолларда, аввалдан хабар беришнинг имкони бўлмаса, маълумот олаётган иштирокчи Давлат бу каби ошкор этилиш

тўғрисида маълумот тақдим этаётган иштирокчи Давлатга хабар беради.

6. Мазкур модданинг ҳолатлари бирон бошқа, хоҳ икки томонлама, хоҳ кўп томонлама бўлишидан қатъий назар, ўзаро ҳуқуқий ёрдамни тўлиқ ёки қисман мувофиқлаштирувчи ёхуд мувофиқлаштирадиган шартнома бўйича мажбуриятларга тааллуқли эмас.

7. Мазкур модданинг 9-29 бандлари, агар тегишли иштирокчи Давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги бирон-бир шартнома тузмаган бўлсалар, мазкур моддага асосан жўнатилган мурожаатларга нисбатан қўлланилади. Агар иштирокчи Давлатлар бу каби шартнома тузган бўлсалар ва иштирокчи Давлатлар ушбу шартноманинг тегишли ҳолатлари ўрнига мазкур модданинг 9-29 бандларини қўллашга рози бўлмасалар, у ҳолда шартноманинг айнан шу ҳолатлари қўлланилади. Иштирокчи Давлатларга, агар бу ҳамкорликка кўмак берадиган бўлса, айнан шу бандларни қўллаш тавсия қилинади.

8. Иштирокчи Давлатлар банк сирини махфий тутишга асосланган ҳолда, мазкур моддага кўра, ўзаро ҳуқуқий ёрдам тақдим этилишини рад этмайдилар.

9. а) Сўров берилаётган иштирокчи Давлат, агар тегишли ҳатти-ҳаракат жиноят деб иккала тарафлама тан олинмаган бўлса, мазкур моддага кўра ёрдам берилиши тўғрисида қилинган мурожаатга жавоб беришда мазкур Ковенциянинг 1-моддасида кўрсатилган мақсадларни эътиборга олади;

б) иштирокчи Давлатлар тегишли ҳатти-ҳаракат жиноят деб иккала тарафлама тан олинмаганига асосланган ҳолда мазкур моддага кўра ёрдам тақдим этилишидан бош тортишлари мумкин. Шу билан бирга, сўров берилаётган иштирокчи Давлат, ҳуқуқий тизимларининг асосий концепцияларига мувофиқ бўлиши шартида ва агар бундай ёрдам мажбурий чоралар кўрилиши билан боғлиқ бўлмаса, ёрдамни тақдим этади. Агар мурожаат *de minimis* хусусиятига эга бўлган масалалар билан боғлиқ бўлса ёки сўралаётган ҳамкорлик ёхуд ёрдам мазкур Конвенциянинг бошқа ҳолатига мувофиқ таъминланиши мумкин бўлса, бу каби ёрдамнинг кўрсатилишига рад жавоби берилиши мумкин;

с) ҳар бир иштирокчи Давлат тегишли ҳатти-ҳаракат жиноят деб икки тарафлама тан олинмаганида мазкур моддага биноан катта ҳажмда ёрдам кўрсатишга қодир бўлиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятларини кўриб чиқиши мумкин.

10. Ҳибсга олинган ва бир иштирокчи Давлат ҳудудида қамоқ муддатини ўтаётган шахснинг мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган шахсни аниқланиш, гувоҳлик бериш ёки тергов иши, кўрилаётган жиноий иш учун исбот-далиллар олиш мақсадда бошқа иштирокчи Давлатда бўлиши талаб қилинаётган бўлса, у ҳолда куйидаги талабларга риоя қилиш шартида ушбу шахс бошқа иштирокчи Давлатга топширилиши мумкин:

а) ушбу шахс бунга ўзининг онгли тарзда розилигини берса;

б) иккала иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари ушбу Давлатлар тегишли деб топишлари мумкин бўлган шартларда келишувга эришсалар.

11. Мазкур модданинг 10-банди мақсадлари учун:

а) топширилган шахсни қабул қилган иштирокчи Давлат, агар ушбу шахсни топширган иштирокчи Давлат бошқа чоралар қўлланилишини сўрамаган ёки рухсат бермаган бўлса, бу шахсни қамоқда сақлашга ҳақли ва қамоқда сақлаши лозим;

б) топширилаётган шахсни қабул қилиб олган иштирокчи Давлат ушбу шахсни топширган иштирокчи Давлатга қайтариб бериш бўйича ўз мажбуриятини аввалроқ келишиб олинганидек ёки иккала иштирокчи Давлатларнинг ваколатли органлари томонидан бошқача тарзда келишиб олинганидек зудлик билан бажаради;

с) топширилаётган шахсни қабул қилиб олган иштирокчи Давлат ушбу шахсни топширган иштирокчи Давлатдан топшириш ёки қайтариш тартиботини қўзғатишни талаб қилмайди;

д) топширилган шахснинг уни топширган давлатда ўтаётган қамоқ муддатига топширилган иштирокчи Давлатдаги унинг қамоқда бўлган муддати ҳам қўшилади.

12. Мазкур модданинг 10- ва 11-бандларига мувофиқ бирон шахсни топшириши лозим бўлган иштирокчи Давлатнинг розилигисиз, топширилаётган давлат ҳудудида ушбу шахснинг, фуқаролиги қандай бўлишидан қатъий назар, уни топширган давлат ҳудудидан кетишидан аввалги вақт оралиғига тааллуқли бўлган

ҳаракатлар, бажарилмаган ҳаракатлар ёки ҳукм чиқарилиши билан боғлиқ бўлган таъқиб қилинишига, қамоққа олинишига, жазоланишига ёки шахсий озодлигининг бошқа чекланишларига йўл қўйилмайди.

13. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам берилиши ҳақидаги мурожаатларни қабул қилишга ёки уларни бажаришга ёхуд уларни бажариш учун ваколатли органларга жўнатишга масъул ва тегишли ваколатларга эга бўлган марказий органни тайинлайди. Агар иштирокчи Давлатда ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг алоҳида тизимига эга махсус ҳудуд ёки минтақа бўлса, у ушбу ҳудуд ёки минтақада худди шундай вазифаларни бажарувчи алоҳида марказий органни тайинлаши мумкин. Марказий органлар қабул қилинган мурожаатларни тезкор ва тегишли тарзда бажарилиши ёки жўнатилишини таъминлайдилар.

Агар марказий орган мурожаатни бажариш учун ваколатли органга жўнатаётган бўлса, ушбу мурожаат ваколатли орган томонидан тезкор ва тегишли равишда бажарилишига кўмаклашади. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ратификацион ёрлиғини ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки уни тасдиқлаши ёни унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжатини сақлаш учун топшираётганида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушуб мақсадларда тайинланган марказий орган ҳақида хабардор қилинади. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимослар ва уларга тааллуқли исталган хабарлар иштирокчи Давлатлар тайинлаган марказий органлар томонидан жўнатилади. Бу талаб иштирокчи Давлатнинг бундай мурожаатлар ва хабарларни дипломатик каналлар орқали ва фавқулодда вазиятларда, иштирокчи Давлатлар бу ҳақда аввалдан келишиб олган бўлсалар ва агар, бунинг имкони бўлса, Жиноий полициянинг халқаро ташкилоти орқали унга етказилишини талаб қилишдек ҳуқуқини чекламайди.

14. Мурожаатлар ёзма кўринишда ёки, агар бунинг имкони бўлса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат учун мақбул бўлган тилда ёзма матн тузишнинг ва ушбу иштирокчи Давлатга унинг аслига тўғри эканлигини аниқлаш имкониятини берувчи шартларда исталган воситалар ёрдамида жўнатилади. Ратификацион ёрлик ёки мазкур Конвенцияни қабул қилиши ёки уни тасдиқлаши ёки унга қўшилиши тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилаётганида Бирлашган

Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ҳар бир иштирокчи Давлат учун мақбул бўлган тил ёки тиллар тўғрисида хабардор қилинади. Фавқулодда вазиятларда ва, агар иштирокчи Давлатлар томонидан бу ҳақда аввалдан келишиб олинган бўлса, мурожаатлар оғзаки кўринишда жўнатилиши мумкин, лекин бу оғзаки мурожаатлар зудлик билан ёзма равишда тасдиқланади.

15. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши тўғрисидаги мурожаатда қуйидагилар кўрсатилади:

а) илтимос билан мурожаат қилаётган органнинг номланиши;

б) масаланинг моҳияти ва мурожаатга тааллуқли текширув ишлари, қўзғатилган жиноий иш ёки суд муҳокамасининг тавсифи, шунингдек бу текширув ишлари, қўзғатилган жиноий иш ёки суд муҳокамасини амалга ошираётган органнинг номланиши ва вазифалари;

с) судга оид ҳужжатларни топшириш билан боғлиқ илтимосларни истисно қилганда, тегишли далилларнинг қисқача баёни;

д) сўралаётган ёрдамнинг таърифи ва сўров бераётган иштирокчи Давлат риоя қилиниши таъминланишини хоҳлаётган исталган аниқ тартибот тўғрисида батафсил маълумот;

е) имкон борича, исталган тегишли шахснинг жойлашган ери, фуқаролиги ва шахси тўғрисидаги маълумотлар; ва

ф) далиллар, маълумот ёки чоралар сўралишидан мақсад.

16. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат, агар бирон қўшимча маълумот унинг ички қонунчилигига мувофиқ илтимос бажарилиши учун ёки бундай илтимос бажарилишини енгиллаштирадиган бўлса, зарур бўлган ҳолатларда ушбу қўшимча маълумотни сўраши мумкин.

17. Илтимос сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ ва сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига зид бўлмаган даражада, ва имкон қадар илтимосда кўрсатилган тартиботларга мувофиқ равишда бажарилади.

18. Агар бирон-бир шахс иштирокчи Давлат ҳудудида бўлса ва гувоҳ ёки эксперт сифатида бошқа иштирокчи Давлатнинг суд органларига гувоҳлик ёки кўрсатма бериши керак бўлиб ва тегишли шахснинг сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг ҳудудида бўлишининг имкони бўлмаса ёки иштирокчи Давлатнинг ҳудудида бўлиши мақсадга мувофиқ бўлмаса, гувоҳлик ёки кўрсатма берилишини, имконият даражасида ва ички қонунчиликнинг энг

муҳим принципларига мувофиқ ҳолда, биринчи иштирокчи Давлат бошқа иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра видео алоқа ёрдамида амалга ошириши мумкин. Иштирокчи Давлатлар гувоҳлик ва кўрсатмалар берилишини сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг суд органлари сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг суд органлари иштирокида ўтказиши тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

19. Сўров бераётган иштирокчи Давлат сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан тақдим этилган маълумот ва исбот-далиллардан, сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг аввалдан берган розилигисиз, мурожаатномада кўрсатилган тергов ишлари ёки суд муҳокамасидан бошқа тергов ишлари ёки суд муҳокамасида фойдаланмайди. Мазкур банддаги ҳеч қандай ҳолат сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан унинг ҳудудида ўтаётган тергов ва текширув ишлари жараёнида айбланувчини оқловчи маълумотлар ёки исбот-далилларни аниқланишига тўсқинлик қилмайди. Бундай ҳолатларда, сўров бераётган иштирокчи Давлат, маълумотлар ёки исбот далилларни аниқлашдан аввал, сўров берилаётган иштирокчи Давлатни бу ҳақда хабардор қилади ва агар, маслаҳатлашиш тўғрисида илтимос қилинган бўлса, сўров берилаётган иштирокчи Давлат билан маслаҳатлар ўтказади. Агар, истисно қилинган ҳолатларда, аввалдан хабар беришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда сўров бераётган иштирокчи Давлат бу каби оқловчи маълумотлар ёки исбот-далиллар аниқланганлиги ҳақида зудлик билан сўров берилаётган иштирокчи Давлатга хабар беради.

20. Сўров бераётган иштирокчи Давлат, мурожаатнинг бажарилиши учун зарур бўлган нарсаларни истисно қилганда, унинг мавжудлиги ва унинг моҳияти ошкора қилинмаслигини сўров берилаётган иштирокчи Давлатдан талаб қилиши мумкин. Агар сўров берилаётган Давлат ошкор қилинмаслик тўғрисидаги талабни бажара олмайдиган бўлса, у ҳолда сўров бераётган иштирокчи Давлатни дарҳол бу тўғрисида хабардор қилади.

21. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилишига қуйидаги ҳолатларда рад этилиши мумкин:

а) агар мурожаат мазкур модданинг ҳолатларига мувофиқ бўлмаган тарзда берилса;

б) агар сўров берилаётган иштирокчи Давлат мурожаатнинг бажарилиши унинг суверенитети, хавфсизлиги, оммавий тартибига

ёки бошқа ҳаётий муҳим манфаатларига зарар етказди деб ҳисобласа;

с) агар сўров берилаётган иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилиги исталган бу каби жиноятга нисбатан, агар бундай жиноят унинг суд қилиш ҳуқуқлари чегарасида олиб бориладиган текширув, тергов ишлари ёки суд муҳокамасининг предмети ҳисобланиб, сўралаётган чораларни амалга оширишни таъқиқлайдиган бўлса;

д) агар мурожаатнинг бажарилиши сўров берилаётган Давлатнинг ҳуқуқий тизимидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам масалаларига тааллуқли қисмига зид бўлса.

22. Иштирокчи Давлатлар ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги мурожаатни, фақат, жиноят, шунингдек солиқ масалалари билан боғлиқ деб ҳисоблангани сабабли рад этишлари мумкин эмас.

23. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам тақдим этилишига нисбатан билдирилган рад жавобларининг барчаси асосланиб берилиши лозим.

24. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақидаги мурожаатни имкон қадар қисқа муддатларда бажаради ва сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан таклиф қилинаётган ва, биринчи навбатда, мурожаатнинг ўзида асосланиб берилган исталган энг қисқа муддатларни имкон борича тўлиқ ҳисобга олади. Сўров бераётган иштирокчи Давлат сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан унинг илтимосини қондириш учун кўрилаётган чоралар мақоми ва илтимоснинг бажарилиши бўйича маълумотлар тақдим этилиши тўғрисидаги оқилона сўровлар билан мурожаат қилиши мумкин. Сўров бераётган иштирокчи Давлат сўралган ёрдам зарурати қолмаганлиги тўғрисида тезкор равишда сўров берилаётган иштирокчи Давлатни хабардор қилади.

25. Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши, амалга оширилаётган текширув, жинойий тергов ишлари ёки суд муҳокамасига тўсқинлик қилиши мумкинлиги билан асосланган ҳолда, сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан кечиктирилиши мумкин.

26. Мазкур модданинг 21-бандига асосан илтимосга рад жавобини беришдан ёки мазкур модданинг 25-бандига асосан илтимос бажарилишини кечиктиришдан аввал сўров берилаётган иштирокчи Давлат сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан зарур деб топилган шарт ва муддатларда ёрдам кўрсатилиши

мумкинлигини аниқлаш мақсадида сўров бераётган иштирокчи Давлат билан маслаҳатлашади. Агар сўров бераётган иштирокчи Давлат бу каби шартларда ёрдам кўрсатилишига рози бўлса, у ҳолда бу шартларга риоя қилади.

27. Сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг илтимосига кўра ушбу давлатнинг ҳудудида ўтказилаётган тергов ишларини амалга оширишда ёки суд муҳокамасида кўрсатма беришга розилик берган гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахснинг, мазкур модданинг 12-банди қўлланилишига зарар етказмаган ҳолда, уни топширган давлат ҳудудидан кетишидан аввалги вақт оралиғига тааллуқли бўлган ҳаракатлар, бажарилмаган ҳаракатлар ёки ҳукм чиқарилиши билан боғлиқ бўлган таъқиб қилинишига, қамоққа олинишига, жазоланишига ёки шахсий озодлигининг бошқа чекланишларига йўл қўйилмайди. Агар гувоҳ, эксперт ёки бошқа шахс, унинг ушбу ҳудудда бўлиши суд органларига талаб қилинмаслиги ҳақида расмий равишда хабардор қилинган кундан бошлаб кетма-кет ўн беш кун давомида ёки иштирокчи Давлатлар ўзаро келишиб олган муддат давомида сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳудудидан чиқиб кетиш имкониятига эга бўлса-да, лекин ўз ихтиёри билан ушбу ҳудудда қолса ёки ўзининг хоҳишига кўра яна қайтиб келса, у ҳолда бундай шахсий хавфсизлик кафолатининг амал қилиши тугайди.

28. Мурожаатни бажариш билан боғлиқ одатдаги харажатлар, агар манфаатдор иштирокчи Давлатлар бошқа шартлар тўғрисида келишиб олмаган бўлсалар, сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан қопланадилар. Агар мурожаатнинг бажарилиши жиддий ва фавқулодда харажатларни талаб қиладиган бўлса, иштирокчи Давлатлар мурожаат қайси шартларда бажарилиши, шунингдек, харажатларни қоплаш тартиби хусусида маслаҳатлашиб оладилар.

29. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат:

а) сўров бераётган иштирокчи Давлатга ўзида мавжуд бўлган ва ички қонунчилигига мувофиқ оммавий тарзда фойдаланишга рухсат берилган ҳукумат томонидан чиқарилган материаллар, ҳужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тақдим этади;

б) ўзи лозим топган ҳолларда сўров бераётган иштирокчи Давлатга, ўзи тегишли деб топган шартларга риоя қилиш шартида ўзида мавжуд бўлган ва ички қонунчилигига мувофиқ оммавий тарзда фойдаланишга рухсат этилмаган ҳукумат томонидан

чиқарилган материаллар, ҳужжатлар ёки маълумотларнинг нусхаларини тўлиқ ёки қисман тақдим этади.

30. Иштирокчи Давлатлар, зарурат туғилишига қараб, ушбу модда мақсадларига жавоб берувчи, унинг амал қилишини таъминловчи ёки тутган ўрнини мустаҳкамловчи икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар тузиш имкониятини кўриб чиқадилар.

47-модда. Жиноий иш юритувини топшириш

Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар муносабати билан юритилаётган текширув ишларини, бу каби ўзаро топширишлар одил судлов тегишли тарзда амалга оширилиши манфаатларига жавоб беради деб ҳисобланса, хусусан, агар жиноий ишларни бирлаштириш учун бир нечта юрисдикцияга муурожаат қилиниши лозим бўлса, ўзаро топшириш имкониятларини кўриб чиқадилар.

48-модда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорлик

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларга қарши курашиш учун қўлланиладиган қонуний чоралар самарадорлигини ошириш мақсадида, ўзларининг ички ҳуқуқий ва маъмурий тизимларига мувофиқ тарзда, бир-бирлари билан яқиндан ҳамкорлик қиладилар. Иштирокчи Давлатлар, хусусан, қуйидагиларга қаратилган самарали чораларни кўрадилар:

а) мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларнинг барча жиҳатлари тўғрисида, жумладан, агар иштирокчи Давлатлар буни зарур деб топсалар, жиноий фаолиятнинг бошқа турлари бўйича маълумотларнинг ишончли ва тезкор алмашинувини таъминлаш мақсадида иштирокчи Давлатларнинг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасида алоқа каналларини мустаҳкамлаш ва зарур бўлган ҳолатларда бу каби алоқани ўрнатиш;

б) мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар билан боғлиқ бўлган текширув ишларини олиб боришда қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ҳамкорлик қилиш:

i) бу каби жиноятларни содир этишда гумон қилинаётганларнинг шахси, жойлашган ери ва фаолияти ёки бошқа алоқадор шахсларнинг жойлашган ери;

e) бу каби жиноятлар содир этилиши натижасида орттирилган жиний даромадлар ёки мол-мулкнинг кўчиши, жойини ўзгартириши;

iii) бу каби жиноятларни содир этишда фойдаланилган ёки фойдаланиш учун мўлжалланган мол-мулк, ускуналар ёки бошқа воситаларнинг жойдан-жойга кўчиши.

c) лозим бўлган ҳолатларда таҳлил қилиш ёки текширув ўтказиш мақсадида зарур предметлар ёки зарур бўлган миқдорда моддаларни тақдим этиш;

d) зарур ҳолатларда бошқа иштирокчи Давлатлар билан мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни содир этишда қўлланиладиган аниқ воситалар ва усуллар, жумладан қалбаки шахсий гувоҳномалар, қалбаки, ўзгартирилган ёки сохта ҳужжатлар ва фаолиятини яширишда қўлланиладиган бошқа воситалар тўғрисидаги маълумотлар билан алмашиш;

e) уларнинг ваколатли органлари, муассасалари ва хизматлари ўртасидаги самарали мувофиқлаштиришга кўмаклашиш ва ходимлар ҳамда бошқа экспертлар билан алмашиш, шу жумладан, манфаатдор иштирокчи Давлатлар томонидан икки томонли келишувлар ва битимлар тузилиши шартда алоқа бўйича ходимларни жўнатиш;

f) ахборот алмашинуви ва, лозим бўлган ҳолатларда, мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятларни аввалдан аниқлаш мақсадида қўлланиладиган маъмурий ва бошқа чораларни мувофиқлаштириш.

2. Мазкур Конвенциянинг амалий қўлланилиши мақсадида иштирокчи Давлатлар ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари бир-бирлари билан бевосита ҳамкорлик қилишлари тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ва битимларни тузиш, агар бундай келишув ва битимлар мавжуд бўлган ҳолатларда эса уларга ўзгартишлар киритиш имкониятини кўриб чиқадилар. Манфаатдор иштирокчи давлатлар ўртасида бу каби келишув ва битимлар мавжуд бўлмаса, иштирокчилар мазкур Конвенцияни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур Конвенция қамраб олган жиноятларга қарши курашдаги ўзаро

ҳамкорлиги учун асос сифатида кўришлари мумкин. Иштирокчи Давлатлар, лозим бўлган ҳолатларда, ўзларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш учун келишув ва битимлардан, шу жумладан халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг механизмларидан тўлиқлигича фойдаланадилар.

3. Иштирокчи Давлатлар, ўз имкониятлари доирасида, мазкур Конвенцияда қамраб олинган ва замонавий технологияларни қўллаган ҳолда содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш учун ҳамкорлик қилишга интилади.

49-модда. Биргаликдаги тергов ишлари

Иштирокчи Давлатлар битта ёки бир нечта давлатларда олиб бориладиган жиноий таъқиб ёки суд муҳокамаси учун умумий ҳисобланган жиноятлар бўйича биргаликдаги терговни олиб бориш бўйича органлар тузиш тўғрисидаги манфаатдор ваколатли органлар ўртасида икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ёхуд битимларни тузиш имкониятларини кўриб чиқади. Бу каби келишув ёки битимлар бўлмаган тақдирда, биргаликдаги тергов ишлари ҳар бир алоҳида ҳолат учун тузилган келишув асосида олиб борилади. Тегишли иштирокчи Давлатлар, ҳудудида бундай текширув ва тергов ишлари олиб бориладиган иштирокчи Давлатнинг суверенитети тўлиқ ҳурмат қилинишини таъминлайди.

50-модда. Терговнинг махсус методлари

1. Коррупцияга қарши самарали курашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ички ҳуқуқий тизимидаги энг муҳим принциплари йўл қўядиган даражада ва унинг ички қонунчилигида белгиланган шартларда, ўзининг ваколатли органлари томонидан тегишли тарзда назорат остида етказиб беришга ва ўзи лозим деб топган ҳолатларда эса электрон кузатув ёки кузатувнинг бошқа шакллари қўллашга, шунингдек ўзининг ҳудудида амалга ошириладиган агентура операциялари каби текширув ишларини олиб боришнинг махсус методларидан, ўз имкониятлари доирасида, тегишли тарзда фойдаланишга, шунингдек бу каби методлар ёрдамида тўпланган исбот-далиллар судга қўйилишига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

2. Мазкур Конвенцияда қамраб олинган жиноятлар бўйича текширув олиб бориш мақсадида, зарурат мавжуд бўлган ҳолларда, текширувнинг бундай махсус методларидан халқаро миқёсда

ҳамкорлик қилиш контекстида фойдаланиш учун иштирокчи Давлатлар томонидан икки томонлама ёки кўп томонлама келишув ёхуд битимлар тузиши рағбатлантирилади. Бундай келишув ёки битимлар давлатларнинг суверен тенгҳуқуқлик принципига тўла риоя қилган ҳолда тузилади ва амалга оширилади ҳамда ушбу келишув ёки битимларнинг шартларига қатъий амал қилган ҳолда қўлланилади.

3. 2-бандда кўрсатилган келишув ва битимлар мавжуд бўлмаганида текширувнинг бундай махсус методларидан халқаро миқёсда фойдаланиш тўғрисидаги қарор ҳар бир алоҳида ҳолат учун қабул қилиниши мумкин ва, зарурат туғилганида, молиявий келишувлар ҳамда суд қилиш ҳуқуқини амалга оширишда манфаатдор иштирокчи Давлатларнинг ҳамжиҳатлигини ҳисобга олади.

4. Назорат остида етказиб беришдан халқаро миқёсда фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар, манфаатдор иштирокчи Давлатларнинг розилиги билан, юкларни ушлаб олиб қолиш ва уларга тегмасдан қолдириш ёки уларни тўлиқ ёхуд қисман муомаладан чиқариш ёки алмаштириш каби методларни ўз ичига олиши мумкин.

V боб. Активларни қайтариш бўйича чоралар

51-модда. Умумий қоидалар

Мазкур бобга асосан активларнинг қайтарилиши ўз моҳиятига кўра мазкур Конвенциянинг энг муҳим принципи ҳисобланади ва иштирокчи Давлатлар ушбу йўналишда бир-бирлари билан кенг миқёсда ва яқиндан ҳамкорлик қиладилар ҳамда бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

52-модда. Жиноий даромадлар бошқа жойга ўтказилишини олдини олиш ва аниқлаш

Ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур Конвенциянинг 14-моддасига зарар етказмаган ҳолда, ўзининг юрисдикцияси дахл қилиши мумкин бўлган молия муассасаларидан мижозлар шахсини аниқлашни, катта ҳажмдаги маблағлар жамланган ҳисоб рақамларида депонентланган бенефициар маблағлар эгаларининг шахсини аниқлаш учун оқилона чораларни кўришни, катта миқёсдаги ва аҳамиятли оммавий ваколатларга бугунги кунда эга ёки аввалроқ эга бўлган шахслар,

уларнинг оила аъзолари ва улар билан яқиндан алоқа қиладиган ҳамкорлар ёки юқорида санаб ўтилган шахслар номидан очилмоқчи бўлган ёки олиб борилаётган ҳисоб рақамларини янада кучлироқ назорат қилинишини талаб қилиш учун ушбу иштирокчи Давлатнинг ички қонунчилигига мувофиқ талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради. Бундай қатъий чоралар шубҳали операцияларни оқилона даражада аниқлаш учун қаратилган бўлиб, ваколатли органларга тегишли маълумотлар етказилиши учун мўлжалланган ва молия муассасаси исталган қонуний мижоз билан иш юритишига тўсқинлик қиладиган ёки таъқиқлайдиган тарзда талқин этилмаслиги лозим.

2. Мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган чоралар амалга оширилишига кўмаклашиш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ ҳамда пул маблағларини ҳалоллаб олиш бўйича минтақавий, минтақалараро ва кўп томонлама ташкилотларнинг тегишли ташаббусларига таянган ҳолда:

а) ҳисоб рақамларига ўзининг юрисдикцияси дахл қиладиган молия муассасалари томонидан назоратнинг янада қатъийроқ чоралари кўрилиши кутилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг тоифаларига, алоҳида эътибор берилиши лозим бўлган ҳисоб рақамлари ва операцияларнинг турларига, ҳамда ҳисоб рақамларини очиш ва юритиш бўйича тегишли чораларга, шунингдек шу каби ҳисоб рақамларига нисбатан қабул қилинувчи ҳисоб рақамлари бўйича олиб бориладиган ҳисобот ва молиявий ҳужжатларга нисбатан тавсиявий кўрсатмалар чиқаради, ва

б) тегишли ҳолатларда, ўзининг юрисдикцияси дахл қиладиган молия муассасаларини бошқа иштирокчи Давлатнинг илтимоси ёки ўзининг ташаббусига кўра, бу каби молия муассасалари томонидан назоратнинг янада қатъийроқ чоралари кўрилиши кутилаётган ҳисоб рақамларига эга аниқ жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисида, молия муассасаси томонидан бошқача тартибда аниқланиши мумкин бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотларга қўшимча қилган ҳолда, хабардор қилади.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат, мазкур модданинг 2 (а)-банди контекстида ўзининг молия муассасалари, мазкур модданинг 1-бандида қайд этилган шахсларга дахлдор бўлган ҳисоб рақамлари ва операциялар тўғрисидаги ва таркибида камида мижознинг шахси,

шунингдек, имкон қадар, бенефициар эгасига тааллуқли бўлган маълумотлари мавжуд молиявий ҳужжатлар ва ҳисоботлар тегишли муддат давомида сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни амалга оширади.

4. Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида топилган жиноий даромадлар бошқа жойларга ўтказилишини олдини олиш ва аниқлаш мақсадида ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг тартибга солувчи ва назорат органлари, жисмоний иштироки бўлмаган ёки бирон мувофиқлаштирилмаган молиявий гуруҳ билан аффиляция қилинмаган банк муассасалари ёрдамида тегишли ва амалий чораларни амалга оширади. Ундан ташқари, иштирокчи Давлатлар ўзларининг молия муассасаларига нисбатан бу каби молия муассасалари билан банк корреспондентлик муносабатларни ўрнатишни ёки бундай муносабатларни давом эттиришни рад қилиш, шунингдек жисмоний иштироки бўлмаган ёки бирон мувофиқлаштирилмаган молиявий гуруҳ билан аффиляция қилинмаган банклар томонидан ҳисоб рақамларидан фойдаланишига рухсат берувчи хорижий молиявий муассасалар билан муносабатларни ўрнатишдан сақланиш каби талабларни ўрнатиш имкониятини кўриб чиқишлари мумкин.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тегишли оммавий мансабдор шахсларга тааллуқли молиявий маълумотларни ошкор қилиб беришни кўзда тутувчи самарали тизимларни ташкил қилиш имкониятларини кўриб чиқади ва ушбу талабларга риоя қилинмаслиги учун тегишли жазо чораларини белгилайди. Ҳар бир иштирокчи Давлат, шунингдек, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали топилган жиноий даромадларни қайтариш мақсадида текширув олиб бориш, ҳуқуқларини баён қилиш ва тегишли чораларни кўриш учун зарур бўлган ҳолатларда ўзининг ваколатли органларига бошқа иштирокчи Давлатнинг ваколатли органлари билан бундай маълумотлар билан алмашишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат бирон хорижий мамлакатдаги бирон-бир молиявий ҳисоб рақамга нисбатан манфаатга ёки имзо қўйиш ҳуқуқига ёхуд бошқа ваколатга эга бўлган оммавий мансабдор

шахслар учун бу ҳақда тегишли органларга хабар бериш ва бу каби ҳисоб рақамларга тааллуқли ҳисобот олиб бориш талабини белгилаш учун ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқади. Бу каби чоралар, шунингдек, бундай талабларга риоя қилмаслик учун тегишли санкциялар қўлланилишини кўзда тутадилар.

53-модда. Мол-мулк бевосита қайтарилиши учун чоралар

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ:

а) бошқа иштирокчи Давлатга мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган мол-мулкка нисбатан ҳуқуқий унвон ёки эгалик қилиш ҳуқуқини талаб қилиш юзасидан фуқаролик даъволарини ўзининг судларига тақдим этишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзларининг судларига мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга бундай жиноят содир этилиши оқибатида бошқа иштирокчи Давлатга етказилган зарарни ўрнини тўлдириш ёки қоплаш тўғрисида фармойиш беришига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

с) мусодара қилиш тўғрисидаги қарорларни чиқаришда мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган мол-мулкнинг қонуний эгаси сифатида бошқа иштирокчи Давлат томонидан қўйиладиган талабларни ўзларининг судлари ёки ваколатли органлари тан олинишига йўл қўйиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради.

54-модда. Мусодара қилиш ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик

воситасида мол-мулкни муомаладан чиқариш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар натижасида сотиб олинган ёки бу каби жиноятларни содир этилишида фойдаланилган мол-мулкка тааллуқли ўзаро ҳуқуқий ёрдамни мазкур Конвенциянинг 55-моддасига асосан тақдим этиш мақсадида, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ:

а) бошқа иштирокчи Давлат судлари томонидан мусодара қилиш тўғрисида чиқарилган қарорларни ўзининг ваколатли органлари ижро

этишига рухсат берилиши учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзининг ваколатли органларига, уларнинг юрисдикцияси доирасида, пул маблағларини легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар ёки унинг юрисдикциясига тааллуқли бўлиши мумкин бўлган бошқа жиноятлар юзасидан суд қарорини чиқаришда ёхуд ички қонунчилигида рухсат этилган бошқа тартиботлардан фойдаланишда келиб чиқиши хорижий бўлган бундай мол-мулк мусодара қилиниши тўғрисида қарор чиқаришларига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради; ва

с) вафот этганлиги, яширилганлиги ёки йўқлиги сабабли жиноятчи таъқиб этилишининг имкони бўлмаган ёхуд бошқа мувофиқ ҳолатларда кўрилатган жинойий ишлар доирасида қарор чиқармасдан туриб бундай мол-мулкнинг мусодара қилинишига имконият яратиш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни қабул қилиш бўйича масалани кўриб чиқади.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 55-моддаси, 2-бандига асосан жўнатилган илтимос бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамни тақдим этиш мақсадида, ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ:

а) ўзининг ваколатли органларига сўров бераётган иштирокчи Давлатнинг суди ёки ваколатли органлари томонидан мол-мулкни муомаладан чиқариб ишга солмай қўйиш ёки ҳибсга олиш тўғрисида чиқарилган ва сўров берилаётган иштирокчи Давлатга бу каби чоралар кўрилиши учун етарли асослар мавжуд ва, яқуний натижада, ушбу мол-мулкка нисбатан мазкур модданинг 1 (а)-банди мақсадлари учун мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарилади деб ҳисоблашга имкон берувчи оқилона асослар баён этилган қарорга асосан мол-мулкни ишга солмай қўйишига ёки ҳибсга олишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради;

б) ўзининг ваколатли органларига сўров берилаётган иштирокчи Давлатга бу каби чоралар кўрилиши учун етарли асослар мавжуд ва, яқуний натижада, ушбу мол-мулкка нисбатан мазкур модданинг 1 (а)-банди мақсадлари учун мусодара қилиш тўғрисида қарор чиқарилади деб ҳисоблашга имкон берувчи оқилона асослар баён этилган муурожаатга асосан мол-мулкни муомаладан чиқариб туриб ишга солмай қўйишига ёки ҳибсга олишига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган чораларни кўради; ва

с) ўзининг ваколатли органларига мусодара қилиш мақсадларида мол-мулкни сақлаб қолишига, масалан, бу каби мол-мулкни сотиб олиниши муносабати билан хорижда чиқарилган ҳибсга олиш тўғрисидаги қарор ёки жиноий иш қўзғатилишига асосланган ҳолда, рухсат бериши учун қўшимча чораларни қабул қилиш масаласини кўриб чиқади.

55-модда. Мусодара қилиш мақсадларидаги халқаро ҳамкорлик

1. Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон хатти-ҳаракат юрисдикциясига тааллуқли ҳисобланган иштирокчи Давлатдан мазкур Конвенциянинг 31-моддаси 1-бандида қайд этилган ва ўз ҳудудида жойлашган жиноий даромадларни, мол-мулкни, ускуналари ва жиноят содир этишнинг бошқа воситаларини мусодара қилиш тўғрисида мурожаатнома олган иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилиги доирасида мумкин бўлган максимал даражада:

а) мусодара қилиш тўғрисидаги қарорни олиш мақсадида бу илтимосни ўзининг ваколатли органларига юборади ва шундай қарорни олган тақдирда уни ижро этади, ёки

б) ўзининг ваколатли органларига сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳудудида мазкур Конвенциянинг 31-моддаси 1-банди ва 54-моддаси 1 (а)-бандига мувофиқ суд томонидан мусодара қилиш тўғрисидаги чиқарилган қарорни, мурожаатда кўрсатилган ҳажмда ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат ҳудудидаги 31-модданинг 1-бандида қайд этилган жиноий даромадлар, мол-мулк, ускуна ёки жиноят содир этишнинг бошқа воситаларига тааллуқли бўлган даражада ижро этиш мақсадида юборади.

2. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат Мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган бирон хатти-ҳаракат юрисдикциясига тааллуқли ҳисобланган иштирокчи Давлатдан мурожаатнома олганидан кейин, 31-модданинг 1-бандида қайд этилган жиноий даромадлар, мол-мулк, ускуна ёки жиноят содир этишнинг бошқа воситаларини аниқлаш, кузатиш, муомаладан чиқариб туриб ишга солмай қўйиш ёки ҳибсга олиш мақсадида ва кейинчалик, сўров бераётган иштирокчи Давлат томонидан чиқарилувчи қарорга ёки

мазкур модданинг 1-бандига асосан қилинган муурожаатга мувофиқ, мусодара қилиш учун чоралар кўради.

3. Мазкур Конвенциянинг 46-моддасидаги ҳолатлар мазкур моддага нисбатан *mutatis mutandis* тарзда қўлланилади. Мазкур моддага мувофиқ юборилаётган илтимос таркибида 46-модданинг 15-бандида кўрсатилган маълумотларга қўшимча қилинган қуйидагилар баён этилади:

а) мазкур модданинг 1 (а)-бандида кўзда тутилган муурожаат қўлланишига – мусодара қилиниши лозим бўлган мол-мулкнинг таърифланиши, шу жумладан, имкон даражасида унинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва, агар бу ўринли бўлса, мол-мулкнинг баҳоланган қиймати ва сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳавола қилаётган ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ қарор чиқариши учун чоралар кўришига етарли бўлган далиллар баён этилган ариза;

б) мазкур модданинг 1 (б)-бандида кўзда тутилган муурожаат қўлланишига - сўров бераётган иштирокчи Давлат муурожаатини асослаб берувчи ва у томондан берилган мусодара тўғрисидаги қарорнинг юридик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган нусхаси, далилларнинг баёни келтирилган ариза ва қарор ижросининг сўралаётган ҳажми тўғрисидаги маълумот, сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳалол учинчи томонларга тегишли хабарнома юбориши ва тегишли ҳуқуқий тартиботларга риоя қилинишини таъминлаш учун кўрилган чоралар кўрсатилган ариза ҳамда мусодара тўғрисидаги қарор қатъий эканлиги тўғрисидаги ариза;

с) мазкур модданинг 1-бандида кўзда тутилган муурожаат қўлланишига - сўров бераётган иштирокчи Давлат ҳавола қилаётган далиллар баён этилган ариза ва қўлланилаётган чораларнинг таърифланиши, шунингдек, агар мавжуд бўлса, муурожаатни асослаб берувчи қарорнинг юридик жиҳатдан йўл қўйилиши мумкин бўлган нусхаси.

4. Мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида кўзда тутилган қарорлар ёки чоралар сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан унинг ички қонунчилигидаги ҳолатларга ва унинг процессуал нормалари ёки исталган икки томонлама ёхуд сўров бераётган иштирокчи Давлат билан муносабатлари асносида боғлиқ бўлган кўп томонлама

келишувлар ёки битимларга мувофиқ ва уларга риоя қилиш шартида қабул қилинади.

5. Ҳар бир иштирокчи Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига мазкур моддадаги ҳолатлар амалга оширилишини таъминловчи қонун ва қоидаларининг матнларини, шунингдек ушбу қонун ва қоидаларга кейинчалик киритилган барча исталган ўзгартишларнинг матнлари ёки таърифланишларини тақдим этади.

6. Агар иштирокчи Давлат мазкур модданинг 1- ва 2-бандларида қайд этилган чоралар кўрилишини мувофиқ шартнома мавжуд бўлиши билан шартлашни хоҳласа, у ҳолда бу иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияни зарур ва етарли бўлган шартномавий-ҳуқуқий асос сифатида кўради.

7. Агар сўров берилаётган иштирокчи Давлат ўз вақтида етарли исбот-далиллар олмаса ёки агар мол-мулк минимал қийматга эга бўлса мазкур моддага асосланган ҳамкорликка рад жавоби ҳам берилиши мумкин.

8. Мазкур моддага мувофиқ қабул қилинган исталган таъминловчи чоранинг бекор қилинишидан аввал сўров берилаётган иштирокчи Давлат, мумкин бўлган ҳолатларда, сўров бераётган иштирокчи Давлатга бундай чорани амалга оширишни давом эттириш фойдадан холи бўлмаслигини асослаб бериши учун имконият тақдим этади.

9. Мазкур модданинг ҳолатлари ҳалол учинчи томонларнинг ҳуқуқларига зарар етказадиган тарзда талқин қилинмайди.

56-модда. Махсус ҳамкорлик

Ҳар бир иштирокчи Давлат, ўзининг ички қонунчилигига зарар етказмаган ҳолда, мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган даромадлар тўғрисидаги маълумотларни ўзининг текширув ишларига, кўрилаётган жиноий ишларига ёки суд муҳокамасига зарар етказмасдан туриб, агар бу каби маълумотларнинг ошқора қилиниши уни олаётган иштирокчи Давлатга жиноий ишни кўзғатиш ёки текширув ишларини ёки суд муҳокамасини ўтказишига кўмак беради ёхуд ушбу иштирокчи Давлат томонидан бу илтимосномани Конвенциянинг мазкур моддасига мувофиқлаштиришига йўналтиради деб ҳисобласа, бошқа

иштирокчи Давлатга аввалдан илтимоснома қилинмаган ҳолларда ҳам жўнатиш имкониятини берувчи чоралар кўришга интилади.

57-модда. Активларни қайтариш ва уларни тасарруф қилиш

1. Иштирокчи Давлат томонидан мазкур Конвенциянинг 31-моддасига ёки 55-моддасига асосан мусодара қилинган мол-мулкни, жумладан мазкур модданинг 3-бандига кўра аввалги қонуний эгаларига қайтарилган мол-мулкни иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг ҳолатлари ва ўзининг ички қонунчилигига мувофиқ тасарруф қилади.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат, ички қонунчилигининг энг муҳим принципларига мувофиқ, ўзининг ваколатли органларига, улар бошқа иштирокчи Давлат томонидан юборилган илтимоснома бўйича иш тутаётганларида, мусодара қилинган мол-мулкни, ҳалол учинчи томонларнинг ҳуқуқларини ҳисобга олган ҳолда, мазкур Конвенцияга мувофиқ қайтариб беришларига рухсат бериш учун талаб қилиниши мумкин бўлган қонуний ва бошқа чоралар кўради.

3. Иштирокчи Давлат мазкур Конвенциянинг 46- ва 55-моддаларига ва мазкур модданинг 1- ва 2-бандларига мувофиқ:

а) мазкур Конвенциянинг 17- ва 33-моддаларида қайд этилганидек, оммавий маблағлар ўғирланганида ёки оммавий маблағлар ҳалоллаштирилганида, агар мусодара 55-моддага мувофиқ ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан чиқарилган якуний қарор асосида амалга оширилган бўлса, ва айнан шу талаб сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, мусодара қилинган мол-мулкни сўров бераётган иштирокчи Давлатга қайтариб беради;

б) мазкур Конвенцияда қамраб олинган исталган жиноят орқали даромад топилганида, агар мусодара 55-моддага мувофиқ ва сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан чиқарилган якуний қарор асосида амалга оширилган бўлса, ва айнан шу талаб сўров берилаётган иштирокчи Давлат томонидан бекор қилиниши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, агар сўров берилаётган иштирокчи Давлат сўров бераётган иштирокчи Давлатга ушбу мусодара қилинган мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи аввалдан бор бўлганини оқилона исботлаб берса ёки сўров берилаётган иштирокчи Давлат сўров бераётган Давлатга етказилган зарарни мусодара қилинган мол-мулкни қайтариб бериш учун асос сифатида тан олса,

мусодара қилинган мол-мулкни сўров бераётган иштирокчи Давлатга қайтариб беради;

с) барча бошқа ҳолатларда, биринчи навбатда, мусодара қилинган мол-мулкни сўров бераётган иштирокчи Давлатга, бундай мол-мулкни унинг аввалги қонуний эгаларига қайтарилиши ёки жиноятдан жабр кўрганларга компенсация тўланиши масаласи кўради.

4. Сўров берилаётган иштирокчи Давлат тегишли ҳолатларда, агар фақат иштирокчи Давлатлар бошқа қарорни қабул қилмасалар, сўров берилаётган иштирокчи Давлат мусодара қилинган мол-мулк қайтарилишига ёки мазкур моддага мувофиқ тасарруф қилинишига олиб келган тергов ишлари, кўрилган жиноий иш ёки суд муҳокамаси вақтида сарфланган оқилона харажатларни олиб қолиши мумкин.

5. Иштирокчи Давлатлар тегишли ҳолатларда мусодара қилинган мол-мулкни узил-кесил тасарруф қилиниши хусусида келишувлар ёки томонлар учун бирдек мақбул бўлган битимлар тузиш имкониятини ҳар бир алоҳида ҳолат учун кўриб чиқишлари мумкин.

58-модда. Тезкор молиявий маълумотларни йиғиш учун бўлинмалар

Иштирокчи давлатлар мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали топилган жиноий даромадларнинг жойдан жойга кўчирилишини олдини олиш ва уларга қарши курашиш, шунингдек бундай даромадларни муомаладан чиқариш мақсадларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қиладилар ва шу мақсадларда шубҳали молиявий операциялар тўғрисида маълумотлар олиш, уларни таҳлил қилиш ва ваколатли органларга жўнатиш учун масъул бўлган тезкор молиявий маълумот йиғиш бўйича бўлинмаларни ташкил қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқадиладар.

59-модда. Икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ҳамда битимлар

Иштирокчи давлатлар Конвенциянинг мазкур бобига асосан амалга ошириладиган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ва битимлар тузиш имкониятларини кўриб чиқадиладар.

VI боб. Техник ёрдам ва маълумот алмашинуви

60-модда. Кадрларни тайёрлаш ва техник ёрдам

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш учун масъул бўлган ўз ходимларини тайёрлаш бўйича, лозим деб топилган даражада, дастурларни ишлаб чиқади, амалга оширади ёки такомиллаштиради. Кадрларни тайёрлаш бўйича бундай дастурлар, бошқалари билан бир қаторда, қуйидаги соҳаларга тегишли бўлиши мумкин:

а) коррупцияга оид ҳаракатларни олдини олиш, аниқлаш ва текшириш, шунингдек улар учун жазолаш, жумладан исбот-далиллар тўплаш ва текширув методлари бўйича самарали чоралар;

б) коррупцияга қарши кураш бўйича стратегик сиёсатни ишлаб чиқиш ва режалаштириш соҳасида потенциал яратиш;

с) мазкур Конвенция талабларига жавоб берадиган ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги илтимосномаларни тузиш масалалари бўйича ваколатли органларнинг ходимларини тайёрлаш;

д) оммавий хизмат муассасалари, бошқармаларини ва оммавий молиявий маблағлар, шу жумладан оммавий харидлар ва хусусий сектор бошқармаларини баҳолаш ва мустаҳкамлаш;

е) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларнинг жойдан-жойга кўчирилишини аниқлаш, шунингдек бундай даромадларни муомаладан чиқариш;

ф) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларнинг жойдан-жойга кўчириш бўйича операцияларни аниқлаш ва тўхтатиш;

г) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларнинг жойдан-жойга кўчирилишини ва жойдан-жойга кўчириш, яшириш ва беркитиш методларини кузатиш;

ҳ) мазкур Конвенцияда жиноят деб тан олинган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларни муомаладан чиқаришга ёрдам берувчи тегишли ва самарали ҳуқуқий ҳамда маъмурий механизмлар ва методлар;

и) жабрланувчилар ва суд органлари билан ҳамкорлик қиладиган гувоҳларни ҳимоя қилишда фойдаланиладиган методлар;

ж) миллий ва халқаро коидаларга, шунингдек тилларни ўрганишга тааллуқли масалалар бўйича ходимларни тайёрлаш.

2. Иштирокчи Давлатлар, ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бир-бирларига кенг миқёсда, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар манфаатлари учун, уларнинг коррупцияга қарши кураш бўйича мувофиқ режалари ва дастурлари муносабати билан тегишли техник ёрдам бериш, жумладан моддий қўллаб-қувватлаш ва мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган соҳаларда кадрларни тайёрлаш, шунингдек иштирокчи Давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш имкониятини яратадиган кадрларни тайёрлаш ва ёрдам кўрсатиш ҳамда тегишли тажриба ва махсус билимларни алмашиш масаласини кўриб чиқадилар.

3. Иштирокчи Давлатлар, қанчалик лозим бўлса, халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги ҳамда тегишли икки томонлама ва кўп томонлама келишувлар ва битимлар доирасидаги амалий ва ўқув тадбирлар самарадорлигини максимал оширишга қаратилган ҳаракатларини фаоллаштирадилар.

5. Иштирокчи давлатлар ваколатли органлар ва жамият иштирокида коррупцияга қарши кураш бўйича стратегиялар ва режалар ишлаб чиқиш мақсадида ўз мамлакатларидаги коррупциянинг турлари, сабаблари, оқибатлари ва зарарлари билан боғлиқ бўлган баҳолашлар, тадқиқотлар ва ишланмаларни ўтказиш учун, ўзаро илтимосномаларга асосан, бир-бирларига ёрдам бериш имкониятларини кўриб чиқадилар.

5. Мазкур Конвенцияда жиноят деб топилган ҳатти-ҳаракатлар орқали орттирилган жиноий даромадларни муомаладан чиқаришга ёрдам бериш учун иштирокчи Давлатлар ушбу мақсадга эришишда ёрдам кўрсатиши мумкин бўлган экспертлар номларини бир-бирларига тақдим этишда ҳамкорлик қилишлари мумкин.

6. Иштирокчи давлатлар ҳамкорлик ва техник ёрдамга кўмаклашиш ҳамда ўзаро манфаатли муаммолар, шу жумладан ўтиш иқтисодиётига эга бўлган ривожланаётган мамлакатларнинг алоҳида муаммолари ва талабларини муҳокама қилишни рағбатлантириш учун субминтақавий, минтақавий ва халқаро конференция ва семинарлардан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқадилар.

7. Иштирокчи давлатлар ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларнинг техник ёрдам соҳасидаги дастур ва лойиҳалар воситасида мазкур Конвенцияни қўллаш бўйича

амалга ошираётган ҳаракатларига молиявий ёрдам бериш мақсадида ихтиёрий механизмлар яратиш имкониятини кўриб чиқадилар.

8. Ҳар бир иштирокчи Давлат ривожланаётган мамлакатларда мазкур Конвенцияни қўллаш учун Бошқарма орқали дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга ёрдам бериш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотиклар ва жиноятлар бўйича Бошқармаси эҳтиёжлари учун ихтиёрий бадаллар киритиш имониятини кўриб чиқади.

61-модда. Коррупция тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва маълумотларни алмашиш

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат экспертлар билан маслаҳатлашиш, маслаҳатлар ўтказиш, ўз ҳудудидаги коррупция соҳасидаги тенденцияларни, шунингдек коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиладиган шарт-шароитларни таҳлил қилиш имкониятларини кўриб чиқади.

2. Иштирокчи Давлатлар, мумкин бўлган қадар, умумий таърифланишлар, стандартлар ва методологияларни ишлаб чиқиш мақсадида коррупцияга оид статистик маълумотларни, таҳлилий билимларни ва шу жумладан, коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш ишида амалиётнинг оптимал турлари ҳақидаги маълумотларни кенгайтириш ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар воситасида ушбу маълумотларни алмашиш имкониятини кўриб чиқадилар.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат ўзининг коррупцияга қарши сиёсати ва кураши бўйича профилактик чора-тадбирлари устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек уларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш имкониятларини кўриб чиқади.

62-модда. Бошқа чоралар: мазкур Конвенцияни иқтисодий ривожланиш ва техник ёрдам асосида амалга ошириш

1. Иштирокчи Давлатлар жамият учун умуман, жумладан барқарор ривожланиш учун коррупциянинг салбий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, мумкин бўлган қадар, халқаро ҳамкорлик воситасида мазкур Конвенцияни оптимал амалга оширилишига ёрдам берувчи чораларни кўрадилар.

2. Иштирокчи Давлатлар, мумкин бўлган қадар ҳамда бир-бирлари, шунингдек халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан мувофиқлаштирилган тарзда қуйидагиларга эришиш учун аниқ чора-тадбирларни кўради:

а) ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида имкониятларини мустаҳкамлаш мақсадида улар билан турли даражаларда ҳамкорликни фаоллаштириш;

б) ривожланаётган мамлакатларнинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида молиявий ва техник ёрдамни кенгайтириш ва улар мазкур Конвенцияни муваффақиятли амалга оширишлари учун амалий ёрдам кўрсатиш;

с) ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларга, уларнинг мазкур Конвенцияни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш мақсадида техник ёрдам кўрсатиш. Бунинг учун иштирокчи Давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан аниқ ушбу мақсадлар учун ташкил қилинган молиялаштириш механизмининг ҳисоб рақамига мунтазам равишда етарли миқдорда ихтиёрий бадаллар киритишга интиладилар. Иштирокчи Давлатлар, шунингдек, ўзларининг ички қонунчилигига ва мазкур Конвенциянинг ҳолатларига мувофиқ мусодара қилинган пул маблағлари ёки жиноий даромадлар ёки мол-мулкнинг тегишли қийматининг муайян қисмини юқорида қайд этилган ҳисоб рақамига ўтказиш имкониятини алоҳида кўриб чиқишлари мумкин.

д) бошқа давлатлар ва молиявий муассасаларни, тегишли ҳолатларда, мазкур моддага мувофиқ амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қўшилишга, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлар мазкур Конвенциянинг мақсадларига эришиши учун уларга кадрларни тайёрлаш бўйича дастурларни ва замонавий ускуналарни каттароқ ҳажмларда тақдим этилишини таъминлаш йўли билан рағбатлантириш ва қўндириш.

3. Бу чора-тадбирлар, мумкин бўлган қадар, хорижий ёрдам ёки икки томонлама, минтақавий ёки халқаро миқёсдаги молиявий ҳамкорлик тўғрисида тузилган бошқа битимларга тааллуқли мавжуд мажбуриятларга зарар етказмайди.

4. Иштирокчи Давлатлар, мазкур Конвенцияда кўзда тутилган халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлаш, шунингдек коррупцияни олдини олиш ва аниқлаш, унга қарши курашиш учун зарур бўлган молиявий битимларни эътиборга олган ҳолда, моддий-техник ёрдам тўғрисидаги икки томонлама ёки кўп томонлама келишувлар ёхуд битимлар тузишлари мумкин.

VII боб. Амалга ошириш механизмлари

63-модда. Конвенцияда иштирок этадиган Давлатлар конференцияси

1. Мазкур Конвенцияда белгиланган мақсадларга етишиш учун иштирокчи Давлатлар имкониятларини ва улар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, мазкур Конвенцияни амалга оширишга ёрдам бериш ва уни амалга оширилишини кузатиш мақсадида Конвенцияда иштирок этадиган Давлатларнинг Конференцияси таъсис этилади.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош қотиби иштирокчи Давлатлар Конференциясини мазкур Конвенция кучга кирган кундан кейин бир йилдан кечиктирмай чақиради. Кейинчалик, иштирокчи Давлатлар Конференцияси томонидан қабул қилинган тартиботларга мувофиқ, Конференциянинг навбатдаги кенгашлари ўтказилади.

3. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси мазкур моддада кўрсатилган фаолият турлари амалга оширилишини тартибга солувчи тартибот ва қоидаларни, жумладан кузатувчиларга рухсат берилиши ва уларнинг иштироки ҳамда ушбу фаолият турларини амалга оширишда сарфланган харажатларни тўлаш билан боғлиқ қоидаларни қабул қилади.

4. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси мазкур модданинг 1-бандида баён этилган мақсадларга эришиш учун фаолият турлари, тартиботлар ва ишлаш методларини келишитиради, шу жумладан:

а) иштирокчи Давлатлар фаолиятига мазкур Конвенциянинг 60-ва 62-моддалари ва II–V бобларига асосан кўмаклашиш, шу жумладан ихтиёрий бадаллар сафарбарлигини рағбатлантириш йўли билан ҳам;

б) иштирокчи Давлатлар ўртасида коррупциянинг шакллари ва бу соҳадаги тенденциялар тўғрисидаги, шунингдек коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашиш жинойй даромадларни қайтариш

тўғрисидаги маълумотлар алмашинувига кўмаклашиш, бошқалари билан бир қаторда мазкур моддада қайд этилган маълумотларни чоп этиш;

с) тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва механизмлар, шунингдек нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

д) коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар тайёрлаган мувофиқ маълумотлардан, ишларнинг такрорланишини олдини олиш учун тегишли тарзда фойдаланиш;

е) иштирокчи Давлатлар томонидан мазкур Конвенциянинг амалга оширилиши тўғрисидаги масалани даврий равишда кўриб чиқиш;

ф) мазкур Конвенцияни такомиллаштириш ва амалга оширилишига тааллуқли бўлган тавсияларни бериш;

г) мазкур Конвенциянинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган техник ёрдамга эҳтиёжларни ҳисобга олиш ва шу муносабат билан мазкур Конвенция зарур деб топган исталган ҳаракатларга нисбатан тавсияларни бериш;

5. Мазкур модданинг 4-банди мақсадлари учун иштирокчи Давлатлар Конференцияси мазкур Конвенция амалга оширилишида иштирокчи Давлатлар томонидан кўрилган чоралар ва бунда улар дуч келган қийинчиликлар тўғрисида уларга тақдим этилган маълумотлар асосида ва кузатув олиб боришнинг иштирокчи Давлатлар Конференцияси томонидан ташкил қилиниши мумкин бўлган қўшимча механизмлар орқали зарур бўлган маълумотларни олади.

6. Ҳар бир иштирокчи Давлат иштирокчи Давлатлар Конференциясига ўзининг дастурлари, режалари ва амалиёти, шунингдек мазкур Конвенцияни амалга оширишга қаратилган қонунчий ва маъмурий чоралари ҳақида иштирокчи Давлатлар Конференцияси талаб қилган кўринишда маълумот тақдим этади. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси бу каби маълумотларни, ва шу жумладан, бошқалари билан бир қаторда, иштирокчи Давлатлар ва ваколатли халқаро ташкилотлардан олинган маълумотларни олишнинг энг самарали йўллари ва мувофиқ қарорлар асосида қабул қилиш тўғрисидаги масалани ўрганиб чиқади. Шунингдек, иштирокчи Давлатлар Конференциясининг қарори билан тасдиқланган тартиботларга асосан тегишли тарзда аккредитация

қилинган нодавлат ташкилотлардан олинган материаллар ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

7. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси, мазкур модданинг 4-6 бандларига асосан, агар буни лозим деб топса, Конвенцияни самарали амалга оширишга кўмаклашиш учун исталган мувофиқ механизм ёки орган таъсис этади.

64-модда. Котибият

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби иштирокчи Давлатлар Конференциясини зарур бўлган секретариат хизмати билан таъминлайди.

2. Котибият:

а) иштирокчи Давлатлар Конференциясига мазкур Конвенциянинг 63-моддасида сўз юритилган фаолиятни амалга оширишда ёрдам беради, шунингдек иштирокчи Давлатлар Конференциясининг сессияларини ташкил қилади ва уларни зарур бўлган хизмат кўрсатиш била таъминлайди.

б) иштирокчи Давлатларнинг илтимосига кўра, мазкур Конвенциянинг 63-моддаси 5- ва 6-бандларида кўзда тутилганидек, иштирокчи Давлатлар Конференциясига уларнинг маълумотларини тақдим этишда ёрдам беради.

с) бошқа тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотларининг секретариатлари билан зарур бўлган ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлайди.

VIII боб. Яқунловчи ҳолатлар

65-модда. Конвенциянинг амалга оширилиши

1. Ҳар бир иштирокчи Давлат, қонунчилигининг энг муҳим тамойилларига мувофиқ, мазкур Конвенцияга асосан ўзининг мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш учун зарур бўлган чораларни, жумладан қонуний ва маъмурий чораларни кўради.

2. Ҳар бир иштирокчи Давлат коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун мазкур Конвенцияда кўзда тутилган чораларга қараганда янада қатъий ва қаттиқ бўлган чораларни кўриши мумкин.

66-модда. Низоларни ҳал қилиш

1. Иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенциянинг талқин қилиниши ва қўлланилиши бўйича юзага келадиган низоларни музокаралар йўли билан ҳал қилишга интиладилар.

2. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчи Давлатлар ўртасида мазкур Конвенциянинг талқин қилиниши ёки қўлланилиши бўйича юзага келган ва оқилона муддат давомида мувофиқлаштирила олмаган исталган низо, ушбу иштирокчи Давлатларнинг бирини илтимосига кўра арбитраж муҳокамасига топширилади. Агар арбитраж тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинганидан кейин олти ой давомида иштирокчи Давлатлар уни ташкил қилиш бўйича келиша олмасалар, ушбу исталган иштирокчи Давлат Суд Статутига мувофиқ ариза билан мурожаат қилиб низони Халқаро Судга топшириши мумкин.

3. Ҳар бир иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияни имзолашда, ратификация қилишда, қабул қилиш ёки тасдиқлашда ёхуд унга қўшилишда мазкур модданинг 2-бандидаги ҳолатлар билан боғламанганлиги ҳақида эълон қилиши мумкин. Бошқа иштирокчи Давлатлар шундай қўшимча шарт қўйган исталган иштирокчи Давлатга нисбатан мазкур модданинг 2-бандидаги ҳолатлар билан боғламанган бўлади.

4. Мазкур модданинг 3-бандига мувофиқ қўшимча шарт қўйган иштирокчи исталган вақтда ушбу қўшимча шартни Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиши мумкин.

67-модда. Имзолаш, ратификация, қабул қилиш, тасдиқлаш ва қўшилиш

1. Мазкур Конвенция барча давлатлар имзолаши учун 2003 йилнинг 9 декабридан 11 декабригача Мерида (Мексика)да шахрида, кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги марказий муассасаларида 2005 йилнинг 9 декабригача очик.

2. Мазкур Конвенция, шунингдек, иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилотлари томонидан, ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг камида биттаси мазкур Конвенцияни мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ имзолаган бўлиши шартида, имзоланиши учун очик.

3. Мазкур Конвенция ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим. Қабул қилиниши ёки тасдиқланиши ҳақидаги ратификацион ёрлиқлар ёхуд ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўзининг ратификацион ёрлиғини ёки қабул қилгани ёхуд тасдиқлагани ҳақидаги ҳужжатини, агар ташкилотга аъзо давлатларнинг камида биттаси худди шундай йўл тутган бўлса, сақлашга топшириши мумкин. Бундай ратификацион ёрлиқ ёки қабул қилгани ёхуд тасдиқлагани ҳақидаги ҳужжатда ташкилот мазкур Конвенция мувофиқлаштирувчи масалалар бўйича ўзининг ваколат доиралари ҳақида эълон қилади.

4. Мазкур Конвенция қўшилиш учун исталган давлат ёки аъзо давлатларининг ҳеч бўлмаганда биттаси мазкур Конвенциянинг иштирокчиси ҳисобланган исталган иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун очик. Қўшилиши ҳақидаги ҳужжатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига сақлаш учун топширилади. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти қўшилганида мазкур Конвенция мувофиқлаштирувчи масалалар бўйича ўзининг ваколат доиралари ҳақида эълон қилади. Бундай ташкилот, шунингдек, ўз ваколатлари доирасининг исталган мувофиқ ўзгариши ҳақида депозитарийга хабар беради.

68-модда. Кучга кириши

1. Мазкур Конвенция ўттизинчи ратификацион ёрлиқ ёки қабул қилгани, тасдиқлагани ёхуд қўшилгани ҳақидаги ҳужжатлар топширилганидан кейин 90 кун кучга киради. Мазкур банднинг мақсади учун иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти томонидан сақлашга топширилган исталган шундай ёрлиқ ёки ҳужжат, ушбу ташкилотнинг аъзолари томонидан сақлашга топширилган ёрлиқ ёки ҳужжатларга қўшимча қилинган деб кўрилмайди.

2. Мазкур Конвенцияни ратификация қиладиган, қабул қиладиган ёки тасдиқлайдиган ёхуд унга қўшиладиган ҳар бир давлат ёки иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти учун мазкур Конвенция ўттизинчи ратификацион ёрлиқ ёки бу каби ҳаракат тўғрисидаги ҳужжат сақлашга топширилганидан кейин, бундай

давлат ёки ташкилот томонидан мувофиқ ёрлик ёки ҳужжат топширилгани санадан кейинги ўттизинчи кунда ёхуд мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ Конвенциянинг кучга кириши санасида, кечроқ кучга киришига боғлиқ равишда кучга киради.

69-модда. Тузатишлар

1. Мазкур Конвенция кучга кирганидан кейин 5 йил ўтиб иштирокчи Давлат тузатиш киритишни таклиф қилиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига юбориши мумкин, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби таклиф қилинаётган тузатишни кўриб чиқиш ва унинг юзасидан қарор чиқариш мақсадида таклифни иштирокчи Давлатлар ва иштирокчи Давлатлар Конференциясига жўнатади. Иштирокчи Давлатлар Конференцияси ҳар бир тузатиш бўйича консенсусга эришиш учун барча чораларни ишга солади. Агар консенсусга эришиш бўйича барча чоралар қўлланилсада, лекин келишувга эришилмаса, у ҳолда тузатишни қабул қилиш учун иштирокчи Давлатлар Конференцияси мажлисида бўлган ва овоз беришда иштирок этаётган иштирокчи Давлатларнинг учдан икки қисми овози талаб қилинади.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти ўз ваколатлари доирасига кирадиган масалаларда овоз бериш ҳуқуқларини мазкур моддага биноан, мазкур Конвенцияга иштирокчи ҳисобланган ўзларининг ташкилотларига аъзо давлатлар сонига тенг овозга эга бўлган ҳолда амалга оширадилар. Бундай ташкилотлар, агар уларга аъзо давлатлар ўзларига тегишли овоз бериш ҳуқуқларини амалга ошираётган бўлсалар, у ҳолда ўзларининг овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланмайдилар ва аксинча.

3. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш иштирокчи Давлатлар томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши ёки тасдиқланиши лозим.

4. Мазкур модданинг 1-бандига мувофиқ қабул қилинган тузатиш, иштирокчи Давлатга нисбатан, у томондан ушбу тузатиш қабул қилингани ҳақидаги ратификацион ёрлик ёхуд ёки тасдиқлангани тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилганидан кейин 90 кун ўтиб кучга киради.

5. Тузатиш кучга кирганидан кейин у билан боғлиқ бўлишга розилик берган иштирокчи Давлатлар учун ушбу тузатиш мажбурий бўлади. Бошқа иштирокчи Давлатлар мазкур Конвенциянинг ҳолатлари ва улар томондан аввалроқ ратификация қилинган, қабул қилинган ёки тасдиқланган тузатишлар билан боғлиқ қолаверадилар.

70-модда. Денонсация (бекор қилиш)

1. Иштирокчи Давлат мазкур Конвенцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига ёзма билдиришнома юбориш йўли билан денонсация (бекор) қилиши мумкин. Бундай денонсация Бош котиб билдиришнома олган кундан бошлаб бир йил ўтганидан кейин кучга киради.

2. Иқтисодий интеграциянинг минтақавий ташкилоти, агар унинг барча аъзо давлатлари мазкур Конвенцияни денонсация қилсалар мазкур Конвенциянинг иштирокчиси эмас деб ҳисобланади.

71-модда. Депозитарий ва тиллар

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Конвенцияга депозитарий қилиб тайинланади.

2. Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларида ёзилган матнлари аслига тўғри бўлган Мазкур Конвенциянинг асл нусхаси сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига топширилади. Юқоридагиларни тасдиқлаш учун ҳукуматлари томонидан ушбу мақсадларда лозим даражада ваколат берилган қуйида имзо қўйган ваколатли вакиллар мазкур Конвенцияни имзоладилар⁸⁶.

⁸⁶ http://old.prokuratura.uz/uz/pages/corruption_regulations/konventsiya_organizatsii_obedinen_nykh_natsiy_protiv_korruptsii/

2.3. Коррупция ва унга қарши кураш борасидаги миллий-халқаро ҳуқуқий нормалар

Ҳозирги замон миллий ва халқаро ҳуқуқида тобора кўп қўлланилаётган атамалардан бири бу коррупциядир. Коррупция албатта бугун пайдо бўлган иллат эмас, у қадимдан буён мавжуд бўлиб келмоқда. Қадимги юнон файласуфи Аристотель шундай деган: “Ҳар қандай давлат тизимида - қонунлар ва бошқа фармойишлар орқали ишни шундай ташкил қилиш керак-ки, унда мансабдор шахсларни ноқонуний йўл билан бойишига йўл қўймаслик лозим”. Француз мутафаккири Шарл Монтескье эса бу борада “Асрлар тажрибасидан маълумки, ҳар қандай ҳокимият ваколатига эга бўлган шахс, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади ва у маълум бир мақсадга эришмагунча шу йўналишда юради” деган фикрларни билдирган.

Ғарбий Европа давлатларининг кейинги тарихида ҳам коррупциянинг турли кўринишлари ва коррупцион муносабатларнинг авж олиши нафақат тарихий манбаларда балки, ўша даврнинг илғор ёзувчи файласуфларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Шекспирнинг “Венециялик савдогар”, “Қонга қон, жонга жон”, Дантенинг “Дўзах”, “Тозаловчи” каби асарларида ҳам ёритилган. Данте коррупционерларни дўзахни энг қоронғи ва энг чуқур жойига ташлаш керак деган фикрни билдирган.

Коррупциянинг келиб чиқиши тарихи ва ривожланиши масалаларини Никколо Макиавелли ўрганиб, уни йўталга қиёслаб шундай деган эди, “Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин”. Мана шу сўзлардаги ҳақиқатни бугунги кунда дунё бўйича кенг тарқалган коррупция кўринишларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин бўлади.

Маълумки, “Коррупция” тушунчаси лотин тилидаги “corruptio” сўзидан олинган булиб, мазмуни “бузиш, сотиб олиш” маъносини беради ва унинг грамматик бир илдизли маъноси яна “коррозия” сузи яъни “чириш” ёки “занглаш” деган мазмунни ҳам беради. Шундан келиб чиқиб бу сўзни ижтимоий кўриниши ҳокимиятни бузиш, чиритиш орқали сотиб олиш” деган маънони беради.

Миллий қонунчилигимизда мазкур атаманинг аниқ ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас, бироқ халқаро ҳуқуқнинг айрим манбаларида

хусусан, Коррупция муаммолари бўйича Европа Кенгаши Гуруҳларининг 1-сессияси (1995 йил 22-24 февраль, Страсбург)да “Коррупция”га шундай таъриф берилган. “Коррупция - пора олиш (ўзига оғдириш), давлат ёки хусусий соҳада муайян ваколатга эга бўлган шахс, мансабдор шахснинг ёки хусусий соҳада фаолият юритадиган шахс ёки мустақил агентнинг ўз мансаб вазифасидан ёки шунга ўхшаш муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузадиган шунингдек ўзи ёхуд ўзга шахслар манфаати учун ҳар қандай шаклдаги афзалликларга эга бўлиш мақсадида ифодаланган хатти-ҳаракат”.

Мансабдор ёки мансабдор бўлмаган шахслар томонидан юқорида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар содир этилиши оқибатида фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан кўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилади.

Шунингдек, “Коррупция – мансабдор шахс томонидан муайян ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этиш (этмаслик) эвазига моддий манфаатдор қилаётган шахснинг манфаатини кўзлаб мансаб вазифасини бузган ёки бузмаган ҳолда, турли шаклда моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ наф кўриши”. (БМТ мансабдор шахсларининг обод-ахлоқ Кодекси 17.12.1979 й).

“Коррупция – шахсий манфаати йўлида давлат ҳокимияти вазифаларини суиистеъмол қилиши (БМТнинг Коррупцияга қарши халқаро кураш бўйича ахборот ҳужжати).

Коррупция – бу шахсий манфаат учун давлат ҳокимияти мансаб вазифасини суиистеъмол қилиш (Бутунжаҳон банки ҳисоботи, 1997 й.)

Бундан ташқари президентимиз томонидан ҳам мазкур турдаги жиноят учун шундай таъриф берилган: “Жиноятнинг ёпиқ ва энг қабиҳ тури бор.

Бу – коррупция ва порахўрлик. Жиноятнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқарибгина қолмай, бозор асосларини ҳам барбод этиши мумкин”

“Коррупция, энг аввало, уюшган жинойӣ тузилмаларга мададкор бўлиш ёки тўғридан-тўғри ёрдам бериш учун давлат хизматининг имкониятларидан фойдаланишдир”.

Коррупцияга қарши кураш ишларини ташкиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 3 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси тузилмасида ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги порахўрлик, ўғирликлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармасини ташкил этиш тўғрисида”ги; 1994 йил 11 майдаги “Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни коррупция, рeket ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа кўринишларидан химоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги; 1997 йил 28 майдаги “Коррупция, рeket ва терроризмга қарши курашни такомиллаштириш ишларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

БМТ Ривожланиш Дастурининг (“UN Development Program”) назарий таҳлилига кўра коррупцияни вужудга келишида қуйидаги омиллар катта роль ўйнайди: ваколат ёки хокимиятга, шахсий манфаат ва ўзбошимчалик, ҳисобдорсизлик ва ошкорасизлик.

Жаҳон миқёсида қуйидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир:

а) БМТнинг “Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси”;

б) Европа Иттифоқининг “Коррупция учун жиноий жавобгорлик тўғрисидаги Конвенцияси;

в) Европа Иттифоқининг “Коррупция учун фуқаровий жавобгарлик тўғрисида”ги Конвенцияси;

г) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида “Коррупцияга қарши сиёсатнинг қонунчилик асослари тўғрисида”ги модел қонуни;

д) “Осиё Тараққиёт Банки ва Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Осиё ва Тинч океани коррупцияга қарши ҳаракат дастури”;

Умуман олганда, коррупцияни вужудга келтирувчи шарт-шароитларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўтиш давридаги қийинчилик;
- ижро этиш тизимининг ёмонлашуви;
- ҳуқуқий нигилизм;
- жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий маданияти;
- иқтисодий аспектлар;

Дунёдаги мамлакатларда коррупциянинг мамлакат бошқаруви, иқтисодиёти ва бошқа соҳаларига таъсирини халқаро нодавлат-

нотижорат “Transparency International” - “Трансперенси интернешнл” тадқиқотларига асосан баҳолаб келинади.

Шунингдек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрь кунги Коррупцияга қарши курашиш конвенцияси (2003 йил 31 октябрда қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат муқаддима ҳамда 8 та боб, 71 та моддадан иборат)га Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2008 йил 07 июлда ЎРҚ-158-сонли Қонуни қабул қилинди.

2.4. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПҚ-2752-сонли қарорига 1-илова

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|---|---|--------------------------|---|
| I. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш | | | |
| 1. | «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш | 2017 йил 1 апрель | Бош прокуратура (У. Суннатов), МХХ (Р. Гулямов), ИИБ (Д. Назармухамедов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев) |
| 2. | Давлат хизмати тизимини яратиш ва унинг фаолияти асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришга, давлат хизматига ишга киришга бўлган талабларни, уни ўташни ва яқунлашни тартибга солувчи «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш | 2017 йил 1 октябрь | Олий Мажлис палаталари (Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев), АҚХМИ (Ф. Мухамедов), Молия вазирлиги (Ж. Қўчқоров), Иқтисодиёт вазирлиги (Г. Саидова), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Меҳнат вазирлиги (Б. Низомов) |

| | | | |
|----|--|--------------------------|--|
| 3. | <p>Давлат ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро манфаат келтирувчи ҳамкорликнинг қонуний асосларини назарда тутувчи «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш</p> | 2017 йил 1 октябрь | <p>Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>Ш. Исмаилов</i>), Молия вазирлиги (<i>М. Мирзаев</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Х. Мирзахидов</i>), Давлат рақобат қўмитаси (<i>Р. Аминов</i>), Олий хўжалик суди (<i>Б. Исаков</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А. Шайхов</i>)</p> |
| 4. | <p>Қуйидагиларни назарда тутувчи «Давлат харидлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; — давлат харидларини рақобат асосида амалга оширишнинг шаффоф ва очиқ механизми, ушбу соҳада коррупциянинг олдини олиш чоралари; — давлат харидларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш; — давлат харидлари иштирокчилари учун шикоят қилишнинг мустақил ва самарали тизими ҳамда тартибini яратиш; — электрон харидларни янада ривожлантириш ва бошқалар</p> | 2017 йил 1 июль | <p>Молия вазирлиги (<i>Д. Сатторов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>Ш. Файзуллаев</i>), Давлат рақобат қўмитаси (<i>Р. Аминов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Х. Мирзахидов</i>)</p> |
| 5. | <p>Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш; — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг таъсирчан ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, шунингдек</p> | 2017 йил 1 июль | <p>Олий Мажлис палаталари (<i>Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>),</p> |

| | | | |
|-----------|--|------------------------------|---|
| | <p>концепцияларни ва уларга тушунтириш хатларини чоп этишни, қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларига шарҳлар тайёрлаш ва чоп этиш амалиётини кенг жорий этиш;</p> <p>— аҳолига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ва мақсадларини тушунтириш ва улардан кенг хабардор қилиш бўйича чоралар;</p> <p>— Олий Мажлис палаталарининг, Вазирлар Маҳкамасининг, бошқа давлат органларининг аҳоли ва ижрочиларга қонун ва қонуности ҳужжатларини етказиш бўйича аниқ ваколатларини белгилаш</p> | | <p>Олий суд (<i>С. Арипов</i>)</p> |
| <p>6.</p> | <p>Давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолияти устидан жамоат назоратини амалга ошириш бўйича муносабатларини тартибга солувчи «Жамоат назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш</p> | <p>2017 йил 1 июль</p> | <p>Олий Мажлис палаталари (<i>Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев</i>), АҚҲМИ (<i>Ф. Мухамедов</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Ғ. Абдукаримов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>), «Камолот» ЁИХ (<i>С. Ашуров</i>), «Маҳалла» фонди (<i>С. Рузиев</i>)</p> |
| <p>7.</p> | <p>Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг, шу жумладан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот берувчи шахсларнинг жисмоний ва ижтимоий ҳимоясининг давлат томонидан кафолатларини назарда тутувчи «Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш</p> | <p>2018 йил 1 январь</p> | <p>Олий суд (<i>К. Тогаев</i>), Олий хўжалик суди (<i>Б. Исаков</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Ички ишлар вазирлиги (<i>Б. Жалолов</i>), Бош прокуратура (<i>М. Азимов</i>)</p> |

| | | | |
|-----|---|-----------------------|--|
| | тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш | | |
| 8. | <p>Қуйидагиларни назарда тутувчи «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>— давлат органларининг бошқарув фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш;</p> <p>— асосли ва тезкор қарорларни қабул қилиш йўли билан давлат хизматларини кўрсатишнинг самарасини таъминлаш;</p> <p>— жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этиш.</p> | 2017 йил 1 июль | <p>Адлия вазирлиги (Н. Жўраев),</p> <p>Иқтисодиёт вазирлиги (Ш. Исмаилов),</p> <p>ДСҚ (Э. Гадоев), ДБК (Б. Раимов)</p> |
| 9. | <p>Мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни тубдан яхшилашга, ҳуқуқий билимларни жамиятда тарғиб этишга қаратилган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурининг лойиҳасини тайёрлаш</p> | 2017 йил 1 октябрь | <p>Олий Мажлис палаталари (Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев),</p> <p>Адлия вазирлиги (Н. Жўраев),</p> <p>Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ (А. Саидов), ДБА (М.Алиев),</p> <p>ТДЮУ (Е. Канъязов),</p> <p>МТРК (Н. Хикматуллаев),</p> <p>«Маҳалла» фонди (С. Рузиев),</p> <p>Ёшлар иттифоқи (К. Куранбаев)</p> |
| 10. | <p>Қуйидагиларни назарда тутувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш:</p> <p>— давлат органлари ходимларининг уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга</p> | 2018 йил 1 октябрь | <p>Бош прокуратура (У. Суннатов),</p> <p>Адлия вазирлиги (Н. Жўраев),</p> <p>ИИБ (А. Азизов),</p> <p>Олий суд (К. Тогаев),</p> <p>Меҳнат вазирлиги (А.</p> |

| | | | |
|---|--|---|--|
| <p>кўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига мурожаат этганлигига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарларини ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш шарт бўлган тартиб; — коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари ҳақида хабар бериш тартибини, шунингдек манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни тартибга солиш бўйича талабларни бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш</p> | | <p><i>Абдуҳакимов)</i></p> | |
| <p>II. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш</p> | | | |
| <p>1.</p> | <p>Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш</p> | <p>2017 йил 1 апрель</p> | <p>Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), ИИВ (<i>А. Азизов</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Ғ. Абдукаримов</i>), «Маҳалла» фонди (<i>С. Рузиев</i>), «Камолот» ЁИХ (<i>С. Ашуров</i>), МТРК (<i>Н. Хикматуллаев</i>), МАО (<i>М. Ҳазратқулов</i>)</p> |
| <p>2.</p> | <p>Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклиги самарадорлигини қуйидаги чора-тадбирлар ёрдамида ошириш:</p> | <p>2017- 2018 йй. давоми да</p> | <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия) (<i>И. Абдуллаев</i>), ЎзННТМА (<i>А.Каримов</i>)</p> |

| | | | |
|----|--|--|--|
| | <p>— коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ижтимоий шериклик механизмларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида келишувлар ва шартномалар тузишни назарда тутадиган механизмлардан кенг фойдаланиш;</p> <p>— давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p> | | |
| 3. | Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган ахборот маълумотларини тайёрлаш ва кенг тарқатиш, шу жумладан мавзуга оид видеороликлар яратиш, босма материалларни чоп этиш (плакатлар, рисоалар, буклетлар) | 2017-2018 йй. давоми да | Бош прокуратура (У. Суннатов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), ЎзМАО (К. Мансуров), МТРК (Н. Хикматуллаев), ЭОАВМА (Х. Шамсиев) |
| 4. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият натижаларини телевидение, радио, босма ва электрон ОАВ орқали, шу жумладан мавзуга бағишланган дастурларни, интервьюларни, муҳокамаларни, пресс-конференцияларни ва бошқа тадбирларни доимий равишда ташкил этиш йўли билан ёритиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | 2017 йил 1 апрель, 2017-2018 йй. давоми да | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), МАО (М. Ҳазратқулов), МТРК (Н. Хикматуллаев), ЭОАВМА (Х. Шамсиев) |
| 5. | Давлат органлари ходимларини, тадбиркорлик субъектларини ва бошқа мақсадли гуруҳларни жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиш | 2017 йил 1 апрель, 2017- | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Бош прокуратура (У. Суннатов), |

| | | | |
|----|---|---|---|
| | мавзусида ўқув семинарлари, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | 2018 йй. давоми да | Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), ИИБ (А. Азизов), ССП (А. Шайхов) |
| 6. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва ташкилотлар мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | 2017 йил 1 апрель, 2017- 2018 йй. давоми да | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Бош прокуратура (У. Суннатов), ДБА (М. Алиев) |
| 7. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бўйича махсус ўқув дастурини ишлаб чиқишни ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзуларни янада кучайтиришни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат таълим стандартларига киритиш | 2017 йил 1 июль | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Р. Касимов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Данияров), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев) |
| 8. | Давлат органлари мутахассислари ва таълим муассасалари ўқитувчиларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш дастурларига коррупцияга қарши курашиш соҳасида махсус ўқув дастурлари ва машғулотларини олиб боришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш | 2017 йил 1 октябрь | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И. Маджидов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Данияров), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев) |
| 9. | Коррупцияга қарши курашиш масаласига доир ўқув-методик ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш | 2017- 2018 йй. давоми да | Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Бош прокуратура (У. Суннатов), ИИБ (А. Мирзаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (М. Каримов), Халқ таълими вазирлиги (Б. Данияров), ДБҚ (Б. Раимов), ДСҚ (Э. Гадоев), МХХ (Р. Гулямов) |

**III. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг
олдини олиш бўйича чора-тадбирлар**

| | | | |
|-----|---|-----------------------------------|---|
| 20. | «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонун талабларининг ижроси ҳолатини ўрганиш, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш | 2017 йил 1 июль | Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши (И. Абдуллаев) |
| 21. | Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини ҳар чорада мониторинг қилиш ва баҳолаш | 2017- 2018 йй. давоми да | Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши (И. Абдуллаев) |
| 22. | Мансабдор шахслар ва бошқа ходимлар томонидан ўз мансаб ва хизмат вазифаларини бажариш сифатини баҳолаш тизимини ва стандартларини, самарадорлик мезонларини белгиловчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2018 йил 1 апрель | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Вазирлик ва идоралар |
| 23. | Давлат органлари томонидан ўз фаолиятининг тизимли таҳлили, коррупция хавфига дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича чораларни амалга ошириш | 2017- 2018 йй. давоми да | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Вазирлик ва идоралар |
| 24. | Қуйидагиларни назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш: | 2017- 2018 йй. давоми | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Вазирлик ва идоралар |

| | | | |
|-----|--|--|--|
| | <p>— ходимлар ўртасида хукукбузарликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан илғор илмий-техник воситаларни, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш йўли билан олдини олиш бўйича идоравий назорат механизмларини такомиллаштириш;</p> <p>— одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар.</p> | да | |
| 25. | <p>Давлат органлари ходимлари ўртасида одоб-ахлоқ қоидалари нормалари ва талабларини, шу жумладан тренинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ўтказиш йўли билан тушунтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p> | 2017 йил 1 июль, 2017- 2018 йй. давоми да | Идоралараро комиссия (<i>И. Абдуллаев</i>), вазирлик ва идоралар |
| 26. | <p>Давлат органлари ходимлари одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиниши мониторингини ўтказиш, ушбу соҳада қонунчилик ва хукукни қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида таклифлар тайёрлаш</p> | 2018 йил 1 апрель | Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Меҳнат вазирлиги (<i>Б. Низомов</i>) |
| 27. | <p>Давлат органлари ходимларининг манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-хукукий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш</p> | 2018 йил 1 апрель | Идоралараро комиссия (<i>И. Абдуллаев</i>), Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Меҳнат вазирлиги (<i>Б. Низомов</i>) |
| 28. | <p>«Парламент назорати тўғрисида»ги Қонун доирасида, парламент назоратининг шакллари кенг қўллаган ҳолда коррупцияга қарши қонунчиликни рўёбга чиқариш бўйича назорат-таҳлил чораларини кўриш</p> | 2017- 2018 йй. давоми да | Олий Мажлис палаталари (<i>Н. Исмоилов, Н. Йўлдошев</i>) |
| 29. | <p>Бюджет маблағларини шакллантириш ва сарфлаш жараёнларининг шаффофлигини,</p> | 2017 йил 1 июль, 2017- | Идоралараро комиссия (<i>И. Абдуллаев</i>), <i>Молия вазирлиги (Ж.</i> |

| | | | |
|-----|---|-----------------------------------|---|
| | шунингдек уларнинг тақсимоти бўйича маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш борасида коррупцияга қарши қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | 2018 йй. давоми да | Қўчқоров), Ҳисоб палатаси (Қ. Акмалов), Иқтисодиёт вазирлиги (Ш. Исмаилов) |
| 30. | Молиявий назорат институтларини, ташқи ва ички аудитни янада мустаҳкамлаш, уларнинг коррупцияга қарши тадбирлардаги иштирокини жадаллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш | 2017- 2018 йй. давоми да | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Ҳисоб палатаси (Қ. Акмалов), Молия вазирлиги (Ж. Қўчқоров), Бош прокуратура (У. Суннатов), МХХ (Р. Гулямов), ИИВ (С. Нишанбаев) |
| 31. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш | 2018 йил 1 апрель | Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Бош прокуратура (У. Суннатов), АҚХМИ (Ф. Мухамедов) |
| 32 | Давлат хизматларини кўрсатишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга, интерактив давлат хизматларининг кўламини янада кенгайтиришга ва бу борадаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини электрон ҳуқумат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқлаштиришга қаратилган ўрганишни ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш | 2018 йил 1 апрель | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Х. Мирзахидов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев) |
| 33. | Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш: — маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, рухсат этиш ва лицензияга доир тартиб-таомилларни содаллаштириш ҳамда уларнинг тезкорлигини ошириш; | 2017- 2018 йй. давоми да | Иқтисодиёт вазирлиги (Ш. Исмаилов), Молия вазирлиги (М. Мирзаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Х. Мирзахидов), |

| | | | |
|-----|---|--|---|
| | <p>— давлат органларининг назорат-текширув вазифаларини мақбуллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашшига йўл қўймаслик;</p> <p>— давлат органлари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг масофавий шаклларини кенг жорий этиш;</p> <p>— тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун тенг шарт-шароитлар яратиш ва инсофсиз рақобатга йўл қўймаслик</p> | | <p>Давлат рақобат қўмитаси (<i>Р. Аминов</i>), ДСҚ (<i>Э. Гадоев</i>), ДБК (<i>Б. Раимов</i>), ССП (<i>А. Шайхов</i>)</p> |
| 34. | <p>Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа соҳаларида аҳоли учун адолатли шарт-шароитларни ҳамда тенг имкониятларни яратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликка қаратилган идоравий коррупцияга қарши комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p> | <p>2017 йил 1 апрель, 2017- 2018 йй. давоми да</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>Д. Набиев</i>, <i>Б. Юсупалиев</i>, <i>Н. Максумов</i>, <i>Ф. Боқиев</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>Р. Касимов</i>), Халқ таълими вазирлиги (<i>Б. Данияров</i>), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>А. Хаджибаев</i>), Меҳнат вазирлиги (<i>Б. Низомов</i>), Молия вазирлиги (<i>Ж. Қўчқоров</i>), Иқтисодиёт вазирлиги (<i>Д. Турдиев</i>)</p> |
| 35. | <p>Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш</p> | <p>2017- 2018 йй. давоми да</p> | <p>Идоралараро комиссия (<i>И. Абдуллаев</i>), Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Ғ. Абдукаримов</i>), ЎзННТМА (<i>А. Каримов</i>)</p> |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 36. | <p>Бизнес-уюшмалар ва нодавлат ташкилотларнинг бошқа бирлашмалари томонидан коррупцияга қарши қонунчиликка риоя этишни таъминлайдиган ички назоратнинг тегишли механизмларини ташкил этиш, иш одоби қоидалари кодексларини қабул қилиш ва бошқа чораларни ўз ичига қамраб оладиган коррупцияга қарши чора-тадбирларни қабул қилиш йўли орқали нодавлат ташкилотларда коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларини жорий этиш</p> | <p>2017-2018 йй. давоми да</p> | <p>ССП (А. Шайхов), Банклар уюшмаси (С. Абдуллаев), Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (Б. Махмадалиев), Давлат рақобат кўмитаси (Р. Аминов)</p> |
| <p>IV. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш</p> | | | |
| 37. | <p>Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек бу борада жазонинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш</p> | <p>2017-2018 йй. давоми да</p> | <p>Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), ИИБ (Д. Назармухамедов), МХХ (Р. Гулямов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев)</p> |
| 38. | <p>Коррупциянинг ҳолати ва тенденцияларини тизимли таҳлил қилишга ҳамда самарали идоралараро ҳамкорлик ва маълумотлар алмашинувига асосланган коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ишини самарали ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш</p> | <p>2017 йил 1 апрель, 2017-2018 йй. давоми да</p> | <p>Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), МХХ (Р. Гулямов), ИИБ (Д. Назармухамедов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Бош прокуратура хузуридаги департамент (З. Дусанов)</p> |
| 39. | <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари фаолиятида коррупцияга оид</p> | <p>2017 йил 1 июль</p> | <p>Бош прокуратура (У. Суннатов), ИИБ (А. Азизов), МХХ (Р. Гулямов),</p> |

| | | | |
|-----|--|--|---|
| | ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш | | Адлия вазирлиги (Н. Жўраев) |
| 40. | Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник таъминоти даражасини ошириш, уларнинг фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларни жорий қилиш | 2017-2018 йй. давоми да | Бош прокуратура (И. Эргашходжаев), ИИБ (С. Нишанбаев), МХХ (Р. Гулямов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Х. Мирзахидов) |
| 41. | Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида ходимлар тайёрлаш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш | 2017 йил 1 апрель, 2017-2018 йй. давоми да | Бош прокуратура (У. Суннатов), ИИБ (А. Мирзаев), МХХ (Р. Гулямов), ДБҚ (Б. Раимов), ДСҚ (Э. Гадоев), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Олий суд (Ф. Абдуазимов) |
| 42. | Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги мурожаатларини ўз вақтида қабул қилишда «ишонч телефонлари» ва расмий веб-сайтлардан фойдаланиши устидан мониторинг ўтказиш, шунингдек: — «ишонч телефонлари» ва расмий веб-сайтларнинг ишлашини таъминлаш бўйича ташкилий-техник чораларнинг таҳлилин итказиш; — «ишонч телефонлари» орқали ва расмий веб-сайтларга келиб тушган мурожаатларнинг таҳлилин амалга ошириш; | 2017-2018 йй. давоми да | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Х. Мирзахидов), Бош прокуратура (У. Суннатов), ИИБ (А. Азизов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев) |

| | | | |
|-----|--|--------------------------|---|
| | — мазкур соҳада давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини баҳолаш, шунингдек унинг натижаларини чоп этиш | | |
| 43. | Судларнинг одил судловни амалга ошириш фаолияти самарадорлиги ва очиклигини таъминлаш, шу жумладан қабул қилинаётган суд қарорларининг оммабоплигини таъминлаш, суд қарорлари базаси ва банкларини ташкил этиш ва уларни суд органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштириш йўли билан таъминлаш | 2018 йил 1 январь | Олий суд (<i>Ф. Абдуазимов</i>), Олий хўжалик суди (<i>К. Камитов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Х. Мирзахидов</i>) |
| 44. | Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ва ўзгартириш ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарарларни қоплашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, яқуни бўйича таклифлар тайёрлаш | 2018 йил 1 январь | Фан ва техника давлат қўмитаси (<i>О. Парниев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>М. Каримов</i>), Олий суд (<i>Ш. Газиев</i>), Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази (<i>С. Арипов</i>), Олий хўжалик суди (<i>Б. Исаков</i>), АҚХМИ (<i>Ф. Мухамедов</i>), Бош прокуратура (<i>У. Суннатов</i>) |
| 45. | Юридик шахсларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун жавобгарлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, яқуни бўйича таклифлар тайёрлаш | 2018 йил 1 октябрь | Фан ва техника давлат қўмитаси (<i>О. Парниев</i>), Адлия вазирлиги (<i>Н. Жўраев</i>), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (<i>М. Каримов</i>), |

| | | | |
|---|--|--|---|
| | | | АҚХМИ (Ф. Мухамедов), Бош прокуратура (У. Суннатов) |
| V. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чоралар, тадқиқотлар ўтказиш, халқаро ҳамкорлик | | | |
| 46. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар низомларини ва уларнинг таркибларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2017 йил 1 апрель | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев) |
| 47. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича чораларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг олиб бориш, ушбу соҳада ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш услубиётларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш | 2017 йил 1 июль | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев) |
| 48. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида коррупциянинг ҳолатини, унинг жиҳатларини, кўламини, ўсиш суръатларини ҳамда тенденцияларини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг самарадорлигини миллий, ҳудудий ва соҳалар кесимида ўрганишни назарда тутувчи ижтимоий, махсус, илмий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш | 2017 йил 1 октябрь, 2017- 2018 йй. давоми да | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Бош прокуратура (У. Суннатов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази (Р. Убайдуллаева), ССП (А. Шайхов), ФЖШМҚМИ (Ғ. Абдукаримов) |
| 49. | Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича инвентаризациядан ўтказиш | 2017 йил 1 июль | Идоралараро комиссия (И. Абдуллаев), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), Бош прокуратура (У. Суннатов), АҚХМИ (Ф. Мухамедов), Ташқи ишлар вазирлиги (Д. Хакимов) |

| | | | |
|-----|--|-------------------------|--|
| 50. | Коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни (БМТНЖҚКБ, БМТТД, ИХТТ, ЕХХТ, ШХТ, ЖДЛТМҚКЕГ ва бошқалар), шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш, шунингдек республикада коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижаларини халқаро ҳамжамиятга етказиш мақсадида жадаллаштириш | 2017-2018 йй. давоми да | Ташқи ишлар вазирлиги (Д. Ҳакимов), Бош прокуратура (М. Азимов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), ИИВ (А. Азизов), МХХ (Р. Гулямов) |
| 51. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама халқаро ҳамкорликни ошириб бориш | 2017-2018 йй. давоми да | Бош прокуратура (М. Азимов), Адлия вазирлиги (Н. Жўраев), ИИВ (А. Азизов), МХХ (Р. Гулямов), Ташқи ишлар вазирлиги (Д. Ҳакимов) |

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси” ва “Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонунларининг амалий ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 27 майда Ўзбекистон Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-5729-сонли фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда коррупцияга қарши курашнинг 2019-2020 йилларга мўлжалланган режаси ва чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга мурасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислохотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини, жамоат ва парламент назоратини

таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодиётни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) **1-иловага** мувофиқ;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия)нинг янгиланган таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқсин ва Идоралараро комиссия билан келишиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Идоралараро комиссия икки ой муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича кўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар

халқ депутатлари кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш;

жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юклансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинисини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда:

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарур чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идоралараро комиссия (Н.Т. Йўлдошев):

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал курилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этсин, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этсин;

ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия)

3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Қуйидагилар махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идоралараро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўринишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З.Ш. Низомиддинов):

а) бир ҳафта муддатда ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар:

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инобатга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш;

қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усуллари жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва «ишонч телефонлари»дан улар фаолиятининг очиқлигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг кўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакилларининг чиқишларини назарда тутсин ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирок этишларини таъминласин;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштиради.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон

Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.
Низомиддинов зиммасига юклансин.

2.5. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев
Тошкент ш., 2019 йил 27 май, ПФ-5729-сон
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги
ПФ-5729-сонли фармониға
1-илова

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|--|---|-------------------------------|---|--|
| І. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш | | | | |
| 1. | Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан: мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш; сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш; | Чора-тадбирлар режаси | Алоҳида режа-жадвал асосида, 2019 йил 1 июлга ча тасдиқ лаш | Идоралараро комиссия, Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ИИБ (<i>П. Бобожонов</i>), Бош прокуратура хузуридаги Департамент (<i>Д. Рахимов</i>), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (<i>К. Алламжонов</i>), вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|----|--|-------------------------|--|---|
| | ушбу соҳада кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда баҳолаш натижаларидан фойдаланиш | | | |
| 2. | <p>Алоҳида мақсадли гуруҳларнинг (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқалар) коррупцияга қарши курашиш механизми ва тизими ҳақида ҳуқуқий билими ва хабардорлигини ошириш юзасидан аҳамиятга эга бўлган амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар орқали:</p> <p>коррупция омилларини аниқлаш, коррупция хавф-хатарларини бошқариш ва уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш борасида вазирлик ва идоралар вакиллари учун даврий таълим бериш тизимини жорий этиш;</p> <p>давлат органлари фаолиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича махсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш</p> | Чора-тадбирлар режаси | 2019 йил 15 июлга ча | Идоралараро комиссия, вазирлик ва идоралар |
| 3. | <p>Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан:</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | Алоҳида режа-жадвал асосида, 2019 йил 1 июл- | Идоралараро комиссия, Ёшлар иттифоқи (А. Саъдуллаев), Олий таълим |

| | | | | |
|-----------|--|--------------------------------|-------------------------------|--|
| | <p>коррупцияга қарши курашиш мавзусида ижтимоий тадбирларга ёшларни кенг жалб қилиш (клублар, тўғараклар, форум ва бошқалар);</p> <p>олий ўқув юртли ва ёшларнинг бошқа вакиллари хисобидан кўнгиллилар гуруҳларини шакллантириш;</p> <p>ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш мавзусида республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ўтказиш</p> | | <p>гача тасдиқлаш</p> | <p>вазирлиги(И. Маджидов), ХТВ (Ш. Шерматов), ТД ЮУ (Е. Каньязов), ИИБ Академияси (Б. Матлюбов), Божхона институти (В. Эргашев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов), МТРК (А. Хаджаев)</p> |
| <p>4.</p> | <p>Таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курсларини киритиш, шу жумладан:</p> <p>жамиятда коррупциянинг мавжуд бўлган хавф-хатарлари асосида, ўқув материалларини тайёрлаш учун ягона методологик талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>барча таълим муассасалари, шу қаторда давлат хизматчилари, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул шахсларнинг малакасини ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича муассасаларда тааллуқли дастурларни жорий этиш;</p> <p>журналистларни тайёрлаш ўқув дастурларига «Коррупцияга қарши журналист тергови» фанини киритиш</p> | <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p> | <p>2019 йил 1 август гача</p> | <p>Олий таълим вазирлиги (И. Маджидов), ХТВ (Ш. Шерматов), Бош прокуратура Академияси (Е. Коленко), Судьялар олий кенгаши қошидаги Судьялар олий мактаби (Х. Исоқов), ТДЮУ (Е. Каньязов), ИИБ Академияси (Б. Матлюбов), Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти (М. Рустамбаев)</p> |

| | | | | |
|----|--|----------------------------------|-----------------------|--|
| 5. | <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, тадқиқий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш борасида чора-тадбирлар қабул қилиш, шу жумладан коррупцияга қарши курашишда чора-тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган шахсларнинг билимларини ва касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириш;</p> <p>мазкур соҳада сертификат олган экспертларнинг миллий жамоасини босқичма-босқич шакллантириш;</p> <p>илмий-методик материалларни ишлаб чиқишга хорижий экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб этиш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш мавзусида магистратура йўналишлари бўйича ўқув дастурларини жорий этиш;</p> <p>миллий экспертларни коррупцияга қарши курашиш соҳаси бўйича Коррупцияга қарши курашиш халқаро академияси (КҚКХА) ва бошқа халқаро таълим муассасаларида ўқитиш</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 июлга ча | Бош прокуратура (О. Муродов), ИИБ (П. Бобожонов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Олий таълим вазирлиги (И. Маджидов), ТИВ (А. Камилов) |
| 6. | <p>Давлат органлари ва ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан ишга қабул қилинганидан сўнг ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий равишда ўташ</p> | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2019 йил 1 сентябрдан | Бош прокуратура (О. Муродов), Олий таълим вазирлиги (И. Маджидов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ДБА (Х. Азизов), ЖИДУ (М. Бакоев), ТДЮУ (Е. Каньязов), |

| | тартибини жорий этиш | | | вазирлик ва идоралар |
|----|---|------------------------|-----------------------|--|
| 7. | <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида, қуйидагиларни назарда тутадиган тадқиқотларни ташкил қилиш, жумладан:</p> <p>содир этилаётган коррупцияга оид жиноятларнинг ўзига хос схемасини ўрганиш асосида коррупциянинг типологиясини тузиш;</p> <p>коррупцияга мойил бўлган соҳаларни аниқлаш асосида тармоқлар кесимида коррупцияга оид хариталарни тузиш;</p> <p>коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш, шунингдек уларни бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқиш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим ва тадқиқот муассасалари илмий ходимларига, шу жумладан, халқаро ташкилотлардан коррупцияга қарши курашиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш бўйича грантлар жалб қилиш орқали кўмаклашиш;</p> <p>коррупция даражаси, коррупцияни идрок этиш ва шахсий тажрибаси, шунингдек, давлат ҳокимияти институтларига ишонч ва коррупцияга қарши чораларнинг таъсири даражасини баҳолаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш</p> | Ташкилий чоратадбирлар | 2020 йил 1 апрел-гача | Идоралараро комиссия, «Ижтимоий фикр» маркази (Р. Убайдуллаева), ФЖШМҚМИ (Р. Камиров), «Ривожланиш стратегияси» маркази (Э. Туляков), Бош прокуратура Академияси (Е. Коленко) ТДЮУ (Е. Канъязов), ИИВ Академияси (Б. Матлюбов), Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти (М. Рустамбаев), ЖИДУ (М. Бакоев), вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|-----|---|-------------------------|-----------------------|--|
| 8. | <p>Идоралараро комиссиясининг расмий веб-сайти асосида халқаро стандартларга мувофиқ зарур маълумотларни ўз ичига олган портални яратиш, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> коррупцияга қарши тадбирлар ҳақида ҳисобот ва маълумотлар; коррупциянинг тарқалиши ва идрок этилиши ҳақида ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси бўйича коррупцияга қарши экспертиза натижалари тўғрисида маълумот; коррупция жиноятлари, уларнинг тергов ва судда кўрилиши натижалари бўйича статистик маълумотлар; маълумот, методик ва ахборот материаллари; коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилиш учун жамоатчилик билан қайта алоқа механизмлари, шунингдек жамоатчилик фикрини сўров қилиш натижалари | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 ноябр-гача | Идоралараро комиссия, ЛБМА (Д. Лу), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов), «Ижтимоий фикр» маркази (Р. Убайдуллаева), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Олий суд (К. Камиров), ССП (А. Икрамов) |
| 9. | <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, шу жумладан халқаро экспертлар иштирокида семинарлар, «давра суҳбатлари» ва конференциялар ўтказишни назарда тутадиган халқаро мезонлар ва илғор чет эл тажрибаларини жорий этиш</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 апрел-гача | Идоралараро комиссия |
| 10. | <p>Қуйидагилар ёрдамида, коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 апрел-гача | Идоралараро комиссия, Адлия |

| | | | | |
|---|--|-----------------------|--------------------------------|--|
| | <p>бажариш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини янада жалб қилишда мақсадли тадбирларини амалга ошириш:</p> <p>давлат органлари билан ўзаро муносабатлар ва қайта алоқани мустаҳкамлаш механизмларини кучайтириш;</p> <p>ижтимоий шериклик доирасида давлат органлари, шунингдек, жамоат кенгашлари фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг шаффоф ва объектив мезонларига асосланган механизмларни белгилаш</p> | | | <p>вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Р. Камиров</i>), «Ривожланиш стратегияси» маркази (<i>Э. Туляков</i>), ЎзННТМА (<i>И. Насриев</i>), вазирлик ва идоралар</p> |
| <p>II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш</p> | | | | |
| <p>11.</p> | <p>Қуйидагиларни назарда тутувчи, «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ташқи ва ички молиявий назорат ҳамда аудитнинг вазифалари ва мақсадини бир-биридан ажратиш;</p> <p>низом жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда давлат молиявий назоратини амалга ошириш;</p> <p>молиявий, шу жумладан, коррупцияга оид жиноятларни ўз вақтида аниқлаш</p> | <p>Қонун лойиҳаси</p> | <p>2019 йил 1 сентябр-гача</p> | <p>Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), ЛБМА (<i>Д. Лу</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>А. Хайдаров</i>), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (<i>А. Назиров</i>)</p> |
| <p>12.</p> | <p>Идоралар фаолиятининг</p> | <p>Қонун</p> | <p>2019 йил</p> | <p>Молия</p> |

| | | | | |
|------------|---|-----------------------|---|---|
| | <p>молиявий натижаларини очиб берадиган, ички ҳамда ташқи аудит соҳасини белгилаш йўли орқали амалга ошириладиган назоратнинг самараси ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ички назорат ва ички аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини белгиладиган, давлат бошқаруви тизими ривожланиши, прогнозлаш ва стратегик режалаштиришга оид хуфийна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чораларни ошқор этишни таъминладиган механизмларни жорий этишни назарда тутадиган «Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш</p> | <p>лойиҳаси</p> | <p>1 сентябр- гача</p> | <p>вазирлиги (Т. Ишметов), Ҳисоб палатаси (О. Рустамов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Хўжаев), Бош прокуратура (О. Муродов), ЛБМА (Д. Ли), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Хайдаров), Бош прокуратура хузуридаги Департамент (Д. Рахимов)</p> |
| <p>13.</p> | <p>Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш, шу жумладан куйидаги йўллар билан: маълумотлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқига оид қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ўрганиш; фуқароларнинг маълумотлардан эркин фойдаланиш юзасидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида хабардорликларини ошириш; давлат органлари томонидан ахборотни нашр қилиш учун ягона электрон тизимни жорий этиш</p> | <p>Қонун лойиҳаси</p> | <p>2019 йил 1 сентябр- гача</p> | <p>Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши (И. Абдуллаев)</p> |

| | | | | |
|-----|---|----------------|-----------------------|---|
| 14. | <p>Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>барча давлат харидлари субъектларини босқичма-босқич қамраб олиш бўйича чоралар кўриш;</p> <p>харид (ISO 20400) ва коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) стандартлари бўйича компанияларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш;</p> <p>давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;</p> <p>аффилиланган шахсларнинг харидларда қатнашишларига чекловлар белгилаш;</p> <p>барча давлат тендерларини қамраб олиш учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳамма фойдалана оладиган ягона реестрини юритиш;</p> <p>давлат харидлари бўйича ахборотнинг ошкоралиги ва эркинлигини ошириш;</p> <p>харид жараёнида бюрократик ва субъектив омилларни минималлаштириш;</p> <p>натижаларни статистик таҳлил қилиш, шунингдек, харид тартибининг барча зарур параметрлари бўйича ягона маълумотлар базасини ташкил қилиш</p> | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 ноябр-гача | Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), «Ўзстандарт» агентлиги (<i>Д. Саттаров</i>), вазирлик ва идоралар |
|-----|---|----------------|-----------------------|---|

| | | | | |
|-----|---|----------------------|------------------------|--|
| 15. | <p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан фойдаланиш орқали судьяларни очик, ошкора танлаш ва тайинлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан: танлов натижаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг веб-сайтида эълон қилиш;</p> <p>судьялар аниқ ифода этилган ошкора мезон ва тартиблар асосида баҳоланишини таъминлаш</p> | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 декабр гача | Судьялар олий кенгаши (У. Мингбоев), Олий суд (К. Камилов) |
| 16. | <p>Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш, шу жумладан:</p> <p>судьялар малака ҳайъатлари котибларининг ролини ошириш, шу жумладан уларга коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш вазифасини юклаш;</p> <p>судьялар малака ҳайъатлари котибларининг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича Суд инспекцияси билан самарали ҳамкорлик қилиш, шунингдек, уларнинг Кенгашга ҳисобдорлиги механизмларини яратиш;</p> <p>судьялар ва суд ходимлари ўртасида профилактик ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш;</p> <p>одил судловни амалга ошириш</p> | Қўшма қарор лойиҳаси | 2019 йил 15 июнга ча | Судьялар олий кенгаши (У. Мингбоев), Олий суд (К. Камилов) |

| | | | | |
|-----|---|---------------------------------------|------------------------|---|
| | фаолиятига аралашиб фактлари бўйича судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Суд инспекциясига аноним тарзда мурожаат қилиш тартибини жорий этиш; коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини тизимли ва чуқур таҳлил қилишни ва уларнинг олдини олишни таъминлаш | | | |
| 17. | «Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, шу жумладан: прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш; кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мутлақо янги механизмини жорий этиш; манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 декабр гача | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>) |
| 18. | Коррупция ва солиқ таваккалчилигини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда солиқ хизматини стратегик бошқариш механизмларини жорий этиш | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2019 йил 1 декабр гача | ДСҚ (<i>Б. Мусаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Меҳнат вазирлиги (<i>Ш. Кудбиев</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>) |
| 19. | Қуйидаги чораларни амалга ошириш орқали коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш, | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис | 2019 йил 1 октябр гача | Олий Мажлис палаталари — келишиш асосида (<i>Н. Исмаилов</i> , <i>Н.</i> |

| | | | | |
|------------|--|--|---------------------------------------|--|
| | <p>бунда: қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, уларда коррупцияга шароит яратадиган қоида ва нормаларни аниқлаш; барча даражадаги давлат органлари раҳбарларининг маълумотларини эшитиш; давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли равишда ўрганиш; коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари томонидан амалга ошириладиган идоравий чоралар самарадорлигини баҳолаш; коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш</p> | <p>палата- лари Кенгаш- лари қўшма қарори лойиҳаси</p> | | <p>Йўлдашев)</p> |
| <p>20.</p> | <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий тизимлар самарадорлигини ошириш, шу жумладан: коррупцияга кўпроқ мойил бўлган соҳаларни аниқлаш; хизмат вазифаларини бажаришда ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уларни ҳал қилиш масалаларини лозим даражада тартибга солиш, шунингдек, ушбу мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни ошириш; давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий координаторларнинг ўзаро ҳамкорлиги;</p> | <p>Идоравий ҳужжатлар</p> | <p>2019 йил 1 ноябр- гача</p> | <p>Идоралараро комиссия, Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар</p> |

| | | | | |
|-----|--|---|-------------------------------|--|
| | <p>барча даражадаги давлат органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, шунингдек, уларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; идоравий чора-тадбирларни амалга ошириш устидан ички назорат механизмларини кучайтириш</p> | | | |
| 21. | <p>Устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш, жумладан: коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» (compliance control) тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш; коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандарти (ISO 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибini ўрнатиш</p> | <p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p> | <p>2020 йил 1 апрел-гача</p> | <p>Давлат активларини бошқариш агентлиги (А. Хайдаров), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (А. Назиров), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Хўжаев), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Саттаров)</p> |
| 22. | <p>Коррупцияга қарши махсус тадбирларни хусусий секторга жорий этишга фаол кўмаклашиш, унда қуйидагиларни назарда тутувчи чораларни кўриш: ички назорат чоралари ва тартиб-таомилларини</p> | <p>Ўзбекистон бизнесининг Коррупцияга қарши курашиш</p> | <p>2019 йил 1 октябр-гача</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва</p> |

| | | | | |
|--|--|--------------------------------|-------------------------------|--|
| | <p>кучайтириш; давлат харидларида иштирок этиш бўйича қатъий ахлоқ қоидаларини таъминлаш; бизнеснинг коррупцияга қарши курашишдаги жамоавий тадбирларини рағбатлантириш</p> | <p>хартиясининг лойиҳаси</p> | | <p>қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (<i>Д. Косимов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А. Икромов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>)</p> |
| <p>III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш</p> | | | | |
| 23. | <p>Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан: фуқароларга коррупция фактлари тўғрисида давлат органларини хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловаларни ишлаб чиқиш; коррупция фактлари ҳақида аноним хабарларни ўрганиш имкониятлари</p> | <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p> | <p>2019 йил 1 декабр гача</p> | <p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиков</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Идоралараро комиссия</p> |
| 24. | <p>Давлат органлари билан жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишонч телефонлари ва Call-марказлари («тезкор алоқа линиялари») иш самарадорлиги мониторингини таъминлаш, унинг натижаларини мунтазам нашр этиш</p> | <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p> | <p>2020 йил 1 апрел-гача</p> | <p>Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (<i>К. Алламжонов</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиков</i>), Бош</p> |

| | | | | |
|-----|--|---|-----------------------------------|--|
| | | | | прокуратура (О. Муродов), вазирлик ва идоралар |
| 25. | Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш | Қонун лойиҳаси | 2020 йил 1 сентябр- гача | Олий суд (К. Камиллов), Бош прокуратура (О. Муродов), ИИВ (П. Бобожонов) |
| 26. | Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан: тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашганлиги, ноқонуний ҳаракатлар қилганлиги, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклашга ёки уларни тўхтатишга сабаб бўлган асоссиз ва ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш; тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини янада ҳимоя қилиш масалаларида жамоатчилик назорати механизмлари жорий этилишини таъминлаш | Норматив- ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2019 йил 1 октябр- гача | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ССП (А. Икрамов) |
| 27. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларини ва судьяларни тайёрлаш бўйича амалий чораларни қўйидагилар орқали такомиллаштириш: коррупцияга қарши курашишнинг замонавий воситалари ва усулларидан фойдаланиш; коррупция жиноятларини | Ташкилий чора- тадбирлар (ўқув дастур- лари, модуллар, масофавий курсларни ишлаб чиқиш, | 2019 йил 1 ноябр- гача | Бош прокуратура Академияси (Е. Коленко), Судьялар олий кенгаши қошидаги Судьялар олий мактаби (Х. Исоқов), ТДЮУ (Е. Канъязов), |

| | | | | |
|--|---|---|------------------------|--|
| | аниқлаш, тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш; мураккаб молиявий жиноятларни тергов қилиш, жиноий даромадларни легаллаштириш соҳасидаги ишларни самарали суриштириш; малака ошириш жараёнига халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб қилиш | тренинглари, «давралар», «сухбатлари» ва бошқаларни ташкиллаштириш) | | ИИВ Академияси (Б. Матлюбов) |
| 28. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида янги хавф-хатар ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник жиҳозланишини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2020 йил 1 июлга ча | Бош прокуратура (О. Муродов), ИИВ (П. Бобожонов), ДХХ (А. Азизов), ДБҚ (М. Азимов), ДСҚ (Б. Мусаев), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов) |
| IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик | | | | |
| 29. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида меъёрий ва ташкилий-амалий базани такомиллаштириш жараёнига халқаро ташкилотлар (БМТ НЖҚКБ, БМТТД, ИХТТ, ЕХҚТ, ШҚТ, ЕОГ ва бошқалар)ни жалб қилиш | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 декабр-гача | ТИВ (А. Камиллов), Бош прокуратура (О. Муродов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ИИВ (П. Бобожонов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов) |
| 30. | ИХТТнинг тавсияларини бажариш бўйича ҳар томонлама | ИХТТнинг тавсиялари | 2019 йил 1 июлга | Идоралараро комиссия |

| | ва самарали чоралар кўриш | ни бажариш бўйича «Йўл харитаси» | ча | |
|-----|--|--|-------------------------------|---|
| 31. | Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси мониторинги 2-босқичига тайёргарлик кўриш ва тегишли ташкилий чораларни қабул қилиш | Ташкилий чора- тадбирлар | 2019 йил 1 декабр гача | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ТИВ (<i>А. Камиров</i>) |
| 32. | Коррупцияга қарши курашишга бағишланган халқаро форумни ўтказиш ва унда ушбу соҳадаги етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш масаласини кўриб чиқиш | Ташкилий чора- тадбирлар | 2019 йил 15 декабр гача | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), ИИВ (<i>П. Бобожонов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ТИВ (<i>А. Камиров</i>) |
| 33. | Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг аудиторлик халқаро ташкилотлари олий органлари (INTOSAI, ASOSAI и ECOSAI)га қўшилиши ва хорижий давлатларнинг юқори даражадаги аудиторлик органлари ва етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш | Ташкилий чора- тадбирлар | 2019 йил 1 декабр гача | Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), ТИВ (<i>А. Камилов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>) |
| 34. | Хорижий оммавий ахборот воситаларида давлат ва жамиятнинг коррупцияга қарши курашишдаги принципиал позицияси тўғрисида хорижий давлатлар, инвесторлар ва фуқароларнинг тушунчасини яхшилашга қаратилган коррупцияга қарши курашиш бўйича республикамиз | Ташкилий чора- тадбирлар | 2020 йил 1 январгача | ТИВ (<i>А. Камилов</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ИИВ (<i>П. Бобожонов</i>) |

| | | | | |
|-----|---|------------------------------|---------------------------|---|
| | томонидан қабул қилинган чоралар тўғрисида махсус материаллар ёритилишини ташқил этиш | | | |
| 35. | Куйидаги халқаро шартномаларга қўшилиш масаласини кўриб чиқиш: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Европа Кенгаши Конвенцияси (Варшава ш., 2005 йил 16 май); Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги МДХнинг Кишинев конвенцияси (Кишинёв ш., 2002 йил 7 октябрь) | Таҳлилий материал- лар | 2019 йил 1 июлга ча | Бош прокуратура (О. Муродов), ТИВ (А. Камиров), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов) |

2.6. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташқил этилиши

2020 йил 29 июнь «Тараққиёт стратегияси» маркази Давлат раҳбари «Ҳалоллик вакцинаси» ва коррупцияга қарши курашишга масъул бўладиган алоҳида орган ташқил этилиши ҳақида илк бор Парламентга йўллаган мурожаатномасида қайд этган эди. Кейинчалик ушбу фикрлар, 2020 йилги Давлат дастурида ҳам акс этди.

2020 йилги «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» Давлат дастурининг 53-бандига кўра, Давлат раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан **Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** ташқил этилмоқда.

Агентлик:

• **Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти**

институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг биргаликдаги самарали фаолиятини таъминлаш, шунингдек, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорлик учун масъул бўлган махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

• ўз фаолиятини **қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари** асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва Олий Мажлис палаталари олдида ҳисобдордир;

• Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади. Президентнинг Агентлик директорини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Олий Мажлис Сенати томонидан тасдиқланади.

• **Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

• коррупция ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш;

• коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини, коррупцияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва бошқа дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

• жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш;

• коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида вазирлик ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектор вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;

• давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими (“комплаенс-назорат”) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш, уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш;
- давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этиш;
- давлат хизматига ҳалоллик стандарти (“ҳалоллик вакцинаси”) ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш, шунингдек, уларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакатнинг имиджини мустаҳкамлаш ва халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш ва коррупцияни олдини олиш, унга қарши курашишнинг таъсирчанлигини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш.

Фармон билан Агентлик ҳар йили ОАВда эълон қилиниши лозим бўлган Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маърузани тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис палаталарига киритади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имиджига зарар етказувчи коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш натижаларини комплекс таҳлил қилади ҳамда натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ахборот беради.

Қолаверса, коррупцияга оид жиноятлар оқибатида жамият ва давлат манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланилишига эришиш устидан назоратни амалга оширади.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари ва бошқа соҳалар кесимида

коррупциянинг даражасини баҳоловчи Коррупцияни қабул қилиш миллий индексини тузишни ташкиллаштиради.

Агентлик давлат харидлари соҳасида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш мақсадида давлат буюртмачиси ISO 37001 коррупцияга қарши стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатади.

Фармон билан Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилмоқда:

- бюджет маблағларининг сарфланиши, давлат активларининг сотилиши, давлат харидлари, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва давлат дастурлари бажарилиши билан боғлиқ материалларни талаб қилиш, олиш ва ўрганиш;

- ўз ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан ўрнатилган тартибда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш;

- **жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;**

- давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида **коррупция ҳолатини ўрганиш;**

- коррупцияга оид жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, тизимли коррупциянинг ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш мақсадида қонунчилик, шу жумладан жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ жиноят ишлари материалларини ўрганиш;

- ўрганиш ва бошқа тадбирлар натижалари бўйича тўпланган материаллар фаолиятида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аломатлари бўлган шахсларга нисбатан қонунга мувофиқ чоралар кўриш, жумладан жиноят ишларини қўзғатиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органларига тақдим этиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар бўйича **маъмурий суриштирувлар ўтказиш;**

- ижро ҳоқимияти ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари қарорларида коррупция белгилари аниқланган ҳолларда уларнинг ижросини тўхтатиш

ёки бекор қилиш тўғрисида **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномаларни киритиш;**

• давлат органлари, ташкилотлари ва уларнинг мансабдор шахсларига **кўриб чиқилиши мажбурий бўлган** коррупцияга оид ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантиришлар** ҳамда коррупцияни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритиш.

Агентликнинг огоҳлантириш, тақдимнома ва мурожаатлари ўн кун ичида **кўриб чиқилиши** ва натижалари юзасидан ёзма ахборот берилиши **шарт** қилиб белгиланмоқда.

Бундан ташқари Агентликнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш ва текширишлар ўтказиш, мутахассислар ажратиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги талабларини бажариш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва фуқаролар учун мажбурий этиб қўйилмоқда.

Шу қаторда, Агентлик ходимлари ўз ваколатлари доирасида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш мақсадида давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ушлаб турилганларни ва қамоққа олинганларни сақлаш жойлари, жазони ижро этиш муассасаларига монеликсиз киришга ва ҳужжатлар билан танишишга ҳақли этиб белгиланмоқда.

Коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда Агентлик билан келишилиши лозимлиги қайд этилган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий идоралараро комиссиялари **Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши** ва унинг ҳудудий кенгашлари этиб қайта ташкил этилмоқда.

Фармон асосида Агентлик Миллий кенгашнинг ишчи органи этиб белгиланди.

Агентликни ходимлар билан тўлдириш конкурс асосида халқаро стандартларга мувофиқ амалга оширилади. Шу билан бирга,

Агентликка биринчи марта ишга қабул қилинадиган ходимлар ишдан ажратилган ҳолда Бош прокуратура Академиясида **махсус ўқув дастурлари** бўйича таълим олади.

Агентлик зиммасига:

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тармоғининг Истанбул ҳаракатлар дастури доирасидаги ишлар ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ва Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа халқаро шартномалари қоидаларининг бажарилиши билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишдаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси миллий координатори** вазифа ва ваколатлари юклатилмоқда.

Агентлик давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолияти, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат ва бошқа дастурлар самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда баҳолаш имконини берувчи “**E-Anticor.uz**” электрон платформасини ишлаб чиқади. Шу билан бирга, коррупция ҳолатлари ҳақида Агентликни хабардор қилиш имконини берувчи махсус **мобил дастур** яратилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича “**Йўл харитаси**” ишлаб чиқилади.

Айтиш жоизки, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқиш жараёнида тегишли давлат органлари билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, “Тараққиёт стратегияси” маркази халқаро тажрибани ўрганишга оид таҳлил ва таклифлари билан иштирок этди. Ўрганиш натижаларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 150 дан ортиқ антикоррупцион тузималар фаолият юритмоқда. Коррупцияга қарши курашишга ихтисослаштирилган органлар фаолиятини юритишда Гонконг, Сингапур, Франция, Руминия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Финляндия, Норвегия давлатлари катта тажрибага эга.

Аҳамиятлиси, мазкур ҳужжат коррупция билан самарали курашаётган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўзида мужассамлаштирган. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши эса

норматив-ҳуқуқий ва институционал базани янада такомиллаштириш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмини жорий этишга ёрдам беради⁸⁷.

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди. Ўзбекистонда давлат хизматчилари даромадларини декларация қилишга киришилади. капитал курилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилади. Президент коррупцияга қарши кураш дастурини тасдиқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 май куни Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармонни имзолади. Ҳужжат коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини оширишга қаратилган.

Фармон билан **2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури қабул қилинди** ва Сенат раиси Ниғматулла Йўлдошев бошчилигидаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг янгиланган таркиби тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларининг таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссиялари** ташкил этилади. Улар жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш, жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб боради.

Фармонда **коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда** қуйидагилардан иборат экани белгиланди:

⁸⁷ <https://strategy.uz/index.php?news=992>

• суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

• давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, таъқиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

• давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

• коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

• аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

• давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

• фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш.

Идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиклиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага

келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

- коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

- идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

- Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди;

- ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

1 сентябрдан бошлаб таълим муассасаларида ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирлар татбиқ этилиши лозим. Бундан ташқари умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилади.

Уч ой муддатда, шу жумладан, техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарур чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиши лозим.

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда **капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа»**

лойиҳаси амалга оширилади. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳа бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этилади.

Қўшимча равишда коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган «Йўл харитаси» лойиҳаси ишлаб чиқилади. Унда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг Олий Мажлис палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш, қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усулларини жорий этиш кўзда тутилган⁸⁸.

2.7. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашда халқаро тажрибадан фойдаланиш

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятда адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий, самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматчиларида коррупциявий ҳолатларнинг барча кўринишларига нисбатан қатъий мурасасизлик руҳиятини шакллантириш, халқ манфаатларини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда.

Ушбу ислохотларнинг туб замирида Президентимиз томонидан илгари сурилган «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойил мужассам. Шу асосда мавжуд барча имкониятларни халқимиз манфаатлари йўлида сафарбар қилиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Президентимизнинг 2020 йил 29 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида асосан, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Янги агентликнинг асосий вазифалари белгиланди. Хусусан, 2020-2021 йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини босқичма-босқич жорий этиш шулар жумласидандир.

⁸⁸ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/05/29/corruption/>

Албатта, коррупцияга қарши самарали курашда дунёнинг тараққий этган давлатларининг илғор тажрибасини ўрганиш ва миллий амалиётга татбиқ этиш муҳим ўрин тутади.

Қуйида ана шундай илғор хорижий тажрибалар хусусида фикр юритамиз.

Маълумки, Нидерландия дунёда коррупция даражаси энг паст давлатлар қаторига киради. Мазкур давлатда коррупцияга қарши кураш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади. Коррупция ҳолати аниқлангач, коррупциявий ҳаракатнинг оқибатлари муҳокама қилинади ва уларга қўлланган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Ички ишлар вазири ҳар йили коррупция фактлари ва коррупцияга алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради.

Мамлакатда коррупциявий ҳолатлар юзага келиши мумкин бўлган «нуқта»ларни кузатиб бориш ва бу жойларда шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш тизими ишлаб чиқилган.

Шунингдек, расмий ахлоқ қоидаларининг бузилиши учун жавобгар мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими яратилган.

Коррупциявий ҳаракатлар учун асосий жазо — давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёзлардан маҳрум бўлишдир. Шунингдек, жарима ва ўз вазифасидан вақтинча четлатиш жазоси ҳам қўлланилади.

Энг муҳим ташкилотларда, хусусан, вазирликларда:

– ички хавфсизлик хизмати мавжуд бўлиб, уларнинг вазифаси амалдорларнинг хатосини аниқлаш, уларнинг қоидаларни қасддан ёки тасодифан бузишини ўрганиш ҳисобланади;

– коррупция содир этиши мумкин бўлган лавозимларга шахсларни танлаш тизими яратилган;

– миллий хавфсизлик тизимига тегишли бўлмаган, коррупцияга оид барча материаллар оммага эълон қилинади;

— коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат хавфсизлиги тизими яратилган ва у коррупцияни аниқлаш учун катта ваколатларга эга;

— барча даражадаги мансабдор шахслар ўзларига маълум бўлган коррупцияни рўйхатга олишлари шарт, бу маълумотлар ички ишлар ва адлия вазирликларига юборилади;

— коррупцияга қарши курашда оммавий ахборот воситалари катта роль ўйнайди. Чунки улар коррупция ҳолатларини фош этади ва улар ҳақида суриштирув олиб боради.

Сингапурда эса коррупцияга қарши кураш асосий йўналиши бўлган махсус орган мавжуд. У Коррупцияга қарши кураш бўйича тергов бюроси деб аталади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторида коррупциянинг олди олинишини ўрганади.

Бюро ҳукумат амалдорлари мансабини суиистеъмол қилган ҳолатларни текширади ва тегишли органларга зарур чораларни кўриш учун хабар қилади. Бюро бошқарув тизимидаги камчиликларни аниқлаш учун давлат органлари иш услубларини ўрганади.

Агар бундай бўшлиқлар коррупцияга ва суиистеъмолчиликка олиб келиши мумкин бўлса, Бюро ушбу бўлинмалар раҳбарларига чора кўришни тавсия қилади.

Сингапур давлати коррупцияга қарши сиёсатининг асосий ғояси «инсонни коррупцияга ундайдиган ҳолатларни бартараф қилиш»дан иборат. Бунга бир қатор тамойиллар орқали эришилади:

1) давлат хизматчиларининг иш ҳақини хусусий секторда муваффақиятли ишлаётган шахсларнинг ўртача ойлик иш ҳақи билан тенглаштириш;

2) давлат органлари мансабдорларининг мулки, активлари ва қарзлари бўйича йиллик ҳисоботларини назорат қилиш. Хусусан, прокурор коррупцияга қарши қонунчиликни бузганликда гумон қилинган шахсларнинг ҳар қандай банк ҳисоб рақамларини, акцияларини текширишга ҳақли;

3) юқори лавозимдаги мансабдорларнинг маънавий юксаклигини таъминлаш;

4) иқтисодий ривожланишда дуч келинадиган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш.

Германияда муайян функциялардан қатъи назар, давлат хизматчилари ўз вазифаларини бутун жамият манфаати учун холис ва адолатли бажариши шарт.

Мазкур мамлакатда коррупцияга қарши курашнинг биринчи вазифаси расмий сирларни сақлашдан иборат. Давлат хизматчиси,

шунингдек, ўз фаолияти давомида унга маълум бўлган маълумот ва ҳақиқатларни сир сақлаши талаб этилади.

Давлат хизматчиси рухсат олмасдан туриб гувоҳлик беришга, ҳатто судда ҳам баёнот беришга ҳақли эмас. Давлат хизматчиси хизмат кўрсатишдан бошқа ҳар қандай иш учун олдиндан юқори даражадаги раҳбарининг розилигини олиши талаб қилинади.

Давлат хизматчиси учун рухсатномалар фақат илмий муассасаларда ва ўқитиш ҳамда тадқиқотлар билан боғлиқ фаолият учун талаб қилинмайди. Давлат хизматчилари бирон-бир тадбиркорлик фаолияти билан шахсан ёки ваколатли вакиллари орқали шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Федерал ҳукумат қонун кучига эга қарор чиқариш йўли билан давлат хизматчиларининг ўриндошлик асосида ишлаш тартибини белгилайди. Унда қайси фаолият давлат хизмати деб ҳисобланади ёки унга тенглаштирилади; давлат хизматчиси кўшимча иши учун ҳақ оладими; давлат хизматчиларининг қайси тоифалари рухсатнома олишга мажбур каби масалалар аниқлаштирилади.

Агар хизматга оид муносабатлар тугатилгандан сўнг давлат хизматчиси ўзининг охириги беш йиллик хизмат фаолияти билан боғлиқ ишда ишласа, охириги хизмат жойида буни эълон қилиши керак. Унинг фаолияти, агар хизмат манфаатлари учун зарар етказиши мумкин бўлса, таъқиқланади.

Бу таъқиқ давлат хизматининг энг юқори инстанцияси томонидан жорий этилади ва хизмат муносабатлари тугаганидан кейин 5 йил ўтгач, тугайди.

Давлат хизматчиларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги оқибатлари батафсил тартибга солинади. Давлат хизматчиси, Федерал интизомий ҳуқуқ ҳақидаги низомга мувофиқ, ўз вазифаларини бажариш тартибини бузган деб топилса, жиноят содир этган ҳисобланади⁸⁹.

Коррупцияга қарши курашишда шафқатли бўлиш керак эмас “Ҳокимиятни пулга сотиб олганлар ундан фойда олишни истайди”, деган эди файласуф Арасту. Қадимги Грек файласуфи яшаб ўтган даврдан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо коррупция билан боғлиқ муаммо ўз долзарблигини йўқотмаган. Бунинг устига унга қарши

⁸⁹ <http://sud.uz/korrupsiyaga-qarshi-kurashda-xalqaro-tajriba/>

курашишда самарали курол ҳам яратилмаган. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб коррупция халқаро муаммолардан бирига айланди. Бир мамлакатдаги коррупция кўриниши иккинчи мамлакат билан боғланиб кетди. Айни дамда коррупция халқаро савдода миллиардлаб зарар келтирмоқда.

Коррупция билан боғлиқ муаммо Европада ҳам сақланиб қолмоқда. Бу мавзу давлат ва ҳукумат раҳбарлари, полиция ва журналистларнинг доимий эътиборида. Таҳлилчиларнинг фикрича, “кўхна қитъа”даги коррупция ҳар йили Европа иқтисодиётига 120 миллиард евро миқдорида зарар етказди. Бироқ Европа Иттифоқининг аксилкоррупция агентлиги – OLAFнинг таъкидлашича, бу атиги айсбергнинг юқори қисми холос. Аслида Европа мамлакатлари коррупция туфайли йилига 323 миллиард евродан маҳрум бўлади. Кузатувчиларнинг фикрича, коррупциянинг ҳақиқий қамровини баҳолашнинг имконияти йўқ. ЕИ мамлакатлари аҳолиси ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига қараганда, респондентларнинг 76 фоизи коррупция ўсиб бораётганини қайд қилган.

Европада энг коррупциялашган мамлакат Греция экани айтилади. Ундан кейинги ўринларда Италия, Испания, Литва, Чехия давлатлари туради. Европада коррупцияга қарши курашишга ўнлаб ташкилотлар жалб қилинган.

Жаҳоннинг турли давлатларида коррупцияни бартараф этиш йўлида бир қатор самарали чора-тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Шу ўринда шарҳловчилар бир овоздан Сингапур тажрибасини тез-тез тилга олади. Бу давлат чорак аср мобайнида учинчи дунё мамлакатидан гуллаб-яшнаган фаровон мамлакатга эришди. Бу мақомга эришишида коррупцияга қарши кескин курашиш бош омил бўлди. Ўтган асрнинг 50-йилларида Сингапур жуда ҳам қашшоқ эди. Табиий ресурсларнинг етишмаслиги, ҳатто ичимлик сувининг четдан олиб келиниши давлат идораларида илдиз отган коррупция олдида арзимаган иш бўлиб кўринарди. Ҳамма, ҳатто ўқитувчилар ҳам пора оларди. Аммо Сингапур ҳукумати коррупция устидан ғалаба қозонди. Бунда биринчи навбатда мамлакат раҳбариятининг қатъий иродаси муҳим аҳамият касб этди. Бош вазир Ли Куан Ю коррупцияга барҳам беришда ўз қариндошлари ва ҳукуматдаги маслакдошларини ҳам аяб ўтирмади. Ҳар бир

фуқаронинг шубҳали хатти-ҳаракатлари текширилди, айбдорларга муносиб жазо берилди.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашишга қаратилган янги қонунлар қабул қилинди. Учинчидан, бу қонунларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалда чекланмаган ваколатларга эга бўлган – Коррупция ҳолатларини текшириш бюроси ташкил этилди. Бюро бевосита давлат раҳбарига бўйсунарди, бу ўз навбатида ҳар бир давлат амалдорига нисбатан адолатли тергов олиб борилишини таъминлади.

Шу ўринда Руминия тажрибасини ҳам мисол сифатида келтириш мумкин. Бу мамлакат 2007 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кирди. Шунини айтиш керакки, Руминия Европа Иттифоқига киришидан аввал ва кирганидан кейин ҳам мамлакатда коррупция илдиз отган эди. Унга қарши курашиш шунчаки, кўргазмали бўлиб, бирор-бир натижа бермасди. Вазиятни кузатиб борган Еврокомиссия бу иллатга қарши курашишга аралашишга аҳд қилди. Унинг экспертлари 2011 йилда Руминия учун аксилкоррупция стратегиясини ишлаб чиқди, бу лойиҳа ўз самарасини берди.

Мамлакатда коррупцияга қарши курашиш иккита идорага – Миллий аксилкоррупция бошқармаси ва Миллий яхшилик масалалари агентлигига топширилди. Бу икки идора 2013 йилда мингдан ортиқ ишни судга топширди. Пوراҳўрликда гумон қилиниб ўнлаб вазирлар, элчилар, мэрлар, полиция ва божхона ходимлари қўлга олинди. Бу мамлакатда коррупцияга қарши курашишнинг самарали бўлишига Европа Иттифоқи ва маҳаллий сиёсатчи, суд ва ОАВнинг биргаликда қилган ҳаракатлари сабаб бўлди. Амалиёт шунини кўрсатдики, тўғри стратегия бўлмас экан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш самара бермайди.

Узоқ йиллардан бери Швеция коррупциялашган давлатлар рўйхатига кирмайди. Шунини таъкидлаш керакки, 19-асрга аввалбошда лотинчада акс этган маънодан бошқача янграйди. «Transparency International», Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлар коррупция деганда ҳукумат амалдорлари ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида хизмат ваколатларини суиистеъмол қилганлигини тушунади⁹⁰.

⁹⁰ <https://www.standart.uz/cyrl/news/view?id=2123>

ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудирлари Экспертлар гуруҳи раҳбари Нуриддин Муродов партиянинг коррупцияга қарши курашишдаги позициясини қуйидаги тўққизта вазифани ҳал қилиш орқали ечиш мумкинлигини уқтирган:

Биринчи масала, қонун ҳужжатларида ҳали-ҳамон коррупцияга (коррупциявий омиллар келтириб чиқарувчи) нормалар мавжудлиги ва ушбу нормаларни экспертизадан ўтказишнинг самарали механизми амалда йўлга қўйилмаганидир. Яъни қонун ҳужжатларидаги у ёки бу нормаларнинг ўзи коррупция ҳолатларига йўл қўйиб бериши, айрим давлат идораларига ортикча ваколат берилаётгани ёки ваколатнинг суистеъмол қилинишига ҳуқуқий асоснинг рухсат бериш ҳолатлари мавжудлигидир.

Масалан, Бош прокуратура асосиз ваколат берилгани ёки Судьялар олий кенгаши қарор ва ҳулосаларига нисбатан шикоят қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги каби омиллар бунга мисол. Яна бир муҳим масала, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий низолардан келиб чиққан низолар бўйича шу судларда кўрилатган ишларга нисбатан прокуратура органларининг протест киритиш ваколатини шикоят қилиш ҳуқуқига алмаштириш ҳам муҳим. Чунки мавжуд тартиб процессуал кодексларда белгиланган судларда тарафлар тенглиги тамойилига зиддир ва бу ҳолат бюрократияни келтириб чиқаради. Судларга ишончни пасайтиради. Оқибат эса сизга аён. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш ва **коррупциявий омиллар**, ҳуқуқни қўлловчиларга асосиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асосиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талаблар, шунингдек, ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳалар нормаларини кўриб чиқиш механизмини тубдан такомиллаштириш даркор.

Иккинчидан, коррупцияга қарши курашиш тизимини тубдан ислоҳ этиш зарур. Яъни мавжуд тизим негизида, давлат раҳбари томонидан лавозимига тайинланадиган ва парламент юқори палатасига ҳисобдор бўлган мустақил давлат агентлигини ташкил

этиш мақсадга мувофиқ. Негаки, мавжуд идоралараро комиссия иши ўз натижадорлигини кўрсатмади.

Коррупцияга қарши тузилмаларнинг бир нечта давлат идораларида фаолият кўрсатиши бир-бирининг фаолият ва ваколатларини такрорласа, иккинчи жиҳатдан битта идорада ҳам ушбу тузилма ва тергов органининг фаолият юритиши ўз-ўзидан шу органга судлар фаолиятига таъсир этиш механизмини тақдим этади, судлар мустақиллигига путур этади, пировардида эса одил судловни тўла таъминлаш қийинлашади. Бу эса аҳолининг одил судловга, адолатга ишончига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу нуқтаи назардан коррупцияга қарши курашувчи яхлит давлат идораси нафақат коррупцияга қарши кураш, балки, унинг оқибатлари, келиб чиқиш омилларини бартараф этиш борасида ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларни мувофиқлаштириб борадиган, бу иллатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий томонларини илмга таянган ҳолда ечим излайдиган ташкилот сифатида тузилиши муҳим.

Учинчидан, бугунгача коррупция дейилганда, аҳолининг кўпчилик қисми Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг (210-моддаси) **пора олиш, (211-моддаси) пора бериш, (212-моддаси) пора олиш-беришда воситачилик қилишни назарда тутувчи диспозицияларни тушунишарди.** Ваҳоланки, шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилиқ, гуруҳлар манфаатлари йўлидаги ҳаракатлар, ходимларни пора ва бошқа ҳақ эвазига оғдириш йўлидаги ҳаракатларга эътибор кам. Аслида эса мана шу қайд этилган кейинги ҳолатлар жамият учун олди-бердидан ҳам кўра анча хавфлироқдир. Шу боисдан “манфаатлар тўкнашуви”ни ЖКда ҳуқуқий норма сифатида аниқ ёритиш, Олий суд томонидан расмий тушунтириш берилиши, бу борада санкция масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, коррупцияни сунъий ошириб кўрсатувчи омиллар –жиноят қонунчилигида бу борада мавжуд тажовузкор ва қаттиқ нормаларни, умуман, жиноят қонунчилигини либераллаштириш сиёсати оқсаётгани билан изоҳлаш мумкин. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқ-

тартиботни таъминлаш, бу соҳада ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш муҳим. Коррупцияга оид қилмишларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, профилактика қилиш ва олдини олиш, ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги самарадор ҳуқуқий механизмларни қўллаш, бу тоифа жиноятларни содир этганлик учун санкциялар (*қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусияти, жазонинг муқобил турлари, жамоатчилик таъсир чоралари*)дан кенг фойдаланиш, халқаро амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларни имплементация қилиш, ЖКнинг 167-моддаси билан иш қўзғатилганда юридик шахслар жиноий жавобгарлигининг мавжуд эмаслигини эътироф этиш, тўлов имкони бўлган ҳолатда юридик шахс раҳбарларини ҳибсга олмай бошқа муқобил чораларни қўллаб, сунъий равишда коррупция ҳолатларини келтириб чиқармаслик ва суд-тергов фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш долзарб вазифадир.

Бешинчидан, коррупцияни юзага келтираётган муҳим омиллардан яна бири марказлашган бюрократик омиллар, **давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилгани,** ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари тармоқ, ҳокимият органлари ҳуқуқий мақомининг айрим ҳолатларда аниқ чегаралаб қўйилмагани уларнинг давлат аппаратидаги аниқ ўрни ва ролини аниқлаш имконини бермаяпти ҳамда айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгаллиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифалар такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатлари мавжудлиги, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳаларининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлиги механизмлари қониқарсизлиги, давлат-хусусий шерикликнинг сустривожлангани нодавлат нотижорат ташкилотлари

ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чеклаши ва ҳоказолар.

Олтинчидан, ноқонуний (рўйхатдан ўтмаган) бизнеснинг умумий бизнесдаги салмоқли ўрни, яъни яширин бизнес, нақд пулнинг ноқонуний айланмаси, солиққа тортилмайдиган маблағнинг катта миқдори сақланиб қолаётгани ҳамда ушбу ноқонуний бизнес ва пул айланмасини қонунлаштириш, легаллаштириш йўлига ўтказишнинг самарали механизми жорий этилмаган. Шунингдек, даромадни декларация қилиш институти фаолияти ҳам қониқарли эмас.

Еттинчидан, бу борада ваколат сифатида ҳар икки палатада такрорланувчи кучсиз ва самарасиз йўлга қўйилган парламент назоратини келтириш мумкин.

Саккизинчидан, ОАВ билан алоқа, яъни очиқлик ва шаффофлик лозим даражада йўлга қўйилмагани ҳар қандай ташкилотда бюрократия ва коррупцияга имконият қолдиради. Ривожланган қатор давлатларда айнан коррупцияга қарши кураш борасида ҳам шу ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқалар тузилмаси раҳбарлик тузилмаларидан бири саналади ҳамда ОАВ билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилади.

Тўққизинчидан, коррупцияга қарши курашда маънавият масаласи очиқ қолмоқда. Яъни маънавий олами бой инсонни тарбиялаш коррупцияга қарши курашда энг таъсирчан усуллардан биридир. Шу боис мактабларда, олий таълим ва ундан кейин, айниқса, коррупцияга қарши кураш тизими учун кадрлар захирасини шакллантиришда маънавият дарсларини кенг йўлга қўйиш айтилган муддао. Зеро тамаъ ва тамагирлик маънавиятсизликнинг ёрқин бир кўриниши эканини ўсиб келаётган ёш авлод қалбига чуқур сингдириш лозим⁹¹.



Назорат учун саволлар

1. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар ва шартномалар ҳақида нималарни биласиз?

⁹¹ <http://uza.uz/oz/society/korruptsiyaga-doir-t-iz-asosiy-masala--25-06-2019>


2. “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси” қачон қабул қилинган ва у ҳақида гапириб беринг.

3. “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенцияси”да “оммавий мансабдор шахс” атамаси қандай маънони англатади?

4. Дунёда коррупция даражаси энг паст давлатларни санаб беринг ва уларнинг коррупцияга қарши кураш тизими ҳақида сўзлаб беринг.

5. Коррупцияга қарши курашда нима учун маънавий масаласи очик қолмоқда?

6. Коррупцияни сунъий ошириб кўрсатувчи омилларга мисоллар келтира оласизми?



Мустақил таълим учун

«САДАҒАНГ КЕТАЙ, ФРАНКЛИН»...

(буғунги аҳволимиздан бир шингил трагедия)⁹²

Прокурор болам, ҳали ёшга ўхшайсан... Менинг ёшимни сўрайсанми? Камина икки кам саксонга яқинлашдим. Отамнинг айтишича, Гитлерни тўнғиз кўпиши аниқ бўлиб қолган вақтларда туғилган эканман. Сталин ўлган замонларда эсимни таний бошлаганман... Майли ўша пайтларни эсламай.

Колхозда табелчилик, сувчилик, пахтачилик илмларидан хабарим бор. Ҳисоб-китобга уста эдим, хотирам зўр эди. Ҳозирам унча-мунча нарсани эслаб қоламан. Шу десанг, олдинга замонанинг айрим ноқис ишларидан шикоят қилиб келдимда.

Қоғоз, қалам дейсанми? Ёзай десам қўл қалтирайди, кўз жонивор ҳам чарчаган. Осони айтадиган гапларимни миянга маржондай териб олавер.

Гапнинг индаллоси шуки, бир раҳбарнинг коррупция аталмиш балога уруш эълон қилгани ҳақида эшитиб қолдим. Дуруст гап. Маъқул. Аммо раҳбар зотининг вақти тўғиз бўлади. Ўйлашимча, тепадагиларнинг пастдаги айрим ишлардан хабари йўғов. «Азага

⁹² <https://xabar.uz/jamiyat/sadagang-ketay-franklin-bugungi-ah>

келган хотин ўз дарди билан йиғлайди» дегандай ўзимнинг маҳалламдаги айрим ғаройиб ва ғариб ишларни сенга айтиб берсам.

Маҳаллада поликлиника бор. Шу жойга ишга киришнинг нархи нақ бешта Франклин сурати солинган қоғоз эмиш... Ҳатто олтита берганлар ҳам бор... Кимлар дейсанми? Мен қарияда эс қолибдими? Қўшнимиз Жўравой кенжа қизини жойлаштириш учун сигирини пуллаганини биламан. Ўзиям серсут, семиз сигир эдида. Ярим соатгина соғишга кечиксаям, оппоқ сутнинг ўзи оқиб кетар эмиш жонивордан... Яна алжираб кетдим. Хуллас, сигир кетди. Жўравой таниш-билиш орқали катталарга узатибди зўрға. Қизи ўзи коллежга пул билан кирганди... Шу поччамга шу янгам деган гап бор.

Тумандаги бош врач илоннинг ёғини ялаган. Бултур Аллаёров деган ёзғувчи ҳам келиб тилидан илинтира олмаган. Унинг ўз услуги бор. Келган комиссия ва текширувчиларга ўзини шундай сиёсий хушёр ва илмли кўрсатадики, лаққа балиқдай туман бош врачга ёлчибди деб кетишади.

Аслида-чи?

Бош врачнинг ўз «олиш» услуги бор экан... Ҳеч қачон тўғридан тўғри «Франклин»ни қўлига ушламайди. Аталган пул жудаям ишончли бўлган кишилар орқали чўнтакка келиб тушади. Унинг биргина ишини очиш учун сен болам ҳали неча йиллар маҳкаманинг тупроғини ялашинг керак...

Иннайкейин, кичиккина поликлиникамизда тўртта янги иш ўринлари очибди. Ҳаммасига раҳбарнинг жиянию-яқинлари эга чиқибди. Қоровуллик ҳам ўзларидан ортмабди. Мактабни айтмай қўяқолай. Тоға директор, хола ўринбосар, жиян ўқитувчи, завхоз куда-андалардан...

Совет даврида колхозга «Жигули» кепқолса, синфийлик рўқач қилиниб, камбағалга ҳам улов тегиб қолгуси эди. Шунга ўхшаб қариндошлар кооперациясига айланиб кетмасин деб, қўшни маҳалладаги Омонқулни қоровулликка олишибди...

Энди маҳаллани ўзига келсак... Қизиғи шунда. Шошма, носқовоғим қаерда эди? Қара шунга долларнинг сурати солинган экан... Маҳалла раиси Тожиддинни дуруст йигит деб ўйлардим. Камбағалдан чиққан, ўқиган, ичмайдиган йигит эди. Амалдор бўлиб, чойхоналарга боришни, ярим кечаси йиғилишдан чиқиб, чоғроққина

ошхоналарда ширакайф бўлишни ўрганибди... Бунинг бир ёрдамчиси бор. Шу йигит бола пули тилаб келганлардан эллик доллардан олиб қоларкан... Ишингиз битса хўп-хўп, битмай қолса пул «енг учида» қайтарилар экан...

Булардан ҳам энг даҳшатлиси нима айтайми? Одамлар ана шу олғувчиларни алқайди, дуо қилади. Жўравой қизини амаллаб ҳамшираликка киргизгач, порахўр шифокорни узоқ дуо қилди. Ишга олгани учун... Бола пулини пластикка олиб, бозор қилувчилар, Тожиддиннинг учар ёрдамчисини мақтайди. Узоқ йили биттасига амал тегиб қишлоқнинг жамики ерлари, иншоотларини сотиб еди. Омбор, трактор парки, шийпонлардан из ҳам қолмади. Шуни ҳеч ким сўкмайди, барака топсин, даврида ер-мулк қилдик дейди.

Сенга ҳали тупканинг тагидаги маҳалланинг аҳволини сўзлаб бердим. Юқорироқда нима ишлар бўлмоқда, кимлар жавлон урмоқда менга қоронғу. Яна бир нарса маълумки, илдизи чириган дарахт мустаҳкам бўлмайди. Биз кўзга илмайдиган «паст» илдиз, раҳбарлар етишиб чиқадиган жой. Шу ерни тозаласак бир нима бўлар, бўлмаса ёзувчи тили билан айтганда, «одам бўлишимизга кўзим етмай қолади».

Олдинга гап ковлагани, аламзадалиқдан келмадим. Худо берган умрни деярли яшаб бўлдим...Не-не раисларнинг даври-даврон сурганини кўрмадим. Ҳаммаси алал-оқибат изсиз кетди. Мана аҳволимиз ўша-ўша. Йигирма йил аввал ўғлим Россияга ишлагани борарди. Соғлиғидан айрилиб, уйга қолдию, энди ўғли бориб келмоқда. Шу туришда кетсак, набирамнинг ўғли ҳам мигрант бўлиб қолишидан кўрқаман.

Прокурор болам, касалликнинг илдизи шу ўлгур «Франклин»га меҳрдан деб ўйлайман. Уни кўрган заҳоти ҳалолликнинг оёғи қалтираб қолади, виждон карахт бўлади. Ҳаммасини ёзиб олдим дедингми? Майли ёз. Иложи бўлса, анави журналистларга бер. Менинг гапимни керак бўлса бош врач, Тожиддин-у, Жўравойлар ҳам ўқисин. Уялсин. Гапларим етиб борса, олдинга бекорга келмаган бўламан...

(Маълумот хабар.uz интернет сайтидан олинди.)

3-мавзу: КОРРУПЦИЯНИНГ МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА ИЛДИЗ ОТИШИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИ

3.1. Коррупция бўлган иқтисодиётда ресурсларни тақсимлаш моделли

Агар пора миқдорини ўғирланган сумманинг пул қиймати билан осонликча таққослаш мумкин бўлса, унда субъектларнинг жазодан зарар кўриши учун имконият харажатлари - жиноятчининг қамоқда ўтказадиган йиллари сони унинг ўртача йиллик даромади ва уни қамоқда сақлаш харажатлари ўртасидаги фарқга кўпайтирилиши керак. Шунингдек, сиз қўлга олинган жиноятчининг жамиятдаги вазини камайтириш ва унинг мумкин бўлган даромадини камайтиришнинг салбий ижтимоий оқибатларини ҳисобга олишингиз мумкин.

Пора талаб қилиш давлат хизматлари сонининг пасайишига олиб келади. Агентлик шахслардан Д (II) талаб эгри чизиғи билан битта бир хил маҳсулот ишлаб чиқарадиган модел. Маҳсулот (хизмат) сотилган маҳсулот миқдорига таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлган мансабдор шахс томонидан сотилади. У ҳеч қандай жазо хавфисиз ҳар қандай шахсга товарларни беришдан бош тортиши мумкин.

Амалдорнинг мақсади - расмий маҳсулоти II бўлган давлат маҳсулотини сотишдан йиғадиган пора миқдорини максимал даражага кўтариш ва мансабдор шахс учун ишлаб чиқариш харажатлари йўқ, чунки улар давлат томонидан тўланади. Иккита ҳолат мавжуд - ўғрилиқ билан ва ўғрилиқсиз, мансабдор шахс учун МС нинг чегара нархи (инглизча маргинал сост) бунга боғлиқ.

Агар ходим фуқаролардан товарларнинг расмий нархини давлатга ўтказадиган миқдорни оладиган бўлса, у ҳолда II давлатга тенг бўлади, агар у давлатга ҳеч нарса ўтказмаса ва фуқаролардан олинган барча миқдорни ўзлаштиради, у ҳолда МС у учун нолга тенг бўлади ва фуқаро фақат пора беради. У ҳар бир [манба 1620 кун кўрсатилмаган] нарх белгилаш орқали фуқароларни камситиши мумкин эмас ва шунинг учун монополист ролини ўйнайди.

Ушбу моделга кўра, коррупция биринчи навбатда мансабдор шахслар ўртасидаги рақобат орқали тарқалади, чунки энг жозибали лавозим улар учун энг юқори нархни тўлай оладиган кишиларга тегишли бўлиб, бу пора йиғишни рағбатлантиради. Ўғрилиқ билан

коррупция ҳолатида коррупция тарқалиши икки омил билан тезлашади.

Биринчидан, мансабдор шахслар бюджет маблағлари учун рақобатлашади.

Иккинчидан, давлат хизматлари истеъмолчилари учун пора нархи мансабдор шахс билан тил бириктиришда солиқ ёки божга нисбатан камроқ бўлади ва шунинг учун пора берувчилар бозорда қонунга бўйсунадиган рақобатчилардан кўра яхшироқ мавқега эга.

Коррупцияга қарши курашни ҳисобга олган ҳолда, бу ҳолда ўғликка тўсқинлик қилиш учун қатъий бухгалтерия ҳисобини жорий этиш кифоя. Ўғирликсиз коррупцияга ўтиш, графиклардан кўриниб турибдики, пора сонини ҳам камайтиради.

Шу билан бирга, модел муаллифлари, бу асосан авторитар тузумларга ва ривожланмаган бозорларга тегишли эканлигини таъкидлашади. Очiq иқтисодиётда рақобат одатда коррупцияга тескари - тўхтатувчи таъсир кўрсатади. Агар турли идоралар бир хил хизматларни тақдим қилсалар, истеъмолчи танлов ҳуқуқига эга ва пора талаб қилиш даражаси камаяди. Хусусий фирмалар пора бериш бўйича рақобатчилар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар беришади. Демократик режимларда сиёсий элита ўртасидаги рақобат ҳукуматни янада шаффоф қилади.

3.2. Асосий агент назарияси

Асосий-агент назарияси, кафил («асосий») ижрочилар («агентлар») нинг ҳаракатлари тўғрисида барча маълумотларга эга бўлмаган вазиятни кўриб чиқади. Шунинг учун у улар билан шартнома тузади, унда ўзларини тутишларига туртки берадиган агентлар учун (асосан мижозларга хизматлар кўрсатиш учун) комитентнинг манфаати учун қулай шарт-шароитлар мавжуд. Агентлик моделининг асосий хулосалари - махсус терминологиядан фойдаланмасдан - фундаментал зиддият бўлимида келтирилган.


Ушбу модел турли гуруҳлар таъсирида бўлган элита хатти-ҳаракатларини ўрганиш учун ҳам қўлланилади. Коррупция ушбу гуруҳларнинг манфаатлари билан сайловчиларнинг манфаатлари тўқнашуви сифатида тушунилади: миллат умуман танланган вакиллар (агентлар) билан ижтимоий шартнома тузадиган асос ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, сайловчилар қанчалик

кўп хабардор бўлса, вакилларнинг коррупция учун имкониятлари шунчалик кам бўлади. Ўз навбатида, вакиллар шахсий даромадларини кўпайтиришга имкон бериб, қайта сайланишларини таъминлайдиган сиёсат юритишга интилишади. Коррупция учун имконият яратадиган ечимнинг мисоли мудофаа бюджети харажатларини кўпайтиришдир, чунки бу қарор ҳам сиёсат, ҳам турли гуруҳларнинг иқтисодий манфаатлари билан боғлиқ.



Назорат учун саволлар

1. Очiq иқтисодиётда қанда омил одатда коррупцияга тескари - тўхтатувчи таъсир кўрсатади?
2. Нима жамият ва иқтисодиёт ривожини, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини учун энг асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади?
3. Коррупция илллати жаҳон иқтисодиётига ҳар йили ўртача қанча зарар етказиши?
4. Асосий-агент назарияси деганда нимани тушуниб етдингиз?
5. Коррупцияга қўл урмасдан пора бераётган одам ҳақида маълумотларни тегишли органга етказиш қанчалик фойдали? Бунинг учун мукофот зарурми?
6. Катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатларда ҳам коррупция аломатлари кўп учраб турадими? Жавобингизни асосланг.



Мустақил таълим учун

«БУ – ТИЗ ЧЎКИБ ҚИЛИНГАН ҚАРОҚЧИЛИК».
Таниқли журналист Карим Баҳриев билан суҳбат⁹³

Дарё тошиб, қирғоқдаги қишлоқларни сув босади. Асов оқим бир аёлни ҳам ёш гўдаги билан оқизиб кета бошлайди. Жувон сувда дохийнинг портретини кўриб қолиб, боласини ташлайди ва

⁹³ <https://xabar.uz/tahlil/bu-tiz-chokib-qilingan-qaroqchilik>

доҳийнинг расмини бағрига босганча амаллаб қирғоққа олиб чиқади...

Ҳатто бирламчи озиқ-овқат маҳсулотини дўконда навбатда туриб харид қилаётганлар «Биз бахтлимиз!» дея қўшиқ айтди...

Бизга уялиб, қўрқиб ёхуд аяб айтилмаган гаплар барибир ортимиздан баралла сўзланади – аммо изоҳ-тушунтириш бермоқ имконимиз бўлмайди у маҳал...

Маҳаллангиздаги ҳолатни танқид қилсангиз, «Лўлидан ботир чикса, ўз капасига ўт қўяди», деб ёзғиришади...

Шунинг учун улар халққа эмас, мансабдорларга ёқадиган қарорлар қабул қилиш, йиқиладиган ерига сомон тўшаб қўйишни маъкул кўради...

Тўғри, бу ҳол ҳеч биримизга ёкмайди, лекин начора, ойни этак билан ёпиб бўлмайди...

Бу – тиз чўкиб қилинадиган қароқчилик, итоат ниқобидаги ҳужумдир...

Германияга борганимизда прокуратура, суд, парламентда учрашувлар ўтказдик. Ўзбекчилик – чопон, дўппи, пичоқ каби совғалар олиб борганмиз. Қайси идорага кириб раҳбариятига ҳадя топширсак, негадир совғани рад этади...

Таниқли журналист Карим Баҳриев долзарб саволларга жавоб беради.

– Карим ака, путурдан кетган иморатнинг пештоқини бўяш билан демократик жамият қуриб бўлмаслиги кундек равшан. Бу борада баҳс кетганда, бир тоифа замондошларимиз халқимиз ҳали демократияга тайёр эмас, бинобарин, эркинликларни босқичма-босқич бериш керак, деган нуқтаи назарни оёқ тираб ҳимоя қилади. Бошқа бир гуруҳ эса демократия – Ғарб тафаккури маҳсули, бировнинг эски ковушини судрамоқ чикора, дея эътироз билдиради. Сиз демократия мавзусида ўнлаб мақолаю рисоалар ёзгансиз, таъбир жоиз бўлса, сочингиз ана шу қадрият ҳимояси йўлида оқарди. Халқимиз чиндан ҳам эркинликларни оқилона тасарруф этишга тайёр эмасми? Инглиз адиби Жорж Оруэллнинг ўзингиз ўзбек тилига ўгирган ва қўлма-қўл ўқиладиган «1984» романида «Инсоният «Эркинлик керакми ёки бахт?» тарзидаги танловга рўбарў келади. Аксар кўпчилик эркинликдан кўра бахтли бўлмоқни афзал кўради» деган фикр бор. Бу

ёруғ оламда одамзод эркинликсиз ҳам саодатманд ҳаёт кечириши мумкинми?

– «Путурдан кетган иморатнинг пештоқини бўяш билан демократик жамият қуриб бўлмаслиги» айна ҳақиқатдир – буни дунё тарихи, жумладан, ўз яқин кечмишимиз ҳам исботлади. Конституциясида демократик ҳуқуқий давлат деб эълон қилинган бир юртда сўз эркинлигининг чекланиши, айбсиз инсонларнинг қамалиши, маҳбусларга ғайриинсоний муносабатлар, халқ насибаси бўлган бюджетнинг талон-торож қилиниши кузатилди. Агар демократия пойдор бўлганида, биз бу фожиаларни кўрмас эдик.

Халқимиз ҳали демократияга тайёр эмас, деган қараш номақбулдир. «Келажагимиз – ҳуқуқий демократик давлат», «Буюк келажакка босқичма-босқич борамиз» қабилидаги гаплар пуч эканини кўрмадикми?! Мустақилликнинг илк йилларида эришилган эркинликларни «босқичма-босқич» йўқотмадикми?!

Демократия ва инсон ҳуқуқлари – бирбутун универсал тизимдир: унинг унсурларини олдинма-кейин жорий этиб бўлмайди; бу чала ҳомиладорликдек гап. Масалан, сўз эркинлигини муайян мавзуларга татбиқ қилиб, бошқасини тилга олдирмаслик ўша дахлсиз соҳанинг барбод бўлишига олиб келади. Ёки иқтисодиёт ислоҳот этилса-ю, сиёсатда ўзгаришларга йўл берилмаса, алалоқибат иқтисодиёт ҳам инқирозга юз тутди. Негаки, ҳаққоний сиёсий рақобат ва кучли фуқаролик жамияти бўлмаган, сўз эркинлиги жиловланган муҳитда коррупция ва таниш-билишчилик, қавму қариндошчилик илдиз отади.

Хўш, нега демократияга тадрижий йўл билан ўта олмадик? Аксинча, йилдан-йилга инсон ҳуқуқлари доираси торайди, халқ забун ҳолга тушди. Сабаб шулки, сиёсий рақобатнинг йўқлиги иқтисодиётда суиистеъмолчиликлар, халқ мулкининг бир тоифа шахслар томонидан тасарруф этилиши, ерости ҳамда ерусти бойликлари таланишига олиб келди; бунга қарши чиққан муҳолиф ва ҳақгўйлар таъқибга учради. Агар сўз эркинлиги берилиб, сиёсий рақобатга йўл очилганида, жамоатчилик буларнинг бари хусусида ҳисоб талаб этарди. Балки шу важдандир, собиқ давлат раҳбари демократияга рўйхушлик бермади, пировардида эса ўз хатоларининг асирига айланди.

Хайриятки, ҳокимият ўзгариб, барча соҳаларда ислохотлар эълон қилинди. Ўтмиш хатолари тан олинди, инчунин, кечмиш давр «кўрқув салтанати» бўлгани эътироф этилди.

Демократия – Ғарб тафаккури маҳсули, деган фикр худди Мағриб ва Машрикни айро тасаввур этиш каби нисбийдир. Ер юмалок бўлгани боис унинг ҳар нуқтаси марказдир – агар шарқдан ғарбга қараб юраверсангиз, яна ҳаракат бошлаган жойингизга қайтиб келасиз. XX асрда аксар демократик давлатлар Ғарб деб аталмиш ҳудудларда бўлгани боис шундай қараш ёйилди. Демократия сўзи ҳам, ўзи ҳам қадимги юнонлардан келади. Ҳокимият тақсимланиши тамойили эса Ғаззолийнинг «Кимёи саодат»и ва «Иҳёу улумиддин»идаёқ маълум маънода акс этган.

«Демократия – Ғарбники» деган фикр эскирди. Жаҳоннинг кучли демократик давлатлари бугун Шарқда. Табиий бойликлари бўлмасада, Япония, Жанубий Корея, Малайзия – энг фаровон юртлардир. Иқтисодий равнақи сабаб улар «Осиё йўлбарслари» деган ном олди.

Демократиянинг негизини адолат ташкил қилади. Энг йирик демократик давлатнинг валютасига «Адолат бу – Худодир» деб ёзиб қўйилган. Амир Темурнинг қиличида ҳам «Адолат бу – кучдир, кудратдир» деган ҳикмат дарж этилгани маълум.

Сиёсий моҳиятига кўра, демократия – халқнинг эркин сайлов ва вакиллар орқали давлат бошқарувидаги иштироки; ҳокимият тармоқларининг мустақиллиги ва фақат қонунга итоат қилишидир. Ҳуқуқ ва бурч нуқтаи назаридан эса фуқароларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, ўз ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олиши демак. Хўш, халқ бундай ҳақ-ҳуқуқларни рад этадими? Уни тинимсиз эзгилаб, мол-мулкни талашлари, тақдируламал масалаларни унинг иштирокисиз ҳал этишларини истайдими?! Йўқ, албатта!

Назаримда, «демократияга тайёр эмасмиз» деган даъво халқ моли ва меҳнатини бебилиска истифода этишни кўзлаганларнинг баҳонасидир. Ҳаётини мисол келтирсам: машина ҳайдашни ўрганиш учун уловга ўтириш, чамбаракни тутиб, йўл юриб кўриш керак бўлади. Халқ ҳам демократияга ўрганиши учун ўша муҳитда яшай бошламоғи даркор. Дейлик, ҳокимларни сайлаш йўлга қўйилса, даставвал айрим номзодларни танлашда хатолар бўлар, лекин халқ албатта буни ҳам ўрганади. «Ҳали тайёр эмасмиз» десак, ҳозирлик

жараёни худди «буюк келажак»ни кутганимиз каби авлодлар умри қадар чўзилаверади.

Демократия адолат тамали ўлароқ чинакам фаровонликка хизмат қилади. Эътибор беринг, моддий захиралари бўлмаса-да, демократик давлатлар бой ва фаровон; ерости-ерусти бойликлари мўл, раияти меҳнаткаш ўлкалар эса тоталитар ва авторитар тузум туфайли қашшоқ ва ҳуқуқсиздир.

Машҳур «1984» романида баҳс этилган эркинлик ва бахт танлови хусусидаги фикрни ёдга олдингиз. Бу – барчани тенг, бахт-саодатли этмоқни эълон қилган социалистик тузум охир-оқибатда диктатурага айлангани ҳақидаги романдир. Шўро ҳукумати баландпарвоз шиорларни ниқоб этиб миллионлаб инсонлар ёстиғини қуритди. Бирламчи озиқ-овқат маҳсулотини ҳам дўконда навбатда туриб харид қилаётган тобеинларига «Биз бахтлимиз!» деган кўшиқни айттирди. Бехбудий, Чўлпон, Фитрат, Қодирийни қатл этиб, буюкларимизни сургун ва қамоққа ҳукм қиларак, омон қолган қаламкашларни «адабиётнинг гулисиз» деб авради. Уларни «Кўп ажойиб юртимиз бор: ярми – жаннат, ярми – боғ», «Ассалом, рус халқи – буюк оғамиз» дея мадҳия ўқимоққа мажбурлади...

Одамзод эркинликсиз саодатманд ҳаёт кечириши мумкин эмас. Бу – ҳайвоний, нафсоний саодатдир, асло инсоний эмас!

– Кейинги йилларда мамлакатимизда рўй берган эътиборга молик ҳодисалардан бири фикр айтиш эркинлигининг кўз очгани бўлди. Узоқ вақт қоронғи ертўлада ўтирган одам қуёшга бирдан тик қарай олмаслиги аён. Чорак аср мобайнида сукут сақламоққа одатланган жамият аҳли ҳам тутилиб-дудуқланиб бўлса-да, ўз фикрини айта бошлади. Сўз ва матбуот эркинлиги жабҳасидаги умидбахш ўзгаришларни халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этаётир. Айни чокда, сергак-ҳушёр торттирмоғи лозим бўлган хавфни ҳам айтмасак бўлмайди. Бир муддат пана-пастқамда биқиниб турган маддоҳлик, қуллуқбозлик каби иллатлар сўнгги вақтларда яна бош кўтариб қолди. «Танқид ва ошкоралик тўхтаган жойда ҳамду сано, маддоҳлик ва пинҳоналик бошланади» деган эди Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов. Дарҳақиқат, маддоҳлик илдиз отган юртга душман кўшин тортиши ҳам шарт эмас, ёлғону ўтрикнинг ўзи ўлкани ғорат қилади. Биров хушомадгўйларнинг бошидан тупроқ сочишни, бошқа

бирова маддоҳликни қонун йўли билан таъқиқлашни тақлиф этаётир. Сизнингча, бу иллатга қай йўл билан барҳам берса бўлади?

– Ёлғон, аввало, катта гуноҳ; рост эса савобдир. Яратган «Имонли бўлингиз ва рост сўзлангиз» дея амр этади (Қуръони каримнинг «Азҳоб» сураси). Демак, рост сўзламоқ – имоннинг асосий шартларидан бири. Имом Молик ривоят қилган ҳадиси шарифга кўра, бир куни саҳобалар «Эй Оллоҳнинг Расули, мўмин кўрқоқ бўлиши мумкинми?» деб сўрашди. «Ҳа, бўлиши мумкин», дедилар у зот. «Эй Оллоҳнинг Расули, мўмин бахил бўлиши мумкинми?» дея савол берилди. Пайғамбаримиз (с.а.в.) яна тасдиқладилар. «Мўмин ёлғончи бўлиши мумкинми?» деб сўралганда эса «Йўқ!» дея қатъий жавоб бердилар.

Сўз эркинлиги инсоннинг асосий ҳақ-эркинликларидан саналади. У давлатлар ва халқлар тақдирида ҳал қилувчи кучга эга. Шўро салтанати ҳам сўз эркинлиги ва ошкоралик зарбидан қулади. Имкон берилиши биланоқ мазлумлар юрти, миллати, динию тилига соҳиб чиқиб, қафасда яшашни истамаслигини баралла айтди. Улкан шўро ўрдуси, катағон тизими, ташвиқот машиналари ҳали ҳаракатда эди, аммо қайта уйғонган ўзликка дош беролмади.

Сўз эркинлиги – золим тузумнинг душманидир, у адолатсиз тартиботни қулатади. Сўз эркинлиги – одил давлатнинг дўстидир. Адолатли тузумлар сўз эркинлигидан кўрқмайди, рост сўзлаганларни катағон қилмоққа зарурат ҳам бўлмайди. Адолатсизлик кучайгани сари сўз эркинлиги сарҳади торая боради, ёлғону маддоҳлик авжига чиқади. Лаганбардорлик – тиз чўкиб қилинадиган қароқчилик, дейдилар. Чунки мақтаётган шахс мақталаётган одамдан бойлик, мансаб ёхуд унвон тама қилади. Сираси, маддоҳлик – итоат ниқобидаги хужумдир. Мақталаётган инсоннинг ўзи ҳам ўтрикларга маҳлиё бўла бошлаши эса чин фожиа...

Инсон рост сўзни айтмоғи керак. Биз мияси ва забони бор хилқат, тили ва маданияти бор миллат вакили сифатида миллион йиллардан бери мавжуд бўлган ва яна эҳтимол миллион йиллар давом этадиган бу дунё ҳаётида олдингилар кўрмаган, кейингилар ҳам кўрмайдиган бир даврнинг шоҳиди эканимизни теран мушоҳада этмоғимиз даркор. Нодираи давроннинг «Мақсад на эди жаҳона келдинг? / Кайфиятини баён этиб кет» деган даъватини эсланг. Имом Ғаззолий эса «Кимёи саодат»да масалани янада кескин қўяди: «Хулласи калом буки, ҳеч

нимарса ўзингга ўзингдин ёвукроқ эрмастур. Вақтики ўзингни танимасанг, ўзгани нечук танигайсан? Ҳамоно айтурсанки, ўзимни танурмен. Ғалат қилурсанки, бу навъ танимоғлиқ Ҳақ субҳонаҳу ва таолони танимоқға сабаб бўлмаски, чаҳорполар ҳам ўзларини бу навъ танурлар. Эй инсон! Зоҳирингни танимоқда бош, юз, қўл, фут ва гўштдин ўзгани танимассен. Ботининг аҳволидин мунчалик билурсенким, вақтики оч бўлсанг, нон ерсен. Ва ташна бўлсанг, сув ичарсен. Вақтики, ғзабинг келса, бир кишига иззо берурсен. Ва шаҳват ғолиб келса, хотун олурсен. Ва ҳама чаҳорпо ва ҳайвонлар бу ишларда сенинг бирла баробардурлар. Бас, сенга лозимдурки, ҳақиқатингни талаб қилгайсен, ўз аслинг не нимарсадур ва не ердан келибсен ва не ерга боргунгдур? Бу олам манзилгоҳига нима ишга келибсен ва сени нима учун офарида қилибдур? Саодатинг не ишдадур?»

Назаримда, ўзлигимизга доир шу каби саволларни жавобсиз қолдириб кетмоқ нораво. Инсон ўзини мудом ҳали-вери ўлмайдигандай тутди. Бир донишманд аёл «Умримнинг тўртдан уч қисмини «Ҳали ҳаммаси олдинда! Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади» деб ўтказиб юборибман» деган эди надомат ила. Шоир Булат Окужава эса «Мана, кун ҳам ўтди... Ўтар умр ҳам. Тупроққа тушармиз баргихазондай...» деб ёзади. Айрим нарсаларни ҳозир мавриди эмас деб, айтмай юрамиз. Холиқи олам умр чироғимизни шамни шамол ўчиргандек ногоҳ сўндирса-чи?..

Бизга уялиб, қўрқиб ёхуд аяб айтилмаган гаплар барибир ортимиздан баралла сўзланади – аммо изоҳ-тушунтириш бермоқ имконимиз бўлмайди у маҳал. Шунинг учун рост сўзимизни бугун айтиб кетганимиз маъқулдир.

Танганинг иккинчи томони ҳам бор – айтилган сўз муносиб қабул қилинмоғи муҳим. Маҳаллангиздаги ҳолатни танқид қилсангиз, «Лўлидан ботир чиқса, ўз капасига ўт қўяди», деб ёзғиришади. Мамлакатдаги камчиликларни ёзсангиз, мамлакат обрўйини тўкиш ва ҳатто «хоин»ликда айбланасиз. Ҳолбуки, мақсад-муддаонгиз – маҳаллани, юртингизни камчиликлардан холи кўрмоқ, холос.

Рост гапириш инсоннинг бирламчи мажбуриятидир. Бировни алдаш, кўзни лўқ қилиб ёлғон сўзлаш унга нисбатан ҳурматсизликдир. Бир кишига айтилган ёлғон кечирилмас экан, бутун бир халқни алдаш-чи?! Бу нафақат халққа нисбатан нописандлик,

Яратганнинг амрига қарши чиқиш ҳамдир. Зеро, муқаддас китобда айтилганидек, Оллоҳ ростгўйларни севади.

Ривоят қилишларича, салжуқий ҳукмдор султон Санжарнинг саройида Муизий деган шоир бўлар экан. У ҳукмдорнинг ўтириб-туриши, еган таоми, кийган либосигача мадҳ қилиб юраркан. Бир куни султон аъёнлари сафида Муизийни ҳам овга олиб кетибди. Шикор вақти ҳукмдор кийикни отаман деб Муизийни отиб қўйибди. Жароҳатланган шоирни кўтариб саройга олиб келишибди. Ўқ ўз ҳунарини кўрсатибди. Ўлим тўшагида ётганини ҳис этган Муизий шоҳни чақиришларини сўрабди. Султон Санжар «Ўладиган бўлса, ҳолидан хабар олганим бўлсин» дебди. Ҳукмдор ёнига келиши билан маддоҳ шоир султон отган ўқни мадҳ этиб, ашъор ўқибди ва жони узилибди. Ўша сўнгги шеър мазмуни бундай экан: «Сиз отган ўқ шундай чиройли учдики, унга маҳлиё бўлдим, ўқингиз унга кўнгил берганимни сизди шекилли, менинг кўксимдан жой олди».

Чингиз Айтматов шундай ҳикоя қилган: «Рус тилида чиқадиган бир корейс журналида Кореянинг шимолий қисмини яқин ярим аср бошқарган ва тириклигидаёқ илоҳийлаштирилган Ким Ир Сенга боғлиқ бир воқеани ўқиб қолдим. Бир куни дарё тошиб, қирғоқдаги қишлоқларни сув босади. Асов оқим бир аёлни ҳам ёш гўдаги билан оқизиб кета бошлайди. Жувон сувда Ким Ир Сеннинг портретини кўриб қолиб, боласини ташлайди ва доҳийнинг расмини бағрига босганча амаллаб қирғоққа олиб чиқади. Журнал жувоннинг бу ишини олий ватанпарварлик деб атабди».

Мана – лаганбардорлик, маддоҳликнинг даҳшатли оқибати! Шахсга сиғиниш, жамият ҳаётини ўта сиёсийлаштириш ва бир ғояга бўйсундириш сиёсий манқуртликларни туғдиради. Ҳа, чексиз ҳокимият охир-оқибат одамларни ўз мустақил қарашидан, инсонлик шаънидан маҳрум этади. Бу иллатга қарши курашиш учун ҳар намоён бўлганида уни фош қилмоқ, одамларни ҳушёрликка даъват этмоқ лозим.

– Демократик давлатларда парламент муҳим ўрин тутаяди, кези келганда, ҳокимиятнинг бошқа бўғинларини жиловлаб-тергаб туради. Икки йил аввал улкан умидлар билан янги парламентни сайладик. Афсуски, қонунчилик идораси электорат ишончини тўлиқ оқлай олмаётир. Ижтимоий тармоқларни кузатсангиз, бамисоли порох солинган идиш дейсиз! Юртдошларимиз монополиядан тортиб

коррупцияга қадар – жамият тараққиётига ғов бўлаётган катта-кичик муаммолар ҳақида бонг урмоқда. Аксар депутату сенаторларимиз эса тўни ямоқ, кўли қадоқ раият ғам-ташвишидан беҳабар гўё. Парламент мажлисида мудраб ўтирган валломатларни кўриб, булар янглишув сабаб сайланиб қолибди-да, деган хаёлга борасиз. Сиз ўтган асрнинг долғали йилларида депутат бўлгансиз. У йиллар парламенти фаолияти зарбулмасал ҳам бўлиб кетган. Бугунги қонунчилик идорамиз аъзолари чинакам халқ ноиб сифатида фаолият юритишига нима тўсқинлик қиляпти экан?

– Аввало, парламент демократиясининг асл моҳиятини аниқлаштириб олсак. Давлат – жамият учундир, халқ ва инсон учундир. Шу жиҳатдан, «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» деган даъват аҳамиятли эди. Афсуски, жамиятимиз хануз ўз ҳақ-ҳуқуқига тўлиқ соҳиб ва талабгор эмас, кези келганда кучли давлат қаршисида заиф бўлиб қолаётир.

Халқ иродаси акс этмоғи учун парламент таркиби электорат, яъни сайловчиларнинг истакларига уйғун келиши керак. Бу асосан партиялар воситасида амалга оширилади. Халқ орасида бизнесменлар кўп бўлса, қонунчилик идорасида тадбиркорлар етакчилик қилади; деҳқонлар кўп бўлса, қишлоқ хўжалиги вакиллари устун келади; миллиятчилик кайфияти кучли бўлса, миллий ҳаракат тамсилчилари асосий ўрин эгаллайди. Сайлов қанча эркин бўлса, парламентда халқ иродаси шу қадар аниқ акс этади. Ўз истаклари парламентнинг юксак минбарида акс садо бераётгани, унинг манфаатларига мос қонун-қарорлар қабул қилинаётганига ишонч ҳосил қилган халқ норозилик намойишига чиқмайди. Демак, рисоладаги парламент тинчлик ва барқарорликка ҳам замин ҳозирлайди. Акс ҳолда, дарди ичида қолган оломон таҳликалидир. Бинобарин, халқ сайловга жиддий ёндашиши, англаган ҳолда овоз бериши шарт. Жорж Оруэлл «Золим, жоҳил, бадният кимсани сайлаган халқ унинг қурбони эмас, ҳамтовоғидир» деганда ҳақ эди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидаги парламентни ёдга олдингиз. Ўша кезлар сайлов бир қадар эркин ўтган ва унда жамиятнинг кенг қатлами қатнашган. Қолаверса, у – шўро давлати заифлашган, жамият ўз кучини англай бошлаган шароитда сайланган парламентдир. Сайлов олдидан беш йил «қайта қуриш ва ошкоралик даври» кечган, яъни сўз эркинлиги ва сиёсий плюрализм шароитида шахслар ўзини

намоён қилиши, сиёсатчилар етишиб чиқиши, халқ уларни таниши учун муддат ва шароит бўлган эди. Салмоқли қисми эркин фикрли, элпарвар, ориятли депутатлардан иборат парламент юрт мустақиллиги ва президентлик республикасини эълон қилди, Конституция ва беш юзга яқин қонунларни амалга киритди.

Сайловни бир кун ёки уч ой (номзод илгари суришдан овоз беришгача) деб ўйлаш хатодир. Аслида, овоз бериш ўтгач, беш йилдан сўнг бўладиган кейинги сайлов мавсуми бошланади. Демак, электорат ишонч билдирган вакилларининг сўзию амалини баҳолаб бориши, кўриб-кузатиб янги номзодларни танлаши керак. Муносиб номзод лоп этиб сайлов кунида чиқмайди, у йиллар бўйи тарбияланади.

Эҳтимол, фикрим баҳсли туюлар, аммо ҳозирги парламентимизда бир гуруҳгина ҳақиқий депутат бор, холос. Президент Шавкат Мирзиёев бу депутатларни илк сессияда номма-ном санаб, уларнинг қатъиятини эътироф этди. Қонунчилик идорамиз аъзоларининг савия-даражаси мени ҳам кўпдан буён ўйга толдиради. Сабаб-омиллар бисёр, мен бир қисмини айтақолай.

Биринчидан, амалдаги депутатлар мавжуд фирқалар илгари сурган номзодлардир. Расмий партияларимизнинг дастурлари деярли бир хил, ижро ҳоқимиятининг қарорларига кўпинча эътироз ҳам билдирилмайди. Менимча, чинакам рақобатчи фирқалар ҳам рўйхатга олиниши, илгари бўлгани каби, меҳнат жамоалари, аҳолининг ташаббускор гуруҳлари кўрсатган, бирор партия аъзоси бўлмаган номзодларга ҳам сайланиш ҳуқуқини бериш керак. Ўзбекистонда жами партия аъзолари бир миллионнинг нари-берисида бўлса, аҳолининг катта қисми бирор фирқага аъзо эмас, ахир...

Иккинчидан, депутатлар халқ ичидан етишиб чиқиши керак. Ҳозиргиларнинг таржимаи ҳолига қарасангиз, аксари ижроия ҳоқимияти ёки бошқа давлат идорасидан келганини кўрасиз. Демак, ваколат муддати тугаса, яна амалдор бўлиш эҳтимоли катта. Шунинг учун улар халққа эмас, мансабдорларга ёқадиган қарорлар қабул қилиш, йиқиладиган ерига сомон тўшаб қўйишни маъқул кўради. «Жим ўтирсам, итоатгўй бўлсам, яна сайланаман, юқорироқ мансабга ўтаман» деган хомхаёл сабаб халққа ҳисобдорликни унутади.

Учинчидан, бизда сиёсий ислохотлар амалга оширилаётганига қарамай, ҳоқимиятларнинг тақсимланиши ва бир-биридан

мустақиллиги тўлиқ рўёбга чиққанича йўқ. Гоҳида суд ҳокимияти ҳукм эълон қилишда ижро ҳокимиятининг қош-қовоғига қарайди. Парламентда ижро ҳокимиятига итоат меъёрга айлангандек, ижро тизими ҳаракатларини мунтазам сўроқлайдиган бир-икки депутатга эса телбага қарагандек қарашади. Ҳокимиятлар аралашиб-уйқашиб кетган ўринлар ҳам бор. Масалан, камида еттига ижро ҳокимияти аъзоси – вазирлар бир вақтнинг ўзида қонун чиқарувчи идора вакили, сенатордир. Ёхуд вилоят, шаҳар ва туман кенгашларида ҳамон ҳокимлар раислик қилмоқда. Бу ҳол конституциявий ҳокимият тақсимланиши тамойилига тўғри келадими?!

Сирасини айтганда, парламентимиз тақдири сиёсий, иқти-содий ва ижтимоий ислохотларнинг тўлақонли амалга оширилиши ва қонунчилик ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига боғлиқдир.

– Коррупция тараққиётимизга тушов бўлаётган жиддий хатарлардан бири экани сир эмас. Илоҳлик даъво қилган Фиръавндан «Нега бу қадар оғир гуноҳларга қўл урдинг?» деб сўралганда, «Мени ёмонликдан қайтарадиган одам топилмади», деб жавоб берган экан. Омонатга хиёнат қилаётган коррупционерларни ҳам ўз вақтида тўхтатиш, кичик йиртқич улкан наҳангга айланмасдан қармоққа илинтириш – оқилона йўлдир. Мамлакатимизда коррупцияга қарши беаёв кураш эълон қилинган. Аммо у худди саратон ҳужайраси каби, жамиятнинг бир аъзосини даволасангиз, тананинг бошқа узвига ўтиб жон сақлаётгандек. Сухбатлардан бирида «Давлат ташкилотига коррупцияни тугатиш учун пул ажратиш – арақхўрга ичкиликбозликни тугатиш учун арақ ажратиш билан баробар. Яъни коррупцияга қарши ажратилган пуллар ҳам коррупция қурбони бўлади», деган эдингиз. Сизнингча, коррупция аталмиш юҳони тўхтатмоқ учун қандай кескин чора-тадбир кўриш керак?

– Юртни севганлар ва унинг тақдирига қуюнган инсонларни қувонтириб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев коррупцияга қарши курашишга доир давлат дастурини имзолади. Давлат хизматчилари даромади декларация қилиниши, порахўрлик кўрсаткичи юқори бўлган йўналишларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳаси амалга оширилиши эълон қилинди. Дастурнинг моҳияти бундай: давлат хизматчилари ва амалдорлар даромадини декларация қилади, мансабдорлар танлов асосида сараланади, суд ҳокимияти мустаҳкамланади ва матбуот эркинлиги таъминланади.

Коррупцияга қарши кураш мавсумий кампания эмас, жадид боболаримиз таърифи билан айтганда, ҳаёт-мамот масаласидир. Мана, сўзнинг амалга айланиши мушкул кечаётган иқтисодий, сиёсий, маъмурий, молиявий ислохотларнинг тақдири ҳам ана шунга боғлиқ бўлиб турибди. Узоқ йиллар мобайнида давлат, жамият ҳаётининг аксар соҳаларини ўргимчак тўри каби қамраган иллатга қарши курашгина қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширишга хизмат қилади. Ривожланган давлатларнинг тараққиёт сири шундаки, коррупциянинг давлат барқарорлиги ва миллий хавфсизликка таҳдид экани барвақт англаб етилган. Қолоқ давлатларда эса айнан коррупция тараққиётга тушов бўлаётганини кўриш мумкин.

Минг афсуски, мамлакатимиз порахўрликка ботган ўлкалар рўйхатида қоляпти. Transparency International ташкилоти ҳисоботида (2020 йил) Ўзбекистон 180 давлат орасида 146-ўринда қайд этилган. Жаҳон банки ҳисоботида ҳам коррупция кўрсаткичи юқори давлатлар гуруҳига киритилганмиз. Тўғри, бу ҳол ҳеч биримизга ёқмайди, лекин начора, ойни этак билан ёпиб бўлмайди, йиллар мобайнида юзага келган вазият кундек равшан. Коррупция иллоти бешиқдан то қабргача етиб борди – туғруқхонадаги шифокордан тортиб қабристон хўжайинигача қўлга қарашга одатланди.

Коррупция катта-кичик давлат амалдори иштирок этган жиноят экани, айнан шуниси билан киссавурлик ёки фирибгарликдан фарқ қилишини ҳисобга олсак, фақат мансабдорлардан иборат комиссия билан унга қарши самарали курашиб бўлмайди. Такрор бўлса-да айтаман, коррупцияга барҳам бериш учун мансабдорларга пул ажратиш – пиёнисталарга ичкиликбозликни тугатиш учун арақ ажратиш билан баробардир. Чунки давлат маблағи коррупцион схемалар орқали талон-торож этиб юборилмаслигига кафолат йўқ. Коррупцияни жамият ва жамоат назоратсиз, одил судлов ва ҳуқуқ-тартибот тизимсиз, эркин оммавий ахборот воситалари ҳамда жасур ва ҳалол фуқаролик жамияти вакиллари иштирокисиз енгиш амримаҳол. Аксилкоррупция кураши давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни ҳам тақозо этади. Давлат

хизматчилари даромадини декларация қилиш тартиби эса зудлик билан жорий этилиши керак.

Ҳукуматнинг аксилкоррупция кампаниясидан айрим мансабдорларнинг бировдан қутулиш ё ўч олиш мақсадида фойдаланишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Қолаверса, ҳақ ва халқ хизматидаги фуқаролик жамияти фаоллари ва журналистлар ҳам давлат ва қонун ҳимоясида бўлмоғи лозим.

Президент Шавкат Мирзиёев бир гал «пора бермасанг, қўл қўймайман» қабилида ишлаётган тизимни синдириш осон кечмаётгани, шу балодан қутулсак, тадбиркорларга кўп енгиллик бўлишини айтган эди. Дарҳақиқат, инсон омилига боғлиқ бўлган бюрократик тизим порахўрликка замин яратиб, хорижий сармоя истикболига соя солади. Гоҳида эса қонунчиликдаги «туйнук»лар панд беради. Айрим хорижий сармоядорлар мамлакатимиздаги мураккаб лицензиялаш тизими, мужмал солиқ қонунчилиги ва валюта чекловларидан ёзғириши бежиз эмас.

Келинг, жамиятимизда учраётган айрим коррупцион жиноятларни таҳлил қилиб кўрайлик.

Биринчиси – давлат бюджети талон-торожи. Таниш фирмаларга давлат буюртмасини тендерсиз бериш, қурилиш ёки таъмирга аталган маблағни ўзлаштириш, «ўлик жонлар» воситасида чўнтак қаппайтириш ва ҳоказо. Бюджетни ўмариш турли миқдорда, турфа хил соҳаларда учраётир. Бу дарднинг давоси – бюджет маблағи устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишдан иборатдир.

Иккинчиси – порахўрлик. Пора одатда мансабдорнинг бирон «хизмати» эвазига берилади. Йўл нозирига – жарима қўлламаслиги, ҳуқуқ посбонига – жиноятни хаспўшлаши, ҳокимга – ер ажратиши, божхоначига – контрабандага кўз юмиб туриши, амалдорга – лицензия бериши учун ширинкома тарзида тутқазилади. Бу ҳол барҳам топиши учун амалдорнинг изнига боғлиқ ҳужжатларни жиддий қисқартириш, лицензияни интернет орқали, яъни мансабдор ва талабгорнинг бевосита учрашувига йўл қўйилмайдиган тартибда бериш керак.

Учинчиси – манфаатлар тўқнашуви. «Фалон ҳоким миллиардлаб сўмли давлат буюртмасини қизининг фирмасига олиб берди», «Фалон мансабдор оилавий бизнесига шароит яратиш учун айрим маҳсулотларни четдан олиб киришга божни оширди» мазмунидаги

хабарларни ўқиб-эшитиб турибмиз. Бундай номақбул ҳолатларга очик ҳуқуқий баҳо берилмас, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчиликка йўл қўйганлар муқаррар жазоланмас экан, иллат урчийверади.

Тўртинчиси – турли соҳалардаги монополия. Бу ҳол миллий ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш, бир неча минг одамга иш ўрни яратиш баҳонаси ила, миллионлаб фарзанди муҳожирликда меҳнат қилаётган халқни маҳсулот ва хизматни танлаш ҳуқуқидан маҳрум этмоқда. Монополиядан воз кечиб, расмана бозор иқтисодиёти тартиблари, рақобат шароитини жорий этиш вақти аллақачон келди.

Шоир Абдулла Орипов суҳбатлардан бирида порахўрлик иллатини тирноққа ўхшатган эди, яъни у ўсиб чиқаверади, фақат мунтазам қирқиб туриш керак. Дарҳақиқат, коррупцияни батамом енгган мамлакат йўқ, аммо уни жиловлаганлар бор – бу давлатлар тажрибаси эса бизга асқатиши шубҳасиз.

Германияда коррупцияга қарши кураш борасида очик ва изчил механизм яратилган. Қинғирликка мойил соҳаларда ўзига хос кураш усуллари татбиқ этилган. Масалан, давлат харидлари очик ва ошкора тарзда йўлга қўйилган. Оммавий ахборот воситаларида доимий равишда коррупция ҳақида кескин материаллар эълон қилинади. Олмон амалдорини пора эвазига оғдириш мушкул, чунки у бир лаҳзада мансаби, имтиёзлари, жумладан, кафолатланган пенсиядан куруқ қолишдан қўрқади.

1998 йили Германияга борганимизда прокуратура, суд, парламентда учрашувлар ўтказдик. Ўзбекчилик – чопон, дўппи, пичоқ каби совғалар олиб борганмиз. Қайси идорага кириб раҳбариятига ҳадя топширсак, аввал рад этади, қистаганимиздан кейин совғани кирим қилиб, ҳужжатлаштириб қўяди денг! 7 доллардан зиёд миқдорда совға олиш мумкин эмас экан.

Ўзбек мусаввири Исфандиёрнинг «Олтин куз» асари Лувр музейида сақланишидан фахрланамиз. У доврўқдор музейдан қандай қилиб ўрин олган? Гап шундаки, картинани Ўзбекистон етакчиси Франция президентиға совға қилган. Фаранг раҳбари совғани ўзига олиши мумкин бўлмагани учун музейға топширган...

Сингапур мустақилликка эришган илк кезлар коррупция ниҳоятда авжида бўлган. «Коррупция – осийча ҳаёт тарзининг ўзига

хос хусусиятларидан бири. Одамлар мукофотни очиқдан-очиқ қабул қилар, зотан, бу улар ҳаётининг бир қисми эди. Уни йўқотишда ишни қариндошу дўстларингиздан уchtасини панжара ортига ўтқазишдан бошланг. Бунинг сабабини сиз ҳам, улар ҳам яхши биласиз. Жазонинг муқаррарлиги коррупцияни жиловловчи бирламчи омилдир», деган эди атоқли давлат арбоби Ли Куан Ю.

Демак, ишни коррупцияга нисбатан мурасасиз муҳит яратишдан бошлаш керак. Коррупцияга қарши курашда илгари силжимоқ учун бизда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий тизим ислоҳ қилинаётир. Эндиликда мустақил адлия тизими ривожланиши, матбуот ва фуқаролик жамияти институтлари янада эркинлашиши лозим. Бу курашда ҳаммамиз иштирок этсак, давлатимиз, шаънимиз ва номусимизга соҳиб чиқсак, мурод ҳосил бўлгуси...

– Давлат статистика қўмитасининг маълумотига қараганда, юртимизда 2000 йилда кутубхоналар (ахборот-ресурс марказлари) 6027тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда улар сони 400тага тушган. Қарангки, 20 йил ичида кутубхоналаримиз қарийб 90 фоизга қисқарган! Публицист Ҳалим Саидов ҳалокат остонасидаги миллат зиёхоналарини асраш учун давлат дастури қабул қилиниши керак, деб ёзди. Бозор иқтисодиёти (балки уни шафқатсиз капитализм деб атайверган маъқулдир) тутумлари илмий-маърифий жабҳага ҳам мўр-малахдек бостириб келаётган бир паллада кутубхоналарни сақлаб қолиш имкони борми? Ҳар нарсани моддий манфаат, ақчаю бўғча билан ўлчайдиган арбобларни маърифат масканлари сув билан ҳаводек зарур эканига ишонтириб бўлармикан?

– Ваҳки, вазият айтганингиз кабидир, балким ундан-да ёмон. Муаммо мураккаблашиб ҳам кетган. Чунки одамлар китоб ўқиш кўникмасини бой бераётир, китобат саноати ривожланаётган бўлса-да, ададлар камайиб кетган. Таклиф ва талабларга қарамай, ноширлик бизнеси ҳам солиқлардан озод этилмади. Айрим худудларда эса ҳокимлар кутубхона биносини тадбиркорларга бериб юборган. Охирги йигирма йилда 5 минг 500 кутубхонанинг йўқ бўлиб кетгани – катта фожиадир. Биз хорижни танқид қиламиз, аммо у ерларда минглаб кутубхоналар ишлаётир, автобус бекатларию хиёбонларда ҳам мўъжаз кутубхоналар, кўчма китоб дўконлари ташкил қилинган. Ажнабий миллатлар келажак китобга боғлиқ эканини теран англаганда биз нега бефарқмиз?

Бизда ҳам кутубхоналар тикланиши, вақт синовидан ўтган илмий, бадиий китоблар, газета-журналлар ҳар бир мактаб кутубхонасига етказилиши лозим. Қолаверса, бой электрон база шакллантирилиши керак. Токи ёшлар жаҳонда чоп этилаётган янги адабиётларни планшет ва смартфонда ўқиб борсин. Бунга маблағ топиш имкони борми? Бор, албатта. Дейлик, ҳалигача ясама кўтаринкиликдан қутулолмаётган давлат телеканаллари ҳамда дабдабали тадбирларга ажратилаётган маблағнинг бир қисмини китоб соҳасига йўналтириш мумкин.

«Ҳар нарсани моддий манфаат билан ўлчайдиган арбоблар»га келсак, улар илм-маърифатга асло қарши эмас – ана, ўз жигарбандларини жарақ-жарақ пул тўлаб хусусий ёки хорижий таълим даргоҳларида ўқитаётир. Оддий халқнинг болалари таҳсил кўрадиган мактаблар, зиё масканларимизнинг аҳволи эса хийла ночор. Вазиятни ўнгламасак бўлмайди!..

– Карим ака, «чархи кажрафторнинг шеваси»ни кўрингки, айни кучга тўлган навқирон йилларингиз «узлатнишинлик»да ўтди, қизгин сиёсий жараёнлардан четда тутилдингиз, талай йиллар илмий, адабий китобларингиз нашрига изн берилмади. Бунга эса мурасасиз сиёсий фаолиятингиз сабаб бўлгани маълум. Қодир Оллоҳ сизга умр йўлини янгидан босиб ўтиш имконини тухфа этса, яна қилич тиғидек кескир сиёсат йўлидан юрармидингиз ё «эл қатори» яшамоқни маъқул кўрармидингиз?

– «Мен ҳақимни оларман тундан», деб ёзган эди Александр Блок. Камина ҳам «узлатнишин»ликка ўрганиб, ҳақимни меҳнатдан олдим. Мақтанчоқликка йўймасангиз, савол баҳонасида ижодий ишларимни сарҳисоб этиб чиқсам. «Томчидил» шеърий тўпламим, «Демократия ва инсон ҳуқуқлари», «Журналистнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулияти», «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари» каби илмий-оммабоп китоблар, «ОАВ ва сайловлар» номли қўлланма, «Сўз эркинлиги ҳақида сўз» деган сиёсий-ижтимоий рисола ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр қилинди, танқидий-таҳлилий мақолаларим чоп этилди.

Сенека, Афлотун, Вольтер, Монтень, Паскаль, Вовенарг, Ларош-фуко, Лабрюйернинг фалсафий асарлари; жаҳон халқлари ҳикматлари; Жорж Оруэлл ва Малкольм Гладуэлл романлари; Чингиз Айтматов, Дино Буццати, Жованни Папини, Коррадо Альваро,

Марчелло Вентури ҳикоялари; Ҳенри Форд мемуари; уйғур шоири Темур Давомат, озар шоири Ромиз Равшан шеърлари; Абдурахмон Авторхоновнинг «Кремль салтанати» китобини таржима қилдим. Олмон, турк, юнон, фаранг, араб, инглиз, испан, форс, япон, корейс, ҳинд ва бошқа кўплаб эллар шоир-адибларининг асарлари таржимамда чоп этилди.

Яқинда Анна Ахматова таржимасида корейс шоирлари шеърларини ўқиб қолдим. Рус шеърлятида хориж адабиётидан энг гўзал шеърый таржималарни айнан Анна Ахматова ва Борис Пастернак қилган. Гап шундаки, норасмий таъқиқда бўлган бу ижодкорларнинг ўз асарлари босилмаган, лекин таржималари чоп этилаверган. Сираси, ғайриихтиёрий тарзда мутаржимликка берилган улар. Мен ҳам таъқиқ йилларида кўпроқ таржимага ошно тутиндим. Таржималарнинг ҳажми ўз ижодимдан бир неча баробар ортиб кетди. Чоп этилиши ва қаламҳақидан умид бўлмагани боис фақат қалбимга яқин иншоларни она тилимизга ўгирдим. Таржималаримнинг ҳеч бир сатридан хижолат эмасман.

Яқинда Нобель мукофоти совриндори Светлана Алексиевичнинг «Чернобыль таваллоси» романи таржимасини тугатиб, нашриётга топширдим. АЭС қуришни мўлжаллаётган юртимиз учун кони фойда асар бу. Мақола, илмий тадқиқот ва адабий суҳбатлардан иборат салкам уч жилд асаримиз, таржималаримиз, илмий-бадий китобларимиз ўз ноширини кутмоқда.

Менинг анча вақт сиёсий «узлатнишинлик»ка дучор бўлганимга келсак, узлат бу – дин ва илмга доир улуғ тушунчадир. Қани эди, яссавиёна узлатга муносиб бўлолсак!..

Ҳаётга ўн қайта келсам ҳам шу тахлит яшардим, «эл қатори», жимгина умргузаронлик қилолмайман. Мени ислоҳотлар тақдири юртдошларимизнинг чинакам ўзгариши, фикр такомиллашувига боғлиқ экани мудом ўйлантиради. Собиқ Иттифоқнинг паймонаси тўлган даврга оид бир мутойиба бор. Михаил Горбачёв ҳарбийга ихтисослашган иқтисодиётни ислоҳ қилиш илинжида конверсия деган жараённи бошлаган, яъни ҳарбий аслаҳа заводларининг ускуналари қайта қурилиб, тинчликка хизмат қилувчи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ўша кезлар «Калашников» қурол заводи болалар аравачаси ишлаб чиқарадиган корхонага айлантирилибди. Совет ишчиси, маош рўзғорга етса-етмаса, ишхонадан қўлига

ХУЛОСА

Давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигининг муҳимлиги шундан келиб чиқадики, бугунги кунда айрим халқаро ҳодисалар халқаро хавфсизлик ва тинчликка жуда катта хавф туғдирмоқда. Коррупцияга қарши курашишда давлатларнинг ҳамкорлиги универсал ва минтақавий хавфсизликнинг таянчларидан бирини ташкил этаркан, мазкур механизмларни таъминламаслик минтақада тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солади.

Шундан келиб чиқиб, коррупцияга қарши курашишга доир халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларни ўрганиш, таҳлил қилиш, янгилиб бориш давр талабидир.

Мазкур тадқиқот давомида қилинган илмий изланиш, таҳлиллار асосида бир қатор илмий хулосалар, таклиф ва тавсияларга келинди: - “Коррупция” тушунчаси ҳақида турли фикр-мулоҳалар олимлар томонидан берилган. Уларни таҳлил қилган ҳолда “коррупция” тушунчасига қуйидаги таърифни берамиз: “Коррупция - давлат хизмати тизимидаги ҳодиса сифатида давлат хизматчилари ёки уларнинг воситачилари ёрдамида мулкӣ бойлик орттиришга қаратилган, ўз мавқеидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, давлат хизматчиларини, жисмоний ва юридик шахсларни сотиб олишга қаратилган ҳаракатлар”; - “Коррупция” атамаси ҳеч қайси бир халқаро ҳужжат билан очиб берилмаган. БМТнинг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияда “Коррупция” атамаси ва унинг тўлиқ мазмуни, қайси ҳаракатларни ўз ичига олади.

Коррупцияга қарши курашиш ишларини ташкил этишда қуйидагиларни инобатга олиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- ҳар бир соҳада коррупцияга қарши курашишда қонун ҳужжатларини замон ва ислоҳотлар талаблари даражасида такомиллаштириш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамият аъзолари бўлган фуқароларимиз онгида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни мунтазам равишда шакллантириб бориш;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга изчил татбиқ қилиш;

- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш ва оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтириш, коррупцияга имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида ташкилий чораларни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган ҳолда ташкил этиш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш.

- Ҳар қандай давлатда коррупциянинг ривожланиши давлатнинг ички ва ташқи сиёсатиغا салбий таъсир кўрсатади, натижада жамият аъзоларини мазкур давлатнинг органларига бўлган ишончига путур етказишга олиб келади.

ГЛОССАРИЙ

Аболиционизм – (лот. бекор қилиш) бирор қонунни бекор қилишга қаратилган оммавий ҳаракат. XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида АҚШда негрларни қулликдан озод қилиш учун бошланган ҳаракат иштирокчилари – аболиционист деб аталган.

Автономия (юнон. autos+nomos-ўзи+қонун); 1) ягона Давлат миқёсида ҳудудий-миллий тузилмаларга (вилоят, ўлка) ўзини ўзи бошқариш ваколатларини бериш; 2) маъмурий-ҳудудий бирлик; 3) қандайдир органлар (хўжалик, давлат, партия ва бошқалар) фаолиятларидаги ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи.

Агрегация (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари айрим манфаатларни агрегация қилиш, яъни турли мунозаралар ва муҳокамалар воситасида турли манфаатлар уйғунлаштирилади ва улар ўртасида муайян муносабатлар тизимини шакллантиради. Бу жараёнда асосий ва муҳим манфаатлар танлаб олинади уларни қондириш чора ва тадбирлари кўрилади.

Адвокатура ҳуқуқий институт, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзб.Рес. фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон Республикасининг адвокатура тўғрисидаги қонуни 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган.

Адлия – (араб.-адолат)-суд муассасаларининг бутун мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш фаолиятини, шунингдек, суд идорасини билдирувчи атама.

Адолат (араб. – одиллик, тўғрилиқ) – у ёки бу қадриятларнинг ўзаро умумий муносабатини ва уларнинг индивидлар ўртасида конкрет тақсимланишини ифодаловчи тушунча; инсоннинг моҳияти ва унинг ажралмас ҳуқуқларини ҳақидаги тасаввурларга мос бўлган жамоа тартиби.

Актор – (лот. “actor” - арбоб) муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширувчи индивид, ижтимоий гуруҳ, институт ёки бошқа субъект, зиддиятларда иштирок этувчи томонлар. Сиёсатшуносликда актор ва субъект тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

Алармизм – интеллектуал ва экспертларни бирлаштирувчи замонавий ғоявий оқим. У хавф солаётган глобал муаммолар – ядровий, экологик в.х. – борасида огоҳлантиради

Амнистия – жиноят содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан тўлиқ ёки қисман жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлаш. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти билан белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўлланилади.

Анахронизм – (юнон. ана-орқага, chromos-вақт, замон); янглиш ҳолда бир даврдаги воқеа ёки ҳодисаларни бошқасига алмаштириб қўйиш.

Апатия – (юнон.) бутунлай бекфарқлик ҳолати, лоқайдлик.

Артикуляция (лот.) нодавлат ва жамоат ташкилотлари индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тарқоқ қарашлари, ижтимоий руҳий кечинмалари ва умидларини аниқ ва маълум сиёсий мақсадлар ва талабларга айлантириш жараёнини англатади.

Ахборот (“informatio” лотинчадан маълумотлар, тушунтиришлар, баёнларни англатади) – маъмурий, ташкилий тадбирлар ўтказиш ҳақида қарорларни қабул қилиш учун, шунингдек, таклиф ва тавсияларни тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилувчи муҳим фактлар (шахслар, ҳаракатлар, ташкилотлар, воқеалар) тўғрисидаги маълумотдир. Фалсафий нуқтаи назардан ахборот бизнинг маълумот (белги) олиш натижасида ўрганилаётган ҳодисалар (жараёнлар) ҳақида тасаввурларимизнинг ноаниқлигини камайтириш ёки олиб ташлашни таъминлайди.

Ахборот – (информация) лот. informare-тасвирламоқ, нимадир ҳақида тушунча тузиш; кимнидир фаолияти, нимадир фаолияти ёки ишнинг аҳволи ҳақида хабар, хабардорлик.

Ахборот маданияти – жамиятнинг ахборот ресурслар ва ахборот-коммуникацион технологиялардан самарали фойдаланиш, шунингдек бу мақсадларда ахборотлаштириш воситалар ва ахборот технологияларни ривожлантириш соҳасида илғор ютуқларни қўллаш қобилияти. Ахборот маданияти кишида ахборот муҳити билан ўзаро муносабатда билим, маҳорат, кўникма ва рефлексли кўрсатмалар мавжуд бўлиши билан ифодаланади. Кишининг ахборот маданиятининг энг муҳим элементларидан бири – ахборот ресурсларини билиш (улардан эркин фойдаланиш имконияти).

Ахборот макони – (Ахборот муҳити) ахборотни сақлаш, ишлаш ва узатиш бўйича техникавий ва дастурий воситалар, шунингдек ахборотлаштириш жараёнининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий шарт-шароитлари мажмуаси.

Ахборот соҳасини либераллаштириш – (libera lis лотинчадан эркинликка тааллуқли) ОАВ ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш жараёни, шунингдек уларнинг фаолиятидаги чекловларини олиб ташлаш ва давлат назоратини сусайтириш.

Ахборот эркинлиги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан бири бўлиб, сўз, матбуот ва бошқа оммавий ахборотга эга бўлган ахборотни олиш ҳуқуқи ва қонуний асосда олинган ахборотларни тарқатиш ҳуқуқи ахборот эркинлиги ҳисобланади. Ўз.Рес. Конституциясига асосан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар, цензурага йўл қўйилмайди (67-модда).

Ахборот-коммуникация технологиялари – ахборот фойдаланувчилари манфаатида уни йиғиш, ишлаш, сақлаш, тарқатиш, акс этиш ва фойдаланиш мақсадида интеграллашган методлар, ишлаб чиқариш жараёнлар ва дастурий-техникавий воситалар мажмуи. Бугунги кунда АТ тушунчасига

микроэлектроника, компьютерлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, алоқа ва телефония, мобил сервислар, Интернетдан фойдаланишни таъминлаш, Интернет ахборот ресурсларини таъминлаш киради.

Билл – ингл. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа давлатларда қонун чиқарувчи ташкилот эътиборига ҳавола қилинувчи қонун лойиҳаси.

Бипартизм – ижтимоий шерикликнинг икки субъекти ўртасидаги келишув.

Бозор ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар (сотувчилар ва харидорлар) ўртасида пул орқали айирбошлаш жараёнида бўладиган муносабатлар йиғиндиси.

Бозор иқтисодиёти товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун – қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизимдир.

Бозор механизми бозор иқтисодиётининг фаолият қилишини тартибга солишни ва иқтисодий жараёнларни уйғунлаштиришни таъминлайдиган дастак ва воситалардир.

Бундесрат – нем. ГФРда ерлар палатаси. Германия Ерлари ҳукуматларининг учдан бештагача вакилларидан иборат. Бундестаг – нем. ГФР парламенти. 1949 йилда ташкил этилган. Аралаш сайлов тизимида 4 йиллик муддатга сайланади.

Бунёдкор ғоя — жамиятни тараққиёт сари етакловчи, турли гуруҳ ва қатламларни, миллатларни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи, амалга оширишнинг реал асослари бўлган ғоя.

Вайронкор (бузғунчи) ғоя — ёвузлик ва жаҳолатга, айрим жинояткор кучларнинг ҳукмронлигини ўрнатишга хизмат қиладиган, инсонлар, миллатлар ва жамиятнинг мустақиллигига, эркинлигига, ижодкорлигига зид бўлган ғоялар мажмуини ифодаловчи тушунча.

Ватан (арабча “Ватан” – она юрт) – кишиларнинг яшаб турган, уларни авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. Ватан бир-бирини тақозо этувчи ташқи муҳит ва ички кечинмалар ҳамда тушунчаларни ўз ичига олади. Ташқи муҳит нуқтаи назаридан Ватан киши ёки авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой,

Ватан равнақи – миллий истиқлол мафкурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи ғоясини илгари сураб экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади – Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

Ватанпарварлик Ватанининг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахту саодати учун куч-ғайрати, билим ва

тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатадиган инсоний ҳис-туйғудир. Ватанпарварлик – она-юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, Ватан манфаатлари йўлида фидоийлик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсларга хос фазилят.

Вербал – (лот.) оғзаки; бунда сиёсий иштирокни шахснинг субъектив жиҳатига боғлиқ эмаслигига ишора қилинмоқда.

Вето – (лот. таъқиқлайман) давлат бошлиғи ёки парламент олий палатасининг қонун чиқарувчи ташкилот қабул қилган қонунни кучга киришини бир муддатга тўхтатиб қўйиш ёки уни кучга киритмаслик ҳуқуқи: мутлақ вето, кечиктирувчи вето.

Виждон эркинлиги – ижтимои-фалсафий тушунча; ҳар кимнинг ўз эътиқодига кўра, мазкур жамиятда мавжуд ижтимоий меъёрларни бузмаган ҳолда виждони буюргани бўйича яшаш, ишлаш имконияти. Бунда динга муносабат масаланинг бир томони ҳисобланади.

Виждон эркинлиги – фуқароларнинг истаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

Генезис – юнон. genesis- келиб чиқиш; пайдо бўлиш, ташкил топиш жараёни.

Гильдия тизими – (нем. корпорация) элиталарни шакллантириш тизимларидан бири. Унга 1) эпиклик, юқори лавозимларга элитанинг қўйи қатламларидан номзод танлаш, юқорига силжишнинг поғонавийлиги; 2) лавозимларни эгаллаш учун кўплаб расмий шартларнинг мавжудлиги; 3) танловни алоҳида имтиёзли кичик гуруҳ амалга ошириши; 4) мавжуд етакчи типини тиклашга, яратишга, сақлаб қолишга ҳаракат қилиниши сингарилар хос.

Гипотетик – фараз қилинган, тахмин қилинган.

Глобал – (фран. Global – умумий) умуман олганда, бутун ер юзи бўйлаб.

Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

Ғоявий бўшлиқ деб, эски ҳукмрон мафкура ҳалокатга учраб, у билан боғлиқ тушунчаларнинг қадрсизланиши, бугунги ҳаёт, ўтмиш ва келажакка даҳлдор қадриятлар, тушунча ва тасаввурларни тўлиқ англаб етмаслиги оқибатида одамларнинг қалби ва онгида вужудга келадиган бўшлиққа айтилади.

Гуманизм (инсонпарварлик) – тенглик, адолат, ўзаро ҳурмат, инсон қадрини ардоқлаш, одамлар фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш ғоялари сингдирилган дунёқараш.

Гуруҳ – манфаатлар, қарашлар, касбий, фаолият тарзи бўйича бирлик ва умумийлик касб этган шахслар йиғиндиси, бирлашмаси.

Давлат муайян ҳудудда жамият ва унинг сиёсий тизимини ташкил этиш усули, ҳокимиятнинг марказий институти, жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, маълум бир ҳудуд ва унда яшовчи халқларни ўз ичига олади. Жамиятни бошқарувга тизим сифатида Давлат ички тизимга ўз ваколатларини амалга ошириш учун махсус органларга эга. Давлат одамлар ва жамоат гуруҳларининг

фаолияти ҳамда муносабатларини ташкил этади, уларни йўналтиради ва назорат қилади.

Давлат тассарруфидан чиқариш – давлат мулки ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтирилиши.

Дахлдорлик ҳисси – фуқароларнинг туғилган жойи, она Ватани, мустақилликни англаш, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, уни янада ривожлантиришга чорлайдиган, шарт-шароит, омиллар мажмуи.

Демократик институтлар давлат ва жамиятда демократик тузумни шакллантирувчидемократик тамойилларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари ҳисобланади.

Демократик институтлар – жамият ҳаётида демократик тамойилларни қарор топишга хизмат қиладиган ташкилотлар ва тузилмалар мажмуаси.

Демократик кучлар блоки – парламентдаги кўпчиликни ташкил этиш мақсадида ўздастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолдабир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириши.

Демократия (юнонча, “демос” – халқ, “кратос” – ҳокимият) – халқ ҳокимияти маъносини англатиб, халқни ҳокимият манбаи, деб билувчи сиёсий тизимни шакли. Демократия инсонни ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун берилган имкон бўлиб, давлат конституциясида озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi тамойили расмий эълон қилинди, ҳамда фуқароларнинг эркинлиги тенг ҳуқуқлиги эътироф этилди. Демократия ҳар бир даврнинг ижтимоий – иқтисодий шароитларига мос шаклланиб, ривожланиб боровчи чегарасиз табиий – тарихий жараёндр.

Децентрализация – номарказлаштириш; марказий ҳокимият органлари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ташкилотларга бериш; марказлашувнибўшаштириш ёки бекор қилиш, тугатиш.

Диаспора – юн. diaspora – тарқалиш маъносида бўлиб, маълум бир давлат ҳудудида яшовчи, аммо бошқа бир давлатда ўз давлат тузилмасига эга, маълум бир халқ миллат вакилларининг йиғиндиси (масалан Ўзбекистонда яшовчи рус, украин миллатининг диаспораси).

Диверсификация – лот. diversification – ўзгариш, турли-туманлик, фаолиятни ҳар томонламава турли-туман йўналишларда ривожлантиришга стратегик мўлжал олиш. Масалан, капитални диверсификациялаш – иқтисодий таваккалчиликнинг хавфли оқибатини камайтириш мақсадида капитал маблағларни турли объектлар ўртасида бўлиб-бўлиб жойлаштириш.

Диний бағрикенглик бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очик мулоқот ҳамда хурфикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради.

Дискурс – ингл. discourse < лат. discursus – суҳбат, муомала, монолог, диалог.

Дифференциация – (лот. differentia-фарқлаш, ҳар хиллик) тақсимланиш, ниманидир алоҳида турли хил унсурларга ажралиши, бўлақларга бўлиниш.

Дуализм – (лот.) икки тарафламалик (шунингдек, фалсафадаги дунё асосида иккита мустақил бош сабаб – руҳ ва модда, идеаллик ва моддийлик мавжуд деган қарашлар ҳақидаги таълимот).

Европоцентризм – Ғарбий Европа маданияти бутун инсоният учун наъмуна, деб қаровчи концепция. Унга кўра Ғарбий Европа – жаҳон тараққиёти марказидир.

Жазо – ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар билан боғлиқ бўлган мажбурлов чораси.

Жамият – инсонлар муносабати ва ижтимоий алоқалар йиғиндиси. Жамият тарихий, моддий-маънавий ҳаёт тарзидан келиб чиққан ҳолда умумий орзу-мақсадлари билан бирлашган инсонлар уюшмасининг алоҳида шакли. Жамият доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлиб, унинг асосини доимо инсонлар ташкил этади.

Жамоа манфаати кишилар гуруҳи, корхона ва фирмаларга тегишли манфаатлар мажмуидир.

Жамоат бирлашмалари – фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. Уларга касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ёшларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради.

Жараён – муайян вақт оралиғида бўлиб ўтган ўзгаришлар, воқеа ва ҳодисаларнинг давомийлиги. Ж.лар узлукли ва узлуксиз, табиий ва сунъий, такрорланувчи ва бетакрор, бошқарилувчи ва бошқарилмас бўлиши мумкин.

Жиноят – қонунда назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмиш.
замин, ўлкадир.

Идентификация – (лот. ўхшатмоқ, тенглаштирмақ, бараварламоқ) монандлик. Сиёсий идентификация – у ёки бу сиёсий гуруҳга ўзини бошқалардан ажратиш имконини берувчи барқарор белгилар, хусусиятлар бирлиги.

Ижтимоий адолат – барча ижтимоий тоифаларнинг жамиятда ўз ўрни мавжудлигини ва қонун олдида уларнинг ўзаро тенг ҳуқуқларга эга эканлигини эътироф этиш.

Ижтимоий манфаат – барча жамият аъзоларининг биргаликда рўёбга чиқадиган манфаатларидир.

Ижтимоий уюшмалар – фуқаролар манфаатлари умумийлиги ва ихтиёрийлик асосида вужудга келувчи, лекин ўз фаолияти натижасида даромад олишни кўзламайдиган ташкилотлар (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, аёллар, кексалар, ногиронлар, ёшлар, болалар ташкилотлари, илмий техник, маданий-маърифий, спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, жамғармалар, ассоциациялар, бошқа тузилмалар). Демак, фуқароларнинг ҳар қандай кўнгилли уюшмаси – ижтимоий уюшмадир. Мавжуд

сиёсий ҳаётни ўзгартиришга ёки унга таъсир этишга уринувчи ижтимоий уюшмалар сиёсий, деб қаралади.

Ижтимоий ҳамкорлик – турлимиллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

Ижтимоий шериклик давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар – кишилар учун зарур бўлган ҳаётий неъматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Иқтисодий мустақиллик – муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши.

Иқтисодий ресурслар маълум даврда маълум бир мамлакат ихтиёрида тўпланган ва мавжуд бўлган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва истеъмол жараёнларида қўлланилиши мумкин бўлган воситалар, қўр-қутлар, имкониятлар ва манбалардир.

Индивид – лот. Individuum – бўлинмас, алоҳида; инсон зотининг алоҳида олинган намунаси, унинг вакилларида бири; ҳар бири алоҳида, мустақил мавжуд бўлган тирик организм; шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади.

Инсон омили – инсон моҳиятига хос бўлган энг муҳим хусусиятларни – инсондаги жисмоний – руҳий томонларнинг бирлиги.

Инсон ҳуқуқлари унга тор маънода фақат давлат ҳимоя қиладиган ва кафолат берадиган ҳуқуқлар кириб, бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждон ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари киради. Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди.

Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос белгилари – биринчидан, жамоат ва давлат турмушининг барча соҳаларида ҳуқуқ ва қонуннинг устуворлиги, қонун талабларининг давлат ҳокимияти ва барча органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши; иккинчидан, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларининг реаллиги, уни эркин камол топтириш таъминланиши, давлат билан шахснинг ўзаро масъуллиги; учинчидан, давлат ҳокимиятини қонунчилик, ижрочилик ва судҳокимиятига бўлиш асосида амалга ошириш.

Институт – лот. institutum-махкама, идора, муассаса; тизимлаштирилган, ҳаммага танилган, амалда қўлланилаётган ва эътироф этилган (ҳар қачон ҳам ўз расмий тасдиғини топавермайдиган), у ёки бу тарзда мустаҳкамланган қоидалар ва меъёрларга мувофиқ ўзаро хатти ҳаракат қилиш учун қўллаб-қувватланаётган кўрсатмаларга эга бўлган ижтимоий агентларнинг ўзаро хатти ҳаракатлари шакллари киради.

Интеграция – лот. integratio-тикланиш, бажариш; integer-бир бутун; қандайдир қисмларнинг бир бутунликка бирлашиши.

Интерактив давлат хизматлари – идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга идораларнинг ахборот тизимлари воситасида телекоммуникация тармоқлари орқали кўрсатиладиган хизматлар. Бизнинг мамлакатимизда бу хизматлар 2013 йил 1 июлдан ҳаракат қилувчи ҳамда давлат органларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро ҳамкорлигининг қулай ва самарали воситаси сифатида хизмат қилувчи mu.gov.uz Интерфаол Давлат хизматлари ягона портали орқали кўрсатилади.

Интернет – ахборот билан алмашиш учун ҳам компьютер тармоқлари фойдаланувчиларни, ҳам шахсий компьютерларни ўзаро боғловчи бутун дунё ахборот компьютер тармоғи.

Интернет журналистика интернет маконида ахборот шакллар долзарблигини шакллантириш ва тақдим қилиш бўйича фаолиятни касб этувчи сифат жиҳатидан янги ва цивилизацияли феномендир, бунда бундай шакллар ташувчисига нафақат сўз, балки расм, фотосурат, кино, видео, товуш, веб-саҳифа – кенг маънода ахборот ёки матн ташувчиси сифатида намоён бўлишга қодир ҳар қайси объект айланиши мумкин.

Интерпелляция – фр. interpellation < лат. interpellatio < interpellare – муносабат, алоқа, суҳбат ва бошқа шу кабиларни бўлиб қўйиш, қарши чиқиш.

Интерфаол мулоқот – реал вақт режимида турли ОАВ (асосан Интернет) воситасида “жонли” мулоқот қилиш. Шартли равишда бундай мулоқотнинг бир неча шаклини белгилаш мумкин:

Информация – лот. informatio – хабардор қилиш, тушунтириш, баён қилиш маъноларини беради. Шунингдек, лот. informare- шакл бериш кабилида ҳам ишлатилади.

Иррационал – (лот.irrationalis) билишнинг асосий воситаси сифатида ҳис-туйғу, инстинкт ва эътиқодни тан олувчи фалсафий қараш.

Ишлаб чиқариш усули – ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари бирлиги ҳамда ўзаро таъсири.

Ишлаб чиқарувчи кучлар – ишлаб чиқаришнинг шахсий ва моддий омиллари, яъни ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлиги.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели тизими – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 йилнинг 29 августида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди. Ушбу дастурда (3-банди) кадрлар тайёрлашнинг миллий модели қуйидаги таркибий қисмлардан иборатлиги белгилаб қўйилган:

1. Шахс – кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси.

2. Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари.

3. Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади.

4. Кадрлар тайёрлаш тизимида – фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи.

5. Кадрлар тайёрлаш тизимида ишлаб чиқариш – кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси (“Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”, Т., 2008, 41-53-б.).

Касаба уюшмалари – корхона, муассаса, ўқув юрти ва бошқа меҳнат жамоларида ишлаётган ишчи ва ходимларни ижтимоий манфатларини ҳимоя қилиш, иш берувчилар билан ишловчиларнинг ижтимоий шерикчилигини ташкил этиш мақсадида фаолият юритадиган нодавлат ношаро ташкилоти;

Квази... – лот. турли сўзлар бошига қўйилувчи ва «гўё», «сохта» маъноларини берувчи қўшимча. Масалан, квазидемократия.

Квинтэссенция – (лот. бешинчи асос) бирор нарсанинг асос, моҳияти; энг муҳим, энг асосий.

Компетент (лот. competents- лойиқлик, мутаносиблик) ўз билими ёки ваколати билан бирон-бир қарорни қабул қилиш, масалани ечиш ёки улар юзасидан ҳукм чиқариш учун зарур бўлган илмга ёки қобилиятга эга бўлишни англатади.

Конфессия – лат. cōfessio динлар ва унинг шахобчалари, тармоқлари, мазҳаб, оқим ва йўналишларини ифодаловчи умумий тушунча.

Концепция – лот. conceptio-идрок қилиш, идрок, ўзлаштириш; у ёки бу ҳодисаларга нисбатан қарашлар тизими; қандайдир ҳодисаларни кўриб чиқиш, ниманидир англаш усули.

Конъюнктура – лот. conjunctura – боғлаш, қўшиш. Бозор конъюнктураси – талаб ва таклиф, баҳолар даражалари, моллар захиралари, шунингдек, иқтисодий цикллار ўзгаришлар даври – кўтарилиш ёки таназзул кабилар ўзаро тегишли нисбати натижасида эркин бозордаюзага келган иқтисодий вазиятлар. Конъюнктуранинг биринчи белгиси унинг тез ўзгарувчанлиги, доимий эмаслиги ва аксарият ҳолларда тебраниб туриши ҳисобланади.

Кооперация – лот. Cooperatio – ҳамкорлик; кўпчилик кишиларнинг биргаликда битта ёки ўзаро бир-бирларига боғлиқ ўлган бир неча фаолиятлардаги иштироки, меҳнатни ташкил этиш шаклларида бири; ишлаб чиқариш ва маҳсулот айирбошлаш соҳасидаги жамоавий бирлашма.

Коррупцияга қарши курашиш концепцияси – (концепция – лотинчада “conceptio” “тушуниш тизими” маъносини англатади) – концепция коррупциянинг ривожланиш сабаблари, ҳолати ва келажакдаги даражасини, коррупцияга қарши курашнинг асосий тушунчалари, мақсадлари, тамойиллари ва йўналишларини акс эттирувчи назарий қоидалар тўпламидан иборат бўлган ҳужжат.

Коррупцияга қарши курашиш ҳолати прогнози – коррупция, коррупцияга қарши сиёсат ва унинг натижаларини муайян вақт давомида ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари (сифат ва миқдорий кўрсаткичлари)нинг эҳтимолдаги (келажакдаги) ўзгаришлар даражаси.

Коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий технологияси – жамиятнинг ўзига хос тарихий эҳтиёжлари ва манфаатлари, коррупцияга қарши кураш сиёсатини ижтимоий-ҳуқуқий ривожлантириш қонуниятлари асосида белгиланган мақсадларга мувофиқ коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқий институтлари томонидан самарали ва оқилона қўлланиладиган усул, йўл ҳамда воситалар тизими.

Коррупцияга қарши курашнинг миллий режаси ҳокимият турли даражаларида коррупцияга қарши чораларини таъминлашга қаратилган махсус сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатдир.

Коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари – қонун ҳужжатларига асосан фаолияти коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган давлатнинг махсус ваколатли органи.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари:

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий

жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга оширади.

Коррупцияга қарши мафқураси – индивидуал, ижтимоий гуруҳлар, ҳукмрон элита ва жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати ва коррупцияга қарши кураш муносабатларини акс эттирадиган фикр, эътиқод, қарашлар, тамойиллар ва тушунчаларнинг маънавий тизими.

Коррупцияга қарши маърифат давлат ва жамиятнинг коррупцияни бартараф этиш (олдини олиш) бўйича олиб борилаётган фаолияти ҳақида ишончли ва холис билимларни оммага етказишдир.

Коррупцияга қарши мониторинг – коррупцияга қарши кураш, коррупция омиллари, шунингдек, коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш бўйича умумий ва махсус чоралар кўриш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва

прогнозлаш ишлари. Коррупцияга қарши курашни мониторинг қилиш махсус ваколатли коррупцияга қарши орган ёки бошқа ихтисослаштирилган муассасалар ёки ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Коррупцияга қарши мотив коррупцияга қарши фаолиятни рағбатлантирувчи ва қўллаб-қувватлайдиган фаол жараён бўлиб, унда коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг асослари шаклланади ва ривожланади.

Коррупцияга қарши нормалар – давлат, жамият ёки ижтимоий гуруҳда коррупцияга қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа қабул қилинган нормалар.

Космополитизм (юнон. kosmopolites — дунё фуқароси) — дунё фуқаролигини даъво қилиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанпарварлик туйғусидан воз кечиш ғоясини илгари сурадиган қараш. Космополитизм - яъни қаерда яхши ҳаёт бўлса ўша ерни ватан деб билиш. Бу тамойил инсонда ватан ҳиссини йўқотади, ғурурни ўлдиради. Бу эса ҳар бир жамият учун ҳалокатлидир.

Кўппартиявийлик – мамлакат парламентида кўпчилик ўринни олиш учун тенг имкониятга эга бир неча сиёсий партиялар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

Кучли давлат – омма фаолиятига асосланган кучли бошқарув тизими, ривожланган иқтисодиёт, юксак маънавиятга эга бўлган давлат. Бундай давлат мустаҳкам иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий асосга эга бўлади. Унинг қудрати фуқаролар ҳамжиҳатлиги, жамиятдаги дўстлик ва бағрикенглик, ҳар бир фуқаронинг онглилик даражаси, давлат бошқарувидаги фаол иштирокига асосланади.

Кучли давлатдан-кучли жамият сари ушбу концепциянинг моҳияти одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ошиши демакдир.

Кучли жамият – мустаҳкам негизнинг барқаролиги таъминланган, давлатнинг бошқарувчилик фаолияти қисқариб, жамоат ташкилотларининг роли кучайган, фуқароларнинг қонун асосида, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадриятларга айланган жамият.

Кучли фуқаролик жамияти – инсон манфаатлари устуворлиги ва фуқаролик жамияти институтлари орқали уларнинг давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этиши таъминланган, қонун устувор бўлган жамият.

Қонун – қонунчилик ҳокимиятининг фуқаролар, жамият ва давлат ҳаётига тааллуқли муносабатларда муайян тартиб жорий этиш борасидаги иродасининг намоён бўлиши.

Қонун устуворлиги – ушбу тамойилнинг мазмуни шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий ҳукмрон бўлади. Яъни ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро

қонунга бўйсунishi, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари эса ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

Легитимлик – (лот. қонуний) муайян давлат ҳокимиятининг қонунийлигини а) фуқаролар томонидан; б) халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишини англатувчи қадриятий тушунча. Тарихан анъанавий, харизматик, оқилона-қонуний шаклларда номоён бўлади.

Либерализм – (лот. эркинлик) мафкура, ижтимоий-сиёсий ҳаракат. У ижтимоий имтиёзлар ва авлоддан-авлодга ўтувчи ҳокимиятга қарши чиқиб буржуа қатламларининг қарашларини ўзида мужассам этади. Асосий тамойиллари: индивидуализм, эркинлик, бозор ва рақобатнинг мутлақлиги, давлатни чеклаш зарурлиги (асосчилари И.Бентам, Ж.Милл, А.Смит, Г.Спенсер).

Либераллаштириш – ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт.

Лига – лот. ligare-боғламоқ; ижтимоий-сиёсий бирлашма; давлатлар, ташкилотлар, алоҳида шахслар иттифоқи.

Лобби – лот. lobуу-қулуар; жамиятдаги маълум бир сиёсий доиралар, кучли иқтисодий тизилмалар манфаатларини ифодаловчи, ана шу манфаатларни амалга ошириш парламент ва мансабдоршахсларга босим ўтказишга интилаётган гуруҳлар.

Маданият – кишиларнинг табиатни, борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш жараёнида яратган моддий, маънавий бойликлар ҳамда бу бойликларни қайта тиклаш ва бунёд этиш йўллари ва услублари мажмуи.

Маданиятли одам ўқимишли, замон талаблари асосида кийиниш ва муомала меъёрларига амал қилувчи, ахлоқ нормаларига тўла амал қиладиган, илғор фалсафий ғояларга эга бўлган, жаҳон маданияти дурдоналаридан хабардор бўлган шахсга айтилади.

Манфаат – индивид ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг асосий сабаби.

Манфаатлар – лот. interest аҳамият касб этиш, муҳим; объектив равишда аҳамият касб этган, инсон, жамоа, миллат, жамият қабила учун зарур бўлган зарурий эҳтиёжлар; кимгадир фаровонлик бағишлайдиган, кимгадир фойда келтирадиган нарсалар.

Манфаатлар гуруҳлари – унга аъзо бўлган кишиларнинг манфаатларини бошқа гуруҳлар ва сиёсий институтларнинг ўзаро муносабатларида, шунингдек, ўз гуруҳи ичида ифода қилиш учун тузилган ихтиёрий ташкилотлар.

Маргинал – (фр. “marginal”) иккинчи даражали, охириги, четда турувчи; сиёсатшуносликда – олдинги ижтимоий алоқаларини йўқотган, янги ҳаёт шарт-шароитларига ҳали мослаша олмаган, қандайдир ижтимоий гуруҳлар орасида ёки энг чеккасида турган ижтимоий одам, жамиятнинг сиртида қолган: люмпен, мискин ва ҳоказо.

Маҳаллий (ёки муниципал) бошқарув – маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг манфаатларини ифодалайдиган ва сайлаб қўйиладиган органлар ҳамда уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга молик ишларни бошқариш.

Маънавий баркамол инсон комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Маънавий жасорат ер юзида барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улўф кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ваюксак маънавий салоҳиятини ифодалайди.

Маънавий таҳдид тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутди.

Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир.

Маънавиятга таҳдид – инсон қалби ва имон эътиқодини сусайтиришга қаратилган ҳамда инсоннинг ўзлигидан бегоналаштириб, келажагидан маҳрум этишга йўналтирилган ёт ва бегона ғоялар.

Маънавиятни шакллантирадиган мезонлар – инсон онгига таъсир кўрсатадиган, унинг дунёқараши тафаккур тарзини муайян йўналишга соладиган, ўзгартирадиган, жамият, миллатга хос маънавий, маданий ва моддий асослар, анъаналар, қадриятлар, мерос, турмуш тарзи, ғоялар ва қарашларни умумлаштирувчи тушунча.

Маърифат – таълим тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ва маънавий бойликларнинг, уларни янада кўпайтириб ҳамда такомиллаштириб бориш усулларининг мажмуи.

Менталитет – фран. mentalite; лот. mentalis – ақлий, руҳий, маънавий, ақл йўналиши ақл бичими, ақлий етуклик, заковат; маълум шахс, ижтимоий гуруҳ (кичик, катта, миллий) учун характерли бўлган дунёқараш, дунёни англаш, атроф воқеликни қабул усули; фикрлаш тарзи.

Механизм – юнон. mechane – қурол, иншоот; ҳаракат ва тезликни амалга ошириш ёки узатиш қурилмаси. Сиёсатда маъжозий маънода бирон-бир режа, дастур, мақсадни амалга ошириш йўл-йўриқларини ва воситаларига нисбатан қўлланилади.

Миллат тил, маънавият, миллий ўзликни ангаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар ягоналиги асосида муайян ҳудудда яшовчи иқтисодий алоқалар билан боғланган мустақил субъект сифатида ўзига хос моддий ва маънавий бойликларни яратувчи кишиларнинг этник бирлигидир.

Миллатлараро муносабатлар бирга ёки айри тарзда яшайдиган ҳар хил миллатлар ўртасида амалга ошадиган турли-туман шакллардаги алоқаларни англатувчи тушунчадир.

Миллатлараро тотувлик ғояси миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, мамлакатимизда истиқомат қилиб келаётган барча этник вакиллари билан, авваламбор, ўзбек миллати ва шу билан бирга ўзларининг ўртасида кўп йилларга мўлжалланган эзгулик, ишончлилик, дўстоналик, яқдиллик, қариндошлик, маънавий-ахлоқий ва мафкуравий яқинлик ва бирдамлик, муросалилик ва бошқа инсонийлик муносабатлари мавжудлигини ва келажақда ҳам у янада камол топишини ифодалайди.

Миллатчилик – миллат айириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаб, бошқаларининг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, уларни ерга уришдан иборат бўлган нодемократик мафкура.

Миллий ғоя – аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадлари йиғиндиси.

Миллий ғоя негизлари аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган, халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини ифодалаган миллий маънавий мерос қадриятлари ҳамда дунё халқлари томонидан эътироф этилган демократиянинг умуминсоний принциплар мажмуидир.

Миллий қадрият – миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ бўлган қадрият шакли.

Миллий мафкура – миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини ғоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими.

Модель – фран. modele-намуна, тарх, ниманидир тасвири тавсифи.

Модернизациялаш – фран. modernizer-замонавий; замонавийлаштириш, ҳозирги давр талаблари, тарзи ва дидига мутаносиб равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш.

Мулк объектлари – мулкка айланган барча бойлик турлари. Мулк субъектлари – мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатлар иштирокчилари.

Мулкдан фойдаланиш – мол-мулкнинг Иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

Мулкни тасарруф этиш – мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш. Мулкка эгалик қилиш - мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шакли.

Мулкчилик муносабатлари – мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш ва тасарруф этиш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар.

Муниципал бошқарув ингл. municipal – ўзини ўзи бошқариш; бу бошқарувнинг нисбатан номарказлашган шаклидир. Шу билан бир вақтнинг ўзида у фуқаролик жамиятининг институти ҳисобланади. Бундай бошқарув органларининг асосий белгилари – уларнинг сайланишлиги ва ўз ҳудудидаги аҳоли манфаатлари асосида маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларга раҳбарлик қилишдаги нисбатан мустақиллик.

Муниципалитет – фран. Municipalite – шаҳар ўзини ўзи бошқариш органи; кўпчилик мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари.

Мустақил босма ОАВлари давлат бошқарувидан ҳоли бўлган, ўзининг фикр ва сўз эркинлигини рўёбга чиқарувчи, лекин бунда ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик доирасидагина олиб борувчи оммавий ахборот воситаларидир.

Низом муайян давлат ёки жамоат тузилмаларини ташкил этиш тартибини, тузилиши, вазифаси, функциялари ва ваколатларини белгиловчи кодекслаштирилган норматив ҳужжат ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари – ўз олдида Интернет тармоғида оммавий ахборот воситаси (ОАВ) функцияларини бажариш вазифасини қўювчи нодавлат тусдаги рўйхатга олинган веб-сайтлари.

Оккультизм – фр. occultisme, нем. Okkultismus < лат. occultus – сирли, яширин, дунёнинг яширин, ғайришуурий, илмий тафаккурга сиғмайдиган, аммо “танланган”, “тақим этилган”ларгагина насиб этувчи қудрати ҳақида нотабиий қараш.

Оммавий ахборот воситалари – кенг кўламда ахборотни йиғиш, ишлаш ва тарқатишни таъминловчи ижтимоий институтлар ва каналлар (матбуот, китоб нашриётлари, матбуот агентликлари, радио, телевидение ва ҳ.к.). Оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 3-сон, 20-модда).

Парламент – ингл. parliament, франц. parlement парирмоқ ва сўзламоқ; парламент олий қонун чиқарувчи вакиллик органи ҳисобланади.

Парламентдаги кўпчилик – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси.

Парламентдаги мухолифат – янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи.

Партиципация – (ингл) иштирок этмоқ; фуқаролар томонидан давлат ва жамият ишларини бошқариш жараёнида у ёки бу функцияларни бажаришини шарт қилиб қўядиган демократиянинг моделига доир нисбат.

Партия – лот. pars (partis) – қисм, гуруҳ; қандайдир ижтимоий қатлам ёки гуруҳманфаатларини ифодаловчи, қандайдир сиёсий мақсадларни кўзловчи ташкилот.

Пассив сайлов ҳуқуқи – фуқароларнинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайланиш ҳуқуқи.

Плюрализм – лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар манфаатларини ифодаловчи турли туман ижтимоий-сиёсий кучлар мавжуд бўлган сиёсий тизим.

Плюрализм – лот. pluralis-турлича, турли туман; турли ижтимоий қатламлар.

Полиэтник – кўпмиллатли, моноэтник – якка, ягона ёки бир миллатли.

Президент – лот. praesidens (praesidentis) – олдинда ўтирувчи, раислик қилувчи, бошда турувчи сўзларидан олинган бўлиб, кўпчилик Президентлик ва парламент республикалари жорий этилган мамлакатларда маълум бир муддатга сайланган давлат бошлиғи.

Пресса – фран. presse; оммавий ахборот воситалари; оммавий жорий матбуот.

Принцип – лот. principium – асос, дастлабки, бошланғич; асос бўладиган пойдевор ғоялар; хулқ, фаолият ва ҳатти-ҳаракатнинг асосий қонидаси.

Пропорционал – от. proportionalis – мутаносиб; сайловларда номзодлар учун бериладиган овозлар рўйхатлар бўйича бериладиган, ҳар бир рўйхат учун берилган овозларга мутаносиб равишда жой эгалланадиган сайлов ҳуқуқи тизими.

Профицит – бюджетга нисбатан қўлланилганида бюджетнинг даромад қисмини унинг харажат қисмига нисбатан ортиқ бўлганлигини ифодалайди.

Рационал – (лот. rationalis-оқилона); мақсадга мувофиқ, асосланган, далилланган (энг тўғри йўл маъносида ҳам ишлатилади).

Режим – фран. regime; давлат тузуми, идора этиш образи.

Сайлов – аҳолининг расмий мансабни эгаллаш учун бирор шахсни танлаши жараёнидир.

Сайлов ҳукуқи – давлат бошлиғи, вакиллик органлари ва бошқани сайлаш тартибини белгилаб берувчи ҳукуқий нормалар йиғиндиси. Сайлов ҳукуқи, одатда, конституция ва сайлов тўғрисидаги махсус қонунлар билан белгиланади.

Секторлараро назария – ижтимоий шерикликнинг уч сектор: давлат органлари, бизнес вакиллари ва фуқаролик жамиятининг институтлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиши тўғрисидаги назария.

Сенат – лот. *senatus*-эски, қария; кўпчилик мамлакатлар парламентининг юқори палатаси.

Сиёсат субъекти сиёсий муносабатларда иштирок этаётган кучлар, социал гуруҳлар, қатламлар, ташкилотлар сиёсий фаолиятнинг ташувчилари, сиёсатнинг субъекти ҳисобланади.

Сиёсий жараёнлар – турли сиёсий институтлар, ижтимоий гуруҳлар, ташкилотлар индивидлар муносабати сифатида намоён бўлади.

Сиёсий қарашлар – сиёсий қарашларнинг шаклланиши ва қарор топишида ўзига хос анъаналар мавжуд бўлиб, сиёсий ҳодисалар турли хил талқин этилган.

Сиёсий маданият – инсоннинг сиёсий ҳодисаларга доир қадриятларга оид тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган хулқи кодекси ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолият услуги. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намоён қилади.

Сиёсий онг – турли ижтимоий гуруҳларнинг давлат ҳокимиятига, сиёсий ташкилотлар, уларнинг жамият ҳаётидаги ролига, бошқа давлат ва миллатлар билан муносабатига оид қарашларнинг бир тизимга солинган назарий ифодаси.

Сиёсий партиялар – ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодаловчи, уларнинг энг фаол вакилларини бирлаштирувчи сиёсий ташкилотлар. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми, улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради.

Сиёсий ташкилотлар – сиёсий партиялар, турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг манфаатлари, мақсадларини ифода этади.

Сиёсий тизим жамиятда давлат ҳокимияти ва бошқарувни шакллантириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатлар ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Социал – лот. *socialis* – ижтимоий, жамоатчилик; жамият ва ижтимоий муносабатлар билан боғланган.

Социум – лот. *socium*-умумий, биргаликдаги; инсонлар ҳаёт фаолияти шарт-шароитларини бирлигини характерловчи ижтимоий умумийлик, бирлик.

Страта – (лот. *stratum*) қатлам.

Структура (лотинча “*structura*” – “тузилма”, “тузилиш”) объектнинг бир бутунлигини ва унинг ўзига ўзи айнанлигини, яъни турли ички ва ташқи

ўзгаришларда ўзининг асосий хусусиятларини сақлай олишини таъминловчи барқарор алоқалар йиғиндисиدير.

Субординация – (лот.) тартибга келтириш; хизмат интизоми қоидаларига тегишли ҳолда мартаба даражалари бўйича кичик мансабдорларни катта мансабдорларга бўйсунушига қатъий амал қилиш.

Суверен – фран. *souverain* – олий сўздан олинган бўлиб, олий, суверенитетга эга бўлиш, мустақил, қарам бўлмаган маъноларини беради.

Суверенитет – (фран. “*souveränität*”) давлатнинг ички ишлар ва ташқи муносабатларда хорижий аралашувларга йўл қўймаган ҳолдаги мустақиллиги ва мухторияти.

Сўз эркинлигини таъминлаш – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (хаёлини) ошкора (оғзаки, ёзма равишда ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

Сўз эркинлигини таъминлаш – инсоннинг фундаментал ва табиий ҳуқуқларидан бири – ўз фикрини (хаёлини) ошкора (оғзаки, ёзма равишда ва/ёки оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда) ифода этиш ҳуқуқини амалга ошириш учун комплексли шарт-шароитларни яратиш.

Табақа (қатлам) – ўхшаш касб-хунар, машғулот, ҳолати ва аҳволи билан манфатлар умумийлиги асосида бирлашган шахсларнинг йирик гуруҳи.

Тараққиёт – жамият ривожланишининг оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига йўналган, бир сифат босқичидан янги сифат босқичига ўтиши жараёни.

Тараққиётнинг “Ўзбек модели” истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ислохотлар, стратегия бўлиб, тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошидан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа юртбошимиз томонидан жамиятни ислох этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги беш тамойили вужудга келди: Биринчи тамойил: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; Иккинчи тамойил: давлат – бош ислохотчи; Учинчи тамойил: жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги; Тўртинчи тамойил: аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш; Бешинчи тамойил: бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Ташаббус – лот. инициатива *initiative* – ташаббус; қандайдир ишни бошлашга ундаш, ишбилармонлик; муҳокама қилиш учун таклифлар бериш.

Технотроника – ингл. *technetronic*. Электроникадан фойдаланиб жамиятга таъсир этувчи техника воситалари.

Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшаши ва камол топишининг энг зарур омили.

Толерантлик – фр. tolérant (лат. Tolerāns-tolerantis) ҳозирги ўзбек тилида луғавий таржима қилганда чидамлилик, сабрлилик, бардошлилик, тоқатлилик маъноларини англатади. Антик давр ва ўрта асрларга қадар асосан табобат соҳасида кенг истифода этилган мазкур тушунча ҳайвонлар ва инсонлар организмларининг турли-туман касалликлар, жароҳатлар ва умуман, ҳаёт учун курашиш жараёнларига доир иммун қобилиятини ўрганиш масалаларига алоқадор бўлган. Кейинчалик бошқа фанлар доирасида ҳам эътиборли асарлар яратган машҳур табобат олимлари ва аксинча, табобат борасида ҳам диққатга сазовор фикрлар билдирган бошқа соҳа олимлари мазкур тушунчани кенгроқ маънода қўллай бошлаганлар (Эпименид, Горгий, Аристотел, Эпиктет, Ибн Сино). XX асрга қадар толерантлик тушунчасининг айниқса дин билан боғлиқ мурувват маъносидаги талқинларига кўп дуч келиш мумкин. Лекин мазкур аср бошларидан техника тараққиёти ва унинг асосида меҳнатни ташкил этиш муносабатларининг жадал ривожланиши натижасида толерантлик тушунчаси давлат ва халқ муносабатларида, айниқса ҳуқуқий муносабатлар тизимида кенг мазмун касб этади. Энди тушунча чидам, сабр-тоқат маъноларини йўқотмаган ҳолда кўпроқ бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик каби мазмунда талқин этила бошланди.

Тоталитар – лот. totalis-бутун, тўла, бир бутун); давлат ҳокимияти органлари томонидан жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларини назорат қиладиган давлат шакли, амалда конституцион ҳуқуқ ва эркинликларни тугатилиши; бу режимда давлат ҳокимияти бирон-бир гуруҳ (сиёсий партия) қўлида тўпланиб, мамлакатда демократик эркинликлар ва сиёсий муҳолифатни амал қилиши учун имкониятлар бўлмади.

Транзакция – ингл. bank transaction, от лот. transactio – келишув, шартнома; транзакция – сотиб олишга доир шарномани тузиш/молиявий воситаларни сотишга доир шартнома. Банк транзакцияси, деганда бир банк ҳисоб рақамидан иккинчисига ёки банк ичидаги бир ҳисоб рақамидан иккинчисига пул маблағларини ўтказиш тушунилади.

Трансформация – лот. transformatio – ўзгариш; тузилмаларни, шаклларни ва усулларни ўзгартириш, фаролиятнинг мақсадли йўналишини ўзгартириш.

Тред-юнионистик назария – ижтимоий шерикликнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиши тўғрисидаги назария.

Трипартизм – ижтимоий шерикликнинг давлат органлари, бизнес вакиллари ва нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги келишув.

Ўзини ўзи бошқариш (ингл. municipal – ўзини ўзи бошқариш) у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳолининг ваколатларини ифодаловчи сайланган органлар ва уларнинг маъмурий аппарати томонидан амалга ошириладиган маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқаришга айтилади. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари таркибига маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари киради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ва қонунларида мустаҳкамланган ўзини

ўзи бошқариш органларининг табиати билан боғлиқ бўлган мустақил фаолиятни амалга оширишни ташкил қилувчи раҳбарий ғоялар йиғиндиси.

Уклад – тартиб, тарз; маълум ижтимоий-иқтисодий тузумнинг асосий хўжалик шакли.

Умумбашарий кадрият – дунё халқларининг қўлчилиги томонидан тан олинган, ҳуқуқий меъёрлар таркибига киритилган ёки кадрият, анъана ва масъулиятига айланган, воқеълик ваёҳуд муносабатлар тизимига нисбатан қўлланиладиган тушунча.

Умуминсоний кадриятлар – бутун инсониятнинг тажрибасини ифодаловчи ва маълум фарқланишлар бўлишидан қатъи назар, барча одамлар учун муштарак бўлган дунёқарашнинг идеаллари ёки ахлоқий нормалар.

Ўнг – сиёсий кучлар жойлашувида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тузилишини сақланишини мақсад қилиб олган консерватив сиёсий оқим.

Универсал – (лот. *universalis* – умумий) ҳар томонлама, кенг қамровли, қўплаб мақсадлар учун яроқли, турли вазифаларни ва функцияларни бажара оладиган.

Учинчи сектор дунёдаги барча мамлакатларда нотижорат ва хайрия мақсадларида ташаббус кўрсатаётган ва кенг фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларга (ННТ) нисбатан қўлланилади (биринчи сектор давлат, иккинчи сектор тижорат сектори ёки шахсий сектор дейилади).

Фаол (актив) сайлов ҳуқуқи – фуқаронинг сайланадиган давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ҳуқуқи.

Феминизм – лот. *femina* – аёл; эркаклар билан аёллар ҳуқуқларини тенглаштириш учун фаолият юритадиган аёллар ҳаракати.

Фикр эркинлиги – жамият аъзоси бўлган ҳар бир шахс табиий ва ижтимоий жараёнларга, фуқаролар билан сиёсий ташкилотларга ва миллий, ирқий, диний, синфий муносабатларга эга бўлган мустақил фикрларини ҳуқуқий, сиёсий диний ва бошқа муассасалар томонидан бўлиши мумкин бўлган турли тазйиқлардан муҳофаза қиладиган ижтимоий муҳит.

Фискаль – [ингл.](#) *fiscal policy*; [лот.](#) *fiscus* – сават; касса, казна, молия, солиқ-бюджет сиёсати ҳукумат сиёсати, яъин истиқболда барқарор иқтисодий тизимни таъминлаш ва бизнес-циклларнинг тебранишини камайтириш мақсадида давлатнинг иқтисодийётга аралашув усуллари билан бири; фискаль сиёсатининг асосий қуроли давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари, яъни: солиқлар, трансфертлар ва давлат сотиб олган товарлар ва хизматлар.

Форум – лот. *forum*; вакиллар мажлиси, қурултойи, конгресси; қадимги Римда халқ мажлиси ўтказилган майдон.

Фракция – лот. *fractio* – бузиш, синиш, дарз кетиш; парламент аъзолигига ёки бошқа вакиллик органларига сайланган депутатлар бирлашмаси.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудий асоси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини тузиш, бирлаштириш, тугатиш ҳамда уларнинг чегараларининг ўрнатиш ва ўзгартириш тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлари билан кафолатланадиган уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг ташкилий асоси ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг институти сифатида ўзини ўзи бошқариш органларининг тузилиши, фаолият тартиби, шакли ва принципларини, фаолият доирасини белгилаб берувчи ҳуқуқий нормаларнинг муштарак тизимидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларидан, ушбу органларга халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашлари белгиланган тартибда ажратган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий ҳайр-эҳсонларидан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролик инсонларни муайян давлат, давлатчилик билан боғлиқ ҳуқуқий ҳолатларини, муносабатларини ифода этувчи тушунчадир.

Фуқаролик жамияти фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида тегишли фуқаролик институтлари орқали фаол иштирок этиши таъминланган ижтимоий макондир.

Фуқаролик жамияти институтлари фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштирок этишига хизмат қиладиган нодавлат, нотижорат ташкилотлари, жамият бирлашмалари, оила, маҳалла, ижтимоий ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар мажмуидир.

Фуқаролик масъулияти – қонун устиворлигини тан олиш ва ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш вазифасини теран ҳис қилиш.

Функция – лот. *functio* – фаолият, ўташ, бажариш; фаолият, мажбурият, иш, тайинлаш, бурч, вазифа, топшириқ.

Халқ (араб. яратилган жонзот, одамлар) кенг маънода, муайян мамлакатнинг барча аҳолиси, тор маънода, тарихий-этноижтимоий бирликларнинг турли шакллари, чунончи, миллат, элат, этник бирлик, уруғ ва бошқаларни ифода этувчи тушунчадир. Халқ биринчи марта халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида 1945 йили БМТ Уставида «Халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш» тамойилининг мустаҳкамланиши натижасида тан олинган.

Халқ фаровонлиги – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳарбир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқдир. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғунлашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

Хартия (юн. қоғоз, ёрлик) ўрта асрларда оммавий ҳуқуқий сиёсий характердаги ҳужжат бўлган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқда декларациянинг

синоними. У – мажбурий кучга эга бўлмаган, умумий тамойиллар ва мақсадларни ифода этувчи ҳужжат.

Хусусийлаштириш – мулкка эгалик ҳуқуқининг давлатдан хусусий шахсларга ўтиши.

Ҳамкорлик сиёсати – халқаро сиёсат субъектларининг биргаликдаги сиёсий ҳаракатларда вужудга келадиган масалалар юзасидан ягона нуқтаи назарларни ишлаб чиқишида ифодаланувчи муносабат турларидан бири. Унга кўра томонлар ўз фаолиятининг асосий йўналишларида мустақилликни сақлаб қолгани ҳолда қарашлар мос тушувчи амалий масалаларда биргаликда фаолият кўрсатадилар. Масалан, гитлерчи Германиясига қарши давлатлар ҳамкорлиги.

Ҳаракат – маълум мақсадларга эришишга йўналган ижтимоий-сиёсий фаолият; бирлашма, ташкилот.

Ҳуқуқ – давлат қонунлари билан бериладиган эркинлик, ҳаракат қилиш имконияти, ниманидир амалга ошириш ёки нимадандир фойдаланиш, нимагадир эгалик қилиш; жамиятдаги муносабатларни, кишилар ва уларнинг ҳаракати ва хулқини мувофиқлаштириш, давлат ва жамият органларини яшашини таъминлашга имконият бериш мақсадларида давлат томонидан ўрнатилган ва ҳимоя қилинадиган умум мажбурий ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.

Ҳуқуқий давлат ҳуқуқ, Конституция ва Қонун ҳукмронлик қиладиган давлатдир. Давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз маъсулиятларини ҳис қилишлари, ўз навбатида жамият ва фуқаро, унинг ташкилотлари давлат олдидаги маъсулиятларини ҳис қилишлари керак. Бу маъсулиятни ошириш орқали ҳуқуқий демократик давлат шакллантирилади ва ривожлантирилади ҳамда бу жараён узоқ муддатни талаб этади.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг муҳим қисми. Ҳуқуқий маданият тарихан аста – секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илғор ҳуқуқий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурий хислати ва тараққиёт омилига айланган.

Шок терапияси (иктисодиётда) – иқтисодиётни соғломлаштиришга йўналтирилган қатор салбий оқибатларни (нархларнинг ўсиши, инфляция, бандликнинг пасайиши ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар) ўз ичига олувчи радикал чора-тадбирлар мажмуаси.

Эволюция (лотин тилидан таржимаси – бошлаш, вужудга келиш) тизимнинг ривожланиш жараёнини англатадиган тушунча бўлиб, биринчи галда жамиятга хосдир. Унга кўра, жамиятда аста-секин юз бераётган ўзгаришлар тизимга, унинг тузилмалари ташкил қилиниши ва функциялари сифатли ўзгаришига олиб келади.

Эгалитаризм – фран. egalite – тенглик; умумий тенглаштиришни жамиятни ташкил этишнинг принципи ғоясига асосланган ижтимоий-сиёсий фикр йўналишларидан бири.

Элат бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос маданияти мавжуд бўлган ва маълум ҳудудда яшайдиган ҳамда муайян мақсад асосида бирлашган ва ўз тузилмасига эга бўлган ижтимоий-тарихий бирлик тушунилади. Элат – кишиларнинг тил, ҳудуд, иқтисодий ва маданий жихатдан тарихан таркиб топган бирлиги.

Электорал – лот. elector – сайловчи; сайланадиган, танланадиган.

Электорат – сайловларда маълум сиёсий партияга (сиёсий лидер)га овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум бир сайлов округи ёки мамлакат сайловчилари мажмуи.

Электрон ҳукумат (англ. e-Government) фуқаролар, бизнес, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ва давлат хизматчиларига ахборотни тақдим қилиш ва шаклланиб бўлган давлат хизматларининг тўпламини кўрсатиш усулидир, бунда давлат ва аризачи ўртасидаги ўзаро шахсий алоқа минималлаштирилган ва имкон борича максимал равишда ахборот технологиялардан фойдаланилади. Электрон ҳукумат – мамлакат миқёсида бошқарув жараёнларнинг бутун мажмуасини автоматлаштиришга асосланган ҳамда давлат бошқарувининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун ижтимоий коммуникациялар харажатларини камайтириш мақсадига хизмат қилувчи давлат бошқаруви электрон ҳужжат алмашинуви тизими. Электрон ҳукуматни яратиш ҳужжатларни ва уларни ишлаш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ вазифаларнинг тўлиқ кўламини ҳал этишни амалга оширувчи ижтимоий бошқарувининг умумдавлат тақсимлаш тизими қурилишини назарда тутди.

Эмиссия – фр. émission – чиқариш; пул эмиссияси – муомалага янги пулларни чиқариш, муамаладаги пул ҳажмини кўпайтириш. Эмиссия нақд ёки нақд пулсиз бўлиши мумкин.

Эмпиризм – юнон. empiria-тажриба; тажрибани билишнинг бирдан-бир воситаси, деб тан олувчи таълимот.

Эркинлаштириш мамлакатнинг демократикжамятгаўтиш ва ислохотлар ўтказиш жараёнида мавжуд бўладиган турли тўсиқлар, чеклашлар ва ён беришга мажбур этадиган омиллардан қутилишга қаратилган амалий фаолиятдир. У демократик жараёнларнинг самарали ривожига янги куч, қувват ва илҳом бағишлаш имкониятини яратади.

Этнос юн. ethnos – халқ, қабила, тўда, кишилар гуруҳи, ирқ маъноларни англатади.

Юксак маънавият инсон маънавиятининг энг юқори даражаси бўлиб, у инсонларни энг эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга хизмат қиладиган она Ватан бахти иқболи йўлида буюк жасоратга чорлайдиган енгилмас кучдир.

Юрт тинчлиги – миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шarti.

Якка шаклдаги манфаат бир кишининг эҳтиёжларини ифода этувчи манфаатлар мажмуидир.

Яшиллар – экологик сиёсатни амалга ошириш трафдори бўлган, табиий муҳитни соғломлаштириш ва ҳимоялашни асосий мақсад қилиб олган жамоатчилик ҳаракати ёки сиёсий партия.

ISESCO – Ислом Конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассаси.

Uz домен зонаси – маълум даражадаги “Uz” доменига кирувчи домен номларининг мажмуаси; барча рўйхатга олинган “Uz” домен номли сайтларни бирлаштирувчи ва шу тарзда мазкур домен билан ягона Интернет-маконини ташкил этувчи веб-зона. Ўзбекистон Республикасининг мамлакат кодини ифодаловчи, махсус ваколатли ташкилот томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг юрисдикцияси остидаги ўз ичига кейинги даража домен номларини олувчи юқори даража домен. «UZ» доменидаги домен номларини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 255-модда; 2015 й., 5-сон, 61-модда).

ZiyoNet – ZiyoNET жамоат ахборот таълим тармоғи. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ191-сонли “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил топган. ZiyoNET тармоғининг асосий мақсади, республика ёшлари ҳамда таълим олувчилари учун таълим олиш тизимида кенг қўламли ахборот-коммуникация хизматларини жорий этишдан иборат. ZiyoNET Ўзбекистон Республикасига тааллуқли бўлган турли ресурслар типларидан ахборот ахборот таълим тармоғи: дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, лекциялар конспектлари, рефератлар, тақдимотлар, маълумотномалар ва луғатлар, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрларнинг диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ва яна бошқалар.

ZiyoNET Ўзбекистон Республикасига тааллуқли бўлган турли ресурслар типларидан ахборот ахборот таълим тармоғи: дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, лекциялар конспектлари, рефератлар, тақдимотлар, маълумотномалар ва луғатлар, бакалаврларнинг битирув ишлари, магистрларнинг диссертациялари, номзодлик ва докторлик диссертацияларнинг авторефератлари ва яна бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 29.08.1997 й. 464-І-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни. 04.01.2017.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев раислигида 2018 йил 27 июль куни ўтказилган “Жиноятчиликнинг олдини олиш, давлат идоралари ва жамиятнинг бу борадаги масъулиятини ошириш” масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан.
4. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, Қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак”. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Давлат органларининг эксперт-таҳлил фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3628-сонли қарори. 2018.03.29.
6. Конвенция Организация Объединенных Наций против коррупции. 31.10.2003.
7. Абдували Сайбназаров. Сингапур коррупцияга қарши кураш тажрибаси.
8. Official Journal of the European Communities.
9. Corruption and Integrity Improvement Initiatives in Developing Countries.
10. Council of Europe, European Treaty Series, No. 173.
11. БМТ Бош Ассамблеясининг 55/25-сонли қарори.
12. Ахмедов Б. Аҳкомул Қуръон. Пора ва порахўрлик ҳақида.
13. Ҳамидуллоҳ Бериуни. Пора ва унинг турлари.
14. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Қарз ва унга боғлиқ масалалар.
15. Интернет маълумотлари асосида (uza.uz, ziyouz.com, vatanim.uz lex.uz, ara.org, bbc.com сайтидаги материаллардан фойдаланилди).

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| I БОБ. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ПОРАХЎРЛИК ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ. ИСЛОМДА КОРРУПЦИЯ – МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИЛЛАТ СИФАТИДА | 5 |
| 1-мавзу. КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИ, ТУРЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ | 5 |
| 1.1. Коррупция нима? | 5 |
| 1.2. Коррупция тарихи | 11 |
| 1.3. Коррупция классификацияси | 14 |
| 1.4. Коррупцияни ахлоқий баҳолаш | 14 |
| 1.5. Коррупция турлари | 16 |
| 1.6. Коррупция хизматлари бозори | 16 |
| 1.7. Шахсий манфаат | 18 |
| 1.8. Коррупцион иллатни бойитиш жойлари | 18 |
| 1.9. Суд тизимидаги коррупция | 20 |
| 1.10. Коррупциянинг зарари | 21 |
| 1.11. Коррупциянинг мақбул даражаси | 22 |
| 1.12. Халқаро савдода коррупция | 23 |
| 1.13. Коррупциянинг сабаблари. Асосий қарама-қаршилик | 23 |
| 1.14. Юқори даражадаги коррупция сабаблари | 24 |
| 1.15. Коррупцияга қарши кураш | 27 |
| 1.16. Ташқи бошқарув | 28 |
| 1.17. Сайлов тизими | 29 |
| 1.18. Умумий чоралар | 30 |
| 1.19. Объектив қийинчиликлар | 31 |
| 2-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ СТРАТЕГИЯСИ | 43 |
| 2.1. Порахўрлик ва коррупция тушунчаси ва эътироф қилиниши | 43 |
| 2.2. Жарималар | 47 |

| | |
|---|-----|
| 2.3. “Виуик Келажак” ҳар қандай шаклдаги порахўрлик ва коррупцияга йўл қўймайди..... | 47 |
| 2.4. Муҳим хавф соҳалари..... | 48 |
| 2.5. Коррупция тўғрисидаги ахборот қандай топирилиши керак?..... | 50 |
| 2.6. Коррупцион жиноятлар, жиноий жавобгарлик | 51 |
| 2.7. Ўзбекистонда коррупцион ҳолатлар, уларнинг хусусиятлари, унга қарши кураш стратегияси ва ҳуқуқий асослари..... | 52 |
| 2.8. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Коррупцияга қарши курашиши тўғрисида | 80 |
| 2.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг коррупциянинг олдини олиши ва унга қарши курашиши бўйича фармони | 99 |
| 2.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиши тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси қонунининг қоидаларини амалга ошириши чора-тадбирлари тўғрисида | 110 |
| 3-мавзу. ИСЛОМДА КОРРУПЦИЯ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ИЛЛАТ СИФАТИДА..... | 119 |
| 3.1. Исломда коррупциянинг асосий кўриниши бўлган рибохўрлик, ришвахўрлик, судхўрлик каби иллатларга берилган..... таъриф ва тавсиф | 119 |
| 3.2. Исломда пора ва унинг турлари | 129 |
| 3.3. Судхўрлик..... | 145 |
| II БОБ. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ, ХАЛҚАРО ҚОНУНЛАР ВА КОРРУПЦИЯНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ | 150 |
| 1-мавзу. КОРРУПЦИЯНИНГ ЖАҲОННИНГ ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ТАРИХИ, ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ..... | 150 |
| 1.1. Сингапурнинг коррупцияга қарши стратегияси..... | 150 |
| 1.2. Финляндиянинг коррупцияга қарши стратегияси..... | 161 |
| 1.3. Швейцариянинг коррупцияга қарши стратегияси..... | 161 |
| 1.4. Россиядаги коррупция | 162 |

| | |
|--|-----|
| 1.5. Япония тажрибаси | 166 |
| 1.6. Австралияда коррупцияга қарши махсус курслар курашади | 169 |
| 1.7. Индонезия: коррупцияга қарши 9 та қадрият | 172 |
| 1.8. АҚШда бехосдан хатога йўл қўйган ходим жазоланмайди | 173 |
| 2-мавзу. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК..... | 179 |
| 2.1. Коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро ва минтақавий ташкilotлар ва шартномалар | 179 |
| 2.2. Бирлашган Миллатлар Ташкilotининг «Коррупцияга қарши конвенция»си | 181 |
| 2.3. Коррупция ва унга қарши кураш борасидаги миллий-халқаро ҳуқуқий нормалар..... | 255 |
| 2.4. 2017-2018 йилларга мўлжалланган коррупцияга қарши курашиши бўйича давлат дастури..... | 258 |
| 2.5. 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиши давлат дастури.... | 280 |
| 2.6. Коррупцияга қарши курашиши агентлиги | 297 |
| ташкил этилиши | 297 |
| 2.7. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашида халқаро тажрибадан фойдаланиши..... | 306 |
| 3-мавзу: КОРРУПЦИЯНИНГ МОЛИЯ-ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚА ТАРМОҚЛАРДА ИЛДИЗ ОТИШИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИ..... | 321 |
| 3.1. Коррупция бўлган иқтисодиётда ресурсларни тақсимлаш модели..... | 321 |
| 3.2. Асосий агент назарияси..... | 322 |
| ХУЛОСА | 342 |
| ГЛОССАРИЙ..... | 344 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... | 368 |

Алиев Бекдавлат Алиевич,
Мухтаров Азамат,
Норов Тожи Омонович,
Толибов Абдурауф Нуриддин ўғли

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ
СТРАТЕГИЯСИ
Дарслик

Муҳаррир: Вахабова М.М.

Техник муҳаррир: Каршиева Ш.Д.

Мусахҳиҳ: Султанова Д.Х.

Босишга рухсат этилди 3.06.2022 й. Қоғоз бичими 60x80 1/16.
“Arno Pro” гранитураси. Офис босма. Шартли босма табоғи 23,2 б.т.
Адади 250 нусха. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТДИУ босмахонасида чоп этилди.
100066. Тошкент шаҳри Ислон Каримов кўчаси 49-уй.